



**НАЖИБ МАХФУЗ**

# **КЎЗГУЛАР**

**Роман**



**«Прогресс» нашиётиинг Тошкент бўлими**

**Тошкент — 1982**

Араб ёзувчиси Нажиб Маҳфуз (1911 й). Йқин Шарқда реалистик романчиликнинг етакчиларидан биридир. Унинг ижоди ниҳоятда кўп қиррали, сермаҳсуллиги билан дижқатни жалб қиласади. Адиб 1930 йиллардан бошлаб шу кунга қадар йигирмадан ортиқ роман, бир қанча новеллалар тўпламини яратди. У ўз асарларида араблар тарихини қаламга олади, Миср воқеалигини тасвирлайди, ижтимоний ва сиёсий муаммолар, ҳаётнинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритади.

Нажиб Маҳфуз Таҳа Ҳусайн, Тавфиқ ал-Ҳаким, Маҳмуд Таймур каби атоқли ёзувчилар асос соглан замонавий реалистик араб адабиётининг анъаналарини давом эттиради. У биринчи бўлиб Миср романчилигидаги мазмун ва бадний ифода, ғоя билан мавзу масалаларини ўргата ташлади.

Нажиб Маҳфуз асарларининг мазмун жиҳатидан ҳаётйлиги, образларининг ишонарлиги, уларда оддий инсонга хос ҳис-туйгулар, фикр ва ўйлар ҳақида сўз бориши, тилининг содда ва равонлиги каби кўплаб яхши хусусиятлар адабининг фақат араб Шарқидагина эмас, балки бутун дунёда ном қозонишинга сабаб бўлди. Унинг қатор асарлари жуда кўп тилларга, шу жумладан, рус тилига ҳам таржима қилинган.

**Арабчадаи  
МУЗАФФАР ХЎЖАЕВ  
таржимаси**

**M 37**

**МАҲФУЗ, НАЖИБ**

Кузгулар: Роман / [Арабчадан М. ХЎЖАЕВ тарж.].  
Т.: Прогресс, 1982 248 б.

Махфуз, Нажиб. Зеркала: Роман.

**И(Араб)**

**M 70303 № 849  
014(01) – 82 без объявл.**

**© Ўзбек тилига таржима, расмлар, «Прогресс» нашриётиниши  
Тошкент бўлими, 1982 йил.**

## ҚИРИШ СҰЗИ

Хүрматлы китобхонларга тақдим құланаётган «Күзгулар» романы араб тицида биринчи марта 1972 йилда чоп этилған. Роман Мисерда ва айниқса Қоқирада катта шов-шувга, жуда күп мунозараларга, тортишувларга сабаб бўлди. Асарин ўқиб, айримлар беҳад қувонди, айримлар эса, саросимага тушди, газабланди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Совет арабшунос олими А. Агарышевнинг таъбири билан айтганда, романни ўқиганда киши эллик бешта кўзгу ўрнатилган кенг ва очиқ залга кириб боради. Кўзгуларда Миср воқелигининг аксини кўради. Эллик беш бобдан иборат ушбу романда забардаст адаб гўё ўзининг олтмиш йиллик ҳаёт йўлига якун ясайди. Ҳар бир ҳикояда ёзувчи шундай аниқ ва реал образлар яратадики, замондошлари бу образларда худди, кўзгудагидек ўзларининг, ёхуд замондошларининг аксини кўрдилар. Ҳар бир бобнинг — новелла деб юритсан ҳам бўлади — ўз номи бўлиб, мазкур шахснинг хусусияти ёзувчининг мақсадига: айтмоқчи бўлган фикри, кўтармоқчи бўлган масаласи ва ҳоказоларга мос келган. (Бу номлар араб алифбоси тартибидан берилган). Ҳар бир кўзгу-бобда муайян шахс акс этган; унинг қиёфаси чизилган. Аммо ҳамма кўзгу-боблар биргаликда яхлит, катта бир кўзгу — романни ташкил этадики, буни ҳақли равишда замон, давр тасвири деб атай оламиз. Ҳар бир новелланинг ўзи қисқа, тигиз бир роман бўлиб, у ҳам ўз йўлида кишиларининг тақдирни ҳақидаги кенг ва тўлақонли асарга айлантирилиши мумкин.

Нажиб Маҳфуз ўз авлоди биографиясидаги айрим тафсилотлар билангина чекланмайди. У ҳар сафар ҳар бир шахсга, воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини билдиради. Дарҳақиқат, санъаткорнинг шахсияти ҳикоянинг ўзагини ташкил этади. Санъифадан-саъифага ўтиб борар эканимиз, авторнинг — эҳтимол, асардаги энг асосий образнинг қиёфаси кўз ўнгимизда гавдалана боради. Муаллиф муносабатининг изчил занжирни асар персонажларини уззий бирлаштиради. Авторнинг мұхитта ва кишиларга муносабати, уларни идрок қилиши орқали асар ғояси ёритилади. Шундай қилиб, биринчи жаҳон урушидан бошлиб шу кунга қадар бўлган давр ичидаги турли табақа шамояндаларининг портретлари, уларнинг тақдирни акс этган энг асосий кузгу — бу авторнинг ватанпарвар ва оддий гражданининг олийжаноб, сахий ва жасур қалбидир, деб айтишимиз мумкин.

Романнинг эллик беш боби — бу аввало тўрли кишиларнинг аксарият знёлиларининг ўз вижданлари билан келишувлари та-

рххи, ёшыннеги юксак гоялари, интилишлари, мақсадлари, курашлари ва таңлаган йўлларидан воз кечишлари тарихидир.

Аммо романда кам бўлса-да, машаққатли курашларда чинниқкан, тақдирнинг қийинчилкларига бардош бера олган, ўтган таңлаган йулларидан, яшаш тарзларидан чекинмаган матонатлар кишилар ҳақида ҳам сўз боради. Ёзувчининг аччиқ, ўткир иштеҳоси замираида инсонга бўлган меҳр ётади.

Хуллас, «Кўзгулар» романи реалистик асар бўлиб, ундин жамият учун ниҳоятда зарур масалалар: Миср жамияти ду келиб қолган ва шу жамиятнинг келажаги ва тақдири қандай ҳал қилинишига боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида фикр юрти тилади.

Нажиб Маҳфуз ҳалқнинг босиб ўтган йўлини пухтароқ кураштиш ва ўрганиш мақсадида кенг давр миқёсида жамиятнинг катта қисмига бир йўла назар ташлайди. Шу тариқа новеллалар асосида тузилган, муайян шахслар кундалик турмушининг бутун иккчириларигача таърифловчи бу асар ҳаётнинг умумий тасвирини берувчи эрик полотнога айланган.

Г. М. Тошмуҳамедов  
Филология фанлари кандидат

## ИБРОҲИМ АҚЛ

Профессор Сөлім Жабр ўз мақолаларининг бири-да Иброҳим Ақл тұғрисида тұхталиб үтган зди. Ҳозир мақола мазмуни айнан ёдимда йўқ. Солим Жабр доктор Иброҳим Ақлни бир вақtlар маданий ҳаётимизга илғор фикр билан кириб келган нодир ақл соҳиби, деб таърифлагани эснмда. Үшанды ҳали кўпчиликка танилиб улгурмаган Доктор ҳақида бир танқидчи: «Иброҳим Ақл ўзининг Сорбонна университетида ёқлаган илмий ишида динни ҳақорат қилди», — демаганида олам гулистон зди. Шундан кейин Докторга қарши шиддатли ҳужум бошланди. Уни шаккокликда, айбладилар, ўз манфаати йўлида дини-ю, миллатини сотди, христианпараст шарқшунослар фикрини ўзлаштириб олди, деб тұхмат қилдилар ва ниҳоят уни университетдан четлатишга ҳам уриниб кўрдилар. Куттимаган бу ҳамладан Доктор довдираб қолди. Унинг табиатида курашувчанлик йўқ зди. Шунинг учун ҳам Иброҳим Ақл ўз соҳасини севиши ва усиз яшай олмаслигига қарамай, кўпчиликнинг раъйнга кескин қарши чиқишига журъат этмади. У тұхматни рад этиб, ўз гоясини ҳимоя қилгандек бўлди. Яъни, кўп ўртоқлари, аввало кафедрадаги дўсти, ҳамкасби доктор Моҳир Абдулкаримдан фитнани даф этиш, қандай бўлмасин танқидининг маддалаб кетишига йўл қўймасликларини илтимос қилишдан нари үтмади.

Мен 1930 йили университетга кирган кезларим Иброҳим Ақл шу ерда профессор ёрдамчиси зди. Бўлиб үтган воқеа унга университетда қандай ишлаш ва ташқари жойларда қандай қилиб фоявий мунозараларга аралашмаслик кераклигини яхшилаб ўргатиб қўйғанлиги яққол сезилиб турарди. Ундаги жўшқинлик ўрнини энди лоқайдлик ва эриничоқлик эгаалаб

олганди. Ўзи ҳали, ёш, бақувват ва ижоди айни гуллаган давр бўлишига қарамай Иброҳим Ақлнинг лекциялари ҳамкаслари бизга ўқиётгаш мазмунли лекцияларга нисбатан анча саёз, умумий гаплардан иборат эди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай Иброҳим Ақл назардан қолиб, мажлисларда талабалар томонидан калака қилина бошланди.

Бир куни аудиториядаги мунозара пайтида унга:

— Нега китоб ёзмай қўйдингиз, Доктор? — деб савол бердим.

Иброҳим Ақл менга беписанд қарагач:

— Адабиётимиз бизнинг асаримизга муҳтоҗмийкин? — деди. Кейин истеҳзо аралаш: — Агар барча китоблар гиламдек ёйиб чиқилса, улар ер сатҳини иккиси бор қоплаган бўларди. Бордию шулар ичидан эътиборга лойик, янгилик акс эттирилган тўла қонли асаларни йиғиб чиқсан, бир тор кўчани қоплашга ҳам етмайди, — деб кулиб қўйди.

Кўпинча Иброҳим Ақлни доктор Моҳир Абдулкаримнинг ал-Мунира кварталидаги ҳашаматли салон<sup>1</sup>ида учратар эдим. Мен бу шинам салонда кўп илм аҳллари билан танишдим. Вақти-вақти билан худди ўша ерда бўлиб ўтган бир учрашув ёдимга тушиб турди. Ўшанда мовий кўз, хуштавозе доктор Иброҳим Ақл салобатли қадди-қомати билан муҳташам салонга алоҳида файз киритиб ўтирган эди. Суҳбатимиз бу сафар негадир сиёsat мавзууда борарди. Биз мезбон—устозимиз Моҳир Абдулкаримни ҳурмат қилганимиз, унинг сиёсий мунозараларни унчалик ёқтирамаслигини билганимиз учун ҳамда устоз ёшлигиданоқ «Ватан»<sup>2</sup> партиясига муҳаббат руҳида тарбияланганлигини назарда тутиб (шуниси қизиқки, Моҳир Абдулкарим қўл остида таҳсил кўраётган аксари талабалар «Вафд»<sup>3</sup> партияси тарафдори эдилар) бу хилдаги суҳбатлардан ўзимизни тиярдик. Лёкин ўшавақтда Исмоил Сидқий раҳбарлигига рўй берган ҳукumat ўзгариши фикр эркинлигини бўғиб, ҳис-туйғу-

<sup>1</sup> Салон — дворян ва буржуа жамиятида фан, санъат ва адабиёт аҳлларининг хусусий уйларида меҳмон тариқасидаги йигилишиб турадиган жой.

<sup>2</sup> 1907 йилда Мустафо Комил томонидан тузилган партия. Бу партия 1953 йилда таъқиқланган.

<sup>3</sup> Вафд (1918-1953) — 1952 йиль июль революциясига қадағ Мисрнинг энг йирик буржуа партияси.

ларни шунчалик топтаб юборгандики, бу ҳақда гапир-масликининг иложи-йўқ эди. Дэврли ҳамма талабалар гапиришди. Доктор Иброҳим Ақл ҳам бу ҳақда ўз фикрини баён этиб бундай деди:

— Конституция бизнинг ютуғимиз, лекин у айни вақтда тузоқ эканлигини ҳам унумаслигимиз керак.

«Тузоқ» ибораси баъзи йиғилганларга ёқмаганлигини сезган Доктор Фикрини очиқ ифодалашга ўтди:

— Миллий ҳаракат ўзининг моҳиятини йўқотди. Биз партиялар кураши гирдобида ғарқ бўлдик. Ҳукумат ўзгаришлари ахлоқ ва ижтимоий муносабатларга катта зарар етказмоқда, 1919 йил инқилоби натижасида бунёд этилган буюк бино кундан-кунга нураб бормоқда.

— Халқ қурган бино ҳеч қачон нурамайди,— эътиroz билдири ёшлардан бири.

Устозимиз Моҳир Абдулкарим бир оз ўйланиб тургач, майин оҳангда:

— Халқимиз баъзи афсоналардаги бир кун уйгоқу, асрлар давомида ухлайдиган махлукқа ўхшайди,— деди.

— Йоксак идеалларимизни кўз қорачигидек асрашимиз лозим,— гапга аралашиб доктор Иброҳим Ақл. Сўнгра у ҳар биримизга мовий кўзлари билан бир-бир қараб чиқди-да, завқ билан:— Идеаллар, идеаллар,— дея олдинги сўзларини такорлади.

У лекцияларда шу сўзни кўп такрорлайвергани учун ўрготимиз Ажлон Собит унга «Доктор идеал» деб лақаб қўйган эди.

Уша суҳбатда Доктор факультетдаги кучайиб бораётган динга қарни ҳаракатни эслади шекилли:

— Идеалларни дин ақидаларни натижаси эмас, истасангиз, шу ақидалар манбаи деб билинглар,— деб қўшиб қўйди.

Хозир исми ёдимда йўқ ал-Азҳар шайхларидан бири жим ўтиравериб зерикканиданми, луқма ташлади:

— Сиёсат биз учун кундан-кун янги-янги қийинчиликлар туғдирмоқда.

Доктор Иброҳим Ақл шиоромуз хитоб қилди:

— Биз учун энг муҳими — идеалларни қўлдан бер-маслик!

Семиз жуссаси юмшоқ креслога ботиб ўтирган профессор Солим Жабр ҳам мунозарага қўшилди:

— Жаноб Доктор, ахлоқ ижтимоий муносабат, десмақдир. Шунинг учун ҳам биз аввало жамиятни ўзгартиришимиз лозим.

Доктор Иброҳим хотиржам қиёфада ундан сўради:

— Сиз Бергсон'нинг дин ва ахлоқнинг келиб чиқиши ҳақидаги рисоласини ўқиганмисиз?

— Мен Бергсоннинг ўша асарини ўта хаёлпаратлик деб биламан,— жавоб қайтарди Солим Жабр пинагини бузмай.

— Жаноб профессор, сиз Бергсонни тан олмаслиқ орқали ўн тўрт йил муқаддам Россияда рўй берган революцияни орзу қиляпсиз шекилли, чамамда. Ўша революция халқа кун сайнин қанчадан-қанча машаққат келтираётганидан хабарингиз борми?

Солим Жабр кескин жавоб берди:

— Биз Россияни фақат ғарб матбуотидангина биламиз.

Долчин пўстлоғидан дамланган хушбўй чой ичиб, жим ўтирган эдик, бир ёш йигитнинг: «Ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлган майда партияларни бартараф қилишдан ўзга чорамиз йўқ»,— деган овози сукутни бузди.

— Сиз синфий курашни жуда саёз тасаввур этаркансиз,— деди Солим Жабр унга эътиroz билдириб.

— Бош министрнинг айтишича, у мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилаётган эмиш. Майли, бир уриниб кўрсин,— деди доктор Иброҳим Ақл.

— 28 февраль декларацияси<sup>2</sup>даги каби бизни битим тузишга мажбур этса-чи?— деб сўради Солим Жабр.

— Ҳақиқий мустақиллик Миср банки ва идеалларимиз қўлида,— жавоб қайтарди доктор Иброҳим Ақл қатъий.

Зиёлилар билан халқ оммасининг сиёсатни ҳар хил тушунишлари мени ҳайратга солади. Сиёсат халқ оммаси орасида қон тўкилишига сабаб бўлса, зиёлилар ўртасида ҳаракатни сусайтириш ва умидсизликка олиб келувчи қуруқ фалсафий мунозаралар билан тугайди.

<sup>1</sup> Бергсон: Бергсон Аври (1859—1941) мутаассиб-идеалист француз файласуфи.

<sup>2</sup> Англия хукуматининг Миср протекторатини бекор қилиш ва уни мустақил деб эълон қилганлиги тўғрисидаги 1922 йил 28 февраль баёноти назарда тутилмоқда.

Ал-Мунира қаеридан қайтаётіб, шулар ҳақыда қизғин баҳлашдик.

— Революция қилишимиз зарур!

— Революция бошланиши учун иш ташлашнинг ўзи кифоями?

— Айтишларича, 1919 йил революцияси ҳам шу тарзда рўй берган экан...

Уша йилнинг ёзида Докторни Искандариядаги ал-Анфуший казиносида хотини ва икки ўғилчаси билан бирга кўрдим. Мен денгизда бироз чўмилгач, қаҳва ишиб, кундалик газеталарни кўздан кечириб, гарчи французыча қўшиқларни ёқтирумасам ҳам саҳнада кёчки концертга кўрилаётган тайёргарликни томошча қилиб ўтиарканман, бирдан Докторни кўриб қолдим. У салом-аликдан кейин мени хотини билан танишитирди. Чамамда, хотини маориф министрлигига инспектор бўлиб ишларди.

Биринчи қарашдаёқ Докторнинг болажонлиги, фарзандларининг кўнглига қараб, уларни меъёрдан ортиқ эркалаётганилиги сезилиб турарди. Эрининг бу қилиги хотинига ёқмас ва ундан ҳадеб болаларни эркалайвермасликни илтимос қиласади. Фарзандларини шу қадар яхши кўриши менда унга нисбатан биринчи марта ҳурмат уйготди. Ижоддан воз кечиб, ўз касбининг қадрига етмаганлиги учун Доктордан бутунлай ихлосим қайтган эди.

— Сиз Шотибий соҳилидан кўра, ал-Анфушийни кўпроқ ёқтирасиз шекилли, а?— деб сўради мендан доктор Иброҳим Ақл.

— Шотибийга қараганда бу ерда тўлқин камроқ,— жавоб қайтардим унга бепарво.

— «Кўриниш»<sup>1</sup>даги қурилиш тугаса, Искандария бутунлай бошқача бўлиб кетади.

Мен унинг фикрини маъқулладим. Доктор кулиб туриб деди:

— Шундай бўлса ҳам барйбир Исмоил Сидқийга хушларинг йўқ.

Мен Исмоил Сидқийга нисбатан нафратимни сездирмай:

— Халқ соҳил бўйилаги қурилиш билангина яшамайди-ку?— дедим.

— Сиёсат — инсон ақлиннинг эгови,— деди Ибро-

<sup>1</sup> «Кўриниш» — Искандариядаги 30 км. лик соҳил бўйи.

Ҳўм Ақл яна кулиб туриб. Сўнгра хотининг шоғири қиларкан:— Унинг онаси, яъни қайнонам — «Вафд» партияси аёллар ҳайъатининг аъзоси,— деди.

Онаси ҳурмати аёлга эҳтиром билан қарадим.

Яngи ўқув йилининг бошларида Иброҳим Ақл ўзининг барча идеалларини поймол этиш эвазига университетда катта мансабга кўтарилди. Ўша вақтда мамлакат бўйлаб саройга нисбатан душманлик хитоблари эшитилиб турарди. «Таймс» газетаси Асуандада бўлиб ўтган намойиш қатнашчилари Мустафо Наҳҳос<sup>1</sup>ни «Республика президенти» деб олқишлилаганиклари ҳақида ёзди. Натижада мамлакат аҳолиси озчиликини ташкил этган сарой тарафдорлари-ю, уларни деярли ошкора лаънатловчи оддий халқ оммасига бўлиши. Шу кезлар доктор Иброҳим Ақл «ал-Аҳром» газетасида халқни соҳиби аршга содиқликка даъват этувчи ва қирол оиласинини мамлакатни гуллатишдаги фидокорлиги, бу борада айниқса Муҳаммад Али Исмоилнинг хизматини кўкларга кўтарувчи мақола билан чиқди. Оқибатда қанчалар ардоқланган идеаллар пучга чиқди, қанчадан-қанча арбобларнинг обрўси топталди. Оддий халқ бу масхарабозликни ғаваб билан қоралади. Лекин халқ орасида ҳам ихтилоф йўқ эмас эди. Натижада ур-сур, тўқнашувлар, жунрезлик ва табақалар қурбон бериши даври бошланди. Доктор Иброҳим Ақл виждан азобида нигоҳини биздан олиб қочар, ўзини ҳеч нарса бўлмагандай тутишга ҳаракат қиларди. Биз ҳам уни ёмон кўришимиз ва масхара қилаётганимизни билдирамай, чор-ночор муомала қилиб юрдик. Бизда баъзи сиёсий шахсларга нисбатан бўлгани каби ундан нафратланиш, ўч олиш ёки ўлдириш нияти йўқ эди. Иброҳим Ақлга қотил ёки ашаддий душман сифатида қарамасдик, уннинг шунчаки тутриқсиз, лўттибоз ҳисоблардик холос.

Ўқишининг охирги кунлари, диплом ёқлашимиздан олдин, таътилга кетиш арафасида Иброҳим Ақл бизни ўз хонасига таклиф этди. У асосий вазифасидан ташқари биз — ўн ҳафар диплом ёқловчиларга раҳбар ҳам қилиб тайинланган эди.

Доктор бизни иш столи қаршисига ўтқизди-да,

<sup>1</sup> Мустафо Наҳҳос (1879—1965). Мисринг сиёсий ва дазлат арбоби. 1924—1927 — Вафд партиясининг бош секретари, 1927—1952 — шу партиянинг раиси.

жүрттага хийла вақт жим турғач, ҳар биримизга дикқат билан қараб чиқди, кейин мазаҳ қилиб кулаётғандек деді:

— Сизлар билан хайрлашувимизга саноқты қынлар қолмоқда. Хайрлашув олдидан бир сұхбатлашиб олайлик.

У ҳаммамизга яна бир бор синовчан қараб чиққач, сүзіда давом этди:— Ҳар бирингизнинг дилингизда қандай яшириң орзулар борлигини тахминан тасаввур қиласаң. Лекин орзу ушалиши сизлар ўйланча осон әмас.

Студентлардан бири жимликті бузди:

— Мустақиллік ва конституция талаб қилиш «Соғыл бўйи»да ҳашаматли бинолар қуришу, ноҳақ қон тўкишдан кўра хайрлироқ.

Бу студентнинг исми Исҳоқ Буқтур бўлиб, ичимизда энг пулдор шу эди. У доимо имтиҳонлардан кейин Қоҳира яқинидаги чорбоғида турли-туман гул навларини етиштириб сотгучийди. Иброҳим Ақл унинг гапидан хафа бўлмади, аксинча, кулиб туриб:— Сиёсат — бу ақлнииг эгови,— деди-ю, кейин насиҳатомуз қўшиб қўйди:— Ҳақиқатга, ёлғиз ҳақиқатгагина таъзим қилинглар. Ҳаётда ҳақиқатдан қимматлироқ, ундан юксакроқ нарса йўқ. Ҳақиқатга интилинглар ва уни бузмоқчи бўлганлардан нафратланинглар.

Сўнгра узоқ сукутдан кейин асосий мавзуга кўчди. Биз одобли ва ҳушёр бўлишимиз, шунингдек ҳар бир фандан ёзма ва оғзаки имтиҳон топширишимизни унутмаслигимиз керак экан. Бундан ташқари бўлим кенгашининг — талаба қандай баҳо олганлигидан қатъий назар — имтиҳон натижаларига тузатиш киритишга ҳаққи борлигини ҳам эътиборда тутмоғимиз лозим эмиш. Лекин бу баҳо ўқитувчилар қарорига асосан талабанинг умумий билим даражасига мос келиши зарур. Буларнинг ҳаммаси бизни кенгаш марҳаматига умидвор бўлишимизни тақозо қиласи.

— Масала шундаки,— дея давом этди Иброҳим Ақл,— баъзилар қуруқ сафсатабозликни, баъзилар эса амалий ишни яхши кўрадилар. Мен шахсан иккиси тоифадагилар тарафдориман. Нафси замр, ҳаммамиз мисрликлармиз-ку, ахир.

Биз оғзаки имтиҳон ва бўлим кенгашининг ҳуқуқлари тўғрисида ўйлаб жим ўтирадик, у эса ҳамон сўзларди:

— Бүктүр билан баҳсдашиб ўтирумайман ва сиёсат түгрисида бирор нарса демайман. Мен сизларни келажакка бир назар ташлаш учун бу ерга чақырганман.

Ҳаммамизга жон кириб, кайфиятимиз күтарилиди, күзимиз чақнаб кетди. Сиёсатдек қалтис масаладан ўтиб олдик. Мана, у министрлик ишга тайинлаш, лавозим ва иш ҳақини ошириш түгрисидаги қарорини номаълум муддатга бекор қыялганидан бери биз орзиқиб кутаётгап келажак эшигини очмоқчи. Қани, қулоқ солайликчи, Доктор нималар ваъда қиларкин.

— Ҳозир аҳвол жуда ҳам оғир,— дей яна гапга киришди у.— Баъзилар ўйлаганидек, фақат бинзинг мамлакатимизда эмас, балки бутун дунёда шу аҳвол. Бундан қутилишга қодир ҳам эмассизлар.

Бир оз жим тургач, қўшиб қўйди:

— Тезда иш тополмасликларингиз ҳам аниқ. Яқия орада оила ҳам қуролмайсизлар. Эҳтимол баъзиларнинг омади келиши ҳам мумкин...

Нур устини умидсизлик қолпай бошлаган кўзимизга кулиб боқди-да, сўзида давом этди:

— Сизларга оддий врач, инженер ёки ҳуқуқшуносга камдан-кам кулиб боқадиган омад ҳам насиб этмайди. Лекин сизларни энг керакли, шу вақтга қадар ҳеч ким мусассар бўлмаган ажойибот кутялти.

Кўзларимизда яна умид учқунлари чақнаб кетди.

— Сизларни ҳақиқат ва идеаллар кутмоқда!

Ҳар биримиз қариндош-уруг, маҳбубамиз ва ваъда қилинмоқчи бўлган лавозимимиз ҳақида ширин хаёлга берилгандик. Иброҳим Ақл бўлса барча орзуларимизни чил-парчин қилиб:

— Бу дунёга ортиқча ҳирс қўйманглар, борига қаиноат қилинглар, аммо ҳақиқатга ишонинглар,—дейишдан нари ўтмади.

— Демак у бизни устимиздан кулиш учун ҳузурига чақырган экан-да?

— Бошпанасиз яшаш, қасрда муте бўлиб яшашдан афзал.

— Бу гапни сен, барча идеалларни ўз манфаати йўлида бир пулга сотган... айтяпсанми?

— Бу уч-тўрт кунлик дунёда биз ортирадиган энг қимматли нарса—ҳаёт ҳикмати.

Факультетдан чиқишимиз билан ушбу «жиддий»

## Жайрлашувдан гур этиб кўлиб юбордик ва Иброҳим Ақлни сўка кетдик:

- Муттаҳам.
- Масхарабоз.
- Дажжол.

Ушандан бери анча вақт ўтди. Иброҳим Ақл юқори мансабга кўтарилганидан кейин баъзи тили ўткир ўртоқларимизга дуч келишдан қўрқиб, доктор Моҳир Абдулкаримнинг салонини ҳам четлаб ўтадиган, дўстининг уйига расмий учрашувлардагина келадиган бўлиб қолди. Ўтган ўн уч йил мобайнида уни бир мартағина, яъни 1947 йили мамлакатда тарқалган вобо натижасида Иброҳим Ақл икки фарзандидан ажраганини эшишиб, таъзияга борганимда кўрдим. Қаттиқ таъсирланганим учун беихтиёр ал-Анфуший казиноси ва у ерда ўйнаб юрган икки бола кўз ўнгимда гавдаланди. Ҳайҳот, қанчалар мудҳиш хотима! Мотам маросими Жийзада бўлди. Ҳамма оғир мусибатда. Икки тобут кетидан барваста, юзлари кертиқ, дили вайрон доктор Иброҳим Ақл ҳам бораради. Иброҳим Ақл ҳеч кимга эътибор бермас, ҳеч нарса билан иши йўқ эди. Аммо Доктор Моҳир Абдулкаримни кўриши биланоқ нечоғли ўзини тутишга ҳаракат қиласин, кўзларидан дув-дув ёш доналари думалади. Кечга томон, доктор Моҳир Абдулкарим мени чақириб, шаҳаргача кузатиб қўйишимни илтимос қилди. Йўлда профессор ачиниб:

— Доктор учун бу жуда оғир мусибат, худо сабр берсин унга,—деди.

Мен ҳам болаларга қаттиқ ачинганимни айтдим. Доктор Моҳир Абдулкарим сўзини давом эттириди.

- Унинг бир гапи мени ташвишлантириб қўйди.
- Қандай гапи?

— У менга титроқ овозда, агар сен бўлмасанг, менга бу ҳаётнинг кераги ҳам йўқ эди. Бу кунимдан ўлганим яхши эди, деса бўладими.

Доктор Иброҳим Ақл фожиасини анча вақт унутолмай юрдим. Ўзи бўлса яна кўринмай кетди. Кейинчалик ал-Мунира салонидагилар Доктор ҳақида «У кўпинча ал-Ҳусайн масжидида пайдо бўлиб, Мақом<sup>1</sup>ни виёрат қиладиган, тавба-тазарруга ўтиб олиб, оғзи-

<sup>1</sup> Мақом — Имом Ҳусайнинг қабри назарда туттилмоқда.

дан охират сўзи тушмайдиган бўлиб қолган»,—қабилица мишмиш тарқатишиди. Унинг бу маслаги, умуман, эътиқод, қолаверса, ёшлиқдаги кўр-кўрона эътиқод, ҳаёт тажрибалари асосида пайдо бўладиган эътиқод, фалсафий эътиқод, баҳтсиз ҳодисалар пайтидаги эътиқод ва кексаликдаги эътиқодлар тўғрисидә ҳар хил баҳслар келиб чиқишига сабаб бўлди. Моҳир Абдулкарим қадрдан дўстининг шаънига доғ туширишга ҳаракат қилаётганиларга нисбатан қаерда бўлмасин кескин кураш олиб борди. 1950 йилда доктор Иброҳим Ақл пенсия ёшига етганлиги сабабли ишдан бўшаб, қолган умрини тақводорликка багишилади. 1953 йил, куз кунларининг бирида ал-Ҳусайн кварталидаги ал-Боб ал-Аҳзарда, ё масжиддан қайтаётиб ёки мажсидга кетаётибми, аниқ эсимда йўқ, у билан тасодифан учрашиб қолдим. Яқин бориб салом бергандим, Иброҳим Ақл танимагандек алик олди. Ўзимни таниғанидан сўнг астойдил ҳол-аҳвол сўрай бошлади:

→ Э-э, сизмисиз? Аҳволингиз қалай? Сиҳат-саломат юрибсизми? Қаерда ишляяпсиз?

Иш жойимни айтган эдим, ҳижолатомуз:

— Кечирасиз, бирор нарсангизни ўқимабман,—деб қўйди.

Ал-Аҳзар майдонида турган машинасига кузатиб бораракманман:

— Дунёда нима гап?—деб сўради.

Унга муҳим воқеалар, хусусан, янги революция ҳақида мароқ билан сўзлаб бердим.

— Иброҳим Ақл лоқайдигина:

— Одамлар кўтарилиб пасайишади, туғилиб ўлишади, ҳарбийга олиниб, ҳарбийдан бўшашади. Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Менинг бўлса сафарим қариб қолди,—деб қўйди.

Шундан сўнг яна кўринмай кетди. 1957 йилда эса, унинг вафот этгани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Кейинчалик Иброҳим Ақлнинг жияни амакиси бир вақтлар таржима қилган француз шоири Бодлер<sup>1</sup> қаламига мансуб «Ёвуэлик чечаклари» мажмуаси қўл-ёзмасини топиб олганини эшитиб қолдим. Иброҳим Ақлнинг рафиқаси эридан бир йил муқаддам вафот этган бўлиб, ёлғиз меросхўр жиян таржимани нашр қилишга рухсат берибди. Шундай қилиб, Иброҳим

<sup>1</sup> Бодлер Шарль (1821—1867) — француз шоири.

**Ақлнинг исми араб-библиографиясида «Евузлик чечаклари» мажмуасида Бодлер исми сийдан жойланган.**

Докторнинг талабалари уни очиқдан-очиқ фириб-гар ва масхарабоз дердилар. Лекин профессор Солим Жабр кабилар Иброҳим Ақлнинг саботсизлигини қораласалар-да, уни бузилиб бораётган жамиятнинг қурбони қаторига қўшиб қўйишганди.

Кунларнинг бирида устозим **Моҳир Абдулкарим** оҳистагина:

— Иброҳим Ақлни бадном қилишинглар адолатдан эмас. У катта ақл эгаси эди. Сорбоннада ўқиб юрган чоғимииздаёқ, бизни ўткир зеҳни билан ҳайратда қолдиради,—деб қолди.

— Лекин унинг ўша ўткир зеҳни ҳеч кимга заррача фойда келтиргмаган,—эътиroz билдиридим мен.

Солим Жабр ўзини тушунмаганга олиб:

— У Мисрдаги зуқко файласуф, холис шахслардан бири эди. Ёзувчи бўлиб яратилмаган, аммо истеъдодли, Сукрот сифат, фозил, жонкуяр сиймо бўлганлиги рост,—деди.

— Унинг мавқенини тиклаш учун янги Афлотун дунёга келиши лозимдир? Лекин Доктор ўзидан кейин фақат Бодлернинг «Евузлик чечаклари» таржимасидан бўлак ҳеч нарса қолдирмаган,—эътиroz билдиридим мен.

## АҲМАД ҚАДРИЙ

Қишлоқда ўсган ва бизга бир оз қариндошлиги бор Аҳмад Қадрийни эсларканман, ҳар гал бир воқеа кўз ўнгимга келади. У баъзан Қоҳирага келиб, бизникида бир неча кун турарди. Шунда кўп вақтини Аббосия кварталидаги кўкаламзор кўчалар ва сўлим бөғларда айланиб юриш билан ўтказарди. Мен ўшанда тўқ-қиз-үн ёшларда, Аҳмад Қадрий эса мендан беш яшар катта эди. У ота-онасиининг ёлғиз фарзанди бўлиб, анчагина айёр ва бебош эди. Кунларнинг бирида Аҳмад Қадрий менга айланиб келишни таклиф қилиб қолди. Ота-онам хавотирланмасликлари учун улардан бирга боришимга рухсат сўради. Калта шимимни кийиб, Аҳмад Қадрий билан йўлга тушдим. Трамвай бекатига яқин қолганимизда, у мени тўхтатиб:—Мени айтганимни қилсанг печенье олиб берардим,—деб қолди.

— Нима қилишим кера? — сўрадим мен.  
— Қаерда бўлганимизнй сўраб қолиша, «Олимпия кино-театрига бориб, Чарли Чаплин фильмини кўрдик», — дейсан. Хўпми? — деди.

Мен рози бўлдим.  
Печенье еб трамвайга чиқдик. Нотаниш бир бекатда тушдик-да, аллақандай қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб, ғалати бир уй олдида тўхтадик. Аҳмад қўлимдан ушлаб, ичкарига бошлаб кирди. Кирдим-у, ҳайратдан оғзим очилиб қолди: ичкарида кўзни қамаштирадиган даражада ўзига зеб берган учта аёл ўтиради. Афтидан, улар ўзларини бемалол ҳис қилишар — тиззаларидан юқориси ва кўкраклари очилиб қолгая бўлса ҳам парво қилишмас эди. Аёллардан бири ўрнидан турганди, Аҳмад мени унинг ўрнигá ўтқазиб:

— Қайтиб чиққунимча, шу ердан қимиirlама, — деб тайинлади. Сўнгра аёллардан менга кўз-қулоқ бўлиб туришларини илтимос қилди ва ҳалиги аёл билан ичкарига кириб кетди. Мен ёнимдаги аёлларга қарамасликка ҳаракат қилиб, ердан кўзимни узмай ўтиредим... Кўнглим қандайдир ноҳуш иш бўлаётганини севиб турарди. Аёллардан бири «Танамни куйдирди ўтили бўсалар», — деб қўшиқ айтиб ўтиради. Бир маҳал, иккинчи аёл мендан сўраб қолди:

— Иигирма тийининг борми?  
— Йўқ.  
— Неча тийининг бор?  
— Ўн тийин, — дедим ҳадиксираб.  
— Яхши. Анави хонада ғаройиб бир нарса кўрсатами?  
— Жойингдан қимиirlама, деб тайинлаб кетди-ку.  
— Бир лаҳзада кириб чиқамиз.  
— Йўқ.  
— Кўрқма, нимадан қўрқасан? — аёл қўлимдан ушлади-да, хонага тортиб киаркан, эшикни ёпаётуб:  
— Чиқар, ўн тийинингни, — деди.  
Пулни бердим. У менга синчков назар ташлагач:  
— Шимингни еч, — деди.  
— Йўқ, — дедим мен қўрқиб кетиб.  
Шунда аёл ўзи ечини бошлади. Мен яланғоч аёлни умримда биринчи бор кўришим эди. Вужудимни титроқ босди. Кўзим тушган бир нарсадан мен яна ҳам қўрқиб кетдим.



Эшикни очиб, ташқариға отилдим. Аёл хандон ташлаб кулди. Унинг қаҳқаҳаси мени илондек қувиб келәтганга ўхшарди. Даҳлизда ўтирган аёл ҳам қотиб-қотиб куларди. У менга ёнидан жой кўрсатди, лекин мен бирор нарсага қўл тегизишдан ёки бирор нарса менга тегиб кетишидан ҳазар қилиб, даҳлиз ўртасида туриб қолдим. Ташқарида юрганлар ҳам кулиб, ҳар хил беъмани гаплар билан мени мазаҳ қила бошлидилар. Мен нима қилишимни билмай, гангиг қолдим. Ниҳоят, Аҳмад ҳам чиқди-да, менга қараб:

— Сенга нима бўлди, соқчи аскардай қотиб турибсан?—деди бепарволик билан.

Мен чўкиб кетаётган одамдек унинг билагидан маҳкам ушлаб олдим.

Аҳмад Қадрий мени кўчага бошлади.

Қайтишимизда намойишчиларга дуч келиб қолдик ва ўқтин-ўқтин отилиб турган ўқ садолари остида, анча қийинчилик билан орқа кўчалардан юриб, ниҳоят, трамвайга чиқиб олдик.

Бир оз юрганимиздан кейин Аҳмад мени синаб кўрди:

— Қани, шоввоз, айт-чи, қаерда бўлдик?

— Олимпия кино-театрида.

— Қайси фильмни кўрдик?

— Чарли Чаплинни.

— Баракалла, лекин нега рангинг бу қадар оқариб кетди?

— Билмадим.

— Ҳалиги икки аёл тегажоқлик қилишдими?

— Йў-ўқ...

Аҳмад хавотирланиб, менга бир оз тикилиб туриди-да:

— Сенга нима бўлди ўзи?—деди.

Мен йиғлаб юборай дедим.

— Нима бўлди ахир?— бетоқат бўлиб сўради у яна:

Мен ўзимни зўрга тутиб жавоб қайтардим:

— Ҳеч нарса. Бунинг сенга алоқаси йўқ. Дора... У мен ўйлагандек чиройли эмас экан.

— Дора деганинг ким?

— Доннинг маъшуқаси.

— Дон деганинг ким?

— Саргузаштлар қаҳрамони. Болалар журналини ўқимайсанми?

— Болалар журнали эмиш! Эсинг жойидами ўзи? Рангингга қара, бўздек оқариб кетибди. Ўзингга келмагунингча уйга қайтмаймиз.

Аҳмад Дорани қанчалик севишимни билмас эди. Мен Доранинг бадани дурдек мусаффо, гулдек гўзал ва нафис деб ўйлаб юрганимни у қаёқдан билсин...

Умуман олганда Аҳмаднинг Қоҳирада бўлган кунлари энг бахтли кунлар эди. У менга футбол ўйнаш, бокс тушиш ва тош кўтаришларни ўргатарди. Ҳар хил латифалар айтиб берарди. Баъзан Чарли Чаплиннинг юришига тақлид қилас, қишлоқ оқсоқоли ва қоровул бошининг гапларини айтиб, ҳаммани кулдирав, ашулашлар айтиарди.

Қадрийнинг оиласи кўп ўтмай Қоҳирага кўчиб келиб, Обидин кварталида истиқомат қила бошлади. Энди Аҳмад бизникига тез-тез келиб турар, аммо илгаридек бир неча кунлаб қолиб кетмасди. Урта мактабни эплай олмагач, у отасининг ёрдамида полиция мактабига ўқишга кирди. Мактабни яхши тутгатганлиги сабабли Қоҳирада ишда қолди. Шундан кейин ўз ишлари билан банд бўлиб бизникига келмай қўйди. Ўша кунлари уни бир марта, у ҳам бўлса, Исимбек саройидаги «ишрат»дан тунда, яширинча чиқиб келаётганида, тасодифан кўриб қолдим.

Кўп ўтмай ота-онаси вафот этди. Аҳмад билан кўришмайдиган бўлиб қолдик. Ҳатто уни унуга ёзгандим ҳам. Кунлардан бар куни иккинчи жаҳон уруши даврида сиёсий полицияга ишга ўтган Қадрийнинг у ердаги ажойиб «фаолиятлари» ҳақида эшитиб қолдим. Айтишларича, бугунги Аҳмад ўша мен билган Аҳмадга тамомила ўхшамасди. Энди у ватанпарварларни қаттиқ азобларга соловчи золимга айланибди. Аҳмад ҳақидаги миш-мисларни эшитиб ҳайрон бўлардим. Наҳотки, ўша ҳазилкаш, башанг Аҳмад озодлик тарафдорларини қийновчи, сигаретани маҳбуслар қовоғида ўчирувчи, ҳатто, уларнинг тирноқларини кўчириб оловчи тошбагирга айланаб қолган бўлса?

Ризо Ҳамода, Солим Жабр каби ватанпарварлар, зиёлилар даврасида унинг кирдикорлари қаттиқ қораланаарди. «Революция амалга ошгунга қадар қуролсиз халқни Аҳмадга ўхшаш ёвузлардан ҳимоя қилиб туриш учун вақтинча махфий ташкилот тузиш керак», — деган таклифлар қулоғимга чалинарди.

Дарҳақиқат, Мұхаммад Али клуби олдида Аҳмад Қадрийга сүиқасд уюштирилді. Лекин у тасодиған омон қолди.

1952 йил революциясидан кейин Қадрий устидан жиной иш құзгалды. Лекин у бу сафар ҳам усталик билан жазодан қутулиб қолди. Тергов тугагач, Аҳмад пенсияга чиқарылды холос.

У яна бедарак бўлиб кетди. Бироқ 1967 йилнинг кузида, мени тўсатдан инглиз-америка шифохонасига телефон орқали чақиришди. Аҳмад ўша ерда юрак касали билан ётган эди. Дафъатан уни таниёлмадим. У олтмишлардан ошиб, анча кексайиб қолганди: Қиёфаси отасининг охирги йилларидағи ҳолатини эслатарди.

Киришим билан, Қадрий безовта қылгани учун узр сўради. Одамийлик юзасидан бир-икки оғиз ширин сўз айтиб, кўнглини кўтарган бўлдим.

— Тўгрисини айтсан,— деди у оҳиста,— сендан ўзга ҳеч кимим қолмади. Мабодо, менга бирор нарса бўлиб қолса, ўзинг бош-қош бўлиб, сўнгги маконимга элтиб қўярсан, деган хаёлда сени бу ерга чақирирдим.

Унга тасалли бердим. Даволовчи врачни чақириб, беморнинг аҳволини сўрадим. Доктор хатарли давр ўтгани ва буёғи bemorning иродасига боғлиқ эканини айтди. Бу сўзларни эшитган Аҳмад:

— Дардим фақат юрак касали эмас,— деди.

Бу билан Аҳмад аёллар, қимор ва ичкиликни назарда тутаётган бўлса керак деб ўйладим. Бундан кейин ўзини эҳтиёт қилишини, bemaza ишлар билан шуғулланмасликни маслаҳат бердим.

— Касаллик қайталаниши турган гап,— деди Аҳмад беспарволик билан. Унинг юзига узоқ тикилиб турдим. Ўша мен билган хушчақчақ, ҳазилкаш йигит шуми? Бир вақтлар ҳаммани даҳшатга солган газанда қани? Кўнглимда унга нисбатан заррача ачиниш сезмадим. Суҳбат мобайнида аён бўлишича, у Замаликдаги бир ҳужрада истиқомат қиларкан. Шу вақтгача уйланмабди. От пойгасига ишқибоз уч-тўртта кекса юононлик танишларидан бошқа дўст ҳам ортирамабди.

Аҳмад бошини чайқаб ғудурлади:

— Мен ҳам ўшалар каби тугаганга ўхшайман.

У кимларни назарда тутаётганини дарҳол сез-

дим. Чунки 5 июнь<sup>1</sup> фожиасини унутганимча йўқ эди. Ненсияга чиқарилганидан бери қалбида чексиз нафрат сақлаб келаётганини пайқадим. Лекин ҳолатининг оғирлигини эътиборга олиб, мудҳиш ўтмиш воқеаларини қайтадан эсламаслик учун унга ичқоралиги ва ўзгалар баҳтини кўролмаслигини таъна қилиб ўтирадим. Ҳар ҳолда унинг революция ва ўз келажаги тўғрисидаги каромати пучга чиққани аниқ-ку.

Орадан уч ҳафта ўтгач, у шифохонадан чиқди. Миннатдорчилик билдириш ниятида бизнигига келди. Кўринишидан сиҳат-саломатлиги жойида эди. Кексаларни эслаб, мақтана бошлаганди, фурсатдан фойдаланиб, довруғи кетган «фаолияти»га ишора қилиб:

— Биласанми, сен тўғрингдаги айрим гапларга сира ишонгим келмайди,— дедим киноя билан.

Аҳмад гапимга аҳамият бермагандек туюлди. Бевақт гап бошладим чоғи, деб ўйладим. Лекин у бошқа нарсалар ҳақида фикр юритилаётгандек гап қотди:

— Масалан, бирорта машина кимнидир босиб кетди дейлик. Хўш, бунда аввало ким айбдор? Машина-ми? Йўқ, бу фожиага энг аввало ҳайдовчи жавобгар. Қолаверса, талабга жавоб беролмайдиган йўл ёки нуқсонли машина ишлаб чиқарган завод, кейин йўловчининг ўзи айбдор. Вафдчилар ҳукумат тепасида турганида, биз бирор кишига азоб бермадик. Нима учун? Масала шундаки, давлат бошқаришда икки хил йўл бор. Демоқчиманки, давлат икки хил ҳукумат томонидан бошқарилиши мумкин. Бири ҳалқ томонидан сайланган ва давлат ҳисобидан бўлса ҳам ҳалқ эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилувчи, иккинчиси эса, давлат томонидан тайинланган, ҳалқ ҳисобидан бўлса ҳам, давлат эҳтиёжини қондиришга интилувчи ҳукумат. Биз ҳеч кимга сен ўйлагандек азоб бермадик. Сизлар ҳам маълум бир вазифани бажарганда, айтайлик, министрга ҳисобот ёзишда маълум қоидага риоя қиласизлар-ку. Биз ҳам ҳукмга риоя қилиб, буйруқни аниқ ижро этардик. Ҳар қанақа иш унинг қандай бажарилганлигига қараб тақдирланади. Ичимизда ким-

<sup>1</sup> Истроил босқинчиларининг араб мамлакатларига 1967 йил 5 июндаги ҳўжуми назарда тутилмоқда.

дир ғұз амалини суистеъмол қылған бұлиши мүмкін.  
Ахир сизларнинг орангиэда ҳам иш жараёнида баъзан  
бирор камчилик ёки хатолика йўл қўйиб юборувчи-  
лар йўқ эмас-ку.

Суҳбат мобайнида Аҳмад столда турган суратга  
бир неча марта динқат билан қараб қўйди-да, кейин:

— Бу доктор Иброҳим Ақлку,— деди.

— Ҳа. Баъзи ҳамкасб дўстлари орасида. Сен уни  
тапиридинг?

— Йўқ. Муайян шаронитга кўра, саҳифалардаги  
унга тегишли бўлган нарсаларни кўздан кечириб бо-  
ришга кўрсатма олгандим.

— Қанақа шаронитни назарда тутилсан?

Аҳмад узоқ ўйланиб қолди:

— Эҳтимол унинг фарзандлари вафот этганини  
эшитгандирсан?

— Ҳа, иккала ўғлини ҳам вабо олиб кетди.

— Менинчя уларниң ўлимига вабонинг дахли йўқ  
бўлса керак, бу ёғи тангрининг иродаси,— деди Аҳмад  
мийигида кулиб.

Юрагим орқамга тортиб кетди:

— Нима дедииг?

— Кунлардан бирида бошлиқ билан самимий суҳ-  
батлашиб ўтирган эдик, уларниң ўлдирилганликлари  
ҳақида шипшитиб қолди.

— Улдирилганмидилар?!

— Үзингни бос. Ўтган ишга салавот.

— Нима сабабдан ўлдирилган, қотиллар ким?

— Сўзимга ишон, аниқ бирор нарса билмайман.  
Бошлиқнинг ўзи ҳам қандайдир обрўли аёл билан  
сарой аҳларидан бири ўртасидаги «муҳаббат» можа-  
роси ва саҳро йўлидаги хилват уйда юз берган қотил-  
лик ҳақида орқаворотдан эшитибди.

— Батафсилоқ гапириб бер.

— Худо ҳақи, бундан ортиқ ҳеч нарса билмайман.

Унинг сўзига ишонмасликка иложим йўқ эди.  
Эшитгандаримни устозим доктор Моҳир Абдулкарим-  
га сўзлаб берганимда, унинг одатдаги хотиржам ва  
салобатли чеҳрасида ҳайратланиш аломатларини  
сездим.

— Марҳум Иброҳим Ақл мендан бирор гапни сир  
тутганлигига ҳеч ишонгим келмайди.

— Эҳтимол, қотилликда сарой аҳларидан бири-  
ниң қўли борлиги учун айтмагандир.

Хайратланган устозим бошини шубҳали тебратди.  
Фожнапи яхшилаб аниқлашга қарор қилдим. Бироқ  
Аҳмад Қадрий яна дом-дараксиз ғойиб бўлди.

Кейинчалик Аҳмад аҳён-аҳёнда Феникс қовоқҳона-  
сига хорижий дўстлари билан келадиган одат чиқар-  
ди. Охири марта уни 1970 йилнинг бошларида, Талъат  
Харб майдонидаги узоқдан кўрдим. Унинг тишлари ту-  
шиб кетганга ўхшар, лекин соғлиғи ёмон эмасдек  
эди.

## АМОНИЙ ХОНИМ

Мен Амоний хоним билан телефон орқали танишиб  
қолдим. У саломлашиб, ҳол-аҳвол сўраб бўлгач, теле-  
визорда олиб борилаётган адабий мунозаралар хусу-  
сида бъязи масалаларни мендан аниқлаб олиш иста-  
гини билдириди. Гапининг мазмунидан хонимда санъ-  
атга муҳаббат, асл тарихий манбаълар тўплаш,  
фойдали учрашувларга қизиқини бордек туюлди. Уни  
ишхонамга таклиф қилдим. Аммо хоним расмиятчи-  
ликни ёқтиरмаслиги туфайли бирор бошқа жойда  
учрашишни лозим топди.

Учрашувимиз 1965 йил баҳорининг охирги кунла-  
ри, баҳаво Аҳром боғида бўлиб ўтди. Мен уни студент  
қиз ёки яқиндагина ўқишини тугатган ёш мутахассис  
бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ хоним қадди  
қомати келишган, мовий кўз, қирқ ёшлар чамасидаги  
хушрўй аёл экан. У замонавий Миср хотин-қизларига  
жос дид билан кийинган, ташқи қиёфаси ўзига оро  
берган артисткадан қолишимасди. Хонимни кўришим  
билиноқ, санъатга бўлган муҳаббат учрашиш учун  
шунчаки бир баҳона эканлигини англадим. Бу мени  
тараддудга солиб қўйди. Шунга қарамай, бундай  
дилбар аёл билан танишиб олишга қарор қилдим.  
Боғнинг шаҳар томонидаги скамейкада бир-биrimиз-  
дан уялниқираб, бир оз жим ўтирдик. Орадаги жим-  
ликни «р» ўрнида «f» талаффуз этиб, сўз бошлади:

— Жуғат этиб, сизни таклиф этганим учун маъзуғ  
тутасиз. Сиз билан кўришиш мен учун ниҳоятда за-  
рур эди.

— Ҳеч қиси йўқ. Танишганимдан фоят хурсандман.  
— Бўш вақтимни фақат санъатга бахш этсам дей-  
ман. Бахтимни қарангки, истеъдодим ҳам йўқ эмас.  
— Хизматчимисиз, Хоним?

— Йўқ. Диплом олиш бахтига мұяссар бўлмаганман. Үрта мактабни тугатганим холос. Лекин жуда кўп мутолаа қиласман. Радио учун бир қанча адабий эшиитиришлар тайёрлаб берганман.

— Бахтга қарши, камина бирортасини ҳам эшитиш шарафига мұяссар бўлмаган эканман.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ...

Унинг шаънига бир-икки оғиз илиқ сўз айтиб, менга кўрсатган ҳурмати учун ташаккур билдиридим.

— Бирор дурустроқ асар ёзиш учун тарихий манбаъларга мурожаат этишга тўгри келади.

— Менимча, бундай манбаъларни топиш қийин эмас.

— Шарқнинг энг машҳур аёллари, хусусан, муҳаббат бобида ўчмас ном қолдирган аёллар ҳақида китоб ёзсан дейман.

— Ажойиб фикр.

— Балки, бу соҳада ҳамкорлик қиласмиш,— деди у мулойим кулиб туриб.

— Авф этасиз, Хоним, ҳозир мен бошқа ишлар билан бандман.

— Жуда имкониятингиз бўлмаса, менга керакли китобларни тавсия этиб, шуларнинг ичидан ўзингизга маъқулроғини танлаб олишингиз мумкин.

— Манбаъларни тавсия этишим мумкин. Лекин...

У эътиrozимни эшиитмагандек, терак учларига қараб туриб:

— Холироқ жойда, масалац, боғда ишлашимиз мумкин. Ёки бўлмаса, уйимга марҳамат қилсангиз,— деди.

— Уйингизга?!— сўрадим таажубланиб.

— Кечирасиз, оилавий ҳолатим билан сизни таништирмабман. Эрим билан ажрашганим. Вақтича холамнинг уйида яшаяпман. Ўглим ва қизим оталиари билан.

— Холангиз ранжимасмикинлар?

— Бирга ишлаш айб эмас...

Сўнг узоққа қараб туриб, ўйланиброқ қўшиб қўйди:

— Ишлашимизга қулай шаронт яратиш учун бирор восита ўйлаб топармиз.

— Лекин...

— Лекиннинг нимаси?

— Тұғрисінің айтсам сиздек жағофатлы аёлнинг  
еңғиз яшаши ачинарлы.

— Ҳа, у кишига турмушга чиқышта чиқдим-ку,  
лекин бир күн ҳам күнгілдагидек яшолмадык.

— Қизиқ...

— Эримнинг ўзи уни ёқтирумаслигимни билади.  
Мен уни ҳеч қачон севмаганман.

— Шундай экан, нега унга турмушта чиқдін-  
гиз?

— Турмушта чиққанымда ўн олти ёшда әдім, ёш-  
лик-ғұрлых қылғанман.

— Сабр қылсанғыз күникиб кетармидингиз балын.

— Эрим ўтакеттегі худбін чиқиб қолди.

Суҳбатиміз умумий гаплар, хусусан, ўтмиш хоти-  
раларини эслаш билан чегараланиб қолғаныдан зері-  
ка бошладым. Буни сезган Амоний хоним құлымға но-  
зик құлларини қўйиб, оқиста деді:

— Менга қалбимни тушуна оладиган, сұяниқ  
янсон керак!

Уннинг гапини ҳазилга йўндим.

— Санъатга муҳаббатингиз бу ёқда экан-да!

— Менга санъат ҳам, яшаш ҳам керак!

Биз Аҳром боги ичра айланиб юрардик. Санъат ва  
тарих мавзусида сўз очилмади ҳам. Аксинча, эътибо-  
римизни ҳаёт икир-чикирлари банд этган әди. Хоним  
кеекса холаси, уннинг уйқуси қаттиқлиги, замбарак отиб  
ҳам уйғотиш қийинлиги хусусида кула-кула гапирға,  
қўшиб қўйди:

— Истасангиз, бўлак жойда учрашишимиз мумкин.

Уннинг мулойим гаплари-ю, оҳу кўзлари мени маф-  
тун этди:

— Майли, мен розиман.

— Үндай бўлса,—деди суюнған ҳолда,— бироз  
муҳлат беринг, уйни тартибга келтириб олай...

Учрашув муҳитига мослаб ясатилған хопада икки-  
миз холи ўтирадик. Қизғиши нур ўзгача кайфият  
бахш этар, димогимга атир билан ароқ ҳиди урилар-  
ди. Борлигимни ёқимли ҳирс чулғаб олган. Қўп ўтмай  
юмшоқ шоҳона ўрин, пок севғи эмас, кайф иштиёқи  
менга ҳузур бахш этди.

Амоний хонимни ўтли ҳирс гирдоби чулғаб олған-  
ди. Оналик, ишонч, муҳаббат, вафодорлик түйгүснідан  
маҳрум қалб ҳис эта оладиган мәҳр ва ардоқлашы-  
ташна бу аёл мудҳиши қоронғи тунда узоқ вақт йўлдан

Адашиб, беногоҳ нурға дуч келиб қолган сарсари кимсанни эслатди менга.

Шу кундан бошлаб Амоний хонимниги тез-тез келиб турадиган бўлдим. У менга энди гоҳо ўзининг мөлиявий аҳволи, отасидан қолган катта бойлиги тўғрисида сўзлар, гоҳо ҳозирги ёшларга ишонч йўқлиги, қизидан хавотир олаётганилиги каби уни ташвишлантирадиган масалалар борасида дардлашарди. Аммо мен кундан-кунга Амоний хоним билан бўлган муносабатим ҳақида кўпроқ ўйлай бошладим.

Муносабатимиз омонатлиги, фақат ишрат иштиёқигина жиддий муҳаббатга замин бўломаслигини чукур ҳис қилардим.

Уша йили ёз охирлари ёки кузнинг бошларида бўлса керак, университетдошларимдан бирни Абду ал-Басюний уйимга ташриф буориб қолди. Университетни тугатганимизга ҳам чорак аср бўлганди. Ал-Басюний анчагина ўзгариб кетибди, аммо уни дарҳол танидим. Биз ҳар куни учрашиб турган қадрдонлардек илиқ кўришдик. Ёши мендан сал катта курсдoshимнинг шу қадар ўзгариб кетиши мени қаттиқ ажаблантириди:

— Жаноблари ҳозир қаерда ишлаяптилар?

Гўё саволимни эшишмагандек, мендан сўради:

— Эҳтимол узоқ вақт кўринмай кетган бу одам нима сабабдан келдийкин деб ҳайрон бўлаётгандирсиз?

— Ҳар ҳолда яхшилик билан келгандирсиз, дўстим?

У мийигида кулиб қўйди:

— Мен ҳузурингизга Амоний хонимнинг шаръий-эри сифатида келдим.

Аввал унинг нима деяётганини англолмадим. Гапининг маъносига тушуниб етгач, тўғрисини айтганда, лом-мим дея олмай, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Бир зумда ҳамма нарса кўз ўнгимдан гойиб бўлди. Абду ал-Басюнийнинг юмaloқ буғдойранг юзини кўриб турадим-у, лекин аниқ ҳис этолмасдим. Бу қиёфа кабинетимга аввалдан ўрнатиб қўйилган ҳайкалдек туюларди. Ҳолатимни кузатиб турган ал-Басюний: «Саросимага тушманг, бу гапдан мутлақо бехабарлигинизни биламан. Мен бу ерга сиздан қасос олгани келганим йўқ», — деди. Бироқ унинг гаплари қулоғимга кирмасди. Хижолатдан бошимни кўтаролмай,

хонамдаги курсі томон араңг юрарканман, унинг «Бахтимга, Парижда ўтказған күнларим беҳуда кетмади»,— деган гапи эшитилди.

Унинг юзига қарашига ботинолмай сўрадим.

— Бошқа аёлни назарда тутаётганингиз йўқми?

— Сиз кеча ҳузурида бўлган аёлни назарда тутяпман.

— Лекин у эридан ажрашган.

— Ваҳоланки, ҳали ажрашганимизча йўқ.

— Қандай даҳшат!

— Менинг сиздан ҳеч қандай давоим йўқ.

— Лекин афсус, мен ўта аҳмоқона иш қилибман.

— Сизнинг бу ишда айбингиз йўқ. Сиз бўлмасангиз, бошқасига илашарди.

— Нима?

— Неча бор уни бундай ярамасликдан қайтаришга ҳаракат қилдим. Лекин афсус, ўз билганидан қолмади. Мен фарзандларимниң келажагини ўйлайман.

Ал-Басюнийнинг тақдиринга қаттиқ ачинидим.

— Қандай тоқат қиляпсиз бунга?! Шу ҳам ҳаётми?

— Иложим йўқ, у ажралишни истаса ҳам мен уни қўйиб юборолмайман.

— Нега?

— Ахир у икки фарзандимнинг онаси. Улар катта бўлиб қолишган. Агар уни қўйиб юборсам, шу йўлда тамом бўлади.

— Эҳтимол, ажрашсангиз бошқа кишига турмушга чиқар?

— У кишини ҳам бадном қиласи.

— Минг афсус.

— Шунинг учун ҳам хотинимни бу йўлдан қайтаришга қатъий қарор қилдим. Уни бу жарликдан тортиб олмасам бўлмайди. Бахтимга, Парижда ўтказған күнларим беҳуда ўтмади.

— Хиёнат аралашган турмуш турмуш эмас!

— Ҳа. Эҳтимол Амоний менинг ҳақимда сизга бирор нарса дегандир? Мен ҳам у тўгрисида анчамунча биламан, лекин ҳозир буни айтадиган вақт эмас. Мен уни фосиқликдан албатта қайтараман.

— Афсус, сиз билан шунчалик кўнгилсиз вазиятда учрашаман деб асло ўйламагандим.

Ал-Басюний сўзларимга эътибор бермай, хаёлчан қиёфада сигарета тутатди:

— Шубҳасиз, илгариги ҳаётимни яхши биласиз.

— Ҳа, биламан...

Ал-Басюнийнинг университетдаги даври, ўз ҳисобидан Парижга ўқишга жўнагани, у ердан бирор натижага эришолмай, икки-уч йилдан кейин қайтиб келгач, депутатлар советига аъзо қилиб сайлангани, ўз мавқеини сунистеъмол қилгани — буларинг ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди.

— Июль революциясини хайриҳоҳлик билан кутиб олдим. Революция йўлида ихлос билан хизмат қилдим. Лекин ўзгалар уюштирган сунқасдда мени ноҳақ айлашди. Мол-мулкимни мусодара қилишди. Ҳатто кўчаларда тиламчилик қилиш даражасига тушдим.

— Менимча, хотинингиз бойвучча бўлса керак?

— Аслида қашшоқнинг қашшоғи эди. Агар бойвучча холаси бўлмаганида, ҳоли нима кечарди билмадим. Бу борада ҳам сизга ёлғон гапирганга ўхшайди. Лекин холасининг бошқа меросхўрлари бор.

— Турмушингизнинг бузилишига омаднингиз юришмагани сабаб бўлмадимикин?

— Йўқ, асло. Биринчи кунданоқ кеча-ю кундуз астойдил меҳнат қилдим. Таржима билан шугулландим, обрўли дўстларим ёрдамида баъзи нарсаларим матбуотда нашр этилиб турилди. Бошимга тушган қийинчиликлар қисман асабимни бузди. Охирги пайтларда орамизда тез-тез жанжал чиқадиган бўлиб қолди.

— Бу келишмовчиликлар ўткинчи, ишонаманки, ҳакти келиб ҳаммаси унутилиб кетади.

— Кошки, шундай бўлса.

— Ишонаверинг.

— Болаларим бўлмагандан, аллақачон алоқамни узган бўлардим.

Ал-Басюний бироз жим қолгач, тан олди.

— Бир куни жаҳл устида бир тарсаки қўйиб юборибман. Шуни ҳеч кечиролмайди.

— Чакки иш қилгани экансиз.

У менга бироз тикилиб тургач, қатъий оҳангда:

— Хотиним билан алоқани бутунлай узинингизни сўрайман,— деди.

Мен бу тўғрида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини, хотинини уйига қайтаришга уриниб кўришимни айтдим.

Шундан сўнг у, келинг, кўнгилсиз суҳбатимизга чек қўяйлик деди-да, мавзуни ўзгартириш мақсадида

доктор Иброҳим Ақл ва доктор Моҳир Абдулкарим-лар ҳақида сўзлай бошлади.

Елкамдан тог ағдарилгандек енгил тортдим.

— Доктор Моҳир Абдулкарим салонидаги учрашувларга бормай қўйганимга анча бўлган. Онда-сонда, кўча-куйда Докторни кўриб тураман. Аммо, ўша учрашувларни доим қўмсайман.

Пича надоматли қиёфада сукут сақлаб тургач, гапини давом эттирди:

— Оиласи ер ислоҳотлари даврида кўп нарсаларидан айрилди. Ал-Мунирадаги қасрини сотиб юбориб, ўрнига «Янги Миср»<sup>1</sup>да чорбоғ сотиб олди ва салонини ҳам ўша ерга кўчирди.

— Бу гаплардан хабарим бор, чунки мен 1930 йилдан бери ўша салонга қатнаб тураман.

Ал-Басюний ижодимни кўкларга кўтариб мақтади, сўнгра:

— Мен доим номусим учун курашаман,— деди.

— Сиз фаришта одамсиз.

— Келажакдан умидим катта. Бир неча роман, пьеса ва кинофильмларни араб тилига таржима қилиш режам бор.

— Баракалла.

— Лекин таржима қилиш учун аввало нашриётлар билан битим тузиш керак экан.

— Тайёр нарсаларингизни уларга кўрсатнинг.

— Битим тузиш учун тайёр нарсаларни кўрсатиш чинг ўзи кифоя қилмас экан.

Фикрига тушунолмай, сўрадим.

— Нима учун?

— Айтишларича, фақат битим тузишнинг ўзига анча-мунча маблағ керакмиш. Мен эса, бунга қодир эмасман.

— Одамларнинг гапларига ишонаверманг!

— Баъзи машҳур ижодкорларнинг асарлари тўғрисида тақриз ёзиш учун ҳам...

— Ишонманг.

— Менимча, қаламкашлар орасидаги энг қобиляйтсизлари ҳам ўзларини Аҳмад Шавқий<sup>2</sup>дан юқори ҳисоблашади. Тақриз ёзишга келганда, рақобатчилар

<sup>1</sup> Янги Миср — Қоҳиравнинг шимолий-ғарбидаги квартал.

<sup>2</sup> А. Шавқий (1868—1932) — атоқли Миср шоири ва драматурги.

мен каби номи чиқмаган танқидчига йўл бермасликлари турган гап. Радио ёки телевизор менинг ихтиёrimда эмаски, ўзим истаган ижодкор тўғрисида эшиттириш уюштирсам. Мен учун биргина оддий, айни вақтда файри оддий йўл қолди.

Судбат мобайнинда ал-Басюнийнинг юзига табасум юрганини кўриб, қийин вазиятдан қутулганимга ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Иложи борича унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим. Ал-Басюний миннатдорчилик билдириб, ўрнидан тураркан, асосий мақсадини яна тақрорлади. Мен унинг илтимосини албатта бажаришга сўз бердим.

Ваъдага мувофиқ эртасига ёқ Амоний хоним билан учрашиб, эрининг истагини унга етказган ҳам эдимки, аёлнинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетди:

— Ярамас, сизникига ҳам бориби-да?!

Унга опалик бурчи ҳақида эслатдим, аммо Амоний эшитгиси ҳам келмади.

— Сиз уни яхши билмайсиз.

— Уни илгаритдан биламан, у сиз айтганча ёмон одам эмас.

— Йўқ, сиз уни билмайсиз.

Аёлга насиҳат қилмоқчи бўлиб, оғиз очишими билай:

— Етар, мени кўп қийнаманг,— деди жаҳли чиқиб.

— Эрингизнинг исми ва у билан ажрашмаганингизни мендан яширганингизга ҳайронман. Ваҳоланки, у сизни севаркан.

— Унда эркаклик нафсонияти йўқ.

— Фарзандларини ўйлайди.

— Узини ўйлайди холос.

— Масала...

— Масала шундаки,— деди Амоний гапимни кескин бўлиб,— сиз мени яхши кўрмайсиз. Севги бу дунёда аллақачон йўқ бўлиб кетган. Айтинг-чи, танишганимиздан бери бирор марта бўлса ҳам лоақал, кўнглим учун: «Мен сизни севаман» дедингизми? Йўқ. Мен буни таъна учун айтмаяпман.

— Авф этасиз, хоним. Сиз оташин сева оласиз. Аммо мен бунга лойиқ эмасман.

— Ҳаммаси қуруқ сафсата...

— Хоним, ахир сиз излаган баҳт ўз уйингизда-ку.

Мен руҳий азобдан қутулиб, енгил тортиб уйга қайтдим. Бироқ хонамга киришим ҳамоно Абду ал-Басюний ва унинг хотини Амоний хонимнинг ҳаётини

эслаб қаттиқ ўксиндим. Ал-Басюний бирор хұмхабар олиб келармикин, деб күтдим. Лекин у на ўзи келди ва на телефон қилди. Күнгілім таскын топиши учун хотинидан хабар олмоқчи бўлдим. Аммо ўша кунлари бунга ҳеч фурсат тополмадим.

Кейинчалик Абду ал-Басюнийни аҳён-аҳёнда, күчак-күйда учратиб турдим. У ҳамон ўз мақсади йўлида толмай ҳаракат қилаётганидан мени воқиф этиб турди.

1968 ёки 1969 йили Рамсис<sup>1</sup> күчасидаги марказий телеграф олдидаги кетаётганидан мени воқиф этиб турди. Беихтиёр унга қўл узатган эдим, аёл мажбуран кўришди. Шунда беҳуда қўл узатганимни тушундим.

— Сиҳат-саломатликларингиз яхшими, Хоним? — сўрадим узрли оҳангда.

Амоний эса қизарив:

— Шукр, яхши — деся ўтиб кетди.

У олдингига қараганды анча тўлишган, аввалги ўйноқилигидан асар ҳам қолмаганди. Амоний хонимнинг бегона эркак билан кўришаётгани пайтда қимтишиб-тортишидан хурсанд бўлдим, зероки аёлдаги бундай ўзгариш унинг оила жавобгарлигини ҳис эта бошлаганидан дарак берарди.

## АНВАР ал-ҲИЛВОНИЙ

Қози уйи билан ал-Жамолия, Хон-Жаъфар ва мисгарлик кварталлари ўртасида жойлашган майдон, қушлар ин қўйиб ташлаган хурмо дараҳтлари, ал-Жамолиянинг эски қисми, моллар сугориладиган ҳовуз ва сардоба — буларнинг ҳаммаси менга беғубор ёшлигимни эслатиб турди.

Анвар ал-Ҳилвоний девор-дармиёни қўшнимиз бўлиб, у жуда билимдон, исми ҳам ўзига муносиб эди. Унга жуда ҳавасим келар, уйидан чиқиб кетаётгани ёки уйига қайтиб келаётгани вақтларида орқасидан доим қараб қолардим. Ал-Ҳилвоний бошқа, оддий ёшларга ўхшамасди. У ўша даврда ҳуқуқшунослик факультетида таълим оларди. Унинг узун тарбushi<sup>2</sup>, ярашимли мўйлови, чиройли костюми ва ёшига нисбатан

<sup>1</sup> Рамсис — Миср фиръаваларидан бирининг номи.

<sup>2</sup> Тарбushi — эркакларнинг бош кийими.

уулевор қадам ташлашлари менга ёқар, унга тақлид қилиб юришни яхши күрардим. Үрта мактабни мұваффақиятли тугатғанлығы шарафига үтказилған кечада онаси менга ўз құли билан шарбат узатгани хеч эсімден чиқмайды. Бу қишлоқи аёлнинг ўз лақжасыда гапириши менга олам-олам ҳузур багишлаганди.

Мен хурмо дарахтлари соясыда ўз ўйинларимга бериліб, ўзга нарасаны хаёлімга келтирмай юрган чөларымда айрим кишилар махфий равища катта ўзгаришларга тайёргарлик күраётган эканлар.

Бир куни әрталаб құшни ҳовлида күтарилған дод-фарёдан уйғониб кетдім. Уйимиздагилар хам бундан ташвишга тушишганди. Қий-чувнинг сабаби-ни билиш учун ташқарига чиқдім ва ҳаяжонланған, дарғазаб кишилар орасыға суқулдім. Білсам, ёш құшнимиз Айвар ал-Хилвоний намойиш пайтида инглиз аскарлари томонидан ўлдирилған экан. Ҳаётімда илк бор халқ ривоятларыда эмас, ўз маңалламизды «ўлдириш», ҳозирги замон маданияти әриншган ютуқ—«ұқ» ва «намойиш» деган сұзларни әшитдім. Эҳтимол дүнёда инглизлар борлыгини ҳам шу куни әшитган бұлсам керак. Бу сұзлар ҳовли ва майдон оралаб тарқалар, уларға «революция», «халқ» ва «Саъд Зағлул» сұзлары акс садо берарды. Беихтиёр бу сұзлар мени қызықтира бошлади. «Ўлдирилди» дегани нима ўзи? Айвар қаерға кетди? Инглиз ким ва нима учун у Айварни ўлдири? Революция нима? Халқ деганичи? Саъд Зағлул ким ва ҳоказолар. Еғоч панжара тиркішидан бұлаётган воқеаларни күзатып турдім. Бир зұмда майдон костюм, жубба, кафтан ва жүлбоб<sup>1</sup> киініб, ҳар хил шиорлар айтіб келаётганди турлі-тұман одамлар билан лиқ тұлды. Уларнинг орасыда аёллар ҳам бор эди. Ұқ овозлары әшитилди. Ҳа, ұқ овозини бірніңи марта әшитдім. Инглизларни ҳам ўз күзим билан күрдім. Улар ҳарбий киімінде, құнғыз мүйлабын, башаралары ҳам аллақаңдай ғаройиб эди. Майдоннинг ҳар ер-ҳар срида ўнлаб мурдалар ётарди. Ерга чипп-чили әпишган нисон қонига ҳам күзим түшди. «Яшаспи Ватан!», «Биз ўласак ҳам Саъд яшайды!», деган шиорлар барадла янгради.

<sup>1</sup> Жубба, кафтан ва жүлбеб — әрқакларнинг кейт енгиз, үзүп үсткі киімлари.

## БАДР аз-ЗИЁДИЙ

Мен Бадр аз-Зиёдий билан ўрта мактабда бирга ўқиганман. У тўладан келган, шўх, ватанпарвар ёшлардан эди. Бадринг отаси мактабда назоратчилик вазифасини ўтарди. У қиролни ҳақорат қилишда айбланиб, шартли олти ойга ҳукм қилинганд, вазифасидан четлатилган эди. Аз-Зиёдий отасининг жасорати ва ватанпарварлиги билан фахрланарди. Биз ҳам унинг ҳақли равишда фахрланишини эътироф этардик. Чунки қиролни ҳақорат қилишга ҳар ким ҳам журъат этолмаслигини аниқ билардик. Бадр мактабдошлари орасида катта обрўга эга эди. У ҳамманинг диққат-эътиборини жалб қила олар, кўпчилик ўқувчиларни атрофига йиғиб, ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърларни ёддан ўқир, ҳар хил латифалар айтар ва ҳазил-мутойибага уста эди.

Бир куни Бадр биздан:

— Севги изҳор қилиш учун энг муносиб жой қаер? — дея сўраб қолди. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Уни ҳеч кимнинг жавоби қапоатлантирмади. Аз-Зиёдий кулиб тураверди. Ҳаммамизнинг сабримиз тугагач: — Қабристон! — деди Бадр жиддий. Бизни кала-ка қиляпти шекилли, деб ўйладик. Бадр фикрини тушунтириди: — Ҳайит арафаларида одамлар қариндош-уругларининг қабрлари ёнида ётиб қоладилар. Уларнинг ичиди эркакларга нисбатан аёллар кўп бўлади. Бу эса тунда муҳаббат изҳор этишга қулай фурсат яратади. Чунки қабристонда бундай қилиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

— Лекин у ер севги изҳор этиш учун муносиб жой эмас, — деди кимдир.

— Муҳаббат жой ташламайди, — деди Бадр ва холасининг вафоти куни аёллар барча нарсани унтиб, мурда атрофида йиғлаётганиларида қандай қилиб хизматкор қиз билан бўш хонага кириб кетганинги айтиб берди. Бунга ўхшаш ҳикоялардан у жуда кўп айтарди. Аммо футбол майдонидаги муваффақиятлари Бадрнинг обрўсими жуда ошириб юборди. Семизлигига қарамай, апча чаққон ва эпчил аз-Зиёдий мактаб футбол командасининг марказий ҳужумчиси ҳисобланарди. Жуссасига номуносиб эпчиллик билан ҳаракат қилиши томошабинларнинг кулгисига сабаб бўларди. Бадр рақибини усталик билан

аллаб ўтаркан, түп гүё оғеңига сирачлангандек, уни жеч кимга олдирмасди .Шундай юксак маҳорат күрсатиб, рақибларини дөгда қолдиради. Түшн зарб билан ва аниқ тепарди. Бадр бирор клубга аъзо бўлиб, Олимпия ўйинларидаги иштирок этишини орзу қилиарди. Маориф министрлиги қошидаги бош тренер жаноб Самсонга ҳам унинг ўйини ёқарди. Бир куни мактаблараро мусобақадан кейин жаноб Самсон аз-Зиёдийга бир оз озиш кераклигини маслаҳат берганди, у ўша куни ёқ, катта танаффусда, тренерга ўчакишиб бир нечта бутерброд ва сомсадан ташқари катта торти бир ўзи еб қўйганди.

Фуод пошо Мустафо Наҳҳосни истеъфога чиқариб, ўриига Мұхаммад Маҳмудин бош министр этиб тайинлади. Мұхаммад Маҳмуд конститутциянинг кучи уч йилга бекор қилиниши, бу муддат яна узайтирилиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилди. Бунга барча мактаб ўқувчилари норозилик билдиришиди, шу жумладан, биз ҳам ўқишни тўхтатишга қарор қилдик. 1923 йил конститутциясини ҳимоя қилиб, диктатурага қарши чиқишда ҳамма қатори Бадр аз-Зиёдий ҳам бор эди. Кўп ўтмай полициячилар келиб мактабимизни қуршаб олишди. Ташқарига чиқиб бўлмасди. Ўзимизни ҳимоя қилиш учун дуч келган нарса: ёғоч, тарелка, кастрюлка, чўмич, вилка, пиҷоқ — қўйингки қўлга илинган нарса билан қуролландик. Жанговар шиорларимиз қирол қасри оша ҳамма ёқда янгради. Бирдан ҳар томондан бостириб жирган полициячилар тепамизга сўйил кўтариб келишди. Инглиз унтер-офицерлари эса, қўрқитиш мақсадида осмонига ўқ уздилар. Ўртада олишув бошланди. Кучлар тенг эмасди. Ҳеч биримиз калтакланишдан қуруқ қолмадик. Кўпчилик ярадор бўлди. Бир фаррош ва ўқувчи ҳалок бўлди. Ўша ўқувчи орқа миясидан жароҳатланган синфдошимиз Бадр аз-Зиёдий эди. Эртасига уни дағи этиш маросимини ўтказмоқчи бўлдик. Лекин полициячилар намойишда ҳалок бўлганларни ал-Айний госпиталига олиб келиб, у ерни қўриқлаб турдилар. Ҳалок бўлганларни полиция ёрдамида госпиталдан қабристонга олиб жедилар. Биз ҳаммамиз мактаб назоратчисининг ўйига алоҳида-алоҳида бориб, таъзия билдиридик.

Бадрнинг отаси ҳозир ҳам ҳаёт. Ёши етмишдан ошган. Аббосияга йўлим тушганда кўпинча уни ўз уйи

яқинидаги қаҳвахонада күриб қоламан. Қариллк, ғамалам уни эзиб қўйган. Чолни кўриб раҳмим келди. Бу одамии кўргашлар у бир вақтлар ҳақиқат учун курашган, бу йўлда мансаби ҳамда ўғлидан айрилган илғор фикр эгаси эканлигини тасаввур ҳам этолмайдилар.

Мўйсафид қаҳвахона деразасидан юксак идеаллар учун курашмаган, омад кулиб боққан, роҳат-фароғатда яшаётган одамларни ташиётган машиналар ҳаракатини томоша қилиб, алланималарни ўйлаб ўтиради. У нималарни ўйларкин? Наҳотки вақт чолнинг хотирасидан ўтмишини ўчириб юборган бўлса. Наҳотки у ҳозирги кун билан яшаётган бўлса?

Менда Бадрнинг футбол комиадаси билан бирга тушган сурати қолган. У ўртада. Оёғи тагида тўп. Чехраси қувончли, кўзлари ишонч билан қараб турибди.

## БИЛОЛ АБДУ БАСЮНИЙ

Бу йигит билан тасодифан 1970 йилнинг бошларидан, Жодд абу ал-Уло вилласида учрашиб қолдим. Гарчи биз бир-биrimizni танимасак ва илгари учрашмаган бўлсак ҳам шу ягона учрашувдаёқ у менда унтилимас таассурот қолдирди. Уша кеча виллага борганимда у ерда Абду ал-Басюний ва кўринишидан унга ўхшаб кетадиган келишган бир йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар билан кўришдим. Абду ал-Басюний ёнидаги йигитга ишора қилиб:

— Ўглим, доктор Билол, — деди.

Дарҳол бундан беш йил муқаддам ал-Басюний билан фарзандларининг тақдири ва Амоний хоним тўгрисидаги кўнгилсиз суҳбатимиз ёдимга тушди. Кўнгилсиз воқеани эслаб, ҳижолат чекиб ўтирган эдим, Абду ал-Басюний менга: — Ўглим чет элга кетишга қарор қилибди, — деб қолди. Унинг гапи диққатимни ўзига тортди. Мен йигитга қизиқсиниб қараб қўйдим. «Чет элга жўнаш» кейинги кунларда одат гусига кирган ва кекса, мен мансуб бўлган авлодчинг ғашини келтираётган сўз. Мана, қаршимда шу сўз қурбонларидан бири турибди. Ажойиб фурсат!..

— Ўглимни Америкага ўқишига юборишяпти. У эса ўқишини тутатгач, умуман ўша ерда қолиб кетмоқчи, — деди Абду ал-Басюний куюниб.

Жодд абу ал-Уло Абду ал-Басюнийдан: — Үзингиз бу масалага қандай қарайсиз, — деб сўраган эди, у кулиб: «Ҳа» ёки «Йўқ» деганим билан аҳвол ўзгариб қолармиди, — деб жавоб қайтарди.

— Ҳар ҳолда билимини оширишга бирор фойдаси тегар?

— Менимча, фойдаси тегмайди.

— Амоний хоним қандай фикрдалар?

Хонимнинг исми тилга олиниши мени баттар ўнғай-сизлантириди. Аммо унинг ўз онласига қайтганлигини эшишиб, анча енгил тортдим. Фақат Жодд абу ал-Улонинг бу номни алоҳида завқ билан тилга олиши мени таажжублантириди.

— У ҳам ўғлининг фикрини маъқулламоқда. Үзига истаган вақтида Америкага бориб келиш имконияти туғилаётганидан хурсанд.

Мезбон ва унинг жорияси бу гапдан кулиб юборишиди.

— Үз юртимизда сизни порлоқ келажак кутмоқда-ку, йигит,— мурожаат қилди мезбон Билолга.

— У ердаги илмий муҳит билан танишмоқчиман.

— Шунинг учун она юртдан воз кечиш шарт эканими? — дедим мен.

— Ясрий деган бир дўстининг чет элга кетиб қолганлиги буни ҳам йўлдан оздирмоқда,— деди отаси.— Аслида ўша Ясрийга сираям ҳавас қилиб бўлмайди, мутахассис сифатида эса у омади юришган врач. Клиникадан ташқари ҳам тирикчилик қилиб турарди. Лекин доим нимадандир норози эди. Эл-юртнин севмасди. Малакасини ошириш учун Америкага борди-ю, бутунлай ўша ерда қолиб кетди.

— Ясрий Америкага бориб ҳар жиҳатдан ютди.

— Шу ерда ҳам ишлари ёмон эмасди, ўғлим. Чет эли нимаси?

— У ерда илмий муҳит бор, ота! Мана мен ишлабтган шифохона бош врачанинг ўринбосарини олайлик. Қўй ўқиди, тиимай меҳнат қилди. Ниҳоят мувваффакиятли равишда докторлик уивонини ҳам олди. Аммо меҳнатининг самараасини биламади. Үзига муносаб иш тонолмагач, Америкага кетинига мажбур бўлди. Илмий ишини америкалик олимларга кўрсатиши биланоқ, уни турли шифохона ва институтларга ишга тақалиф қила бошлашиди.

„ Унинг бу қадар кескин гаплари замирида яширин норозилик борлигини сезиб:

— Бизда камчиликлар бор, лекин бу чет элга жўнаб кетиш учун баҳона бўлмаслиги керак,— дедим.

— Қайси соҳага қараманг шу аҳвол.

— Буни сезганингиз, эътироф этганингиз яхши. Ана шу иллатларни даволаш лозим. Аммо булар устида сизлар бош қотирмасангиз, ким бош қотиради?

— Бундай фикрлар билан ўзимни банд қилмоқчи эмасман.

— Бироқ инсон учун Ватандан азиз нарса йўқ. Қолаверса, nonkўrlik бу.

— Мен учун биринчи Ватан — илм! — деди дона-дона қилиб йигит. Кейин бироз тараддуланиб туриб, худди ўзига ўзи гапираётгандек давом этди: — Ватан, социализм, араб миллати... Яна нима дёсамикин? Сизлар мени юзаки фикр юритади деб ўйламанг, мутлақо. Лекин б июнь воқеасидан кейин биз шимага эришдик?

— Биз бу маглубиятдан зинҳор умидсизликка тушмаслигимиз керак. Аксинча, ундан сабоқ олиш учун етарли мудлат ўтди,— дедим унга насиҳатомуз.

— Бу ёшларга тушунтириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Барнибир ўз билганинг қолишмайди, — луқма ташлади Абду ал-Басюний.

— Майли, ўз билганидан қолмасин. Лекин Ватандан кечишининг оқибати яхши бўлмайди, — деди мезбон Абду ал-Басюнийга қараб.

— Бизни бу мушкул аҳволдан ватанпарварлик ҳам, социализм ҳам эмас, илм қутқара олади,— деди Бинол. — Илм инсоният олдидағи мушкулотлағни барта-раф қила оладиган бирдан бир йўл. Ватанпарварлик, социализм ва капитализм эса аксинча, худбинлик; назарий чекланиш натижасида янгидан-янги муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бу муаммоларнинг ҳал қилиниш йўллари ўйлаб чиқилемоқда, албатта. Аммо ўз навбатида яна янги қийиничилкларни туғдирмоқда.

— Ўз ватанингизда илм билан шуғулланишнингизга нима халал бермоқда?

— Кўп нарсалар, жумладаи, илмий текшириш ишларининг ниҳоятда орқадалиги, қолаверса, янги фикр, адолат ва қадр-қимматнинг бўғиб ташланганилиги. Буларнинг ҳаммаси мени Америкага жўнаб кетишга мажбур этмоқда. Ватанинга ўша ерда туриб бу

ердагидан күпроқ фойда келтиришим мүмкін. Илм барчага баробар хизмат қилиши керак. Лекин вайроналар келтирадыған илм бундан мустасно.

— Синглиси бу масалага қандай қарайди? — сұра-ди уй әгаси Абду ал-Басюнийдан.

— Синглиси шу үқув Ынида дори тайёрлаш ихти-соси бүйіча диплом олади. У ҳам акаси каби чет әл деса томдан таштайдиганлардан.

— Оила масаласи нима бўлади? Еки бу масала унинг учун барибирми?

— Бизни ташвишга солған бу масалага улар жу-да енгил қарапади.

— Минг афусуки, санъатимиз ҳанузгача шу тоифа-даги ёшлар образини яратмаган. Агар имконим бўлса, бажонидил уларнинг ҳақиқий қиёфаларини кўзгудаги-дек акс эттирган бўлардим.

— Шундай ҳам бу авлод ачинарли ҳаётимиз саҳна-сида роса ҳунар кўрсатмоқда, — гапга аралашдим мен.

Абду ал-Басюний ўғлига қараб:

— Сизлар кема кучли довулга дуч келаётганини била туриб, ўз жонларингизни асраб қолмоқчисиз-лар, — деди.

Унинг бу сўзлари унчалик юракдан айтилмаётган-лиги сезилиб турарди. Ал-Басюний ўғлидан мамнун эканлигини яшиrolмасди. Доктор Билол ҳам отаси-нинг гапига аҳамият бермади. Мен Абду ал-Басюний-нинг аждодларимизни қийнагац, улар доимий эъзоз-лаб келган абадул абад мерос — ватанпарварлик түйғусини ўзгача тушунишлигини фаҳмладим.

— Аслида мен, — деди Билол онаси каби мулод-йим жилмайиб, — инсониятни равнақ йўлига етаклов-чи муассаса бунёд этилишини орзу қиласман.

— Ахлоқий масалалар тўғрисида нима дейсиз? Илмнинг бу масалалар билан алоқаси йўқми? Инсо-ният илмий ҳақиқатга қанчалар мұхтож бўлса, маъни-вий гўзалликка, маънавий бойликка ҳам шунчалар мұхтож.

Билол менга бирор нарса дейишга ожиздек қараб турди-да, сўнгра:

— Тўғри, аммо бундан ахлоқ тўғрисидаги эски тушунчалардан воз кечмаслик керак деган маъни чиқ-маслиги керак. Сизлар янги, давр талабига мос ахлоқ қоидаларини излашга журъят этолмайсиз. Кўпчилик

Эски ахлоқий түшүнчалар қобигига ўралып қолган. Илм ахлоқ-одоб қондаларини яратмайды. Аммо у юксек шижаат намуналарини күрсатмоқда. Илм жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва барқарорлик түгрисидеги шу кунга қадар хукм суріб келген түшүнчә ўзгача маъно кашф этгандан бери әүтимоллик назариясига амал қилиб, дадил олга бормоқда.

— Ўзаро назарий муштараклық бўлмаган авлод билан баҳсланишдан не фойда? — деди Жодд абу ал-Уло.

— Сизлар ўз маданиятигинизни юксалтириш ўрнига ғарб маданиятига эргашяпсизлар, — дедим тоқатим тоқ бўлиб.

Билолининг жаҳли чиқиб кетди:

— Инсон зоти аслида беқарор. Унга қаерда баҳт кулиб боқса, ўша ер — Ватани. Бинобарин, чет элга жўнаб кетиш, ишгор маданиятдан баҳраманд бўлиш замонавий одамлар учун энг тўғри йўл, қолоқлар учун эса...

Билол фикрини очиқ айтольмай иккиланиб турган эди, унинг ўрнига мен: — Қолоқлардан тезроқ қутулганимиз маъқул! — дедим.

Жаҳлим чиққанини сезган Билол ал-Басюний майин жилмайиб эътиroz билдиримоқчи бўлди:

— Агар аҳоли кўпайиши шу тарзда давом этиб, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш кундан-кунга қийинлашиб бораверса эҳтимол инсониятнинг умумий манфаати йўлида айрим кичик халқларни қириб юборишга тўғри келар.

— Кўп валдирайверма, — деди отаси ғазаб билан.

— Ҳа, Исройл сиздек «душман»и борлигидан баҳтиёр — деди Жодд абу ал-Уло кесатиб.

— Биз ўзимизга ўзимиз етказаётган зарар Исройл етказгани зарар олдида ҳеч гап эмас, — деди Билол кескин равишида.

Ўша кеча доктор Билол билан бўлиб ўтган сухбат мағзини чақиб, унинг ҳар бир иборасини бирма-бир хотиралдан ўтказдим. Қейин уни ақл тарозусида ўлчарканман, инсон заковати эришган буюк ютуқларни ишлатадиган одамзотни қул қилиш ва беҳуда қон тўкини йўлида эксплуатацион кучлардан қутулмасдан туриб инсоният ҳеч қачон порлоқ ҳаётга эришолмайди, деган холосага келдим. Золимлардан қутулиш — ақлидирок, илм-фан ютуқларини хайрли ишларга татбиқ

этіб, инсониятни ягода байроқ остида бірлаштириш йўлидаги биринчи қадамдир.

Уша сұхбатимиздан бир неча ой кейин Абду ал-Басюний билан Моҳир Абдулкаримларпеніңде учрашдым. Билолни сұраган әдім, уннің аллақачои жүнаб кетгандығынан да синглиси ҳам бугун-әртә кетмоқчылығын айтди. Сұнгра: «Күпинча уларни ўйлаб күнглем бузилади. Лекин нима қылай, тақдирга тан беришдан бошқа иложим йўқ», деди.

Сиздан яширмай қўя қолай, уларнинг құлмушларнин қораламайман. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қодир әмаслигимиз ёшларни илм кетидан чет элга жүнашларига мажбур қыммоқда,— деб қўшиб қўйди.

— Тўғри, илмли бўлган яхши, аммо биз ўз олдинизда турган муаммоларни унутмаслигимиз лозим,— дедим мен.

Уғли билан бўлиб ўтган сұхбатимиздан кейин менда пайдо бўлган мuloҳазалар ҳақила унга айтган әдім, ал-Басюний кулиб:

— Биз кексаларнинг бир пиёла чой ва бир бурда иондан бошқа ташвишимиз йўқ,— деди.

## СУРАЙЁ РАЪФАТ

Сурайё билан 1935 йили университетни битириб өнді министрликда ишлай бошлаган пайтимда танишдим. У идорамизга амакисини кўргани тез-тез келиб туради Бизнинг бир-биримиз билан танишувимизга ҳам ана шу амакиси сабабчи бўлганди.

Бугун-әрта ўқитувчилар тайёрлаш институтини тутгаллаб, ўқитувчи бўлиш арафасида турган бу қиз ҳусни ўртача бўлса ҳам, оқила ва зийрак әди.

Бир куни у келиб кетгандан кейин бош секретаримизнинг вакили баъзи қофозларга қўл қўя туриб:

— Менга қаранг, уйланадиган вақтингиз ҳам бўлиб қолди, укам,— деди.

Юриш-турнишм билан ички сиримни сездириб қўйганлигимни фаҳмлаб:

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?— дедим.

— Маошингиз саккиз жунайҳ. Бу бемалол икки филани таъминлашга етади.

— Замонавий, ўқимишли, ишлаб пул топадиган қизга уйланиш масаласига қандай қарайсиз?

— Саволсиз қизлар орасида ҳам енгил табиатлари учраб турғанидек, ўқимишли қизлар ицида ҳам иффатлilarи топилиши мүмкін,— деди Аббос Фавзий пичинг аралаш. У ўзига хос усталик билан мени ҳушерликка чорлаётганини сездим. Лекин Сурайёни ёқтириб қолганим учун бу огоҳлантиришга қарамай, у билан яқинроқдан танишишга аҳд қилдим. Сурайёнинг эркин фикрлаши, одамга тик қараши-ю шартакилиги менга эришроқ туюларди, албатта. Аммо мен буларга аҳамият бермай, унинг күнглига қўл солиб кўрмоқчи бўлдим. Кунларнинг бирида таваккал қилиб унинг ўқишини чиқишини пойлаб турдим-да, одамлардан холироқ жойда унга етиб олиб:

— Яхши қиз, сизга айтадиган гапим бор эди,— дедим.

— Нима гап экан?— деди ҳаяжонини яширишга уриниб.

— Сиз билан яқиндан танишишни истардим.

— Бугун иложи йўқ.

У кетмоқчи бўлди.

— Қачон учрашишимиз мумкин?— сўрадим илож.

Ўз баҳонасидан ўзи мамнун бўлган Сурайё бироз ўйланиб тургач:

— Душанба куни соат ўнда, ҳайвонот боғига кираверишда,— деб жавоб қайтарди.

Аслида жавобидан қониққан бўлсан-да, лекин ўзини эркин тутиши менга ёқмади. Мешдаги самимий истак ўрнини романтик хаёллар эгаллади.

Келишилгандек у билан ҳайвонот боғининг дарвозаси олдила учрашдик. Боғни сайд қилиб, у ёқ-бу ёқдан гапланиб юрган чоғимизда гап орасида у менга ёқиб қолганилгини айтиб ўтдим. Қейинги сұҳбатимиз ҳаёт ва келажак ҳақида борди. Сурайё билан ёнма-ён бораётib, мени қайноққа соластга туйгуларимни идора этишига уриндим. Бироқ учрашувга дарҳол рози бўлганини эслаб, қаршилик кўрсатмае, деган умидда биринчи дуч келган хилват жойдаёқ удан бўса олмоқчи бўлдим. Аммо у ўзини четга торди-да, ножўя ҳаракатимдан раиниб, деди.

— Сизга нима бўлди?

Қалин бутазорни кўреатиб, ўша ерда бироз гаплашиб ўтиришни илтимос қилдим. Лекин бирдан ўзгариб, кескин гапирди:

— Менимча, сиз менинг түғримда ёмон фикрдага үхшайсиз?

— Иўқ,— дедим баданимни совуқ тер босиб.

— Бўлмаса мен сиз ҳақингизда яхши фикрда бўлиб, янгишганга үхшайман.

Қилган ишимдан пушаймон бўлиб, ундан узр сўрадим.

Сурайё тинчлангач, келгуси турмушнимиз ҳақида узоқ гаплашиб ўтиридик ва навбатдаги учрашув вақтини белгилаб, хайларашдик. Бу учрашувдан кейин унга бўлган муносабатим ўзгарди ва уйланиш ҳақида жиддий ўйлай бошладим.

Иккинчи учрашувимизда Сурайё менга қора қалам совга эта туриб:

— Кўп ўйладим ва ниҳоят сиз билан алоқани узишга қарор қилдим,— деди.

— Нега энди?— сўралим юрагим орқага тортиб.

— Умидим пучга чиқишидан қўрқаман.

— Сизни севишимни ўзингиз яхши биласиз-ку,— дедим қўлини оҳиста кафтимга олиб.

Кейин орамизда биллурдек беғубор учрашувлар бошланиб кетди. Ниҳоят, биз тўйдан олдинги тараддуллар ҳақида маслаҳатлашиб олдик. Бир куни Сурайё учрашувга турмуш қурғаи опаси билан келди. Гап орасида опаси:— Сурайё турмушга чиққандан кейин уйда ўтирадими ёки ишлайдими,— деб сўраб қолди. Мен ўйланиб ўтирмай жавоб бердим:

— Ишласа уй юмушларини ким бажаради? Шунисига ҳайронман.

— Шунча ҳаракат, шунча ўқиш бари беҳуда кетадими?

— Маошим иккаламизга бемалол етади. У уйда ўтиргани маъқул.

— Зиёли бўлсангиз ҳам анча қолоқ экансиз.

— Үзимдан ҳеч нарса сўрамайсизлар ҳам-а,— деди Сурайё жаҳли чиқиб.

— «Сукут— аломати ризо». Сиз шу билан фикримга қўшилиб турибсиз,— дедим мен.

— Ҳеч ҳам-да!

— У ҳолда, азизим, ўз фикрингизни айтинг.

— Ишламасам, турмушга чиқмайман.

Унаштиришдан олдинги учрашувга Сурайё безовта ва паришон ҳолда келди.

— Тинчликми?— сўрадим хавотирланиб.

— Ҳа.

— Нега хафа кўринасиз?

— Ортиқ яшиrolмайман. Шу вақтгача айтмаганим учун мени кечиринг.

— Нимани айтмаганингиз учун?

— Ҳамма нарсанни очиқ-оидин гаплашиб олмасак бўймайди.

— Етарли равишда, очиқ-оидин гаплашиб олдик-ку!

— Йўқ, муҳаббат рост гапиришни талаб қилади.

— Албатта,— дедим безовталаниб.

— Сизга шуни айтишим керакки,— деди у кўзини пирлиратиб...

Хуллас ёшлигида бир кимса уни алдаб кетган экан. Олдин ҳеч нарсага тушунмадим. Қейин буни бемаъни ҳазил бўлса керак деб ўйладим. Яна, ҳамма нарса бўлиши мумкин, мен ожизман, бу ҳаммаси тақдирнинг иши деган хаёлга бордим ва тарвузим қўлтнғимдан тушиб, умидсизланиб қолдим. Сурайё мендаги ўзгаришларни, намланган киприклари орасидан диққат билан кузатиб тураркан, охири сўради:

— Сизга айтмаганимидим?

— Нимани?

— Сиз мени севмайсиз,— деб.

— Ме-ен... Унақа деманг.

— Мени ҳеч кечиролмайсиз, шундай эмасми?

Ҳаёл гирдобидан ўзимни аранг қутқариб олиб, сўрадим:

— Ким ўзи у?

— Бунинг аҳамияти йўқ.

Кимлигини ҳадеб сўрайверган эдим, охири:

— Битта ярамас,— деб жавоб берди.

— Уша ярамаснинг исмини билсак бўладими?

— Мени қийнаманг, сизни худонинг паноҳига топширдим,— деди сумкасига қўл узатиб.

— Кетманг, Сурайё,— дедим истар-истамас.

— Кетишимга ўзингиз рухсат бердингиз-ку ахир!

— Қачон?

— Ишончсиз севги ҳақиқий севги бўломайди.

Сурайё йўлга тушганди, орқасидан:

— Мен ўйлаб кўришим керак,— дедим.

Бу оғир иш мен учун ҳал қилиб бўлмайдиган жумбоқдек туюлди. Шунчаки, қалбаки севги ўзини фош этди. Сафога бўлган муҳаббатим, гўё бошқа севгига

ўрин қолдирмаганга ўхшар, йўл қўйилган бу хато бизнинг замонамида кесчирилмас хатолардан ҳисобланарди. Утмишда кўп табақалар билан курашганинг. Бирини енгсак, унинг ўрнига бизни янада қийин аҳволга солувчи иккинчиси, мустаҳкамроғи келарди. Беш-олти асрни чорак асрда босиб ўтган давримиз ҳам бўлган... Анча қайғурдим. Умидим пучга чиқди. Лекин шуни аниқ билардимки, Сурайё ҳётимда яна пайдо бўлмайди. Шу воқеадан кейин министрликда ишлайдиган амакин билан мумкин қадар учраш-масликка ҳаракат қилдим.

Уни 1939 йил, иккинчи жаҳон уруши арафасида қишлоқ хўжалиги кўргазмасига қўшимча равишда олиб келинганди луопаркни томоша қилиб турган чогимда кўриб қолдим. Ёнимда ёшлиқдаги ўртогим Ийд Маңсур ҳам бор эди. Сурайё опаси ва унинг болалари билан ёнимдан ўтиб кетди. Мен уни кўрдим, лекин у мени кўрмади. Ҳамроҳимнинг кўзи тушиши биланоқ пичирлаб деди:

— Анови жувонга бир қара!

— Унга нима қилибди?

— Асли косиблар маҳалласидан, холамнинг қўши-ниси,— деди-да бемаъни кулди ва:— Бузуқ аёл,— деб қўпшиб қўйди.

Унинг бу сўзидан аччиқланиб:— Аблаҳ экансаи!— дедим.

Одати бўйича, аҳмоқона кулди-да, «унаштириб қўйилган, шу йил тўйи бўлади деб эшитдим»,— деди.

Орадан кўп вақт ўтди. Бу даврда Сурайёни ҳеч қасрда кўрмадим ва у ҳақда ҳеч нарса эшитмадим. Бир куни, машъум мағлубиятдан сал кейин, профессор Солим Жабринкига бордим. Сурайё Раъфат ҳам унинг ҳуэурнида экан. Ўша кунлари бошига мусибат тушган одам нажот излагандек, мен ҳам ёру-биродарларимни қидириб қолган эдим. Солим Жабр атрофида бир қанча танишларимни, жумладан, Жодд абу ал-Уло, Ризо Ҳамода, Азмий Шокир, Комил Рамзий ва виқор билан ўтирган Сурайё Раъфатни кўрдим. Ҳамма билан ялписига саломлашиб ўтирдим. Мен уни эслаганимдек у ҳам мени эслагани сезилди. Гап мағлубият ҳақида, унинг таъсири ва сабабини аниқлаш тўғрисида борарди. Кеча иштирокчилари аста-секин тарқала бошлашди. Сурайё ҳам ўринидан турди ва Солим Жабр билан хайрлашаётib:

— Йиғилишимиз душашба күни,— дели.

Солим Жабр йиғилиш вақтини яна ациқлаб олғаң, уни эшик олдигача кузатиб қўйди-да, қайтиб келиб, деди:

— Ўқитувчилар касаба союзининг йиғилишига тақлиф этгани келибди.

— Ким у?— деб сўрадим билмаган киши бўлиб.

— Доктор Сурайё Раъфат, таълим-тарбия министрлигида катта инспектор. Эри ҳаётини илмга бағишилаган ажойиб шахс. Узи эса, «Аёллар уйғониши» ташкилотининг таниқли аъзоларидан. У билан фақат аёлларимиз эмас, балки ватанимиз фахрланса арзиди. Илмда, хулқда, иродасининг мустаҳкамлигида унга тенг келадиган аёлни топиш қийин.

Мен Сурайё Раъфат билан бўлган илк бор учрашувимни, менда бўлган ўша ҳаяжонни эсладим. Ийд Мансур, Саййид Шаир, Халил Закий каби ёшлиқдаги ўртоқларим, бир неча вақтдан бери кўриимай кетган қариндошим Аҳмад Қадрий, ҳаётимда учраган ўнлаб таниш-билишларимни эслай бошладим. Уларнинг қиёфалари кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлади.

## ЖОДД АБУ ал-УЛО

Бу одам билан шахсан 1960 йилдан бери танишман. У кунларнинг бирида иш жойимга қўнғироқ қиilib, мен билан учрашиш истагини билдириди. Дарҳол рози бўлдим. Қисқа вақт ичида беш-олтита романин нашр этишга муваффақ бўлган Абу ал-Улонинг ҳар бир асари тўғрисида газета ва журналларимизда лаб-дабали эълонлар, уларнинг кетидан эса баландпарвоз тақризлар чиқиб туар, одатда унинг ҳар бир янги асари инглиз ва француз тилларига таржима қилиниб, чет эллик олимларининг бу китоб тўғрисидағи фикр ва мулоҳазалари энг буюк истеъдолли адибга берилган баҳо каби матбуотда ёритилиб бориларди. Менда Абу ал-Улонинг асарларига қизиқини уйғонса-да, лекин бирорта китобини охиригача ўқий олмадим. Аксинча, уларни ўқишига сарфланган вақтимни зое кетганинга ачиндим ва муаллиф ўткир истеъдол у ёқла турсин, ўртамиёна ёзувчи ҳам эмаслигига амин бўлдим. Унинг асарлари радио ва телевизорда ўқиб эшиттирилар, улар асосида фильмлар

яратиларди. Аммо бирорта китоби ҳам муваффақият қозонмасди. Шунга қарамай мазкур муаллифнинг романлари ҳар томонлама пухта ишланган, кучли шоҳ асар деб баҳоланаверарди. Жодд абу ал-Уло билан танишар эканман, унинг кўришидан маданиятли, сўзамол ва бетакаллуф шахс эканлигини сездим. Қисқаси у билан дўстлашиб қолдик. Абу ал-Уло мени Дуққидаги салонида бўлиб турадиган адабий кечаларда иштирок этишга таклиф этди. Шу-шу унинг уйига баъзан ўзим, баъзан ўртоқларим билан бирга бориб туралиган бўлдим. Эҳтимол Абду ал-Басюний ўша орамизда бўлиб ўтган кўнгилсиз суҳбатимиздан икки ёки уч йил кейин шу доирага қўшилган охирги «мухлис» бўлса керак.

Биринчи учрашувдаёқ Абу ал-Уло ўзи ҳақида батрафси сўзлаб бера бошлади ва чети зарҳалланган рамкадаги суратга ишора қилиб:

— Отам раҳматли хон ал-Халилийда ёдгорликлар сотовчи савдогар эди. Агар ишим ўнгидан келиб, йирик савдогар бўлиб кетганимда иккига бўлинишдан сақланиб қолардим.

— «Иккига бўлиниш» деганда нимани назарда тутяпсиз?— деб сўраган эдим, у кулиб туриб жавоб қайтарди:

— Ёшлигимдаёқ ўзимда қобилият борлигини сездим ва ўрта мактабни битиргач, отамдан мени маҳсус ўқувчилар группаси билан Францияга жўнатишини илтимос қилдим. Ўзимиздаги сийқаси чиқиб кетган ўқитиш усули менга ёқмасди. Шунинг учун ҳам Париж пединститутига ўқишга кирдим. Сўнгра у ердаги музей ва кутубхоналарда сақланаётган асл манбаъларни қунт билан ўргана бошладим. Лекин отам ва фотидан уч йил кейин ўқиши ташлашга ва оиласда тўнгич ўғил бўлганлигимдан отамниг ишини давом эттиришга мажбур бўлиб, бу ерга қайтиб келдим.

Шундан кейин Абу ал-Уло бир вақтнинг ўзида ҳам адабиёт, ҳам савдо билан шуғулланишга мажбур бўлиб, иккала соҳани ҳарқалай уддалаётганини, ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, истеъодини беҳуда сарфламаётганилиги ҳақида узоқ ҳикоя қилиб берди, аммо гаплари юзаки, ишончли эмас эди.

Шу суҳбатдан бошлаб унинг сўзларига ишонмай қўйдим. Тўғрисини айтганда Абу ал-Улонинг хушчақчақ, лекин баландпарвоз, саёз фикрловчи шахс

эканлигини сезиб қолдим. Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ҳамда унинг романларидан олгани таассуротларим ҳаммаси бир бўлиб профессор Солим Жабр ва доктор Моҳир Абдулкарим салонларида у ҳақда билдирилган фикрларнинг ростлигини тасдиқлади. Уларнинг айтишларича, Абу ал-Уло Францияда илм олиш, одамларни ўрганиш ва тажриба орттириш низоби остида уч йил мобайнида фақат савдогарчилик билан шуғулланган. Бу йўлда катта маҳорат орттирган. У гарчи ўзини ҳақиқий ёзувчи ҳисоблаб юрган бўлса-да, аслида истеъодидаги камчиликни мол-дунё орқали тўлдиришга одатланган, адабнёт оламига бойлик ёрдамида кириб қолган шуҳратпарааст эди. Абу ал-Уло ҳар бир асарининг хомаки нусхасини қалами ўткир адаб ва танқидчи дўстларига кўрсатаркан. Уларнинг маслаҳати билан асарга ўзгартирнишлар киритиб, иложи бўлса, баъзи бўлимларини қайта ёздирадар, моҳир қаламкашлар ёрдамида сайқал бергач нашриётга топшираркан. Албатта унга ёрдам берган дўстларига яхшигина қалам ҳақи тўлашни ҳам унутмас экан. Шундан кейин қўллэzmани ўз ҳисобидан босмаҳонага топшираркан. Қарабисзки, кўп ўтмай баъзилар таъбири билан айтганда, сочи ўрилган ёш келинчакдек яп-янги китоб босмаҳонадан чиқиб туриди. Сўнгра юз минг хушомадлар билан танқидчи дўстларининг енгидан кириб, ёқасидан чиқар, газета саҳифаларида асар ҳақида баландпарвоз тақризлар ёзилишига муваффақ бўларкан. Худди шу усулда ялиниб-ёлвориб таржимон дўстларига мурожаат қилиларкан. Бир тийин ҳам таъма қилмай, аксинча, ўз ёнидан пул сарфлаб радио, телевизор ва кино ходимларини ишга соларкан. Қарабисзки, ундан ўткир, ундан кучли, ундан истеъодли ёзувчи оламда йўқ.

Бир куни суҳбат Абу ал-Уло тўғрисида борганда доктор Зуҳайр Комилдан сўрадим:

— Ўзининг сохта ёзувчилигини билгани ҳолда бу беҳуда уринишлардан қандай завқ оларкин?

— Сиз янглишсаниз. Эҳтимол у ўзининг ёзувчи эканлигига мутлақо шубҳаланмас.

— Ишонгим келмайди.

— Балки у тақдим этаётган машқларим асарнинг асосини ташкил қиласи, қолганлари: шакл, услугуб ва бадиийлик— иккинчи даражали, аҳамиятсанз, пул билан охирига етказиладиган ишлар деб билар.

Устоз Ризо Ҳамола унинг гаршини маъқуллаб:

— Инсон шуҳратпарастлигининг чеки йўқ эканда,— деб қўйди. Зуҳайр Комил сўзида давом этди:

— Ҳаётда кенг тарқалган сохталик гарчи кўпчиликнинг кўзига яққол кўриниб турса-да, қаллобининг ўзига айнан ҳақиқат бўлиб туюлади. Одамлар орасида ярамаслари, ахлоқсизлари кўп, деб ўйлайман. Кошки, ҳар ким ўзининг кимлигини эътироф этиб, ҳаётини шу асосда қурса. У ҳолда разолат, қабиҳлик, риёкорлик илдиз отиб кетган бу жамиятда инсоният баҳт-саодатини таъминлаш учун қандай курашишимиз кераклиги аниқ ва равшан бўларди.

Абду ал-Басюний Ҷодд абу ал-Уло салонидаги кечаларимизга 1968 йилдан кейин қўшилди. У осто-нада кўриниши биланоқ ўзимча: мана энди Абу ал-Уло ҳақиқий, қимматбаҳо ўлжани қўлга киритди, деб ўйладим. Ўша хижолатли учрашувимиздан бери ал-Басюнийни кўрмагандим. Унинг билан орамизда гўё ҳеч нарса бўлмагандек, илгари ўқиб юрган давримиздаги каби самимий кўришдик. Хотини ҳақида сўз очмаган бўлса-да, ҳаётидан мамнунлиги кўриниб турарди:

— Ҳаётим изга тушиб кетди. Ўғлим Билол Қоҳира медицина факультетининг охирги курсида. У анча истеъоддли йингит. Насиб қўлса катта обрўга эга бўлади. Синглиси ҳам зеҳнда акасидан қолишмайди. У дори тайёрлаш факультетида ўқимоқда. Ҳадемай мен учун ҳам иқтисодий, ҳам маънавий тинч, осойишта ҳаёт бошланади,— деди.

Ўни бу муваффақиятлар билан чин қалбимдан табриклигач:

— Устоз Абу ал-Уло билан яқинда ташнишингизми?— деб сўрадим. У пичирлаб:

— Икки йил бўйди. Лекин мен бу ерга, аксарият, сиз йўқлигинингизда келаман,— деди-да, кулиб туриб:— Радио ва телевизор орқали унинг номидан эшиттирилаётган кўп асарлар аслида менинг қаламимга мансуб. Афсуски, ўз номимдан ҳанузгacha ҳеч нарса ўтказелмадим,— деди.

Кунларнинг бирида Жодд абу ал-Уло давлат мукофотига сазовор бўлганлигини эшитган Ажлон Собит фифони кўкка чиқиб:— Худодан қўрқишимасмикин-а?!— деди.

Узоқ вақт у ёқ-бу ёқдан гаплашиб үтирик. Сұхбат мобайнида Абду ал-Басюнийни ҳам эсладик. Шунда Ажлои:

— Уннинг хотини ва Жодд абу ал-Уло орасидаги алоқадан хабарингиз борми?— деб қолди.

Бу гапдан камоли ғазабим қўзиб:

— Худодан қўрқинг, азизим!..— дедим.

— Ганимга ишонаверинг Агар ёлғон гапирсам тенамда худо турибди Ишонмасангиз эридан сўранг. Уннинг ўзи бу ишдан воқиф. Уларни Аҳромдаги виллала ишрат пайти қўлга туширган ва бу бемаъниликка чек қўйишларини илтимос қилиб, хотинини олиб чиқиб кетган. Шу воқеадан кейин Жодд абу ал-Уло билан Абду ал-Басюний ўртасида мустаҳкам дўстлик бошлиланган.

— Бу воқса қачон бўлган эди?— сўрадим ўзимни босишга ҳаракат қилиб.

— Тўрт-беш йил муқаддам.

— Оббо муттаҳам-ей!

— Абду ал-Басюнийми?

— Анави, давлат мукофоти олган қари тулки Жодд абу ал-Улони назарда тутяпман. Қизиқ, асарида яна виждон, диёнат ҳақида лоф уради-я...

— Шуни айтинг-а.

## ЖАҲФАР ҲАЛИЛ

Уни эсласам, асримизнинг йигирманчи йилларида-ги Аббосия квартали кўз ўнгимга келади. Ям-яшил, сокин квартал. Уннинг шарқида қалъасимон қасрлар ва унга салобат ва виқор баҳш этиб турган сўлим кўчалар. Фарбиди эса, бир томони далалар билан ту-ташиб кетган гулзорлар. Узумзорлар, алоҳида-алоҳида ҳовлилар. Барқ уриб гуллаган хиналар ўртасидан ариқ оқиб ўтади. Гулзорлардан таралиб турган хушбўй ҳид кишини сарҳуш этади. Бир гулзордан иккинчилигига учиб ўтаётган асалариларнинг ғувиллаши ёқимли куйни эслатади. Ҳовлилар ўртасида саф тортган кактуслар бамисоли зангори деворга ўхшайди. Бу кварталнинг тинчлигини кундузлари трамвайнинг тақир-туқури, кечаси эса қоровул ҳуштагининг чийиллаши бузади холос.

Қўёш ботиши билан ҳамма ёқни қоронғилик боса-

ди. Бу қоронғиликда фақат дарвозалар устидаги оси-либ турган фонусларгина күринади.

Эски кварталдан бу ерга кү чаётганимизда жиҳоз ташувчиларни томоша қилишиб яиги уй олдида қатор саф тортган, деярли тенгқур бир гурух болаларга күзим түшди. Югуриб күчага чиқдим. Қаршимда Жаъ-фар Ҳалил, Сурур Абдулбоқий, Сайнин Шанир, Ийд Мансур, Ризо Ҳамода, Ҳалил Закий ва Шаъровий ал-Фаҳҳомлар туришарди.

— Биз билан ўйнайсанми? — деб сўради Ҳалил Закий.

Нима дейишимни билмай иккиланиб турган эдим, Сурур Абдулбоқий сўраб қолди:

- Қайси кварталдансан?
- Ал-Ҳусайния кварталидан.
- Футбол ўйнайсанми?
- Йўқ.
- Зарари йўқ, ўрганиб оласан. Бошлиғич мактабга қачон борасан?
- Ёзги таътилдан кейин.
- Демак ҳаммамиз бирга борарканмиз.
- Йўлда намойишчиларга дуч келмадингларми?
- Ҳусайния томонидан келдик. Иш ташлаш сабабли барча дўкон ва қаҳвахоналар берк экан.
- Инглизларни кўрдингларми?

— Бир гурух назоратчиларни кўрдик холос. Улар бу ерда кўпми?

— Жудаям. Ху аниви ерда, Аббосиянинг қоқ ўртасида лагерлари жойлашган. Энди уларни ҳар бир қадамингда учратиб турасан,— деди Жаъфар Ҳалил уларнинг лагерлари томон ишора қилиб.

Сурур Абдулбоқий тайёрлов синфини тугатган ёки тугатмаганим ҳақида сўради. Мен унга икки йил мадрасада, яна икки йил тайёрлов синфида ўқиганлигими ни айтдим.

— Бу ерда эса мадрасалар йўқ,—деди Сурур Абдулбоқий.

Орамизда дўстлик пайдо бўлганини ҳис этаётган бўлсам-да, негадир аввал уларга қўшилолмай турдим. Биз дўстликка умрбод содиқ қолдик. Фақат бевақт ўлим бизни икки дўстимиздан жудо қилди. Жаъфар Ҳалил билан бошлиғич, ўрта мактаб, шунишгидек, университетда ҳам бирга ўқидик. У хушчақчақ, хушмуомала, футбол ўйинида ҳаммамиздан устун эди.

Бир күн Жаъфар мени «Ахлий» командасыннинг футбол ўйинига таклиф қилди. Билет пархини сўраган эдим, «бепул» деб жавоб берди.

Устимизга узун кўйлак ва оёгимизга сандал кийиб, пиёда аз-Зоҳир, ал-Фажжол кўчалари, вокзал, Аббос, Хидю ва Исмоил майдонлари ва шунингдек Қаср ан-Нил кўнигидан ўтиб, «Ахлий» стадионига етиб бордик. Ўртоқларим бир зумда баланд чинор дараҳтига чиқиб, унинг шоҳларига бемалол ўрнашиб олишди. Мен ҳам улардан орқада қолмадим. Ўша куни ҳаётимда биринчи марта футбол мусобақасини томоша қилдим. Учрашув инглизлар билан бўлаётган эди. Хотирамда ўчмас из қолдирган Ҳусайн Ҳижозий ва Марий каби моҳир ўйинчиларни ҳозиргина ўз кўзим билан кўрдим. Инглизлар ҳам футбол ўйинини билишар экан. Қарангки, мен уларни фақат одам ўлдириш билан шуғулланадилар деб ўйлаб юарканман. Али ал-Ҳасаний деган ўйинчимизнинг улар билан тўп талашиб, баъзиларини туртиб йиқитишидан чўчиб ўтирадим, бироқ тўқнашувлар содир бўлмади. Хурсандлигимнинг чеки йўқ эди. Инглизлар устидан «Ахлий» стадионида бўлса ҳам ғалаба қозониш мумкин эканку! Лекин уйга кеч қайтганлигим учун яхшигина жазоландим.

Кўп ўтмай ўртоқларимнинг «Қалб ал-асад» («Шер юрак») командасига аъзо бўлдим ва кактусзорлар ўртасида бўлиб турадиган ўйинларга қатнаша бошладим. Аста-секин маҳоратда Жаъфар Халилга етиб олдим. Ҳаттоки ичимизда энг кучли ўйинчи ҳисобланган Ийд Мансур ҳам менга тан берди.

Хушовоз Жаъфар Халил Сайид Дарвиш, Мунира ал-Мадхия ва Абдуллатиф ал-Банна қўшиқларини хиргойи қилиб юарди. Ийллар ўтиши билан ўзи ҳам енгил қўшиқлар тўқийдиган бўлди. У фильмлардаги баъзи кўринишларни шеърга солиб, ўзи ҳам режиссёрлик, ҳам актёрик қилиб, кактусзордаги «театримизда» маҳоратини намойиш эта бошлади. Унинг бирорта қизни севган-севмаганлигини билмайман. Фақат бир марта яҳудий қизга велосипед минишни ўргатаётганини кўрдим холос. Бир-биrimiz билан яқин алоқада бўлганимиз учун унинг ўртоқларим орасида энг камбағали эканлигини билардим.

Отаси анча ёшга бориб қолган, умрида бирор марта иш жойини ўзгартирган экан. Шунга қарамай,

у кіячик хизматчи вазифасида ишларди. Лекин юриштуриши ва ўзини тутишидан Жаъфарнинг камбағаллиги сира сезилмасди. У доим хушчақчақ юрар ва бизга бошчиллик қиласади. Ўйин-кулги ва санъатга қаттиқ берилган Жаъфар Халил ўша пайтларда кўпчиликнинг фикрини қамраған ватанпарварлик ва сиёсат билан иши йўқ эди. Университет даврида ҳам, ундан кейин ҳам шундайлигича қолаверди.

— Қизиқ, бизни босиб-янчишса ҳам парво қилмайсан-а?!— деган эдим, у кулиб:

— Ватанпарварлик ва сиёсат билан шуғулланувчи ўзга одамлар бор. Мен уларнинг сафида эмасман, гарчи ишларига доим муваффақият тилаб турсам ҳам,— деди.

— Гражданлик бурчимиз-чи?

— Мен ўз бурчими санъатда деб биламан.

Жаъфар Халил ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёт ҳалқ музикаси ҳаваскорлик тўгарагининг бевул концертларини завқ билан томоша қиласади. Хидю қаҳвахонасида ўтказиладиган шеърхонликларни сира канда қилмасди.

Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, бу хилдаги концертларга ёлғиз ўзи боришини афзал кўради. Нима бўлди-ю, омади юришиб, марҳум Камол Салим ёрдамда кино оламига йўз олди ва баъзи фильмларнинг оммавий кўриинишларидаги иштирок эта бошлади.

Университетда ўқиб юрган даврида бир неча фильм-қиссалар ёзди. 1934 йили ўқишини битириб, инглиз тили ўқитувчиси дипломини олган Жаъфар бир фильмга сценарий ёзишда иштирок этишига таклиф қилинди. У мактабда ўқитувчиллик қила бошлади. Асосий фази билан бир қаторда жисмоний тарбиядан даре берилб, бадий ҳаваскорлик тўгарагини ҳам бошқариб борди. У ўзининг актёрларини, меҳнатсезварлиги ва ташкилотчилиги балан ҳамкасларининг ҳурматига сазовор бўлди.

Бир кун Жаъфар менга ўқитувчиллик ҳам ёмон эмас, лекин мен ўз соҳами топиб олдим,— деди.

Кайси соҳани назарда тутаётганини билиш қийни эди. Шонглиними ёки хонаидаликни, актёрликними ёки сценаристикни? Шунинг учун ҳам ундан:

— «Уз соҳами топиб олдим» дегандага нимани назарда тутясан?— деб сўрадим.

— Киноши?

— Қиночи?

— Ҳа, у санъатлар подшоси, сеҳр олами, гүзалик олами. Менинг ўрним ўша ерда. Қўринишим ҳам ёмон эмас. Менга ўтмишимга қараб баҳо берма. Фақирлик, муҳтожлик даври тугаб, энди мени порлоқ истиқбол кутмоқда.

Университетни битиргандан то иккинчи жаҳон уруши тугагунга қадар у кино соҳасида анча самарали мөҳнат қилди. Олтига сценариини ўзи мустақил, тўрттасини эса бўшқа сценарийлар асосида ёзди. Ўнта фильмда иккинчи даражали ролларни ўйнади, ўндан ортиқ қўшиқнинг муаллифи бўлди. Моддий жиҳатдан ўзини анча тиклаб олди. Ўз оиласини унутмади, аксинча, уни катта кўчадаги янги иморатга кўчирди. Ижодхона сифатида Шамполеон кўчасидан ижарага уй олди. Лекин асосий вақтини оиласи билан ўтказарди. Эски маҳалласидаги дўстларини ёдидан чиқармади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп ўтмай, Америкага ўқишига кетаётган санъаткорлар рўйхатига унинг номи ҳам киритилди. Аслида, ўқишига бориш унинг хаёлида ҳам йўқ эди. Бу ишда Жаъфарга маориф министри билан таниш бўлган бир дўстি ёрдам берди. Америкада ўқиб юрган кезларида араб санъати бўйича докторлик диссертацияси устида ишләтганлиги, келажакда Лос Анжелосда сценаристликка ўқиши умиди борлиги, журнallарга мақолалар ёзиб, яхшигина пул топаётганлиги, телевизор учун ҳам баъзи нарсалар ёзиб турганлиги, Америкадан беш-олти доллар орттириб келиш мақсади борлиги ҳақида менга мунтазам ёзиб турди.

1950 йилда у Мисрга қайтиб келди. Эртасига ёқ Жаъфарни кўргани бордим. Уни кўргани Шаъровий ал-Фаҳомдан ташқари, кўпгина санъаткор ўртоқлари, ёшликтаги дўстлари келишган экан. Суҳбат мобайнида ундан:— Давлат секторида ишда қоласанми? Еки олдинги ишингга қайтасанми?— деб сўраган эдик, Жаъфар:

— Командировка шартига мувофиқ бу соҳада беш йил ишлаб беришим шарт,— деб жавоб берди. Кейни Америка таассуротлари ҳақида тўхталиб, американча ҳаёт тарзи ажойиб ва ғаройиб экан. Уларнинг ўзлари ҳам ёмон одам эмас. Лекин Японияга атом бомбаси ташлаганлари учун уларни мутлақо кечиролмайман. Менимча, улар Шарққа кўз олайтирмоқдалар. Биз

ниҳоятда хүшёр туришимиз лозим,— деди ва сўзининг охирида унда **Миср-кино-санъатини** ривожлантириши нияти борлигини айтди.

Суҳбатимиз қизиб кетди. Айниқса, раҳматли Закария Аҳмад хонага кириши билан ичак узилди асқиялар, ўйни-кулгига авжига чиқди.

Кечга бориб, ҳаммамиз тарқалдик. Жаъфар мени жума кунин эрталаб Шамполеондаги ўйига келишимни илтимос қилди.

Эртаси куни эса, «Аҳром» газетасида ўнинг тўсатдан вафот этганлиги ҳақида хабар босилди.

У бизни кузатгандан кейин, кечқурун соат **самина**-ларда кўчага чиқибди. Бир-инки қадам ташламасданоқ банаи пўстлогига тийганиб кетибди-да, **йўлка** қирғогига боши билан тушиб шу ондаёқ жон бериди.

## ҲАНОН МУСТАФО

Кўмдир мени чақиргандек бўлди. Угирилиб қарасам, олтмиш ёшлардаги бир аёл менга қараб кулиб турибди. Аввал уни танимадим. Кейин таниб қолиб, қувончимдан:— Ҳанон!— деб юбордим беихтиёр.

— Ҳа мен,— деди аёл уни таниганлигимдан суюниб.

— Сизни дарҳол танидим, айтарли ўзгармабсанз. Мени таниёлмассиз, деб қўрққан эдим. Демак, кўринишм унчалик ўзгармаганга ўхшайди-а? Май ойида Жулаймда нима қилиб юрибсанз? Еки Искандарияда яшаяпсизми?

— Йўқ. Ёзда дам олиш учун ижарага бирор жой олиб қўйяй деган эдим.

— Сиз-чи?

— Тасодифни қараанг-а, мен ҳам шу мақсадда келганиман.


— Бир ўзингизми?

— Ҳа.

— Мен ҳам.

Таниш-билишлар, ошина-оғайнилар, ёру дўстлар ҳақила узоқ вақт гаплашиб ўтиридик. Мен ўзим ҳақимда ганириб бердим. У ҳам турмушга чиққан тўртта қизи ва беш-олтига набираси борлиги, эри оламдан ўтганига икки йил бўлганини айтди.

Ўтмишин хотирлаб, соҳилда оҳиста юриб борарканмиз:



— Охирги марта мени қачон күрган әдингиз?—  
деб сүраб қолди Ҳанон.

— Қирқ түрт йил муқаддам,— дедим бироз үйла-  
ниб туриб.

— Буни қаранг-а! Қирқ түрт йилдан кейин ҳам  
дарҳол танидим-а сизни.

— Мен ҳам танидим-ку!

— Бирданнга эмас.

— Барибир танидим-да.

— Ешликдаги севгимиз ёдингиздами?

— Ҳа, албатта.

Ҳанон ёшликтаги севгимиз ҳақида тұлқинлана-  
тұлқинлана гапыра бошлади. Мен ҳам унға жим қу-  
лоқ солиб бордим, сүнгра самимий хайрлашиб, ҳар  
биrimiz ўз йўлинизга кетдик.

Мен боғлари, далалари ва күчаларида доимий  
осойиниталик ҳукм сурган Аббосияга қайтарканман,  
кўз ўигимдан ўша мафтуңкор ёшлиқ чоғлари ўта  
бошлади. Мустафолар оиласини эсладим: ота-она,  
ўғил ва Ҳанон. Бизни қандайдир сеҳрли куч билан  
ўзига тортадиган хоналон... Оила бошлиги кечки  
пайт деразаси кўчага қараган меҳмонхонада, тебран-  
гич курсида дам олиб ўтиради. Стол устида ароқ,  
қадаҳ, муздон ва газак. Тўлачадан келган, ўрта бўй-  
ли, қизил юзли, боши яргоқ буодам урф-одат ва ань-  
аналарга парво қилмасди. У камгап, вазмин, димоғ-  
дор туюларди. Аммо қиттай ичиб олгач, ўтган-кетган  
ёш-яланг аёлларга мулойим боқиб, ўша атрофда кар-  
тошка, сабзи, пиёз, қулуинай суви, муз қаймоқ ва  
ҳоказолар сотувчиларнинг жигига тегиб, улар харид-  
дор чақириб айтган сўзларини масхара қилишга ту-  
шарди. Биз уч-тўртта ёшлар нарироқда унинг гапла-  
ридан завқланиб кулардик. Унга қараб Жаъфар Ҳалил  
тўқиган маза-бемаза гапларни биз ҳам такрор-  
лардик. Бу ҳол ҳаммамиздан кўра Жаъфар Ҳалилга  
маъқул тушарди ва у кино ёки циркдан кўра ушбу  
томушадан кўпроқ завқланишини тан оларди. Бу то-  
муша кўпинча новча, ҳасса таянган, озғин, ҳаммага  
белисанд қарайдиган уй бекасининг ичкаридан чиқиб  
қолиши билан тугарди. Шу пайт бекасининг бирорта-  
мизга кўзи тушиб қолса борми, асти қўяберинг, роса  
қарғиш эшитардик. Бизга яхши тарбия бермаган ота-  
онамиздан тортиб, то етти пуштимизгача ҳаммани  
қарғаб-қарғаб, ичкари кириб кетарди. Эри каби

унинг ҳам ғалати одати бор эди. Кўпинча сотувчилар ва хизматкорлари билан жанжаллашиб қоларди. Айтишларича, у эридан ўн ёш катта, лекин насл-насабли, ер-мулкли, бой аёл эди. Эрининг эса вақф еридан оладиган нафақасидан бошқа ҳеч вақси йўқ. На илми, на ҳунари бор. Аёл унга фақат зоти тозалиги учунгина турмушга чиққан экан.

Шу кўчадан ўтиб юрувчилар орасида белини чилвир билан боғлаб, узун, қора жулбоб кийған, юзи аралаш қора рўмол ўраб, доим яланг оёқ юрадиган қўй бокар бир лўли аёл бўлгучииди. У қўйлари билан кўчада пайдо бўлди дегунча, ғашига тегиб, масхара қиласдик. Лўли аёл бўлса қўлига тушгац нарсани олиб бизга отарди. Бизнинг тегажоқлигимизни кузатиб турган Мустафобек аёлни ҳимоя қилган бўлар, ҳаммамизни ҳайдаб юборарди. Кейинчалик шу лўли аёл Мустафобекка ёқиб қолди ва биздан уни астойдил ҳимоя қила бошлади.

Кунларнинг бирида Мустафобекнинг ўша лўли билан улфатчилик қилгани маълум бўлиб қолди. Ичимида шўҳроқ бўлган Сайид Шаир бизга шу хақда хабар берди.

Ушанда Мустафобек хонадонида шундай жанжал қўтарилидки, асти қўяверинг. Бу жанжалдан деворлар титради, сокин кўчалар ларзага келди. Уй томларида холис томошабинлар пайдо бўлди. Шу можародаи кейин Мустафобек оиласини ташлаб кетиб анича вақтгача ҳеч кимга кўринмай юрди. Айтишларича, у ўша лўлига уйланиб, «ал-Аҳмар» кўчасида яшай бошлабди. Хўжалик ишлари эса,bekанинг ўзига қолибди.

Бека қизиқ табиатли аёл эди. Қизи дугоналари билан кўчада ўйнаса индамасди. Ўғли Сулаймонни эса, ҳеч қаерга ёлғиз чиқармас, маҳалла болаларига қўшмасди. Бизнинг эса бирга ўйнагимиз келарди. Ўғли бирор жойга бормоқчи бўлса, она ёнда ўзи борарди. Анча келишган, одобли, ювош ва ушиқ ўғли одатда бир ўзи ёки хизматкори билан бояға айланниб юрарди. Кейин улар маҳалламиздан кўчиб кетишиди.

Мен болагат ёшига етмаган бўлсам ҳам Ҳапонни яхши кўриб қолгандим. У оқ бадан, мовий кўз, хушрўй, ширин сўз қиз эди. Рамазон ойлари болалар учун чинакам байрам бўларди. Коши қорайли дегун-

ча, күчанинг фонус нурлари остида яйраб ўйнастгап болаларнинг қий-чуви босиб кетарди. Баъзиларимиз рамазон айтсак, баъзиларимиз муҳаббат тўғрисида гаплашиб ўтирадик. Ҳали севги изҳор этини йўлларини билмасак-да, бу ажойиб туйгуни бир-биримизга кулиб қарап, қўшиқ айтиш ёки яширии илтифот кўрсатиш орқали билдирадик.

Ҳанон ўн икки ёшга тўлганда онаси уни кўчага чиқармай, мактабга юбормай қўйди. Унинг фикрича ўқиши фақат камбағалларга чиқарилган эмиш. Сулағ мон ҳам бошлигич мактабни тугатмай, ўқишини ташлади. Ҳанон билан учрашиш имкониятидан маҳрум бўлдим. Шундан кейин мен у билан онда-сонда дебраза ортидан ёки томга чиққанда имо-ишоралар билан гаплашиб юрдим. Лекин бу ҳолат ҳар икка-ламизни ҳам қаноатлантирумасди албатта. Иттифоқо уларнинг хизматкори бизга иш бериб қолди. Биз у орқали бир-биримизга гул ва салом йўллаб турдик. Мен бундан жуда баҳтиёр эдим. Лекин бу билан кўнгил тўлмай, янада ладилроқ ҳаракат қилиб, у билан кўришиб туришни истардим. Аммо йўл то-полмасдим.

Негадир Ҳаноннинг онаси бизникига, бизникилар уларнига серқатнов бўлиб қолишиди. Онаси Ҳанонни менга унаштиromoқчи эканлигини сезиб саросимага тушдим. Бунда ҳам қўрқув, ҳам севинч аломати бор эди.

Кутилмаган таклифдан ҳайрон бўлган ота-онам унга:

— Аввало бу биз учун катта шараф. Лекин фарзандларимиз ҳали ёш-ку. Улар эндигина ўн учга тў-лишди,— деб жавоб беришиди. Ҳаноннинг онаси эса пинагини ҳам бузмай, ҳассасини дўқиллатиб:

— Баъзан йўргакдаги болалар ҳам унаштириб қўйилади,— деди.

Ота-онам унга ҳали бошлигич мактабни тугатмаганилигим, уйланишим учун беш-ўн қовун лишиги борлигини айтишган эди, аёл сўзида қатъий туриб:

— Үғлингиз ўқийман, аттестат, диплом оламан, ишлайман деб ўзини беҳуда койитмасин. Қизим бой. Турмушда ҳеч қандай қийинчилик кўришмайди,— деди.

— Лекин ўғил бола ўқиши, бирор ҳунарни эгаллаши зарур.

- Бўлмаган гап.
- Ҳозир ҳеч тайёргарчилгимиз йўқ. Бой қизга уйланишнинг ўзи бўлмайди. Ўғлимиз иккى дунёда бунга кўймайди.
- У ҳолда нима қилишимиз керак?— деди Ҳаноннинг онаси.
- Аввал ўқишини тамомлаб олсин, кейин уйланса майли.
- Қашча кутишимиз лозим?
- Қамида ўн йил.
- Сизлар ношукурлик қиляпсизлар,— деди она шангиллаб ва бироз жим турди-да, янада баттарроқ шовқин солиб:
- Сизлар ношукурлик қиляпсизлар,— дея жаҳл билан чиқиб кетди.

Бу кутилмаган таклифдан ҳангу-манг бўлиб қолган ота-онам мени исканжага олишди. Мен севгимизнинг бу қадар тус олишини ҳеч кутмаган эдим. Шубҳа йўқки, ўртамиздаги сирдан онаси хабардор бўлиб ўрган ва масалани энг яхши ҳал қилиш йўли — бизни унаштириб қўйиш, деб билган. Ота-онамнинг рад этишларини ҳаёлига ҳам келтирмаган.

Бўлиб ўтган бу сұхбатдан ниҳоятда афсусландим ва бунинг учун Ҳанондан узр сўрашга қарор қилдим. Лекин энди у на деразаси олдида пайдо бўлар, на хизматкорини юборарди. Бир куни мактабдан келгач, Мустафолар оиласи ҳовлисини сотиб, бошқа жойга кўчиб кетишганини эшитдим. Бу мен учун биринчи айрилиқ ва биринчи ҳижрон азоби эди. Қаттиқ хафа бўлиб, бир неча кун кўчага чиқмадим. Вақт ўтиши билан бу изтироблар эскириб, эсадалик сифатида хотирамда қолди.

Шундан кейин Ҳанонни 1969 йили, май ойидা, олтмиш ёшида, Жулаймда учратдим. Акаси Сулаймон ҳақида эса, кино санъатитга қизиққан, марҳум Жаъфар Халилдан қисман эшитиб турардим. Жаъфарнинг айтишича, у Сулаймонни Миер кино студиясида учратиб қолгани экан. У қайсиdir фильмда иштирок этаётган раққослар группасида эмиш. Улар ҳол-аҳвол сўрашгач, Сулаймон рақсга кўнгил қўйгани ва ҳаётини бутунлай шу соҳага бағишилаганини айтибди.

Ҳанон Жулаймдаги ўша учрашувда менга улар Аббосиядан кўчиб кетишган йилнинг охиirlарида ота-

си, бундан икки йил бурун онаси вафот этганилкларини, акаси Сулаймон Ҳанондан мутлақо хабар олмай қўйгани, у тўғрисида фақат экран журнallарида ўқиб турганини айтди.

## ХАЛИЛ ЗАКИЙ

Аббосиялик ўртоқларим ичидаги энг жанжалкаши мана шу Халил Закий эди. Катталар негадир унга қаттиқ гапиришмасди. Халил учун арзимаган нарсадан жанжал чиқариб, дилимизни сиёҳ қилиш ҳеч гап эмасди. Пешонамда ҳамон ёғоч кавуш зарбаспининг изи кетгани йўқ. Ҳусайн Ҳижозий яхши футболисттми ёки Маҳмуд Мухторми деб у билан баҳслашиб қолдик. Мен Ҳусайн Ҳижозийни моҳир ўйинчи дедим, у эса Маҳмуд Мухторни мақтади. Ҳуллас, сўзимиз сўзимизга тўғри келмай у ёғоч кавуш билан пешонамга бир туширди. Жаъфар Ҳалил билан Чарли Чаплин ва Макс Ландр тўғрисида тортишиб қолиб, уришган, Ийд Мансур ундан уч тийин олиб, вақтида қайтармагани учун роса калтак еган эди. Орамизда фақат Сайид Шаиргина Халилга бас кела оларди. Бир куни иккаласи муштлашиб қолишгандан, ҳақиқий адолатли олишувни биринчи маротаба кўрдик. Уларнинг буриилари қонаб, кийимлари йиртилиб кетганди. Биз шу аҳволда уйга кирган Халил Закий отасидан ўлгудек калтак ейиншини тасаввур қилиб, роса хурсанд бўлгандик. У билан аразланиб юриш бефойда эди. Бугун уриниса, эртасига ёқ яратшиб олаверарди.

Биз Халил билан кўришмасак ҳам у барибири, парво қилмай ўйнайверарди. Аммо баъзан бизга ҳам фойда келтиради. Қўпинча футбол ўйинидан кейин қўшни маҳалла болалари билан муштлашиб қолсанак, бизнинг кузиrimiz бўларди.

Икки боғ ўртасида жойлашган дўконда атторлик мөллари сотувчи отаси яширинча наша чекар, унинг бу сирини ҳаммага ошкор қилиб юрган ўғлини эса ёмон кўрар, унга ҳеч ширин гапирмас, баъзан ўртоқлари олдида қаттиқ ураг, урганда ҳам шундай урагдики, ўлдириб қўяди, деб қўрқардик. Халил ҳам бағритош отасини ёқтирмас ва доим унга ўлим тилаб юради. Оила бошлиғи деган номга мутлақо номуно-

сіб бу одам ўзининг бутун ғазаб-нафратини Халилга қаратганди. Ота-бола ўртасидаги муносабатдан биз ҳайрон әдик.

«Олло таоло Нуҳ қавмига түфон балосини юборганидек, Халилга ота зулмини юборган»,— дерди Сурур Абдулбоқий.

Халил бошланғыч мактабда ўқий олмагач, отаси уни ўз дўконига олди. Бундан биз хурсанд бўлдик. Унинг дилозорликларидан қутилганимизга шукр қилиб, эркин нафас олдик. Бироқ бир ой ўтар-ўтмас Халил яна орамизда пайдо бўлди.

— Тинчликми?— деб сўрадик ҳайратимизни ундан яшириб.

— Жиннининг боласи мени ҳайдаб юборди.

— Дўконданми?

— Уйдан ҳам.

Сайид Шаирнинг айтишича, Халил харидга келгап мижозлардан бирини урибди ва ҳар куни дўкондан нарса ўғирлай бошлабди. Шунинг учун отаси уни ҳайдаб юборишга мажбур бўлибди. Халилининг орамизга қайтиб келишидан хурсанд бўлмадик. Чунки у бизга тирик товои бўлиши аниқ әди. Ўйлаганимиздек қаҳвахона, кино-театр ва транспорт харажатлари бўйнимизга тушди. Лекин Халилининг қаерда тупаб, нима билан шугулланаётгани бизга қоронғи әди. Кино соҳаси билан қизиқувчи Жаъфар Халил уни кино идорасига ишга олиб кириб қўйди. Жаъфарнинг айтишича, қўлига бироз пул тушган Халил ўша ерда раққослик қилаётган Сулаймон Мустафо билан танишиб олибди ва ундан фойда чиқишига кўзи етиб, атрофида гирди-капалак бўла бошлабди. Кўп ўтмай улар ўртасида ғалати дўстлик вужудга келиб, бир-биrlари билан жуда иноқлашиб кетибдилар. Бу дўстликдан ўз манфаати йўлида фойдаланган Халил Закий Сулаймонга ўз хукмими ўтказа бошлабди. Сал фуреатда унга қўл кўтарадиган бўлибди. Натижада Сулаймон мажбур бўлиб, уни полицияга топширибди. У ерда тегишли жазосини олгач, бундай бемаъниликни такрорламаслик шарти билан Халилни бўшатиб юборишибди.

Шундан сўнг Халил у ёқ-бу ёқда дайдиб юрди. Кейин узоқ вақт кўринмай кетди. Бир куни Ийд Мансур у ҳақда хабар топиб келди. Ийд косиблар кварталидаги маҳфий ишратхонага кирган экан, Ха-

лилни ўша ерда уй соҳибаси билан худди шериклардек гаплашиб ўтирганини кўрибди.

Жаъфар Халил ҳам уни учратиб қолган экан. Халил ўз «фаолияти» ҳақида Жаъфарга сўзлаб берибди. Унинг айтишича, Халил хушига ёқсан ҳар бир ишратхонага худди эски мижозлардек кириб бораверар, мақсадига эришгач, уй эгаларида пул талаб қиласар, акс ҳолда, полицияга етказишни айтгаб, дўқ қиласкаи. Ишратхона ҳимоячисини чақиргудек бўлсалар, уни ҳам каллаклар ва ўзини шу уйининг ҳомийси деб тан олишларига мажбур этаркан. Шундай қилиб, кўп ўтмай косиблар кварталидаги барча ишратхоналар унинг қўл ёстига ўтибди. Натижада Халил пулдор бўлиб, кўнгилдагидек яшай бошлабди.

Бу ҳаёт хатарли ва хафли бўлса-да, Халилга жуда муносиб эди. Шу йўлда у равнақ тониб, шаҳар марказидаги машҳур ишратхона уйлари ҳимоячиси даражасига кўтарилиди.

Унга яна омад кулиб боқди. Тайиқли врачлардан бирига «яхши хизмат» қилган экан. Шу врач медицина факультети декани лавозимига кўтарилиганидан кейин Халилни «Қаср ал-Айнӣ» шифохонасида маъмурий ишларнинг бирига жойлаб қўйди. Халил катта шифохонанинг хизматчиларидан бирига айланди. Деканинг ҳимоясида гердайиб юрди. Мартабаси унча юқори бўлмаса-да, даромади кўп эди.

Онда-сонда қаҳвахонага бизни кўргани келарди. Келарди-ю, биринчи навбатда чилим ва кўк чой сўраб, бизга гўё шогирдлари олдида ўтирган устоздек димоғдор мумомала қиласарди.

Бир куни Жаъфар Халилдан:— Олдинги «хизмати» нима бўлди?— деб сўраган эдим, у кулиб:

— Менимча, сен шифохонадан келадиган даромад ҳақида ҳеч нарса билмайсан шекилли-а?— деди.

— Демак у «ишрат» уйлари билан бутунлай алоқасини узибди-да

— Узган. Бироқ айрим «ишрат» уйларига вақти-вақти билан четдан ҳомийлик қилиб туради. Фақат жуда азиз, нозик мижозларгагина «ҳиммат» кўрсатади.

Халил янги ишга ўтганидан кейин, эски таниш, гиёҳванд бир қассобнинг қизига уйланди. Исмоил Сидқий ҳукмронлигининг бошларида мамлакатда бў-

либ ўтган норозилик намойишларида иккى ўғлидан жудо бўлган қассобнинг ягона фарзанди, кўз қораси шу қиз эди. Сувдек оқиб келаётган пулдан ташқари Форуқ кўчасидаги тўртта ҳашаматли иморатга мерос-хўр ҳам шу қиз эди. Тўйлари бўлганига йил ўтар-ўтмас, қассоб наша солаётгандан қўлга тушиб, қамалди ва саломатлиги ёмоилашиб қамоқ касалхонасида дунёдан ўтди. Халил Закий энди барча мол-мулк та-сарруфини ўз қўлига олди. Бу хабар қулогимизга етиб келгач, қайнотасининг ўлимида Халилнинг қўли борлигига заррача шубҳа қилмадик.

Унинг усталигига қойил қолган Ийд Мансур ҳа-сад аралаш:— Фоятда пухта ўйланилган ҳийла,— де-са, Жаъфар Халил:— Қайнотасини йўқотиб, тўртта катта иморатга эга бўлди-я,— деди кулиб. Ризо Ҳа-мода эса ачиниб қўшиб қўйди:— Яқин орада бечора хотини кўчада тиламчилик қилса ажаб эмас.

1956 йилги урушда мен фронтга жўнадим. Халил Закийни 1950 йили Жаъфар Халилнинг дафн мароси-мида учратганимни ҳисобга олмаганда, то 1970 йилга қадар ҳеч қаерда кўрмадим. Кўрмадим эмас, ҳатто хаёлимга ҳам келтирмадим. Шу йили куз бошларида Искандариядаги «ат-Тирёнун казиносида ўтирган эдим, қаршимда қора «БЭК» машинаси тўхтади. Ун-дан кимдир тушиб, мен томонга йўл олди. Яқин кел-ганида уни таниб қолдим. У Халил Закий эди. Биз илиқ кўришдик, бироз суҳбатлашиб ўтирдик. Мендан кат-та бўлишига қарамай, Халил ҳали бақувват, тетик ва соғлом кўринарди. Унинг яхши одам эмаслиги қиё-фаси ва қадам олишидан сезилиб турарди.

Черкасча костюми ва муштлашишлар натижасида қолган жароҳат изларини беркитиш учун бостириб кийиб олган тарбуши Халилга бироз жиддий тус бе-рарди.

— Эҳтимол менинг бутунлай искандариялик бў-либ қолганлигимдан бехабардирсан?

— Ростданми?

— Ҳа, ҳозир адабиёт факультетида ўқиётган кен-жа қизим Қоҳирада ўқишига киролмагач, бу ерга кў-чиб келиб, Лориан районидан вилла сотиб олдим. Қутлуг бўлсинга боришинг шарт.

— Ташаккур. Ҳозир қаерда ишлайисан?

— Ҳеч қаерда. Бундан иккى йил бурун кўкрак оғ-риқ қасалига мубтало бўлиб, ишдан бўшадим.

— Ҳозир саломатлигинг дурустми?

— Ёмон эмас. Лекин күпинча врачлар маслаҳатига амал қылмайман— дея тилла тишларини кўрсатиб кулади ва:— Сенга айтган кенжা қизимдан бошқа уч инженер ва бир врач ўғлим бор,— деди.

— Қойил. Пиру бадавлат экансан.

— Ота бўлиш ҳадисини олволдим,— ҳазил қилди у.— Кейин афсуслангай оҳангда:— Фарзандларим ҳам менга ўхшаб фақат ўзлари ва келажаклари ҳақида ўйлармиккинлар десам, улар доимо сиёsat соҳасида баҳсолашадилар,— деди.

Мен ҳайрон бўлиб, унга зимидан қараб қўярканман, ўз-ўзимдан сўрадим: Қизиқ, ўрин келса ҳозир ҳам муштлашармиккин? Қай даражада ўзгардийкни? Ўз ўтмишига қандай қарапкин? Фарзандлари уни ким деб ўйлашаркин? Уч инженер ва бир врачни тарбиялаб, вояга етказиш унинг қора ўтмишини оқлай олармиккин? Икки йўлдан қайси бири устун? Тўрт ўқимишли фарзандни вояга етказдим, деб қонун олдидаги жавобгарликдан қутулиб қолишими ёки адолат тантана қилиши учун маҳкама олдида жавоб беришми?

Шулар ҳақида ўйларканман, доктор Зуҳайр Комилнинг: «Одамлар тобора бузилиб, уларда аҳлоқдан нишона қолмаётганинга ишонч ҳосил қилдим. Қани ёнди улар ўзларининг ким эканликларини эътироф этсалар-да, ҳаётларини ана шу асосда қурсалар. Ана шундагина пасткашлар ва ярамаслар жамиятида инсоннинг умумий баҳт-саодатини таъминлаш учун нималар қилишимиз кераклиги аниқ ва равshan бўларди»,— дегани ёдимга тушди.

## ДУРРИЯ СОЛИМ

— Салом бердик, хоним,— дедим у билан учрашиб қолиб. Дуррия менга қаради, юзларида ёқимли табассум пайдо бўлди. Бу мени руҳлантиргани учун:

— Шунча бирга кечирган totли дамлардан кейин кўришмай ўтиб кетсак яхши бўлмас,— дедим.

— Қайси totли дамлар ҳақида гапиряптилар? Билсак бўладими?— сўради Дуррия гап оҳангимга тақлид қилиб.

— Иккаламиз учун ҳам лаззат баҳш этган ширин дамларни айтяпман-да.

— Ҳа, шундай денг. Саломингизни қабул этдик,—  
кулди у очиқ кўнгиллик билан.

Багоят хурсандман. Лекин бу кам.

— Яна нима истайдилар?

Кўпинча у учта ўғли билан Мунтазаҳ<sup>1</sup>даги пляжга  
келарди ва казинонинг деразасидан пляжга қараб,  
ўғилларининг чўмилишларини томоша қилиб ўтиради.  
Унинг қувноқ чеҳраси, гулдек бадани, атрофга  
шўх-шўх боққан оҳу кўзлари мени маҳлиё этди. Бу кўз-  
ларда мафтункор, сирли ишора сездим. Гўзаллик  
шайдолари бундай назокатга бефарқ қаролмайди ал-  
батта. Беихтиёр аёлнинг олдига бордим. Бир-биримиз  
билан танишиб, кечки пайт «ал-Бажъа» боғида уч-  
рашишга ваъдалашиб олдик.

Келишилган жойга кетаётганимда бу соҳибжамол  
аёлнинг бева ёки эридан ажраганига ишончим комил  
эди. Бироқ эри борлигини ўз оғзидан эшишиб, дарҳол  
узр сўрадим ва:

— У ҳолда нечун доим ёлғиз юрасиз?— дедим.

— Эрим сафарга кетган. Шу 1960 йилнинг охир-  
ларида қайтади. Сиз нима, эри бор аёллар билан уч-  
рашишин ёқтирамайсизми?— деб сўради аёл ранжиган  
қиёфада истеҳзоли жилмайиб.

— Ўйлайманки...

— Яхиси, Қоҳирада учрашиб туришимиз учун  
шароит яратиш ҳақида ўйланг,— сўзимни бўлди хо-  
ним.

— Жуда яхши,— дедим хурсанд бўлиб.

— Лекин мен ҳақимда ёмон фикрда бўлманг.

— Нима учун ёмон фикрда бўларканман?

— Бу аёл нима учун биринчи таклифимдаёқ  
учрашувга рози бўлди, деб ҳайрон бўлаётгандир-  
сиз?

Ҳақиқатда ҳам мен шундай фикрда эдим, лекин:

— Мен учрашишни сиздан кам хоҳлаётганим йўқ.  
Аксинча, бунинг сабабчиси ўзимман,— дедим.

— Ҳа, самиймийликка не етсин,— деди аёл муло-  
йим овозда.

Бошим қотиб қолди. Ҳа, бу аёл менга ёқди. У  
билан бирга бўлишни, ширин суҳбат қуришни истай-  
ман, аммо уни ҳеч қачон севолмасам керак...

<sup>1</sup> Мунтазаҳ — Искандариянинг Уртаер денгизи соҳилига  
жойлашган шинам боғ.

Шу яқин-атрофда холи уй топдим. Хоним мени кутиб олишга тегишли ҳозирлик күрган бўлса керак, деган хаёл билан эшикни очиб, ичкарига кирдим. Лекин унинг диванда хотиржам ўтирганини кўриб, янглишганимни англадим. Аёлнинг лабларидан бўса олиб, эркалатдим. У ҳам меҳр тўла мулоим табасум билан нозланди. Ичимлик тутган эдим, рад этди. Бағримга босган эдим, қулогимга:

— Кошки учрашувимиз тинчгина, баҳтли ўтса,— деди.

— Гапингизга тушунмадим,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Лекин фақат шу мақсад учун келган экан деб ўйламанг., дея мени оғушига тортид...

Учрашувларимиз ниҳоятда кўнгилли ўтиб турди. Аммо менинг бу аёлга нисбатан фикрим ўзгарди. Дар ҳақиқат, у ўз вақтини тинчгини, роҳатда ўтказишга қодир аёл эди. Енгил табиат, сал имога маҳтал аёл билан, нозик таъб, зоҳидона бу аёл ўртасида еру осмонча фарқ бор эди. Шунинг учун ҳам мен унга:— Сиз ажойиб аёл экансиз,— деган эдим, у қизиқсанниб сўради:

— Ростданми? Суҳбатимдан хурсандмисиз?

— Жуда.

— Мен учун муҳими шу.

Мен томондан ҳақиқий севгисиз, у томондан эса эрига нисбатан хиёнатини бирорта сабаб билан оқлаб бўлмайдиган учрашувларимиз ҳар ҳафтада давом этиб турди. Биз бир-биrimизга жудаям ўрганиб қолдик. Мен бир кун унга:

— Тўғрисини айтсан сизин биринчи марта, соҳилдаги казинода кўрганимда, бошқача аёл деб тасаввур қилгандим,— дедим.

— Бу билан ишма демоқчисиз?

— Сиз ёмон аёллардан эмас экансиз.

— Худога шукр.

— Сизни бегона эркак билан ишрат қилишга нима мажбур этди экан, деб ўйлаб қоламан,— дедим қўлини қўлларим орасига олиб туриб.

— Бегона эркак билан?

— Эринингиздан бошқаси билан демоқчиман.

— Ҳамма вақт шуниқа, ростини айтсанг ишонишмайди,— деди аёл раижиб.

Одат тусига кириб қолган мунтазам учрашувларимизнинг бирнда аёл хотиралар дафтарини варақ-

лар экан, ҳамширалик пайтида бир врачи қаттиқ севиб қолгани ҳақида гапириб берди:

— Бир-биримизни севардик. Тұғрисини айтганда, биринchi учрашувдаёқ унга таслим бўлдим.

— Кейин сизга уйландими?

— Олижаноб, садоқатли йигит эди.

— Қандай яхши.

— Анча вақтгача баҳтли ҳаёт кечирдик. Худо бизга уч ўғил берди,— деди-да, жим қолди.

— Кейин-чи?

— Кейин, ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди хоним уйқудан уйғонгандай.

— Ҳозир қандай яшаяпсизлар?

— Бир нави.

— Яъни?

— Уша севги ҳақи умримиз зое ўтяпти.

— Эрингиз келгандан кейин ҳам учрашиб турамизми?

— Албатта.

Тотли учрашувларимиз ва орамиздаги самимий суҳбатлар мени аёлга қаттиқ bogлаб қўйди. Унинг ўзи ҳам кундан-кунга дилбар, меҳрибон ва суюмли бўлиб борди. Бир куни хоним менга:

— Ҳаётимни сизсиз тасаввур этолмайман,— деб қолди. Мен жавоб ўрнига лабидан илиқ бўса олдим. Лекин бу уни қониқтирмади ва истиғно билан:— Сизчи?— сўради мендан.

— Мен ҳам ҳаётимни сизсиз тасаввур этолмайман,— жавоб бердим.

— Лекин шу вақтга қадар, «севаман» деган сўзингизни эшитмадим.

— Мен сизни сўзда эмас, амалда севаман. Бу эса энг муҳими.

Учрашувларимизниң яна бирида хоним менга доктор Содиқ Абдулҳамидинг сафардан қайтганлиги ҳақида шунчаки, гап орасида айтиб ўтди.

Уша пайтларда мен Жодд абу ал-Улоларниги қатиаб турадим: Содиқ Абдулҳамидин ҳам шу ерда учратдим. Шу кундан бошлаб Содиқ Абдулҳамид билан ўртамизыва ажиб дўстлик бошланди. Мен уни Солим Жабр, Зуҳайр Комил ва доктор Моҳир Абдулкарим салонларига бошлаб бордим.

Дуррня билан тенгдош, балки ундан беш-олти ёш кичик кўринган бу йигит мени жуда ҳайратда қол-

дирди. У заковатли ва олижаноб одам экай. Дуррия балап таништанимизга түрт ой бўлди деганда, эри билан дўстлик алоқалари боғланди. Энди шаронт пинҳоний учрашувларга чек қўйишни тақозо эта бошлади ва мен қаттиқ виждан азобида қолдим. Дуррия мендан бундай кескин ўзгаришии кутмаган эди. Бирок у мендаги руҳий изтироблар сабабини, учрашувларга монелик қилаётган вазиятии дарҳол сезди.

— У менинг эрим эканлигини тамомила унунинг. Ахир унинг исмини, касбини сизга айтмаслигим ҳам мумкин эди-ку! — илтижо қилди Дуррия.

— Тўғри, шундай бўлиши мумкин эди. Ҳозир бунинг нима аҳамияти бор?

— Биз муносабатимизни узмаслигимиз лозим. Муҳими шу.

— Мен оғир аҳволда қолдим.

— Эрим ўртамиздаги муносабатни сезиб қолган тақдирда ҳам ҳеч нарса демаса керак,— деди Дуррия қизарив-бўзарив.

Сўзларига ишонқирамай, ҳайрон бўлиб турганимни сезгач:

— У мени севмайди. Мана, уч йилдирки, у мени севади деб айтолмайман. Гапимга ишонаверинг.— деди маъюс оҳангда.

— Ишонаман. Афсус!

— У бошқа аёл билан топишиб олган. Агар фарзандларига меҳрибон бўлмаганда, аллақачон уйни ўша хотинга ташлаб кетган бўлардик.

— Ниҳоятда ачинарли, Дуррия!

— Ачинарли? Нимаси ачинарли?

— Сизнинг ҳолатингиз, қолаверса, ҳеч ҳавас қилиб бўлмайдиган менинг ҳолатим ачинарли, Дуррия!

— Агар мени севганингизда бунчалик афсусланмаган бўлардингиз.

— Тўғрисини айтганда, дўстимнинг кўзига қарашга юзим шувут.

Ёшланган кўзларини мендан олди-да, титроқ овоз билан:

— Сиз ҳали уни билмайсиз. Қандай қилиб кеча танишган одамингиз бугун дўстингиз бўлиб қолди? Севги дўстликдан кучли. Сиз мени яхши кўрмас экансиз. Энди тушундим,— деди.

Мен кима дейишимни билмай жим қолдим. Шу жимлик ўзаро алоқамизга парда ташлади. Учрашув жойимизки тарк этарканмиз, умрида энг оғир лаҳзаларни кечираётган дилбар аёл қоматига сүқланиб қараб, юрагим сиқилди. Ташқарига чиқарканмиз, совуқ ҳаво бизни аччиқ-аччиқ чимдилаб олди.

## РИЗО ҲАМОДА

Гўзал Аббосияни эсларканман у ердаги ҳаётимда катта таассурот қолдирган Жаъфар Халил, Халил Закий ва Ҳанон Мустафолар қатори Ризо Ҳамода ҳам кўз ўнгимдан ўтиб туради. У сўзида қаттиқ турувчи, юксак ахлоқли, ҳаётда қийинчиликларга сабот ва матонат билан бардош берувчи мустаҳкам иродали ва курашchan одам эди.

Ёшлиқда футбол ўйнаб юрган чоғларимиздаёқ дўстимиз Ризо бақувватлиги, баланд бўйи билан ҳаммамиздан ажралиб туради. Халил Закий ҳам унга ўз ҳукмини ўтказа олмасди.

Бошланғич мактабда ўқиб юрган чоғларида у машҳур футболистлар, турли чемпионлар ва артистлар ҳақида баҳслашидан кўра, ватанпарвар Саъд Зағлул тўғрисида сұхбатлашишини кўпроқ ёқтиради. Ватанпарварлик руҳи унинг қопига сингиб кетганди. Унинг отаси терлама касалниклари шифохонасининг бош врачи ва аёллар уйғониш даврининг пешқадами ҳисобланган онаси эса муаллима бўлиб, ўз фарзандларининг таълим-тарбиясига катта аҳамият беришганди. Илм олишга иштиёқманд опаси Англияга ўқишга кетгани эди, акаси эса Қоҳира ҳуқуқшунослик мактабида ўқирди.

Бироқ ўқимишли деб ном чиқарган бу оила бошига кетма-кет оғир мусибатлар туша бошлади. Ризо онадан эрта етим қолди. Отаси вафд партиясини ташкил этувчилар қаторида айбланиб, ишдан четлатилди. Унинг опаси Англияда вафот этди. Акаси эса 1919 йил революцияси вақтида ҳалок бўлди. Ризо Ватан йўлида жои фидо этган акаси билан фахрланар, кўпинча унинг ақл-заковати ва ғайрати ҳақида мароқ билан гапириб юрарди. Бу эса Халил Закийга ёқмасди. Бир куни у мендан:

— Ўша тентак нима учун ўзини қурбон қилди?— деб сүраб қолди.

— Мустақиіллик учун,— жавоб бердим мен унга.

— Нима, инглизлар унинг бошида ғаноқ чақиша-етғанмиди?

Ризо отаси ва кекса хизматкорлари билан қолған вақтдан бошлаб, мен у билан яқындан танишдим. Елғизлилк жонинг теккан Ризога ўз уйи бамисоли қамоқ бўлиб туюларди. У отасини жуда эъзозлар ва иложи борича уни ранжитмасликка ҳаракат қиласарди. Ишдан четлатилган отаси деярли одамларга қўшилмас, кўп вақтини ёлғизликда, ўз уйнда ўтказарди. Оиласида содир бўлган оғир жудоликлар отага кучли таъсир қиласан эди. Энди у бутун умидини ёлғиз фарзандига боғлар, унинг тарбиясига катта аҳамият берарди. Ота ўз ўғлининг ўқимишли, ватанпарвар ва ҳурматга сазовор бўлиб етишишини истар ва уни эътиборсиз қолдирмасди. Натижада Ризо пок, ростгўй, иродали, билимга чанқоқ бўлиб улғайди. Аммо унга она меҳри етишмасди. Ризо кўпинча менга:

— Илтимос, онанг тўғрисида, уни қандай яхши кўришинг ва унинг сенга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида гапириб бер,— дерди. Ҳаммага маълум: «Эй қуш, чўчимай ёнимга туш»,— деб бошланадиган қўшиқни доимо хиргойи қиласарди.

*Согинч мактубин йўллар она меҳрибон,  
Хар сўзидан топади бемор ҳам дармон.*

мисраларини кўйлаганда ўпкаси тўлиб овози титраб кетарди.

Бир куни арзимаган сабаб билан отаси унни бизнинг олдимизда қаттиқ койди. Бу унга инҳоятда оғир ботди. Биз одатда учрашиб турадиган жойимизга йингилганимизда Ризо ҳеч кимга билдирамай, қаёққадир бориб келди. Сал ўтмай, бирданига қоринни ушлаб, икки букилганича додлай бошлади. У оғриқ зўридан илондек тўлғанарди. Биз қўрққанимиздан нима қилишимизни билолмай, довдираб қолдик. Одамлар тўпланди. Кўп ўтмай, тез ёрдам машинаси етиб келди. Уни Қаср ал-Айиий шифохонасига олиб кетишди. Маълум бўлишича, у кислота ичиб юборган экан. Эртаси куни уни кўргани борганимизда:

— Жонингдан тўйдингми? Бу нима қиласаннинг?— деб койигандим, у маъюс кулди-да:

— Кўрмайсанми, сизларниг олдингизда ҳам шунақа койидаларми ахир,— деди базўр.

Шундан кейин отасининг унга нисбатан муносабати ўзгарди. Ризо ўқиш билан бир қаторда сиёсий ишларда ҳам фаол қатнашди. Революциядан кейинги даврда курашиш усули ўзгарди. Революцияга халқ оммаси катта умид боғлаганди. Аммо бу қонли революциядан сўнг халқ орзу-умидларидан бирортаси ҳам амалга ошмади. Биз учун ундан хотиралар, қон тўкишлар ва ҳаяжонли хитоблардан бошқа ҳеч нарса қолмади. Биз қирол Фуод билаи конституция масаласи бўйича ихтилофда бўлган бош министр Саъд Загулуни ёқлаб, Нодир Бурҳон бошчилигида намоянишга чиқдик.

Ризо Ҳамода ва Бадр аз-Зиёдийнинг сиёсий масалаларга қарашлари бир хил бўлиб, улар яқин дўст әдилар. Ҳокимият Муҳаммад Маҳмуд қўлига ўтганида Бадр аз-Зиёдий норози бўлиб:

— Илгари бизнинг душманимиз фақат инглизлар эди деса, Ризо Ҳамода:

— Қирол ҳам,— деб қўшиб қўйди.

— Оқ ит, қора ит — бари бир ит,— деди Бадр аз-Зиёдий.

— Тўппа-тўгри!

— Мана энди уларга учинчиси қўшилди.

Бадр аз-Зиёдий мактаб ҳовлисида ўлдирилганида қаттиқ қайғургап Ризо:

— Бадр ҳалок бўлгандан кўра Халил Закийга ўхшашиб ифлослар ер тишласа бўлмасмиди!— дея афуссланди.

Ризонинг сиёсий фаолияти анча келгайиб, студентлар делегацияси сафида, миллатлар уйида, Мустафо Наҳдос ҳузуридаги йиғилишларда қатнаша бошлади. У Муҳаммад Маҳмуд даврида қамалди. Исмоил Сидқий ҳукумат тепасига келганда эса, Ризони отиб юборишиларига оз қолди.

У қамоқдаш чиққач, ҳуқуқшунослик факультети талабаларининг сиёсий раҳбарларидан биринга айланди. Ризонинг университет ҳовлисида сўзлаган оташин нутқларини бир неча бор тингладим. У демократия, конституция ва мустақилликка тўла ишонган, содиқ вафдчиларнинг ҳақиқий намояндаси эди. Шунинг учун ҳам Ризо Мисрда олиб борилаётган сиёсатдан ғазабда эди.

— «Қора қўл» ташкилоти раҳбарларини қўлга олишда вафд ўзининг зарбдор кучларидан айрилиб қолди,— деди у.

— Лекин вафд қонуний курашга даъват этмоқ да,— эътиroz билдиридим мен соддадиллик билан.

— Уларнинг гапларини қўй. Биз учун энг тўғри бўйл — аввало сарой ва озчиликни ташкил этган партияларни бартараф қилиш, сўнгра бирлашиб инглизларга зарба беришдан иборат.

\* \* \*

Ризо Ҳамоданинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиётган чоғлари Сурайё Раъфатни яхши кўриб қолиб, унга уйланмоқчи бўлиб юргани менга кейинроқ маълум бўлди. Шу вақтгача у ҳақда сир сақлаб келган экан.

Бир куни Солим Жабр уйидаги йиғилишга мен Ризо Ҳамода билан бирга бордим, унда Сурайё Раъфат ҳам иштирок этди. Мажлисдан кейин Ризонинг янги шаҳардаги уйида суҳбатлашиб ўтиргандик, у:

— Йиғилишимизда иштирок этган аёлни танийсанми?— деб сўраб қолди.

— Ҳа, Сурайё Раъфат.

— Аслида у косиблар маҳалласидан. Мен бир вақтлар Сурайёни яхши кўрадим. Унга албатта уйланардим, агар...

— Нега «агар?»

— Агар дўстимиз Ийд Мансур унинг ўстидан кулганлигини билниб қолмаганимда.

\* \* \*

Ризо 1934 йили ҳуқуқшунослик факультетини битириб, оқловчи бўлиб ишлай бошлади. Бу орада унинг отаси ҳам дунёдан ўтди. Отасидан анча мерос қолди.

Уз соҳасида мавқенин анча мустаҳкамлаб олган Ризо ижтимоий-сиёсий ёзувчи сифатида ҳам кўзга кўрина бошлади. 1942 йил сайловларида районимиздан вакилликка сайланди. Шу йилги 4 февраль<sup>1</sup> воқеаси мени қаттиқ ларзага солди, вафдчи бўлганимга

<sup>1</sup> 1942 йил 4 февралда инглизлар Фарук саройини танклар билан ҳуршаб олиб, Мустафо Наҳдоши бош министр қилиб тайинлашга мажбур ҳилганилар.

ҳам пушаймон едим. Бу кутилмаган воқеа хусусида Ризо билан фикрланиған әдим у:

— Менимча, Мустафо Наҳұс шу йўл билан Ватан ва тахти асрар қолди,— деди.

— Ўзинг тасаввур қилягни·а, инглизлар бизнинг кўзга кўриниган раҳбаримизни бош министр лавозими-га кўтарсалар. Бу қанақа тап ахир?!

— Инглизлар душманимиз эди, ҳозир эса улар биз ғалаба қозонинини истаган тарафни қўлламоқ-далар.

— 4 февраль воқеасида руҳимни заҳарлаган қандайдир хато бор.

— Қирол тарафдорлари каби фашистларга зафар тилаяпсанми?

— Йўқ.

— Демак, 4 февраль воқеасига ҳам шу нуқтаи назардан қарашинг керак.

1950 йили Ризо яна районимиздан вакилликка сайданди. Вафд партиясининг ўз мавқенини мустаҳкамлай олмаётгани, унинг иродасизлиги, нотўғри йўл ташлаб, руҳий тушкунликка юз тутгани ва ҳалқ ташаббусининг сусайнб кетишига сабаб бўлаётгани уни тобора қайғуга солаётган эди.

Мустафо Наҳұс инглизлар билан бўлган битимиши бекор қилиб, кураш эълон қилганда Ризонинг қашчалар қувонганини кўрсангиз эди. Ушанда мамлакат бўйлаб яна бир бор 1919 йил шабадаси эсиб ўтгандек бўлди. Бироқ бу хурсандлик узоққа чўзилмади, 1952 йил июль революциясига қадар худди шундай бекарорлик, тушкунлик даври давом этди. Июль революциясини кўтаринки руҳ билан кутиб олган Ризо янги ҳукумат албатта вафд партиясига таяниб иш тутади, деб ўйлади. Бироқ барча партияларниң тақиқланиши, унинг умидини пучга чиқарди.

— Биз ҳарбий буйруққа ўрганиб қолганимиз, ундан қачон озод бўлишимиз фақат худонинг ўзига аён,— деди куюниб у.

— Сиёsat ўрнига ўз касбинг билан шуғулланавер,— маслаҳат бердим Ризога мен..

— Бошқа чораси ҳам йўққа ўхшайди,— деди кулиб туриб у.

Ризонинг вафд партия раҳбарига, маслаҳатдош дўстларига бўлган садоқати унинг бир неча бор қамалиб чиқишига сабаб бўлди.

У 1940 йилда уйланди. Хотини биттагина ўгил туғиб берди. Кейин врачлар унга туғиши ман этишди. Елғиз ўғли фаросатли, идрокли эди. Отасининг қамалиб, маслакдошлари қатори қаттиқ таъқиб остида қолниши ўрта мактабда ўқиб юрган ўғлига салбий таъсир кўрсатди. Болакай руҳан эзилиб, мактабдан кўнгли совиди, уйдан эшикка чиқмай қўйди. Ўғлининг касалга чалинаётганини кўрган ота уни шифохонага элтиб қўйишга мажбур бўлди. Онаси бу кулфатга бардош беролмай, шол бўлиб қолди, охири кўп ўтмай вафот этди. Ризо қариган чоғида кам-аламдан боши чиқмай қолди. Унинг аҳволига жуда ачинардим. Лекин ҳаёт қийинчиликларига кўнишиб қолган Ризо ўзини йўқотиб қўймади, аксинча эски маҳалладан янги шаҳардаги уйига кўчиб ўтиб, олдингидан кўра ғайрат ва матонат билан ўз соҳасида ишини давом эттирди. Кейинги ўп йил унинг ҳаётида энг самарали йиллар бўлган бўлса ажаб эмас. Ризо ҳозир кўзга кўринган ҳимоячилардан Жинонӣ ишлар бўйича катта асар ҳам ёзмоқда. Асар муқаддимасида фалсафа ва психологияга оид диққатга сазовор фикрлар мавжуд. Бу эса, олимнинг фикр доираси ниҳоятда кенг эканлигидан далолат беради.

Бу мен учун янгилик эмас албатта, чунки Ризо кўпинча Моҳир Абдулкарим, Солим Жабр, Зуҳайр Комил ва бошқалар билан фалсафа, сиёсат ва адабиёт соҳасида қизғин баҳслашарди. Хуқуқшунослик борасида эса, шубҳасиз, ҳақиқий мутахассис эди.

Ризо Ҳамоданинг мени ҳайратда қолдиран, менга манзур бўлган хислатлари унинг ахлоқи ва одобидир. Менинг танишларим, ошина-оғайниларим ичидаги фақат Комил Рамзий ва Сурур Абдулбоқийларгина бундай хислатга эга эдилар холос. Бу хилдаги одобдан бизнинг жамиятимизда фақат ҳайратланасан холос. Чунки мен баъзан ўзимни номигагина жамият деб юрити-лаётган катта фоҳишаҳонада яшаяпман, деб ҳис қилиш даражасига борардим. Ризо Ҳамода эса пок ниятли, хулқи гўзал, ҳалол, вафодор эди. У умр бўйи хурофот ва мутаассибликтан холи ёрқин эътиқод касб этган маданият, демократия ва озодлик каби принципларга содиқ бўлиб қолди.

Ҳа, у сўлларининг ҳеч қайси фикрига ҳеч қачон қўшилмади. Бу жиҳатдан у замон билан ҳаминафас бўлолмади. Мен у билан революцион фаолияти жўш

урган ёшлик даврида, шунингдек, гарчи ўзи эътироф этмаса-да, «либераллик ҳар бир сиёсат тарихида муқаддас сўз», деб тақрорлаб юрган, кекса консервативлик даврида бирга бўлдим. Ризо Ҳамодани ҳаётидаги довулдек ёғилган мусибатларга чидашида, демократия, мустақиллик ва юксак фоялар ҳақидаги умидларининг амалга ошмаганлигига, ўғли ва хотинининг ўлимига, Мустафо Нахҳос каби қадрданларидан жудо бўлишига бардош бера олишида унинг юксак иродаси ўз сеҳрли кучи билан қўллаб-қувватлаб турган бўлса ажаб эмас. Ҳаётидаги энг қадрдан, энг гўзал нарсларидан ажради. Лекин Ризо тушкунликка тушмади. Аксинча, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб ишлади. Ҳаётда метин ирова билан яшади. Дўстлари билан яхши муносабатда бўлиб, салонлардаги йигилишларда йиширок этишни тарқ этмади.

Нуроний, барваста Ризо Ҳамода ҳар сафар қаршимда пайдо бўлганда, ўзининг мароқли суҳбатлари билан ҳузур бағищлаганди, дилимда фаҳр туйғуси билан унга ва уни яратган табиатга оғарнишлар айтаман.

## ЗАҲРОН ҲАССУНА

Таниш-билишларим ичидаги кўп вақтини қаҳвахонада ўтказадиганлари ҳам бўлиб, мен уларни «аҳли қаҳвахона» деб атардим. Бу хилдаги одамлар билан одатда ишқ кўришасан, дилқаш гурунглашиб ўтирасан. Сўнгра яна ўз йўлинга кетаверасан. Уларнинг ҳар бирни ўзгача, кишида муайян таассурот қолдиради. Заҳрон Ҳассуна — шу тоифадаги танишларимдан бири. У билан иккинчи жаҳон уруши йиллари «Рекс» қаҳвахонасида танишиб қолдим. Ўша пайтларда Жаъфар Халил, Ризо Ҳамода, Шаъровий ал-Фаҳҳом ва Ийд Мансурлар билан шу қаҳвахонага бориб туарардик. Заҳрон Ҳассуна ҳам якшанба кунлари ўз ўртоқлари билан шу ерга келарди. Бизнинг улар билан танишиб олишимизга нард ўйини сабабчи бўлди. Заҳрон ўзини танишитираётib савдо-саноат министрлигига хизматчи бўлганлиги, ҳозир бутунлай чайқовчилик билан шуғулланаётганини айтди. Заҳронининг атрофида гилар кўринишдан ҳалол, пок, олижаноб одамлардек туюларди, чунки қўлларидан тасбех тушмас, беш вақт намозни канда қилишмасди. Намоз вақтида уларнинг

ицида ягона ҳожи Заҳрон имомлик қиласарди. Улар-сұхбати диний мавзудан ташқари чиқмас, аксари мұсулмончилек йұл-йүриқларидан бошланиб, улар мұтлақо ҳақиқат деб билған хурофот ва халқ афсоналари билан қоришиб кетарди. Лекин ўзларини ҳақиқиғи мұсулмон деб ҳисоблаган бу ошналаримизнинг бироз чуви чиқиб қолди. Бир куни Ийд Мансур ҳожи ҳақида қизиқ гап топиб келди. Үннинг айтишича, ҳожи Заҳрон ишдан ўз ихтиёри билан әмас, балки маъмурият томонидан четлатылған экан.

— Нима сабабдан? — сұрадик қизиқиб.

— Нима бұларди, пора туфайли-да, пора! — деб жавоб берди Ийд Мансур.

Ийд Мансур бошқаларнинг ҳам ўзи каби нопок йұлдан юрганларини күрганда хурсанд бұларди. Шунинг учун бұлса керак, у кулиб туриб:

— Мен донимо ўзгаларнинг, хусусан тақводорларнинг имонига шубҳа билан қарайман,— деди.

— Тақводорларнинг ҳаммаси ҳам мунофиқ әмас,— деган эди Ризо Ҳамода үннинг гапини бўлиб, Ийд олдингидан ҳам қаттиқроқ кулиб:— Мунофиқлик Заҳрон ҳожи ақли етмайдиган нарса,— деди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик. Ийд Мансур давом этди:

— Мунофиқлик ўз коғирлигини яшириш ва ўзини имонли кўрсатиш демакдир. Заҳрон ҳожиининг эса қуфр нималигига фаҳми етмайди. Мен үннинг имонига шубҳа қилмайман.

— Демак, кимнингдир тазиيқи остида пора олган демоқчисанда,— деди Ризо Ҳамода.

— Шундай бўлиши ҳам мумкин,— жавоб қайтарди Ийд Мансур.

Заҳрон Ҳассуна гугурт, виски ва кенг истеъмол моллари билан чайқовчилек қилишини биздан сир тутмас, аксинча, бирор нарса зарур бўлса хизматга тайёр эканлигини билдиради. Мен бир куни ундан:

— Ҳожи ака, чайқовчилек мусулмончилекка зид әмәсми? — деб сұрадым.

— Бу дунёпинг ўз мумомала услуги бор, охиратнинг эса йўриги бошқа,— деди хотиржамлик билан у.

— Олло таоло бандаларининг ҳақига хиёнат қилаётганингиздан дарғазаб бўлмасмикин?

— Гуноҳларимни намоз ўқиши, рўза тутиш ва закот бериш йўли билан ювиб тураман. Яна нима керак?

У кетгандан кейин ўртоқтаримга:— Күрдингизмің, у мунофиқлиги ёки онғызылғыдан әмас, балки күра-  
била туриб гунох қиларкан,— дедім.

Бұни қарангки, ҳатто Ийд Мансурдек виждонсиз ҳам бундай одамларнинг динни рұқаң қилиб, мол-дунә топиб, бу бойликларини ҳалоллаб бернишни оллодан илтижо қилишларини қоралади.— Дин деди у,— Заҳ-ронга ўшаганларнинг ҳар қанақа қынғыр ишларига ҳам фатво бераверади. Шунинг учун ҳам улар «юзла-  
ридан имон нури сочған» ҳолда фуқаронинг қонини сўраверишади.

Шу сұхбатдан сўнг Заҳрон ва унинг ўртоқларининг ихлос билан намоз ўқишиларига ишончим қолмади. Мен уларнинг рукусы ҳам, саждаси ҳам, фотиҳа пай-  
тидаги илтижолари ҳам — ҳамма-ҳаммаси мунофиқ-  
ликдан иборат эканлыгини англадым ва бу каби вижд-  
онсиз, юғичларнинг ер юзида яшаётганларидан нафратландым. Заҳрон кабиларнинг гапида умуман мантиқ бўлмаса ҳам улар ўзларини ҳақ деб билади-  
лар. Ўз манфаатлари йўлида ёмонлик қилишдан той-  
майдилар. Мўмай пул бўлса бас, динларини ҳам соти-  
шаверади. Бу хилдаги мунофиқларнинг кирдикорлари олдида дин билан унчалик алоқаси бўлмаган ва яшаш учун кескин курашда зўравонликни қурол қилиб олган Халил Закий, Сайид Шаир, Ийд Мансур каби текни-  
томоқларнинг кирдикорлари ҳеч гап әмас.

Шулар ҳақида ўйларканман, одамларга бўлган ишончим камайиб, ғамгин ўтиргандим, Ризо Ҳамода-  
нинг:

— Менимча, чайқовчилар орасида бирорта ҳам ҳалоли бўлмаса керак,— деган гапи хаёлимни бўлди.

— Ҳалол одам чайқовчилик қиласадими?— деди Ийд Мансур унинг гапини қувватлаб.

— Унда дин ва имон қаёқда қолди?— деган эдим, Ийд Мансур жавоб ўрнига:

— Инсониятни тубанликдан қутқаришга ожиз ах-  
лоқ қоидаларига энди риоя қилмасак ҳам бўлавера-  
дими?— деди истеҳзо билан.

Сўнгги савол анчагача хаёлимдан нари кетмади ва ниҳоят доктор Моҳир Абдулкарим салонидаги муно-  
зарага сабаб бўлди. Сұхбат Миср воқелигини таңқид қилишдан бошланиб, яхшилик ва ёмонлик тушунча-  
ларини фалсафий шарҳлашгача бориб етди. Бу ўрин-  
да доктор Иброҳим Ақл ва унинг идеал борасидаги

фалсафасини, шу фалсафага қарама-қарши ҳаёт йўлини эсладик. Мен идеал хусусидаги Солим Жабр ва Ризо Ҳамоданинг сўзларини эсладим:

«Нима бўлганда ҳам инсониятнинг ўрмондан коинотгача босиб ўтган йўлини тан олишимиз лозим. Инсонга нисбатан ишончни қайта тиклашмиз мумкин, зероки, ҳали унинг табиатида ўз оиласига фидоийлик, ҳақиқатга интилиш, қаҳрамонликларга мойиллик каби хислатлар тамомила йўқ бўлиб кетгани йўқ... Ўта идеал бўлма, акс ҳолда, сенда унга нисбатан нафрат қўзғалади».

Заҳрон Ҳассуна иккичи жаҳон уруши даврида бойиб кетиб миллионер даражасига етди ва 1945 йил пудратчилар ширкатини тузди. Ўшандада мен унинг қилвириликларини фош этиб, эл олдида шармандасини чиқармоқчи бўлдим, лекин политехника институтида ўқиётган ўғли 1935 йилги шартнома<sup>1</sup> бекор қилингандан кейин бошланган канал жангидаги ҳалок бўлганлигини эшишиб, ўз фикримдан қайтдим. Унга муносабатим ўзгарганига қарамай, ўғлининг дафи маросимида қатнашдим. Йиглай-йиглай кўзлари қизарган Заҳрон икки дўстига суюниб, тобут кетидан борарди.

Тижорат ишларига аралашиб юрган Ийд Мансурнинг айтишича Заҳрон ҳали ҳам беш вақт намозни канда қилмай, бойлик орттириш билан овора экан.

Заҳрон Маодий кварталида қаср қурдириб, ўша ерда яшай бошлади. Тўнгич ўғлидан айрилган хотинининг оиласи ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлиб, зоҳидлик йўлига ўтиб олгани баҳонасида эллик ёшида йигирма яшар қизга уйланди. У ҳар йили Маккани зиёрат қилиб туришни ҳам унутмади. 1952 йил июль революциясидан кейин ҳам фаолиятини кенгайтириб бораверди. У йирик заминдор эмас эди. Шунга қарамай, 1961 йилда унинг ширкати давлат мулкига айлантирилди. Ризо Ҳамода Заҳрон ширкатининг давлат мулкига айлантирилганлигидан ранжиди.

— Сен унинг кимлигини яхши биласан-ку,— дедим Ризога.

<sup>1</sup> Узаро иттилоқ тўғрисидаги Англия-Миср шартномаси. 1951 йил 15 октябрда Миср депутатлар палатаси бу шартномани бир томонлама бекор қилди. Бунга жавобан инглиз оккупацион қўшинлари Сувайш калали зонасида агрессив ҳаракат бошладилар. Кенг ҳалқ оммаси эса «Канал жангига» номинни олган партизан ҳаракати билан жазоб бердилар.

— У ким бўлишидан қатъий назар, гап принципда.

— Гап принципда ҳам, одамнинг ўзида ҳам эмас. Гап тузумда, унинг ҳақонийлигига.

— Шошилма, сен ҳали янги тузумнинг совунига кир ювмаган экансан,— деди аччиқланиб Ризо. Ахир кечагина Заҳроннинг ўзи ҳам, ширкатини тортиб олиб, ўзлари идора этаётганилар каби давлат хизматчиси эди-куй

Қаттиқ зарбадан кейин хушини йиғиб олган Заҳрон Маодийдаги қасрини сотиб, янги Мисрда қаҳвахона очди. Шу тариқа у тирикчилик қила бошлади. Заҳрон кўпчилик олдида ўзини доим тетик, хотиржам тутишга ҳаракат қилиб, бўлаётган ҳодисаларга:— Қим билсин, бандасининг қўлидан нима ҳам келарди. Худоннинг иродаси кучли,— деб қўя қоларди. У эҳтиёткорлик билан иш тутарди, ҳатто уни бойлигидан маҳрум этган, ширкатини давлат мулкига айлантириш тўғрисидаги қарорни ҳам мақтаб қўярди.

«Биз адолатни ҳурмат қилишимиз зарур»,— дерди у.

Аммо янги тузум қийинчиликларга дучор бўлганда Заҳроннинг шодланганлигини кўрсангиз эди. Айниқса, иқтисодий кризис, Ямандаги муваффақиятсизлик ва ниҳоят 5 июнь воқеаси унинг қувончига қувонч қўшди.

Уша машъум кун ҳодисаларидан мен ҳам гангид қолдим. Бу фожиадан қаттиқ изтиробга тушган Ризо Ҳамодага нисбатан ҳурматим яна ҳам ошди. Шу куни унинг учун Ватандан қимматроқ, Ватандан азиэроқ нарса йўқлигини сездим.

## ЗУҲАЙР КОМИЛ

Биз университетга кирган йилимиз у араб бўлимида ассистент бўлиб, Францияга ўқишга кетишга тайёргарлик кўраётган экан. Доктор Моҳир Абдулкарим ва Иброҳим Ақллар у ҳақида яхши фикрда эдилар. Жумладан, Иброҳим Ақл:

— У деҳқон оиласидан чиққан истеъдод эгаси,— деди.

Ризо Ҳамода эса Зуҳайрни студентларнинг миллатлар уйидаги йиғилишларида кўп кўргани, асли самнудлик бўлиб, Мустафо Наҳҳос билан шахсан танишлигини айтди.

Зуҳайр Комил 1932 йили ўқишига жўнаб, 1938-1939 йилларда қайтиб келди ва университетда ўқитувчилик қила бошлади. 1950 йилгача ўқитувчилик билан бир қаторда илмий ишни ҳам бир зум тўхтатмади. Адабий танқиднинг умумий назариялари, шарқу фарб танқидчилари тўғрисида асарлар ёзиб, Шекспир, Россен, Бодлер, Ильют ва Андалусия шоирлари ҳақида мақолалар чоп этди.

Уруш йилларида Фенус магазинида ишлаётган юони қизга уйланиб, ундан икки ўғил ва бир қизлиқ бўлди. Ўша пайтларда Зуҳайр астойдил илмга берилган, университет ўқитувчиси деган номга ҳақиқатда ҳам лойиқ одам эди.

Мени Зуҳайр Комилнинг вафдчиларга муносабати қизиқтиарди. Менга маълум бўлишича, унда вафдга қараганда иттифоқчилар ғалабасига кўпроқ мойиллик бор эди. Эҳтимол бунга Зуҳайрнинг демократияга ишбатан ихлоси ёки хотинининг кўнглига қараши ё бўлмаса Францияни мутаассибларча севиши сабаб бўлгандир.

Иттифоқо Зуҳайр университетни ташлаб, 1950 йили Қоҳира районларининг бирида вафд партияси кабинетига ўз номзодини кўрсатиб, кўпчилик овоз билан ғалаба қозонди. Ундаги бу кескин ўзгариш кўпчиликни ажаблантирди, ҳатто ўта эҳтиёткор доктор Моҳир Абдулкарим ҳам унинг бу қарорини «бориб турган тулкилик» деб баҳолади. Ҳайрон бўлган Ризо ҳам:

— Эҳтимол, у маориф министрлигини орзу қилаётгандир,— деди.

— Лекин бу орзуси ҳали-вери амалга ошмаса керак. Қизиқ, энди у арзимаган маош ва депутатликдан келадиган эллик жунайҳга қаноат қиласмикин?— деган эдим, Ризо Ҳамода:

— Вақт ўзи кўрсатади,— деб қўя қолди.

Кўп ўтмай вафд газета ва журнallарида қалами ўткир публицист сифатида унинг сиёсий-ижтимоий мақолалари нашр қилина бошлади. Нима бўлдию, Заҳрон Ҳассунанинг ҳукуматга иши тушиб қолди. У биздан бу ишни амалга ошириш учун воситачи топиб беришимизни илтимос қилди. Биз уни ўз илтимосига кўра, Зуҳайр Комил билан таништириб қўйдик. Шу кундан бошлаб уларнинг алоқалари мустаҳкамланиб борди. Кўп ўтмай доктор Зуҳайр Комил кирликорлари

ҳақида ғалати ва шубҳали миш-мишлар тарқалди. Бир куни Зуҳайр Комил тўғрисидаги гаплар ҳақида Ризо Ҳамоданинг фикрини сўраган эдим, у жаҳл билан:

— У иш билан таъминлаш агентлигининг вакили эмиш,—деди-да, афсусланиб,—Заҳрон Ҳассуна каби чайқовчиларга зимдан ёрдам қилиб, эвазига катта фойда ҳам олайтганмиш,— деб қўшиб қўйди.

— Шу гапларга ишонасанми?

— Афсуски ишонаман. Зуҳайр Комил каби нопоклар вафд партиясиға кириб олганлигинц кўз ўнгимга келтиарканман, ўзимга-ўзим: «Вафдинг бошқа партиялардан фарқи қолдими?»— деб савол бераман.

— Зуҳайр Комил фисқ-фасод ва юлгичлик билан шуғулланиш учунгина университетни тарк этганини тасаввур эта оласанми?

— Ҳа. Тасаввур этганда қандоқ. Унинг олимлика муносиб эмаслигини ўша пайтлардаёқ сезгандим. Ўз истеъодини ишга солиш учун қулай фурсат кутиб юрарди. Ана шундай қулай фурсатни у ҳеч ким шубҳаланмайдиган сиёsatда деб билди.

Биз анча вақтгача вафд партиямиз ва дўстимиз ҳақида қайғуриб юрдик. Қоҳира ёнғинидан кейин вафд партияси истеъфога чиқди. Доктор Зуҳайр эса университетга қайтишга уринишидан фойда бўлмагач, оддий публицистик фаолиятни давом эттираверди. У дабдабали ҳаётга ўрганиб қолгани учун эртанги кунининг ташвишига тушиб қолди.

Бир куни у билан Солим Жабр уйида учрашувимизга тўғри келди. Мамлакат аҳволининг ниҳоятда танглигидан куюнган Жабр:

— Бизга нима бўлди? Қиролнинг эси жойидами? Ҳамма нарса нураб боряпти-ку,—деган эди Зуҳайр Комил унинг гапини маъқуллаб:

— Мамлакатимизнинг ҳозирги сиёсий ҳолатини қобилиятли олим сифатида иш бошлаб, умрининг охирида дарвишга айланган Иброҳим Ақл ҳолати билан таққослаш мумкин,—деди.

— Вафд партияси ҳам ўз раҳбари каби ҳеч нарса-га яроқсиз мункайган чонни эслатмоқда,—гапга қўшилди Ризо Ҳамода.

— Аҳвол шундай давом этаверса, эртага ҳолимиз нима кечади?—деди Солим Жабр.

— Модомики вафд бошқа партиялардан куучи экан, мамлакатда революция бўлишидан қўрқсан қи-

рол уни тезда қайта тиклаши муқаррар,—деди Зуҳайр Комил.

— Вафдинг қайта тикланишидан кўра революция бўлгани афзалроқ,—деди Солим Жабр.

— «Мусулмон биродарлар»<sup>1</sup> билан коммунистлар ҳам томошабин бўлиб турганларни йўқ,—деди Ризо Ҳамода.

— Униси ҳам, буниси ҳам кўпчиликни ташкил этмайди,—чўрт кесди Зуҳайр Комил.

— Ватан ҳали коммунистик ғояларни ўзлаштиришга тайёр эмас, шунингдек, революция тарафдори бўлган ва тушкунликка учраган тарқоқ ёшларни ҳам ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи куч йўқ, деди Солим Жабр.

Биз ўйлаганча бўлмади. 1952 йил июль революцияси содир бўлди. Зуҳайр Комил ҳеч хаёлига келтирмаган ноқулай аҳволда қолди. Унинг учун энди сиёсатнинг ҳам, университетнинг ҳам эшиги ёпилди. Зуҳайр нима қилишини билмай ҳайрон эди. Мамлакатда барча партиялар тақиқланди, хусусан ҳалқ ўртасида катта обрўга эга бўлган вафд партиясига ҳужум бошланди. Шунда Зуҳайр Комил ҳаммани яна бир бор ҳайратда қолдириб, мамлакат олдида турган барча қийинчиликларда вафдчиларни айлади, уларга қарши чиқиб, кескин мақолалар ёзди. Унинг мақолалари вафдчилар дилида ғазаб уйғотди, лекин ҳеч ким вафдинг охирги парламентида иштирок этган, шунингдек бир вақтлар университетда ҳам салмоқли ўрин эгаллаган шахс томонидан ёзилган ушбу мақолаларнинг аҳамиятини заррача камситишга ботниолмади. Шуидан кейин у марказий газеталарнинг бирига мухбир қилиб тайинланди. Ҳозирги замон араб адабиёти таңқилий бўлимининг таҳрири ҳам унга топширилди. Зуҳайр Комилнинг қалами энди революцияга хизмат қила бошлади. У янги лавозим ва ўзидағи ғоявий ўзгаришлардан дўстлари олдида хижолат бўлиб, доктор Моҳир Абдулкарим салонидаги йигилишларга келмай қўйди. Буни сөзган Доктор:

— Университетда қолавергани маъқул бўларди,—деди.

<sup>1</sup> «Мусулмон биродарлар» — диний — сиёспӣ . уюшма, 1928 йили мударрис Ҳасан ал-Банно томонидан ташкил қилинган. 1954 йили мазкур уюшма тарқатиб юборилган.

— Бу ярамас ўзини қандай ахволга солиб қўйганини қаранглар,—ҳайратга тушди Ризо Ҳамода.

— Эҳтимол Зуҳайр ҳақдир. Чунки унинг бутун фолияти чинакам ватанпарварларни қўллаб-қуватлашга қаратилган,—дедим мен.

Зуҳайр Комил яна доктор Моҳир Абдулкарим ва Солим Жабрлар салонидаги йиғилишларимизга мунтазам равишда қатнай бошлада. Бу ўзгаришининг сабабини сўраган эдим, у:

— Аввало қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Қолаверса, қаршилик кўрсатиш зарурмиди? Оғир ахволда қолганим тўғри. Лекин менинг асосий мақсадим бойлик орттириш эмасди. Моддий жиҳатдан қийналадиган жойим йўқ.

— Демак, июль революциясига ишонар экансизда?—сўрадим мен.

— Бу революцияни олқишлишимиз шарт эди. Чунки бу революция бизни уфқда кўринаётган бошқа бир революциянинг аллангаланишидан сақлаб қолди,—жавоб қайтарди Зуҳайр сергакланиб.

— Қандай ажойиб фикр...

— Тўғри, мен революционер эмасман, аммо мутаассиб «Мусулмон биродарлар»ни ҳам, революцион коммунистларни ҳам ёқтиромайман. Мен бир нарсага, у ҳам бўлса, агар пешонасига ёзилган бўлса, вафд партияси ёшларининг ғалабасига ишонаман.

Зуҳайрнинг гапларига диққат билан қулоқ соларканман, унинг тили бошқаю, дили бошқалигини, ҳозирги жўшқинлиги ўзини оқлашдан бошқа нарса эмаслигини сезиб турардим. Кейин буни унинг ўзи ҳам бирор эътироф этгандай:

— Вафд ёшлари раҳбарликни ўз қўлларига олиб, халқ кўзлаган мақсадни амалга оширса, бўлмасмийкин?—деди.

— Муҳими, бошланган ишни ниҳоясига етказиш,—фикримни давом эттирудим мен.

— Лекин инсон ўз ақл доирасидан четга чиқолмайди. Шунинг учун ҳам бу озодликка қуллуқ қилинглар,—деди Зуҳайр.

Суҳбат давомида ўша пайтларда қамоқда ётган Ризо Ҳамодани эслаган эдик:

— Худо ёр бўлсин унга,—деди Ризога ачиниб.

— Унинг бегуноҳлигига заррача шубҳам йўқ,—дедим мен комил ишонч билан.

— Нима учун?

— Чунки уннинг нақадар ҳалоллигини мендан бошқа ҳеч ким яхши билмайди.

Сўзларим Зуҳайрга бироз оғирроқ ботди, лекин у бузи сездишмай:

— Ризо Ҳамодага ўхшаш сиёсатдоилар қадрдан дўстимиз Иброҳим Ақлдан ўриак олишса ёмои бўлмасди,— деди.

— Доктор Иброҳим Ақл дарвишлик азобини чекмоқда. Буни шахсан ўзим Ҳусайн кварталидаги учрашувда ҳис этдим.

— Худди шуни назарда тутяпман. Дарвишлик—вабодан ҳалок бўлган ўғиллари ғамини енгиллаштиришда энг тўғри йўл.

— Яъни?

— Агар киши бошига мусибат тушса ва ундан қутулишга ожизлик қиласа, дарвишликин ихтиёр қилгани маъқул, қайси хилдаги дарвиш бўлишиниг аҳамияти йўқ. Аммо қарши курашиб кишини оқибатда нобуд қиласди, ё қамалишига сабаб бўлади.

Кейинроқ Зуҳайр Қомилнинг ўзида бошқача ўзгаришлар рўй берди. У очиқдан-очиқ танқидий мақолалар ёсиб уларни пуллаш йўлига ўтди. Санъаткорга ёки санъат асарига ҳадя ёки пул эвазига баҳо бера бошлади. Театр ва кино санъатининг ривожланиши натижасида уннинг даромади ҳам ошиб борди ва Дуққида ҳашаматли вилла қурдириб, мерседес енгил машинаси сотиб олди. Илгари зиқна бўлган Зуҳайр Қомил эндилика берилди, эркин яшай бошлади, пулни аямай қўйди. Ҳаттоқи, даб-дурустдан таниб бўлмас ларажада семириб ҳам кетди. У бутунлай ўзгарди. Фақат унда аввалгидек ғоят маданийлик ва санъат асарларини нозик ҳис эта олиш хусусияти сақланиб қолди холос.

Зуҳайр ўзини революцияга қанчалик содиқ қилиб кўрсатмасин, барнибир вафд партияси ҳақида сўз кетса, кўзларида меҳр товланарди. Мен Зуҳайр Қомилнинг ҳатто бир дўсти орқали Мустафо Наҳдосга нома йўллаб, аввалги бемаъниликлари учун ундан кечирим сўраганлиги ва шунга уни мажбур этган шароитларни хатида баён этганлиги ҳақида эшитиб қолдим.

Июль революцияси социалистик моҳиятини эълон қилгандага Зуҳайр Қомил социализм ҳақида ёзилган асарларни ўрганиб чиқиб, уни онгди равишда қўллаб-

қувватлашга ва социализмни тарғиб қилувчи биринчи ёзувчилар қаторида ўрин олишга ҳаракат қила бошлиди. Оз фурсатда социализм түғрисида тұртта китоб таржима қилды ва «Шу Ватан социализмі» деган машихур асарини ёзды. Зұхайриинг либерал-демократияга мойиллигини билганим учун асарининг самимийлигига ишонмай бир күни унта:

— Ҳайронман, қандай қилиб бир лаҳзада социалист бўлиб қоллингиз?—леб сўрадим.

— Одамлар ўз Ватанларининг эътиқодига қарши чиқишият!—жавоб қайтарди Зұхайр.

— Одамлар сизга ишонишади деб ўйлайсизми?

— Ҳеч ким, ҳеч кимга ишонаётгани йўқ. Муҳими оғизда нима дейишингда эмас, амалда нима қилишингда. Баъзан театр санъатининг бу қадар тез ривожланиб кетишининг сабабини сўраб қоладилар. Сиз унинг сирини биласизми? Сири шундаки, биз ҳаммамиз артистлармиз.

— Ҳар ҳолда янги тузум олдингисига қараганда анча яхши ишлар қилди.

— Инсондан бошқа ҳамма нарса қимматлашиб кетди,—деди чуқур нафас олиб Зұхайр.

— Мамлакатимизда одам қачон қадр-қимматға эга бўлган эди? У энди иқтисодий синфиий қулликдан озод бўлмоқда. Инсон ўз қадр-қимматига эга бўладиган вақт ҳам келади,—дедим жаҳлим чиқиб.

— Зұхайр Комилнинг адабий соҳада узил-кесил обрўсизланишига асосан Жодд абу ал-Уло түғрисида ёзган рисоласи сабабчи бўлди. У ҳам худди мен каби абу ал-Уло билан 1960 йили танишган эди. Бу рисоланинг босилиб чиқиши ҳаммани ҳайратга солди. Уни ёзиш учун қанча пора олганидан қатъий назар (айтишларича, бир комплект араб сервизи ва минг жунайҳ пул олибди) Зұхайр пул деганда имонидан ҳам воз кечувчи тубан шахс даражасига етганилиги шубҳасиз эди. Мазкур рисола ҳақида гап кетганда Абду ал-Басюний: «Бу хилдаги тутуруқсиз асарни фақат шарманда фоҳишаларгина ёзиши мумкин»,—деганида мутлақо ҳақ эди.

Зұхайр Комил иккى маротаба: аввал 1956 йилдаги учлар тажовузида, кейин 1967 йилги мағлубият даврида ўз хонишлигини ошкор қилиб қўйишишига сал қолди. Ҳар иккала ҳолда ҳам унга революция барҳам топиб, ҳамма нарса барбод бўлгандек туюлди. Аммо Зұхайр

вазиятни тушуниб қолиб, унга мослашиб олди. Хуллас у ҳар иккала вазиятда ҳам революцияга ишонч-сизлик билан қарашини кўрсатди. Зуҳайр билан Ризо Ҳамодани таққослаб кўрдим. Иккаласи ҳам етук одамлар. Улар сиёсий жиҳатдан революция ғояларига қарши чиққан кекса авлод намояндалари. Лекин уларнинг бири ҳатто ҳашоратлар ҳам ҳазар қиладиган муртад. Иккинчиси эса, руҳан пок, олижаноб, ҳавас қилгулик фазилатлари кўп.

Мағлубиятнинг иккинчи йили Зуҳайр Комил оиласида катта ўзгаришлар рўй берди. Йкки инженер ўғли Қанадага кетишга қарор қилишди. Ота уларнинг раъйинға қарши чиқолмади. Хотини эса ўғилларини рағбатлантириб турди. Фарзандлари ўз истакларига эришилар. Бундан дили оғриган ота менга шикоят қилиб:

— Мен асли деҳқон оиласиданман. Деҳқон табиати шуки, у фарзандларининг доим ўз ёнида бўлишини хоҳлади,—деди.

— Қизиқ, уларни ўз диёрларини ташлаб кетишга нима мажбур этдийки? — сўрадим мен.

— Бундан ҳам яхшироқ яшаш,—деб жавоб қайтарди Зуҳайр афсусланиб. Кейин қўшиб қўйди:—Улар учун Ватанинг сариқ чақачалик қадри йўқ. Ватанинг шундай оғир аҳволда эканлигини кўриб туриб, бойлик кетидан қувиб кетдилар. Шуни ўйлаб юрагим эзилади.

Кўп ўтмай қизи ҳам Грецияга қилган сафарларининг бирида ўша ерлик бир йигитга турмушга чиқди. Қоҳира билан Афина ўртасида қатнаб қолган хотини эрининг қанд касали ва қон босими бўлишига қарамай, уни ташлаб кетди. Олтмиш ёшли Зуҳайр Комил ёлғиз қолди. Бу жиҳатдан унинг тақдирни Ризоннинг тақдирига ўхшаб кетди. Лекин Ризо барча ғам-аламларни мардонавор енгиб, ўз келажагини таъминлаган бўлса, Зуҳайр Комил танҳолик ва айрилиқда хароб бўлди.

Кунларнинг бирида Жодд абу ал-Уло салонида Абду ал-Басюний мендан:

— Найма Орифни танирмидингиз? — деб сўраб қолди.

— Йўқ.

— Практика ўтаётган журналист қизни-я?

— Хўш, нима бўлибди унга?

— Зуҳайр Комил ўша қизга ошиқ бўлиб қолибди.

— Йүг-е, Доктор олтмиш ёшдақу ахир!

— Яқин орада түйларнга ташриф буюрасыз.

Хақиқатда ҳам күп ўтмай уларнинг түйларн бўлди. Келин йигирма ёшда экан. Бу уйланиш оқибатида Зуҳайр Комил ёш хотини билан овора бўлиб, ондасонда газета ва журналларда баъзи мақолалар билан кўриниб қолнишини ҳисобга олмагандан, умуман ижоддан қолди.

Кейинги пайтларда Зуҳайр кексалиги ва бетоблиги туфайли кўчага ҳам чиқмай қўйди. Баъзан биз уни кўргани борамиз. Зуҳайрнинг ҳузурида баҳслашиб қолгудек бўлсак, у ганимизга жимғина қулоқ солиб ўтиради ёки маънисиз бирор нарса деб қўяди. Ҳа, қилмиш-қидирниш деганлари шу бўлса керак-ла.

## САБО РАМЗИЙ

У билан ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимда танишган эдим. Бизнинг дўстлигимиз фақат иккى йил давом этди, 1925 йилдан кейин Сабони кўрмадим. Унинг кўзлари қоп-қора, бўйи жуда паст эди. Сабо футбол ўйинига қизиқар, моҳир ҳужумчи ҳисобланарди. Дўстимиз Бадр аз-Зиёдий ўнг қанотдан, Сабо-Рамзий чап қанотдан ҳужумга ўтганиларнда ҳар қандай рақиб ҳам довлираб қоларди. Шунинг учун мактабда уни ҳамма ҳурмат қиласарди.

Бўш вақтларимизда Сабо билан ал-Манфалутий<sup>1</sup> шеърларини кўп ўқир ва ёд олардик. Кунларнинг бирида Мишель Зивако<sup>2</sup> ривоятлари ҳақида ҳикоя қилиб бергандим, у қовоғини солиб сўради:

— Папалар ҳақидаги ривоятларга ишонасанми?

— Нима учун ишонмас экайман? — дедим ажабланниб.

Сабо мени огоҳлантираётгандек:

— Зивако католик динининг душмани. Шунинг учун ҳам доим папанинг обрўсими туширишга ҳаракат қиласади, — деди.

Мен биринчи маротаба католик, протестант ва православ каби сўзларни эшигдим. Шунингдек, ўтогимиз Ножий Марқус ҳозирги миср масиҳийлар маз-

<sup>1</sup> Ал-Манфалутий Мустафо Лутфий (1876—1942) — мисрлик машҳур сентиментал ёзувчи.

<sup>2</sup> Мишель Зивако (1860—1918) — француз ёзувчиси.

ҳаби бурунги православ мазҳабининг худди ўзи эканлиги ва миссионерлар қадимги мисрликларни католик ёки протестант мазҳабига мажбураи олиб киргандарини айтганда янайам ҳайрон қолдим. Шундан кейин Жаъфар Халил Сабо Рамзийнинг ғашига тегиб:

— Билиб олдик, сен аслида айнишган қибтий<sup>1</sup> экансан,— дейдиган бўлди.

Кунларниң бирида Жаъфар Халил бизга:

— Агар сир тутишга ваъда берсанглар сизларга бир нарса айтардим,— деб қолди.

Биз унга савол назари билан қараган эдик, пичирлаб:

— Чап қанот ҳужумчимиз Сабо Рамзий Аббосия кварталидаги қизлар мактаби муаллималаридан бирига ошиқ бўлиб қолибди,— деди.

Дарс тугагач, Сабо Рамзийга билдирамай, уни кузатиб бордик ва ўша муаллима кетидан аш-Шаърия дарвозасигача борганини кўрдик.

Бир куни Магдолен<sup>2</sup> китобини ўқиб ўтирган эдик, у қаттиқ таъсирланиб кетганидан овози титраб, ўқишдан тўхтаб қолганини сездим. Сабо кузатиб турганини билib:

— Кетимдан пойлаб борганингларни ўз кўзим билан кўрдим! Мен уни Стефандек, балки ундан ҳам ортиқроқ севаман,— деди ҳаяжон билан.

Мен дўстимга руҳан далда бердим, чунки ўзим ҳам ўша пайтларда ошиқу беқарор эдим.

— Ўша аёлни чин юракдан севаман ва бу севгимдан воз кечмайман,— гапни чўрт кесди Сабо.

— У муаллима, сен — ўқувчи бўлсанг...

— Севги ҳамма нарсадан устун. Мен гаплашмоқчи бўлсан, муаллима ўзини билмаганликка солади. Айтишларича, бундай ҳатти-ҳаракатлар нозу карашма дейиларкан, шу тўғрими?

— Қайдам.

— Мен севиш-севмаслигини қандай билсан бўлади?

— Ҳайронман.

— Жаъфар Халил ёки Бадр аз-Зиёдийдан сўрасаммикин?

<sup>1</sup> Асл мисрликлар қибтийлар деб аталган. Египет сўзи ҳам ана шу Қибт сўзидан олинган.

<sup>2</sup> Мустафо Манфалуттининг «Магдолен» ёки «Зайзафун соясида» деган машҳур достони.

— Йўқ, улар сени мазаҳ қилин, латифа тўқишилари турган гап. Кулги бўласан.

Сабо муаллиманинг кетидан юра-юра охири ҳафсанаси пир бўлиб, муҳаббат ўринин умидсизлик эгаллади. Бир куни кечки пайт ҳеч эсдан чиқмайдиган воқеанинг гувоҳи бўлдик. Сабо муаллиманинг йўлини тўсиб:

— Илтимос, сизда икки оғиз гапим бор эди,— деди.

Муаллима дўстимга қиё ҳам боқмай, ўз йўлидан давом этаверди. Ундан бир қадам ҳам орқада қолмай кетаётган Рамзий:

— Айтмасам бўлмайди, илтимос,— дея ёлворди. Охири тоқати тоқ бўлган муаллима жеркиб ташлади:

— Кўзимга кўринима, йўлимдан қоч!

Шошиб қолган Сабо бирданига чўнтағидан тўп-понча чиқарди-да, муаллимага қаратса ўқ узди. Сўнгра полиция келиб уни ушламагунча қўлида тўп-понча билан серрайиб тураверди. Тез ёрдам машинаси етиб келганда муаллима жон берганди. Кейинчалик энинтишимизча, Сабо қиздан рад жавобини олгудай бўлса, уни отиб ташлаш мақсадида офицер акасининг тўп-пончасини ўғирлаб олган экан. Шундан кейин Рамзийни ҳеч кўрмадик. У ҳақида бирор нарса эшитмадик ҳам. Барчамизнинг хотирамизда ўчмас из қолдирган дўстимиз дом-дараксиз кетди.

## СОЛИМ ЖАБР

Бадр аз-Зиёдий бир куни менга «моҳир сўз устаси» деб таърифлаган Солим Жабрнинг публицист эканлигини унинг 1926 йили «Кавказ аш-Шарқ» газетасида ёзган мақоласи орқали билдим. Узи юрист бўлса ҳам ихтисоси бўйича ишламай, ёзувчилик қила бошлиган бу шахс билан танишар эканман, у кўз ўнгимда халқни маданий ва иқтиёдий мустақилликка даъват этиб, аёлларни озод қилишга бел боғлаган замонавий адаб сифатида намоён бўлди.

Юридик мактаб талабалари билан бир сафда туриб 1919 йил революциясида иштирок этган Солим Жабр ал-Азҳар университетига ҳужум пайтида елкасидан яраланди. Шундан кейин вафд матбуотига ўтди ва ҳозирга қадар шу соҳада ишлаб келмоқда. 1924 йилда Саъд Зағлул бош министр лавозимига тайин-

лангаңда Солим Жабрнинг сиёсий қарашларида бироз ўзгариш юз берди. Кейинчалик биз маслакдошлар сифатида дўстлашиб олдик. Суҳбатларимиздан бирида Солим Жабр ҳаётининг ўша даврини ойдинлаштирувчи фикрни айтиб қолди:

— Менимча, Саъд Зағул давлат бошлиғи бўлгандан кўра, вафд партияси халқ олдидаги ўз бурчини адо этгунга қадар шу партияниң раҳбари бўлиб қолавериши керак эди.

— Ушанда сиз вафдга қарши чиққанимдингиз? — деб сўраган эдим, у:

— Асло, ўша вақтда асосий фаолиятим бошқа йўналишга қаратилган эди, — деб жавоб қайтарди.

Дарҳақиқат, ўша пайтларда Солим Жабр коммунистик эътиқодни қабул қиласан бўлиб, ҳозиргача шуояни эъзозлаб келади. Шунингдек, вафд газетасининг журналисти эканлигини ҳам бир зум унутмаган ҳолда партия раҳбарини поқулай аҳволга солиб қўядиган мунозараларга зинҳор аралашмади. Ўз ақидасини тарғиб қилувчи мақолаларида эса, вафдчилар сиёсатига қарши чиқмайдиган алоҳида ўйл тутиб, аёлларга эркинлик ва илм бериш, уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ғояларни илгари сурди.

Бевосита социализм тарихи руҳида ёзилган «Иқтисодий таълимотлар» асари орқали тараққийпарвар эканлигини яна бир бор исботлади. 1930 йилда эса «Карл Маркс ва унинг миссияси» деган рисоласини нашр этди. Лекин давлат бу китобни тезда таъкидлади. Солим Жабрнинг ўзи эса ана шу асари туфайли реакцион кучлар ҳужумига дуч келиб, шаккоклик ва ўзбошимчаликда айбланди.

Мен Солим Жабр билан университетда ўқиб юрган чоғларимда доктор Моҳир Абдулкарим салонида танишгандим. Шундан кейин уни ўз редакциясида ёки адабий салонларда учратиб турдим.

Ризо Ҳамода ва Жаъфар Халиллар ҳам у билан мен орқали танишганлар. Кунлардан бир кун биз Солимнинг синфиий кураш, ишчилар синфининг диктатураси кабин ибораларига нисбатан ўз фикримизни очиқ билдирамай, умуман сиёсат ва социализм тўгрисида суҳбатлашиб ўтирганимизда мен унга:

— Социализм парламент йўли билан амалга оширилиши керак. Менимча, энг тўгри йўл шу, — дедим.

— Мен вафдчилар душманиман.

— Мен сиздан буни ҳеч кутмаган эдим.

— Аксинча, қирол ва майда партиялар тарафдориман.

Сўзига ишонқирамай кулган эдим, у:

— Вафд ҳалқ учун афюн! — деди-да, столга мушти билан уриб, давом этди. — Халқнинг қуруқ ваъдаларга алданиб қолишига вафд партияси айбдор ва у ҳеч қачон ҳалққа амалий ёрдам кўрсатолмайди. Агар давлатни қирол ёки майда партиялар бошқарса, норозилик кучайиб, ҳалқ умидсизлапаверади. Натижада, ҳақиқий революция учун қулай шароит яратилади.

— Инглизлар бошимизга чиқиб олган вақтда сиз айтган қулай шароитдан нима фойда?

— Шундай вазиятда мўъжизалар рўй беради.

Солим Жабрнинг баъзи фикрларига мойнилигимни сезган Иброҳим Ақл бир куни:

— Унинг сохта фалсафасига асло учмаиг,— дея маслаҳат берди.

Шу заҳотиёқ Солим Жабрнинг унга бўлган муносабатини эслаб:

— Ростини айтсан, сиз тўғрингизда илк бор унинг мақоласида илиқ сўзлар ўқигандим,— дедим.

— Иўқ, у бу билан мени икӯлай аҳволга солиб кўйди. Солим Жабрнинг бу мақоладан асосий мақсади, мени мақташ эмас, аксинча шаккоклиги ва ўзбoshimchaliгини ниқоблаш эди,— деди.

Ал-Мунира салонида бўлаётган ушбу суҳбатда иштирок этаётган Аббос Фавзий ҳам одати бўйича вазиятга мослашиди:

— У фосиқ одам. Никоҳни тан олмаслиги бунга яққол мисол бўла олади.

— Тўғри эмас. Хотини борлигини ўзим биламан. Солим мени рафиқаси билан ал-Ўрмон бодида таништиргани эсимда,— дедим ажабланиб.

— Сизга рафиқам деб таништирилган ўша кимса, аслида францияли тул хотин бўлиб, ҳозир унинг ўйнаши. Шуни ҳам сезмаганингизга ҳайронман,— деди Аббос Фавзий.

Кейинчалик ўша аёл ҳақиқатда ҳам Солимнинг қонуний хотини эмаслигини билдим. Лекин Солим Жабр 1960 йилда хотини касалликдан вафот этгунга қадар, унга хиёнат қилмаган. Улар ўртасидаги муҳаббат тўғрисида менга таржимон Абдураҳмон Шаъбон

ҳикоя қилиб берганди. Үша аёл аслида электр ширкагидаги бир инженернинг хотини экан. Эри тириклигидәёқ Солимни яхши кўриб қолибди ва у билан никоҳсиз яшаб юраверибди. Аёл ҳам коммунист бўлиб, Мисрда катта ер-мулки борлигига қарамай, тез-тез Франция га бориб турган ва фарзанд кўришни истамаган.

Солим Жабр иккинчи жаҳон уруши арафасида дунёдаги тўртта йирик дин тўғрисида қиёсий асар ёзиб, мазкур динларни холисона илмий асосда анализ қилиб чиқди. Унинг бу асари катта шов-шувга сабабчи бўлди ва муаллиф ислом динига туҳмат қилишда айбланиб, судга берилди. Лекин суд Солимни оқлаб, китобини мусодара қилиш билан чекланди.

Уруш йиллари Солим Жабр нацизм ва фашизмга қарши астойдил кураш олиб борди. Бу ҳол, шубҳасиз, Британия элчисига жуда қўл келди ва уни ҳафтада бир марта радио орқали лекция ўқишга таклиф этиб турди.

Солим Жабрининг «Миср» газетаси редакциясидаги қабулхонасида гаплашиб ўтириб унга:

— Айтишларича, инглиз элчинаси билан дўстлашиб олганмишсан? — дедим.

— Мен инглизларга дўст ҳам, душман ҳам эмасман. Тўгрисини айтганда, бу урушда мен инглизлар тарафидаман.

— Уларнинг юлдузи сўнаётганига ўхшайди-ку?

— Нацизм ғалаба қилган тақдирда ҳам тарихнинг ўз қонунлари бор. Бу қонунлар ҳар қандай уруш ва ғалабадан кучли.

Вафд ҳокимият тепасига қайтиб келгач, Солим Жабр Саъд Зағлул бош министрлиги вақтидагидек, вафдга астойдил хизмат қила бошлади. Ромель армияси Миср чегараларига яқин келганда у кўпчилик қатори Суданга қочиб кетди. Вазият яхшиланана бошлагандан кейин яна Мисрга қайтиб келиб, журналистик фаолиятини давом эттирди. Жаъфар Халилиниг ўлимига бағишлиланган мотам маросимида унинг ёнимда ўтиргани ёдимда. Үшанде вафдининг қайта тикланганидан ҳалқ ниҳоятда хурсанд эканлигини айтган эдим, Солим:

— Ҳеч қандай партия, у қашчалик ҳалқчил бўлмасин, ҳозирги кескинликни юмшатолмайди,— деди ва АҚШни оламга ёвузлик уругини сочишида айблаб, факат бутун дунёда коммунизм ғалабасигина жаҳон

халқлариниң бундай ёсуз күчдан қутқариб қола олшын мүмкінлігінің айтди.

У кетгач, Ризо Ҳамода:

— Дүнеда Солим Жабрдек ҳеч кимга ёқмайдыған одам бўлмаса керак,— деди.

— Лекин у ўз эътиқодига содиқ, оқ кўнгил одам,— эътиroz билдиридим мен.

1952 йил июль революцияси Солим Жабрининг узвий, мантиқий туулғап фикри аслида чалкаш ва қарама-қарши эканлыгыни ислоблади. Юзаки қараганды у тўғридан-тўғри революцияга хизмат қилаётгандек эди. Лекин кейинчалик маълум бўлишича Солим Жабр анчагина зиддиятли шахс экан. Шунчаки, кўнчилик унинг асл моҳиятими тушуммаган холос. У монархияни йўқ қилиш революцияниң тўла ғалабасида асосий шарт деб билди.

Лекин кўп ўтмай умидсизликка тушиб:

— Қирол йўқ бўлди, аммо ўрнини ҳисобсиз қироллар эгаллашди,— деди.

Гарчи Солим Жабр ер ислоҳоти тўғрисидаги қарорни маъқуллаган бўлса-да, гап шахсий мулк бўлиши ёки бўлмаслиги устида борар экан, ерларни деҳқонларга бўлиб бериш, асрлардан бери инсон қонига сингиб кетган хусусий мулкчиликни янада кучайтиришдан бошқа нарса эмас, деган фикрда бўлди.

Барча партиялар тақиқлангандан кейин эса, Солим Жабр ўзи қарши чиққан вафдга негадир ачиниб:

— Мамлакат халқ таянчисиз қандай яшай олади, эркинликни қурбон қилиш бу коммунизм йўлидаги вақтинча ҳаракат бўлсин майли. Лекин мен қайси йўлдан кетаётганимизни билолмай қолдим,— дэя ҳайрон бўла бошлади.

Хукумат коммунистлар билан «мусулмон биродарлар»ни таъқиб остига олганидан кейин Солим Жабрнинг кайфияти бузилди:

— Мамлакатимизда коммунистлару мусулмон биродарлар каби илғор кучларни таъқиб қилишаверса, ўз сиёсаларида кимга таянишаркин? Маош талаб амалдорларигами? Сомондан социализм қуришмоқчими, ўзи булар?

Бора-бора коммунистлардан ҳам кўнгли совиган Солим Жабр улардан бирортаси қамалса ёки қатл этилса ачинибгина қўяр, уларни бўшанглик, тушкунлик ва таълимчиликда айбларди.

Солим Жабр умуман фақат эътиroz билдириш учунгина яратилгандай эди. Агар давлат феодал давлат бўлса, у — коммунист, сўллар устун келса — консерватор. Ҳа, худди шундай. Совет Иттифоқи революцияни қўллаб-қувватлаб, унга беғараз ёрдам қўлини чўзганида Солим Жабр мени ҳайратда қолдириб:

— Тўгри, коммунизм аъло жамият, лекин коммунистининг ўзи ким? У инсон эмас, механизм! — деди.

Бир куни мендан: «Нега одамлар АҚШга жўнаб кетишни яхши кўришаркин-а?» деб сўрагани эсимда.

— Чунки у ерда ион ва озодлик бор-да,— дедим кинояномуз.

— Озодликсиз ҳаёт, ҳаёт эмас. Мутаассиб бўлма,— деди Солим Жабр жаҳли чиқиб.

— Менга ўзингиз ўргатгансиз,— таъна қилдим мен.

У эса баттар дарғазаб бўлиб:

— Биз бутунлай тамом бўлдик. Тамом бўлдик. Бу ғафлатда ётган кўзимиз қачон очиларкин? — деди.

— Баъзан сизни ҳеч тушуниб бўлмайди.

— Мен қўёшдек равшанман. Лекин сизлар узундан-узун шарҳларга одатланиб қолгансизлар,— ўпкаланди Солим Жабр.

Анжлу қаҳвахонасида ўтирганимда бир неча кун бурун хотини вафот этганигини тасодифан эшишиб қолиб дарҳол кўнгил сўраш учун Қаср ан-Нил кўчасидаги уйига бордим. Лекин эшиги қулф экан. Нашриётдаги қабулхонасида ҳам уни тополмадим. Кейин билсам, Солим хотинини дағн этгандан кейин Ассуанг жўнаб кетибди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас у ердан қайтиб келди. Гарчи хотинининг вафоти унинг фаолиятига унчалик таъсир этмаган бўлса ҳам барибир мотамсаро бўлиб юрди.

Солим Жабр шахсий ишига бирор аралашинини сира ёқтирмасди. Болалиги, севгиси ва оиласи ҳақида бирор кимсага гапирганини эшитмаганман.

— Уйланмай, фарзандсиз ўтаётганингиздан афсулланмайсизми? — сўрадим бир куни ундан.

— Афсуланиш аҳмоқлик, диний сарқит,— ижирғанди ўшанда Солим.

Ҳақиқатанми ёки менга шундай туюлдими, ҳар ҳолда у қартайганда ёлғизликдан кийналаётганига ўхшади. Солим кексайганда дўстларининг камчилик-

ларини шартта юзларига айтадиган одат чиқарди. Бир куни у Ризо Ҳамодага:

— Сен давр оқимида чўкиб қолган мутаассиблигни унутма,— деса, иккинчи куни доктор Зуҳайр Комилга қараб:

— Сиз танқидчи эмас, нафосат қотилисиз,— деда танбеҳ берди.

Жодд абу ал-Уло ўз ижоди ҳақида унинг фикрини билмоқчи бўлган эди, Солим Жабр ҳаммага эшиттириб:

— Сиз ёзувилик ўрнига, тижорат билан шуғуллансангиз маъқул бўларди,— деди.

Солим Жабрнинг 1967 йил 5 июнъ мағлубиятини олқишилаганлар тарафига ўтиши ҳаммамизни ҳайратда қолдирди. Табиатан доимо давлат сиёсатига қарши чиқишга ўрганиб қолган бу одам революция душманларининг фикрини такрорлаб:— Бир синф ҳукмронлигидан қутулиб, давлатнинг темир искаижасига тушишдан нима фойда? Ҳукмрон ҳукумат ҳукмрон синфдан кўра золим бўлади,— деса бўладими!

Лекин революция ҳалокатга учрамади. Аксинча куч тўплаб янги курашларга тайёргарлик кўрди.

Солим Жабр 1924 йилдан бери кўзга кўриниган шахс эди. У ўз мавқеини сақлашга уринди, лекин яна қарама-қаршиликлар гирдобида қолди. У етмишдан ошган, қарайдиган ҳеч кими бўлмаса-да, ҳали анча тетик кўринади.

Менимча, мисрликлар ичида ҳазил-мутойиба, асия ва қўшиққа қизиқмайдиган ягона танишим шу бўлса керак. Солим гўё гўзалликдан маҳрум одамдек. сиёсий китоблар ўқигани ўқиган. Кейинги пайтларда айниқса илмга берилиб кетди. Икки гапнинг бирида:— Қачон илм ҳукмрон бўларкин? Қачон олимларимиз давлатни идора этиша бошларкин?— дегани-деган.

Бу азалдан давлатнинг ҳар қандай кўринишига қаршилик кўрсатишга ўрганиб қолган шахснинг тилаги бўлса керак. Шунинг учун ҳам Ризо Ҳамода:

— Оғзига келганини вайсайверади-да, телбалити маълум-ку,— деди.

— Бизга яна шу нарса ҳам аёнки,— дедим мен,— унинг сенга ёқмайдиган барча фикрлари ёшлар онгига сингиб кетган!

## СУРУР АБДУЛБОҚИЙ

У — аббосиялик дўстларимдан бири. Отаси бадавлат, обрў-эътиборли ҳимоячи эди. Ҳўжалик ишларини ўз қўлига олган онаси қатниқ қўл аёл бўлиб, ўғли, қизлари ва ҳатто эрига ҳам ўз ҳукмини ўтказарди. Табиатан зиқна бу аёл сайдёр сотувчилар билан арзимаган чақа устида ҳам савдолашарди. Харид қилингган молларни фақат ўз тарозисида тортиб оларди.

Буларнинг ҳаммаси Сурурнинг ҳулқ-атвори, одоби ва камхаржлигига ўз аксини топганди. У биз билан бўлган муносабатда ўзига алоҳида эътибор талаб қилас, биздан гарчи айрилмаса ҳам астойдил аралашиб кетавермас ва ҳазил-ҳузулларимизга қўшилмасди. Бир куни энди танилиб келаётган Умм Кулсумининг ёқимили овози ҳақида гаплашиб ўтирган эдик, Сурур Абдулбоқий:

— Яқинда қўшигини эшитдим. Менимча, унинг овози Мунира ал-Мадҳий овозидан кучли,— деди.

Бу гапи бизга ёқмади ва Жаъфар Халил:

— Муниранинг овозидан кучли овоз йўқ,— деб эътироz билдириди.

Қўшиққа мутлақо алоқаси бўлмаган Халил Закий ҳам одатдаги қўполлик билан Сурурга қараб:

— Онангнинг фикрини бу ерда айтма,— дея кесатди.

— Онамга тил теккизма, одобсиз,— деди Сурур жаҳл билан.

Бунга жавобан Халил бир мушт туширди. Шундан кейин иккаласи муштлашиб кетишиди. Биз уларни аранг ажратиб қўйдик.

Сурур аълочи ўқувчилардан ҳисобланса ҳам ҳаракатига нисбатан билими анча паст эди. Биз унинг зеҳни ўткирлигига ишонмасдик.

Бир куни Сурур бизга одоб ўргатиб, ўзаро ҳурматда бўлиш, бемаъни сўзлар айтмасликни илтимос қилди. Бу гапдан биз икки гуруҳга бўлинниб кетишимизга сал қолди. Айниқса, қўпол табиатли Халил Закий ҳамда Сайид Шаирларга унинг таклифи маъқул бўлмади. Иккаласи ҳам уни рад этишиди.

— У ҳолда сизлар билан ўргоқ бўлмайман,— деди Сурур.

Суурнинг бундай қарорга келиши мени ташвишлантириди, чунки уни жуда яхши кўрардим. Мен ошнамдан биз билан алоқани узмасликни ўтиниб сўрадим.

— Суур айтган таклифни қабул қилишимиз керак,— деди Ризо Ҳамода унинг сўзини қувватлаб.

— Йигит киши сўкинмай бўларканми? — эътиroz билдириди Жаъфар Халил унга жавобан.

— Оғайнилар, сўкинмасам юрагим торс ёрилиб кетади-ку,— деди Ийд Мансур ҳам ўз навбатида.

— Менга қаранглар,— гапга аралашди Шаъровий ал-Фаҳом,— фақат шу сабабли бир-биримиздан ажрашиб кетсан, ақлдан бўлмас.

Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриб, охири Суур Абдулбоқий билан хушмуомала бўлишга келишдик.

Суур сиёсатга сира қизиқмасди. Ҳатто бош министр Саъд Зағулуни қўллаб ўтказилган типч намойишда ҳам иштирок этмади. Бадр аз-Зиёдий ўлдирилган иш ташлашда эса, уйдан эшикка чиқмади. Қадди-қомати келишган, хушбичим йигит бўлишига қарамай, қизлар билан юрмас, қаерга бормасин, қаерда бўлмасин онаси уни эҳтиётлагани эҳтиётлаган эди. Суур қироат учун ажратилган вақтни боғчалардаги гулларга сув қуиши ёки тош кўтариш билан ўтказарди. Унда табобатга қизиқиш жуда эрта уйғонганди. Лекин ўрта мактабни битиргандаги баҳолари унинг ўқишига кириши учун етарли эмас эди. Ота-онаси Суурни Лондондаги медицина факультетига киритиб қўйишга маваффақ бўлишди. Коида бўйича Лондонда у икки йил яхши ўқиган тақдирдагина Қоҳирада ўқишига қабул этилиши мумкин эди. У бунга эришди, Англияда икки йил врачликка ўқиди. Сўнгра қайтиб келиб, Қоҳира медицина факультетига кирди.

Унинг ўқишига кириб олишига ўзимизча баҳо бердик. Лекин Ризо Ҳамода фикримизга қўшилмасдан:

— Суур биз ўйлагандек зеҳни паст эмас, акс ҳолда, Англияда икки йил муваффақиятли ўқимаган бўларди,— деди.

— Мисрда ҳам ўқишига қабул қилиш тартиби биз ўйлагандек маълум қоидага бўйсунмайди,— деди Ийд Мансур.

— Бу жиҳатдан бойлар билан камбағалларнинг

имкониятлари бир хил эмас, — шикоят қилди Жаъфар Халил.

1936 йилда факультетни битирган Сурур орадан тўрт йил ўтгач, Қоҳирадаги бадавлат оиласардан бирининг қизига уйланди. Бу орада у элга танилиб, Қоҳирадаги энг обрўли жарроҳлардан бирига айланди. Жарроҳликдан ортирган даромад ҳисобига шаҳар марказида катта иморат, Маодийда шинам вилла қурдирди. Ахлоқан бузилмади, одоб-хулқи, одамийлиги, меъёрни билиши, касалларга меҳрибон ва жонкуярлиги, яхши мутахассислиги билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлди. Нозик табиатли Сурур кўпинча факультет мажлисларида можароларга қарши қаттиқ кураш олиб борар ва шу билан студентларнинг олқишиларига сазовор бўларди.

Шунчалик яхши хислатга эга бўлишига қарамай Сурур маданият, сиёсатда гўдакка ўхшарди. Гарчи унинг ёзи шу жамиятнинг порлоқ юлдузларидан бири бўлса ҳам жамият ҳаёти билан кам қизиқарди. 1952 йил июль революцияси кезлари унинг ороми бузилди. Сурур шу вақтгacha жамиятда юз берган улкан ўзгаришларга парво қилмасди. Ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар ясаган июль революциясидан кейин унинг бошига ташвиш тушди. Хотини ер ислоҳоти низомига биноан беш юз феддан еридан айрилди. Мол-мулкни муқаддас деб билган Сурур нима қилишини билмай, ҳангуманг бўлиб қолди. Унинг қалбида революцияга нисбатан ғазаб, нафрат ва адоват уйғонди. Худди шу сабабдан гарчи илми ва ёши муносиб бўлса ҳам деканлик лавозимига тайинланмади. Бу унинг революцияга бўлган муносабатини янада кескинлаштириди. Бир куни Сурур менга:

— Факультетдан кетиб, жарроҳлик билан шуғулланаверай дейману, лекин илмий бурчимдан воз кечолмайман, — деди олимларга хос қатъийлик билан. Унинг бу сўзлари менга жуда маъқул тушди.

Шундан кейин Сурур умуман ҳаётга ва хусусан унинг оиласига ҳам гулу соглан революция билан астойдил қизиқа бошлиди. Аҳён-аҳёнда, ишдан бўш вақтларида Маодийдаги клубга келиб турди. Қадрдан дўстларидан мен ва Ризо у билан бўлган дўстлигимизни давом эттиравердик. Халил Закий ҳам Сурурнинг қўлида, Қаср ал-Айний шифохонасида

ишилаётганлиги учун ноилож у билан алоқасини уза олмади. Сурур Абдулбоқий ёшликтаги дўстларининг ҳаммасини ҳурмат билан эсларди. Шаъровий Фаҳомнинг ҳалок бўлиши, Жаъфар Халилнинг вафоти, Саййид Шаирнинг гойиб бўлиши уни қайғуга солди. Ийд Мансурни эслаганда эса кулиб:

— Лаънати, — деб қўя қолди.

Ўша пайтларда Ризо Ҳамоданинг ҳам бошига мусибат тушиб, ёлғиз фарзанди ва хотинидан айрилди. Ҳар иккаласининг кўнгилсиз тақдири, гарчи ўлар бир-бирларидан катта фарқ қилсалар ҳам, қалин дўстлашувларига сабабчи бўлди.

Чехословакиядан биринчи марта қурол-яроғ сотиб олингандан Сурурни ваҳима босиб:

— Бу коммунизм сари илк қадам, — деди.

Халқаро тазиيқ остида душман лашкарлари олиб чиқиб кетилиши унга анча таскин берди ва:

— АҚШ кўмаклашмаса ҳолимиз хароб бўларди, — деди.

— Аксинча, русларнинг огоҳлантириши бизга қўл келди,— эътиroz билдиридим мен.

Лекин Сурур фикримни кескин рад этиб:

— Бундан кейин Америка билан бўлган дўстлигимизнинг қадрига етишимиз керак,— деди.

Социалистик қонунлар эълон қилингач, ваҳимадан бутунлай саросимага тушганини кўриб:

— Яхши мутахассис асло хор бўлмайди,— деб унга таскин бердим.

— Ҳеч нарсанинг қадр-қиммати қолмади. Хотиним бу ерни ташлаб кетишни маслаҳат берялти.

— Асло бундай қилма, социализм истеъдодли одамларга нафрат демакдир. Ҳокимларимиз давлатни илм йўли билан эмас, қурол ёрдамида оладилар,— деди Ризо Ҳамода.

— Мисрдаги очлик, ялонғочликка нима дейсан?— сўрадим Сурурдан.

— Ҳар ким ўз мавқенини ўз имкониятига яраша белгилайди. Олло таолонинг ҳикмати шу,— деди фикрини аниқ баён қилиб.

Бундан қўйидаги хулосага келдим: инсон қанчалик илмли ва ахлоқли бўлмасин, унга маданий онг билан бир қаторда сиёсий онг ҳам ниҳоятда зарур экан. Киши қанчалик қобилиятили, лаёқатли ва яхши мутахассис бўлмасин, у жамият дарди билан яша-

маса ўз инсонийлигини ҳеч қачон түлиқ намойиш эта олмайды. Шу нүктай назардан доктор Сурур Абдулбоқий бақувват, күркем күрінсіда аслида миллионларча оч-яланғочларнинг қорнини түйдіриш мақсадида мулкдорларнинг ортиқча бойликларнин тортыб олишга қодир забардаст күч пайдо бўлганидан саросимага тушиб, қулаётган одамга ўхшарди. 1965 йилдаги мағлубиятни пажот ўрнида қабул қилиб, астойдил хурсанд бўлган Сурурнинг ўзгалар баҳтсизлигидан қувонаётганини сезиб, хавотирга тушдим ва бу ҳақда дұстим Комил Рамзий билан фикрлашдим. У менга:

— Сен бу қадар ажабланиб, ҳайрон бўлаверма. Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни билган маъқул. Бу ерда икки күч ўртасида кураш кетмоқда. Бир томонда: руслар, араб социалистлари ва ўз орзу-умидларини шу социализмга боғлаган ҳалқ оммаси, иккинчи тарафда өса социализмни ўз очкўзликлари ва молпарастларини йўлидаги темир тўсиқ деб билувчи Истроил ва Америка тарафдорлари турибди.

→ У ҳолда Ватан ва ватанпарварлик қаерда қолади? — дея сўраган эдим, Комил Рамзий дарҳол жавоб қайтарди:

— Ватан тушунчаси ва унинг мазмуни ўзгарди. Ҳозир бирор муайян территориал чегара қолганий йўқ. Әътиқод ва ғоялар билан чегараланган руҳий мұхит бор.

## СУОД ВАҲБО

Суод Ваҳбо билан бир йилгина бирга ўқиганмиз. 1930 йилларда факультетимизда ҳаммаси бўлиб ўнга яқин қиз таълим оларди. Улар аудиторияда, биздан алоҳида ўраниб-чулғаниб ўтиришарди. Биз қизлар билан қўл бериб кўришиш у ёқда турсин, ҳатто сўзлашишга ҳам истиҳола қиласардик. Бордн-ю, улардан бирорта лекция дафтари сўраш зарурияти туғилса, аввало саломлашиб, сўнгра қимтиниб-симтиниб мақсадимизни айтардик. Лекин мана шу дафтар сўрашининг ўзи ҳам қанчадан-қанча гап-сўзга сабаб бўларди. Худди ана шу вазиятда самодан тушган юлдуздек, беногоҳ курсимизда Суод Ваҳбо пайдо бўлди. У бошқа қизларга қараганда анча хушрўй, назо-

катли, ғунча лаблари ва ёноқларига шим татир қизил суртган лобар қыз эди. Хинча белига ёпишиб турган күйлаги Ваҳбога янада гўзаллик баҳш этарди. У на фақат ҳусни, балки юриш-туриши ва ширин муомаласи билан ҳам ихтиёrimизни олган-эди.

Бу қыз аудиторияга атайлаб энг кейин, ҳамма талабалар жой-жойларига ўтириб, ўқитувчи энди лекция бошлай деб турганда кириб келарди ва узрли нигоҳ ташлаб, ўз жойига тез-тез юриб кетаркан, бўлиқ сийналари хаёлимизни олиб, дилимизга ғулу соларди. Ҳамма ёқни бир гала асал ари учиб юргандек, «ууу, ууу» деган овозлар босиб кетарди.

Кўп ўтмай, Ваҳбонинг номи тилдан-тилга ўтиб, ҳаммага танилди. Унга «хоним», «сойим қыз», «жонон», «софати жон», «роҳати жон» каби исм ва сифатлар тўқилди. Суод бошқа дугоналаридан фарқли ўлароқ, биз билан дадил, ҳеч тортинмай гаплашаверарди. Узининг кўпчилликка ёқишини ҳам яхши биларди. Ўқитувчилар билан ҳам ҳаммага овозини эшигтириб баҳслашарди. Хуллас, ўша давр ва ўша муҳитга нисбатан анча илгарилаб кетган маданиятли қыз эди. Ваҳбонинг жарангдор, ёқимли овозига маҳлиё бўлган Маҳмуд Дарвиш ҳар сафар: «Бу толиба эмас, хушовоз хонанда», деб қўярди:

— Бу қыз ўрта мактабда қандай жозибали бўлган экан-а? — Аттанг ярим умримиз бекор ўтибдида,— деди бир куни менга Жаъфар Халил.

— Узига ўқимишли куёв топиш ниятида бу ерга ўқишига кирган,— дедим мен.

— Жазман қидириб де,— қўшиб қўйди Жаъфар Халил.

Кўп ўтмай у ҳақида:

— Афтидан яҳудийлар маҳалласида яшаса кепрак. Уни ҳеч ким тергамайдиганга ўхшайди.

— Ота-она ва ака-укалари ҳам тарбиясиз.

— У ориятини йўқотган, ўйин-кулги ва кайф-сафога берилган жувон,— қабилида ҳар хил миш-мишлар тарқалди.

Бир куни Жаъфар Халил Ваҳбо билан танишишга уриниб кўрди, лекин уддасидан чиқолмади. Шунингдек, бошқаларнинг ҳаракатлари ҳам беҳуда кетди. Қыз одоб доирасидан чиқмаган талабалар билан яхши муносабатда бўлиб қолаверди. Бориб-бориб, унинг ҳусни-жамоли ҳақидаги довруғ бутуи

университет бўйлаб тарқади. Ваҳбони кўргани бошқа факультетлардан ҳам талабалар кела бошлишди.

Суд факультетимиздаги инглиз тили тўгарагига қатнай бошлади. Баъзан у «Отелло» драмасидан айрим монологларни ёд айтиб, саҳнада пайдо бўлганида ўзининг таъсиричан, жарангдор, ёқимли овози билан томошибинларни гўё сеҳрлаб қўяётганга ўхшарди. Қиздаги бу қобилиятни сезган инглиз тили ўқитувчиси у билан шахсан танишиб олиб, унга тил бўйича ёрдам бера бошлади.

Турли жойлардан келган талабалар Ваҳбонинг замонавий кийиниши ва бунинг оқибати тўғрисида мунозара бошладилар. Бу гап ўзини талабаларнинг ҳақиқий ғамхўри ва юксак идеал ҳимоячиси ёб ҳисоблаган доктор Иброҳим Ақлга ҳам таъсири кўрсатди. У Суд ишқида оромлари бузилган талабалар диққатини ўзига тортиб:

— Университет аудиторияси билан кўргазма зали ўртасида фарқ бўлиши керак,— деди.

Талабалар гур этиб кулиб юборишиди. У сўзини давом эттириди:

— Биз ҳаммамиз хоҳ эркакдир, хоҳ аёл кўпчилик назарида эканимизни зинҳор унутмаслигимиз зарур. Баъзилар аёлларнинг эркаклар билан ўқитилиши у ёқда турсин, ҳатто уларнинг саводли бўлишларига қаршилар.

Дарс охирида Иброҳим Ақл Суд Ваҳбони ўз хонасига таклиф этди. Суҳбат қай тарзда бориб, нима билан тугашини тахминан билардик. Баъзи ўртоқлар ҳар кунги мароқли томошадан айрилиб қолиниларини сезиб, афсусландилар. Суд доктор Иброҳим Ақл ҳузуридан қовоғи солиқ чиқди ва ташқарида илҳақ турган талабаларга кўзи тушиши билан ҳаммага эшиттириб:

— Ҳеч ким, ҳеч қачон шахсий эркимни тортиб ололмайди,— деди.

Уни факультетдан ҳайдаш тўғрисида қарор чиқди. Баъзилар бу қарордан хурсанд бўлдилар. Бошқалар эса Ватан ҳурриятини топтовчи, мутаассиб сиёсий қарорга бир овоздан қаршилик кўрсатишга келишиб олингандигига қарамай, шунчаки ачиниб қўя қолдилар.

Қизнинг отаси декан билан суҳбатлашиб, ушбу

қарорни бекор қилишини илтимос қила бошлади. У илтимоси қондирмалыгунча бир неча бор факультетта келиб кетди.

Суоднинг факультетта қайтиши тўғрисидаги хабардан ажабланганлигимни Жаъфар Халилга айтган эдим, у кулиб:

— Бу ёрда қандай сир борлингини билдингми?— деди.

— Қанақа сир?

— Бу ҳақда олий таълим министрининг ўзи десканга кўрсатма берибди.

— Лекин олий таълим министрининг ўзи аиъналарни ҳурмат қилиш тўғрисида оғиз кўпиртириб галиришни яхши кўрувчи одам-ку?!

— Уни Суод билан шахсан танишлиги бор деб эшитдим.

Нима бўлганда ҳам Суод факультетга қайтди. Унинг аудиторияга киришини қарсаклар билан кутуб олдик. Қизни биринчи марта оддий, миллий кийимда кўришимиз эди. Пардоз-андозсиз ҳам ниҳоятда гўзал бўлган Суод узун ва кенг кўйлак кийиб олганди. Отаси қизининг қандай кийиниши кераклиги тўғрисидаги кўрсатмага амал қилибди. Лекин бу либос ҳам мусаффо сийнадаги жозибани яшира олмабди.

Бир куни Ваҳбони инглиз тили ўқитувчиси билан Ҳилвондаги «Япон боғи»да сайд қилиб юрганини кўриб қолишибди. Бу хабар факультетта яшин тезлигига ёйилди. Суоддан:— Шу тал ростми?— деб сўралганда, у:— Биз бир-биримиз билан тасодифан учрашиб қолдик,— деб жавоб қайтарибди.

Лекин қизнинг боғдаги сайдидан деканатдаги масъул кишилар ҳам хабардор бўлишибди. Бироқ оқибат кутилмаган натижа билан тугади. Инглиз элчихонасининг газабини қўзғамаслик ва ўқитувчи шаънига доғ туширмаслик учун қизга қарши бирор чора кўрилмади Жаъфар Халил бу воқеага киноя қилиб: «Англия 28 февраль битими моддаларига Суод Ваҳбога хос янги банд киритибди»,— деди.

— Агар Суод Ваҳбога қарши бирор чора кўрилса, Англия денгиз флоти Мисрдаги барча божхоналарни эгаллаб олади, деб таҳдид қилаётганимеш,— ҳазиллашди кимдир.

Бу воқеага атаб курсдошларимиз ҳажв ёзишди. Декан шаънига ёмон сўзлар айтилди. Лекин янги ўқув йили бошланиши билан аҳвол бутунлай ўзгарди. Инглиз тили ўқитувчиси битим муддати тугаганини сабабли юртига жўнаб кетди. Суод эса факультетга қайтмади. Айтишларича, у ўша инглиз тили ўқитувчиси билан Англияга кетибди. Қимдир Суод ал-Алфий кўчасидаги қовоқхонада қўшиқ айтаётган эмиш, деган гап топиб келди. Лекин мен Қоҳира кўчаларида Суод Ваҳбони бошқа ҳеч қочон кўрмадим.

## САЙИД ШАИР

Гарчи Аббосиядаги ўртоқларим ичидаги Халил Закий бақувват бўлса ҳам сахиyllиги билан ҳаммамизнинг ҳурматимизни қозонган Сайид Шаир жўрабошимиш эди. У ўйин пайтларида ҳазилкаш ўртоқ, рамазон кечаларида эса, ажойиб суҳбатдош эди. Бу ўринда мен Сайид Шаир билан Халил Закийни таққосламасликка иложим йўқ. Иккаласи ҳам кучли ва жангари. Халил жиноят қилишдан ҳам тоймаса, Сайид ҳаёсиз ва димоғдорлиги билан танилган. Иккаласи ҳам ўрта мактабда яхши ўқий олмай ҳар бири ўз оталарининг дўконида ишлашган. Халил ҳам, Сайид ҳам уйдан ҳайдалиб, ота меҳридан маҳрум бўлган. Бири қўполлиги туфайли, иккинчиси эса харидор аёлларга шилқимлик қилгани учун.

Ҳанонни севишимни сезиб қолган Сайид бир куни:

— Бўлмаган гап, сен уни севмайсан,— деб мени масхаралай бошлади. Мен севгим калака бўлишини истамаганим учун жаҳлим чиққанини сездирмадим. У эса ғашимга тегишини давом эттириб:

— Яхиси, у билан хилват жойда учраш,— деди уялмай.

Таътил вақтларида ҳар чоршанба куни кечқурун Сайид бизни кўчамизнинг этагида жойлашган уйига таклиф қиласарди. Одатда шу кунлари уларникида зикр ўтказиларди. Биз ҳам ёнма-ёп қўйилган диванларга ўтириб, «ҳу-ҳу»ларга жўр бўлиб, долчин солинган чой ичиб, зикр тушувчиларнинг ҳаракатларини кузатардик. Сайид отаси сал нарироқ кетиши ҳамоно бизга зикрчилар ҳақида уятли латифалар

айтиб берарди. У катта, тақводор хонадонда ўсган бўлишига қарамай жудаям одобсиз эди.

Саййид ўрта мактабда ўқий олмагач, отасининг ал-Буриядаги дўконида ишлай бошлади. Ёзги таътид кунлари қош қорайди дегунча, унинг олдига бориб, дўкон ёпилишини кутиб турардик. Кейин ҳаммамиз кўчама-кўча, қаҳвахонама-қаҳвахона айланиб юрардик. Ана шу дўстимиз сабабли биз ал-Аҳзар, ал-Фийшовий, ал-Мадақ ва Хон ал-Халилий ажойиботлари билан танишдик. У ерларда кўрган ёмон одатларга тақлид қила бошладик ва ўрта мактабнинг бошлангич синфларидаёқ папирос ва чилим чекинни, нард ва домино ўйнашин ўрганиб олдик.

Ўша пайтлар Саййид Шаир учун олтин давр бўлиб, ота бағрида ҳеч нарсага зориқмай, пул совуриб бойваччалардек яшади. Ўн тўрт ёшидаёқ ўзини улгайган ҳис этиб, катталарга тақлид қиласиган бўлиб қолди. Бир куни харидор аёлга шилқимлик қиласиган экан, ташқарида турган эри уни роса дўпослабди. Бу етмагандек, отаси ҳам кўпчилик олдида уни таъзирини берибди. Алам қиласиган Саййид дўкондаги қатор-қатор атир шишаларни синдирибди. Шуидан кейин отаси уни дўкондан ҳам, уйдан ҳам ҳайдаб юборибди. Натижада улар бутунлай юз кўрмас бўлиб кетишибди. Биз оталаримизни ўргага солиб, уларни яраштириб қўймоқчи бўлдик. Лекин Саййид: «менга ўй қамоғи тўғри келмайди. Худонинг даргоҳи кенг»,— деб таклифимизни рад этди.

Биз бу гапни у жаҳл устида, ўйламасдан айтди, деган фикрда эдик. Бироқ вақт у ҳақиқатда ҳам дарбадарлик тарафдори эканлигини исбот этди. Ўйи билан бутунлай алоқани узиб, муштумзўрлар тўдасига қўшилиб кетди.

Ўша пайтда Саййиднинг бу қарорига қандай бадо беришни билмадим. Лекин кейинчалик бири отаси билан ишлаётган, яна бошқаси муваффақиятли ўқиётган ака-укалари ичida Саййид анча омадсиз эканлигини англадим.

Ўйидан ҳайдалгандан кейинги учрашувмиэда у менга:

— Мени кварталимиздаги йирик савдо гарлар ишга олиши мумкин,— деди тақаббурлик билан.

— Лекин аёлларга шилқимлик қилишини тўхтат энди,— дедим насиҳатомуз.

— Аёл зоти хушомад эшитиш ёки ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида дўконма-дўкон кезади,— деди масхара аралаш.

Саййид савдо ялпи танозулга учрагунча кўп дўконларда ишлади. Танозулдан кейин эса у дўкондорларга, дўкондорлар унга керак бўлмай қолди. Шундагина Саййид бирор қариндош-уругсиз, бемақсад, ишсиз ва ёлғиз қолганлигини англади. Мен ва бошка ўртоқларимиз унга дурустроқ ёрдам қилолмадик. Лекин Саййиднинг ўзи Маржӯш қаҳвахонасининг хўжайнин ва айни вақтда қора дори билан кўтара савдо қилувчи бир танишига мурожаат қилган экан, фойдадан маълум қисмини ваъда қилиб, дори тарқатишин тавсия этибди. Бу ҳақда Саййид бизга ёш болалардек қувонч билан хабар қилди. Биз бу қалтис ишнинг оқибатини кўз олдимизга келтириб қўрқиб кетдик. Сурур Абдулбоқий:

— Эсингни еб қўйибсан,— деди.

— Бундай ишга қўл ура кўрма,— унинг гапини маъқуллади Ризо Ҳамода ҳам.

Саййид огоҳлантиришимизга эътибор бермади. Лекин бу ҳақда рақиби Халил Закийга билдирамслигимизни илтимос қилди. Кейин қора дори сотишга берилиб кетди. Чўнтағига бироз пул тушгач, ҳаваскор сифатида эмас, балки доимий мижоздек «ишрат» ўйларига йўл олди ва ўша ердаги бир аёлни ёқтириб қолиб, унинг уйида яшай бошлади. Бир кун Саййид бизни ўзи ишлаётган янги «олам»ни «зиёрат» қилишга таклиф этди. Сурур Абдулбоқийдан ташқари ҳаммамиз тентаклик қилиб унинг «ишхона»сига бордик. Шу заҳотиёқ қариндошим Аҳмад Қадрий бошидан кечган воқеа ёдимга тушди. Ўша уй ва бизга умидла қараб турган ёш «қора кўзлар»ни кўриб алланечук бўлиб кетдим. Саййид бизни бу ерга бир вақтлар ал-Ҳусайн кварталига бошлаб боргани каби нотаниш йўллар билан олиб борди. Бу «уй»ларнинг қонун-қоидалари ва сир-асорларини билиб олдик. Биз уй соҳиблари, қўшмачилар, товламачилар ва фоҳишалар даврасида бир неча бор тонг оттирдик. Қовоқхоналарнинг бачкана ашуналари, тутруқсиз куйлари, яланғоч аёллар рақслари, ҳаёсиз қилиқлар ишвалар бизни сеҳрлаётгандек бошимизни айлантириб қўяр, дилимизда ҳам хурсандлик, ҳам ғашлик сезардик.

Саййид кўп ўтмай қандайдар корчалонлар тўда-сига қўшилди-да, ал-Бирка марказида гиёҳвандларга ёқадиган куйлари, арzon ичимликлари ва шинамлиги билан ном чиқарган қаҳвахона очиб олди. Оддий товламачилардан иборат бўлган қаҳвахона хўжайнларидан фарқ қилиш, ўзининг аслзода эканлигини билдириш учун башанг костюм кийиб юди. Саййид пихини ёрган савдогарлар табассуми-ю, фоҳишалардан самарали фойдалана бошлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида қаҳвахона даромади икки баробар ошди. Бироқ унинг хотини инглиз аскарлари чўнтағини қоқлаш ва обрўлироқ қаҳвахоналарда ишлашни истаган фоҳишалар билан бирга кетиб қолди. Саййиднинг қўлида эҳтироси сўнгган, гўзалигидан нишон ҳам қолмаган, ёши катта аёллар қолди холос.

Қаҳвахона синганди. Энди башанг костюм ҳам иш бермай қўйди. Саййиднинг биз билан учрашиб туришдан бошқа чораси қолмаганди.

Шаъровий ал-Фаҳомнинг бевақт ўлими бизни яна бир ерга йиғди. Жаъфар Халил, Халил Закий, Ризо Хамода, Сурур Абдулбоқий, Ийд Мансур, Саййид Шаир ва мен бирга ўсиб улғайган маҳалламизда тўйландик.

Уттиз, ўттиз беш ёшларда, умримизининг айни гуллаб-яшнаган даврида биз тенгқурлар бир дўстимиздан жудо бўлдик. Ҳаммамиз ҳаётда ўз ўрнимизни топгандик: ўқитувчи, ҳимоячи, врач, инженер, савдогар, қўшмачи, товламачи ва контрабандист. Ҳар биримиз марҳум дўстимизни эслаб ёш тўкарканмиз, ачиниб дердик:

- Қандай яхши одам эди-я!
- Қулиб яшаб, кулиб оламдан ўтди.
- Дилида армон билан кетди.

Шаъровийдан хабар олмай қўйганимиэдан Саййид Шаир хафа бўлди. Ўша эски маҳалла учрашув учун номуносиб жой эди, деб биз ўз узримизни айтдик. Лекин у жаҳл билан:

— Шу ҳам баҳонами? Худо раҳмат қилгур, мендан доимо хабар олиб турарди,— деди.

Иккинчи жаҳон урушидан бир неча йил кейин исловатхоналар расман беркитилди. Бу ҳол кўпгина тажриба ва минг жунайҳдан ортиқроқ пул ортирган Саййид Шаирга ҳам таъсир қилди. У ўз касбини

ташлашга мажбур бўлди. Ал-Фийшовий қаҳвахонасида учрашганимизда Ризо Ҳамода унга насиҳат қилиб:

— Янги, ҳалол ҳаёт бошлашинг учун қулай фурсат келди. Бундай имкониятдан фойдаланиб қол,— деган эди, Саййид унга жавобан ҳазиломуз:

— Дунёда энг ёмон кўрганим насиҳат,— деяркан, ўзини бироз тиклаб олишга қарор қилганлигини айтди.

Шу сұхбатдан кейин кўп ўтмай у Муски меҳмонхонасига ишга ўтиб, «ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас» деганлариdek қўшмачилар ҳукмида бўлган ёшёш қизларни авраш, арақ ва наша сотиш ишларини авжлантириб юборди. Қундузлари эса чилим чекиши ва карта ўйнашдан бўшамай, дунё билан иши бўлмай қўйди. Ҳатто Фаластин уруши, Қоҳира ёненини ва июль революциясидек муҳим воқеаларга ҳам заррача қизиқмади. Ёши элликка етганда эри қамоқда ўлган, контрабандист аёлга уйланди. Ҳукумат контрабанда билан шуғулланувчиларга қарши қаттиқ жазолар жорни қилганига қарамай, наша ва қордори ғотишни тўқтатмади. Ад-Дарроса томонидаги ал-Муқаттам тоғига олиб борувчи йўл ёқасидаги катта боғ ўртасига ҳашаматли иморат қурди. Ярим гектардан ортиқроқ майдонга хурмо, узум, хина, лимон ва апельсин экди. Уйнинг хоналарини шарқий усулда безади. Товуқ, ғоз ва қуёнлар боқиши учун жой ажратди.

Ризо Ҳамоданинг хотини вафот этган кун эски қадрдонлар яна бир бор жам бўлдик. Ярим кечада ўердан қайтиб келаётib Саййиддан:

— Шунча жамғарган пулларинг наша сотмасдан яшашингга етмайдими?— деб сўраган эдим, у:

— Кўп топаман, кўп сарфлайман ҳам,— деди қалондимоғлик билан.

— Лекин оқибатини сира ўйламаяпсан-да.

— Оқибатидан ташвишланма,— деб Саййид елкамга қўлини қўйди. Сўнгра дил ҳасратини тўкиб солди:

— Уруш пайтларида мени ташлаб кетган хотинимни биласанми? Эшишишмча, у мендан ўғил кўрган экан. Лекин уларни ҳеч қаердан тополмаяпман.

— Ўғиллик бўлгинг келаётими?

— Ҳозирги хотиним билан ҳам бахтлиман. Бошинасига уйланишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

Бошқасига уйланиш мен учун хонавайрон бўлиш ёки ҳалок бўлиш билан баробар,— деди-да, хўрсиинб туриб давом этди:— Мен кўрган қийинчиликлар дўстилиз Ризо Ҳамода бошига тушган мусибатлар олдида ҳеч нарса эмас.

Мен ҳам Ризо Ҳамодага ачиниб:

— У ичимиизда энг улуғ ва энг бахтсиз одам,— дедим.

— Халил Закий билан унинг бахтини қиёслаб кўр.

— Ҳа, гоятда аяичли.

— У ярамас ва насткани. Мен эса... Нима, наша сотиш айбми?

— Оқибати яҳшилик билан тугамайди.

— Яхиси, наша сотиш билан шугулланмаган Ризо Ҳамода тақдирни ҳақида ўйтайлик,— деди. Сўнгра ад-Дарросадаги уйига боришмни илтимос қилди.

Орадан бир неча йил ўтди. Уни 5 июнь мағлубиятига бир ҳафта бўлганда ал-Фийшовий қаҳвахонасида кўрдим. Ушанда Сайиднинг қай аҳволда олдимга келганини ҳеч унотолмайман. Мен енгилеш сабабларини англай олмай, ғамгин паришон ҳолда ўтирган эдим, у ёнимга келди-да, ҳол-аҳвол сўрагач:

— Синайнинг босиб олиниши у ердан яширин мол олиб ўтишга халал бермасмикни? Бу ҳақда қандай фикрдасан? — деди.

Мен нима ғамда-ю, бу нима ғамда. Қайси дунёда яшаётганикин ўзи!?

Сайид ўз хатосини сезиб, жимиб қолди ва анча вақтгача чилим чекиб ўтириди. Кейин паст овозда заҳарханда қилди:

— Сен одатдагидек ҳамон сиёсат билан бандсан. Менимча, у бош оғриғидан бошқа нарса эмас.

— Эҳтимол, бўлган воқеалардан бехабардирсан?— сўрадим жаҳл билан.

— Нега энди? Бўлаётган мўъжизаларни эннитиб турибман.

Сайид билан икки йилдан кейин Ийд Мансур хонасида учрашиб қолдим. У жуда ўзгариб, юзи ва қорни шишиб кетганди. Кўринишидан қаттиқ дард-мандлиги сезилиб турарди.

— Аҳволинг қалай?— сўради у мендан.

— Кўриб турганингдек, ёмон эмас.

— Ёлғиз парвардигорнинг ўзигина ҳеч қачон ўзгармайди.

— Ниҳоят, худони эслаб қолибсан-да,— деди Ийд Мансур кулиб.

— Ўзингни бирорта врачга кўрсатдингми?— сўрадим.

— Сен врачларга ишонасанми?— саволимга савол билан жавоб қайтарди Саййид. Сўнгра фахр аралаш қўшиб қўйди:— Умрим бўйи на врача борганман, на дори ичгацман.

У кетгач, Ийд Мансур заҳархандалик билан:

— Эҳтимол, биз тез кунда яна мотамда учрашиб қолсак ажаб эмас,— деди.

## ШАРОРА ан-НАҲҲОЛ

Шарора ан-Наҳҳолни мен давлат корхонасига ишга тушган кунимдан боштаб биламан. У ўша пайтларда оддий телефон диспетчери бўлиб ишларди. Олти йиллик бошлангич маълумоти бор, йигирма ёшлар чамаси бу йигит қадди-қомати келишган, хушбичимлиги билан кўпчиликнинг эътиборини жалб этганди. Баъзан хизматкор Сақр амаки унга:

— Костюмингни ёчиб, ўрнига аёллар либосини кийиб олсанг, йигирма тўрт соат ичиде сенга куёв топмасам, Сақр номимни бошқа қўяман,— деб ҳазиллашётгани қулогимга чалиниб қоларди.

Ишхонамиизда юқори лавозимга тавсия этиш бўйича маълум қонун-қоида йўқлиги сабабли, беш йил бошлангич маълумот билан юқори лавозимларни эгаллаб турганлар дипломли хизматчиларга еб қўйгудек ўқрайиб қарайдиган бўлиб қолишганди. Нима бўлди-ю, еттинчи даражали иш жойи, шу ўринни эгаллаб турган хизматчининг вафоти туфайли бўшаб қолди. Саккизинчи даражадаги хизматчилар бу ўринга зимидан кўз олайтириб, ҳар ким ўзи ишонган таниш-билишини бирор депутат, шайх ёки министрни ишга солиб, шу ўринни эгаллашга ҳаракат қила бошлади. Кўп ўтмай министр ўринбосари номига тавсияномалар ёғилиб кетди. Бу мусобақада мен ҳам қадрдан дўстим, депутатлар советининг аъзоси Абду ал-Басюнийга умид боғлардим. Лекин устоз Тантовий Исмоил мени секретариат йўлагида тўхтатиб, қовоги солиқ ҳолда сўради:

— Еттичи даражали вазифага ким қабул қилинганини билдингизми?

— Билмадим,— дедим юрагим орқамга тортиб.

— Кечикмасдан Шарора ан-Наҳжолни табрикланг.

— Шарора ан-Наҳжолни?!  
— Ҳа.

— Ахир у бошланғич маълумоттагина эга-ку.  
Хизмати ҳам министрликка тааллуқли эмас.

— Эй худо, Мисрда ҳалиям тўғри фикр юритувчи инсон боракан-а,—деди Тантәвий осмонга қараб, сўнгра ўз хонаси томон юра бошлади. Секретариат идорасига кирганимда ушбу хабарининг ростлигига менда шубҳа қолмади.

— Оддий телефон диспетчери еттинчи даражага кўтарилибдими?

— Ким уни диспетчер деди? У министр ўринбосари кабинетига ишга олини.

— Шахсан министр ўринбосарининг-а?

— Ҳа, шахсан ўзларининг.

— Қандай қилиб? Нима учун?— сўрадим ажабланниб.

Устоз Аббос Фавзий қулоғимга пичирлаб:

— «Ё айюҳаллазина оману, ло таъсалу»<sup>1</sup>,— деди.

Хизматкор Сақр амаки менга қаҳва узата туриб гап қотди:

— Ажабланманг, бек. Гап шундаки, сиз бу ерда нисбатан янги одамсиз. Аслида, бу ўринга бошқа киши тайинланган эди. Лекин Шарора министр ўринбосари билан учрашиш ниятида экан. Унинг ҳузурига киришни илтимос қилиб, туриб олди. Секретариатдан ҳайдаб чиқаришса ҳам, ўрнидан жилмай кутиб ўтираверди. Министр ўринбосари уйга қайтиш учун йўлакка чиқниши ҳамоно, Шарора унинг оёқлари остида тиз чўкиб. Фотима Рушдий каби артистлик билан ўзининг етимлиги, онлада кўпчилик унинг қарамоғида эканлиги, худодан ва жаноб ўринбосардан бошқа суюнчиғи йўқлигини билдириб унга мурожаат қилди. Бошлиқ унга аввало истар-истамас қараб қўйди. Бироқ Шароранинг қиёфаси ўзгача туюлдими, у яна бир бор назар ташлади. Назар ташлади-ю, ундан кўзини узолмади.

Хизматкор мугомирона кўз қисиб, жим бўлди.  
Ажабланниб, ундан:— Бу билан нима демоқчисиз?—

<sup>1</sup> Эй аҳли мўминлар, сўраманглар.

деб сўраган эдим, хизматкор иш столимдан четроққа имлади-да, қулоғимга:— Бежиримлиги ўринбосарга ёқиб қолди,— деди.

Шарора министр ўринбосари кабинетига ишга ўтди. Янги лавозимга монанд кийимини ҳам ўзгартирди. Кўримсиз, эски костюми ўринига янги, замонавийисини сотиб олди. Таги резина туфли ўринига янги, чармдан тикилганини кийди. Бўйнига ишак галстук тақиб (унинг ҳадя этилаганилиги сезилиб турарди), костюмининг чап кўкрак чўнтағида чети уқали ишак рўмолча олиб юрадиган бўлди. Биз бир-биримиз билан учрашиб қолгудек бўлсан, оддий хизматкор дараҷасидаги шахс юқори мансабдаги хизматчи билан эмас, балки ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг ҳамкаслар каби муво-мала қилиб юрдик. Шарора ҳар ҳолда ўзи ҳақидаги мини-мишлардан хабардор эди. Эҳтимол, ҳаммага от-нинг қашқасидек маълумлигиданни ёки юқори лаво-зимли шахснинг кучи ҳар қанақа ўткир тилларни ҳам қирқиб ташлашга қодир эканлигига ишончи комилли-гиданни, ўзи ҳақидаги узун-қулоқ гапларга мутлақо аҳамият бермасди.

Икки йил ўтмасдан, олтинчи даражага кўтарилиб, министр ўринбосарининг шахсий секретари қилиб тайинлангач, у ҳақида яна янги миш-мишлар тарқалиб кетди. Шунда устоз Аббос Фавзий менга:

— Тез орада унинг бошлиқлар қаторидан ўрин олишига ҳам аминман,— деди.

Дарҳақиқат, сал фурсатда, министр ўринбосари кабинетида муҳим, ҳатто, кабинет мудиридан ҳам зарурроқ шахсга айланди. Аҳоли ва хизматчиларнинг аризалари унинг қўлига тушадиган, уларда кўрсатилган масалалар унинг ихтиёрига қараб ҳал қилинадиган бўлди. Ҳар томондан турли-туман совғалар ёғилиб кела бошлади. Илтимос билан келганилар учун Шароранинг ҳар бир табассуми оллоҳга ҳамду сано айтиб, фахрланиб юришга арзийдиган илтифотга айланди.

Кутилмаганда бизга ўзга партия вакили министр этиб тайинланди. Собиқ министр ўринбосари билан янги министр бир партияга мансуб бўлишларига қарамай, министрликда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган тарағ вазият вужудга келди. Пайти келса, қасос олишини дилига туғиб юрган бухгалтерлардан бири янги министрга собиқ министрнинг ўринбосари ва унинг хуш-

бичим секретари Шарора устидан иғво қилди. Фуррат сат топиб, баъзи ҳужжатлар билан таништириш баҳонасида секретарни министр ҳузурига киритди. Лекин министр бир қарашдаёқ бу секретарнинг анча тажрибали ва малакали эканлигини сезиб, уни ўз кабинетига олишга қарор қилди. Секретарь бундан беҳад мамнун бўлди. Ўринбосар бу фикрга қарши чиқиб, секретарни ўз ҳузурида олиб қолишга уриниб кўрди. Ҳаттоқи бу мақсадда озроқ пул ҳам сарфлади. Ўринбосарнинг бу қилмиши министрга маъқул бўлмай, секретарни ўз кабинетига олишга буйруқ берди. Бундан норози бўлган Ўринбосар бир неча кун ишга келмай ҳам қўйди. Ыкки бошлиқ ўртасидаги келишмовчилик партия раҳбари қулогига етиб борди. Айтишларича, партия раҳбари иккаласига ҳам танбек бериб, уларнинг низоси вафд матбуотини қизиқтириб қолиши мумкинлигини айтибди. Шундан кейин Ўринбосар газабини ичига ютиб, яна ишга қайтди. Шарора мансабда ўсишда давом этиб, тўртинчи даражани эгаллаш нияти билан бешинчисига кўтарилиди. Уни порлоқ келажак кутмоқда эди. Албатта, Шароранинг муваффақиятлари фақат чиройидагина эмас, унга омад кулиб боқишининг асосий сабабларидан бири — серғайрат ва зийраклигига ҳам эди. Шарора ишининг ниҳоятда кўплигигэ қарамай, сиртдан ўқиди ва «уларнинг мавқелар»идан фойдаланиб, етуклик шаҳодатномаси, бакалавр ва ниҳоят ҳуқуқшунослик бўйича лицензиат илмий унвони дипломини олишга муваффақ бўлди.

Бу ҳақда устоз Фавзий ярим ҳазил, ярим чин аралаш:

— У ўз тоифасидагилардан анча фарқ қиласи. Агар бошқалар бежиримликлари туфайли нари борса тўртинчи ёки учинчи даражага кўтарилишиб, сўнгра ёшлари ўтгач унутилиб кетсалар, бу янада юқорироқ чўққиларни кўзламоқда,— деди.

Менимча ҳам у серғайрат, чидамли ва ишнинг кўзини биладиган хизматчи эди. Идора ишлари учун шунинг ўзи кифоя қиласиди. Лекин Шарора ўта таъмагир ва такаббур, қўл остилаги кекса ҳамкасларига қўпол муомала қиласар, уларнинг арзимаган хатоларини ёки билмасдан айтиб юборган сўзларини ҳам сира кечирмасди. Хизматчиларни ҳақоратлаб, калака қилишга ўрганиб қолганди.

Шарора министр кабинетига мудир сифатида учинчи даражага күтарилиганида ҳукумат ўзгариши юз берилб, ҳокимият вафдчилар қўлига ўтди. Натижада министр истеъфога чиқарилиб, унинг ўринбосари ҳам маоши сақланган ҳолда ишдан челатилди. Ҳасадчилар пайдан фойдаланиб, янги министрга кабинет мудири устидан шикоят қилдилар ва уни антипартиявийлик ва ахлоқсизликда айбладилар. Шарора охириги кучи қолгунча курашиб, ўзини сиёsat билан иши йўқ, меҳнат-севар ва дўстларига содиқ ҳақиқий хизматчи сифатида ҳимоя қилди. Шунга қарамасдан, уни архив бўлимига тушириб қўйнишди. Гарчи бу бўлим даромадсиз бўлса ҳам, Шарора астойдил ишга киришиб, кўп ўтмасданоқ бу ерда қаттиқ тартиб ўрнатгани учун архив жонланиб кетгандек бўлди. Шундан кейин Шарора министрни таклиф этиб, уни архивдаги тартиб ва янги китоблари билан танишитирди. Шароранинг ишидан мамнун бўлган министр унга ташаккур билдириди. Фурсатдан фойдаланган Шарора «ал-Муқаттам» газетасига «Вафдчи министр шу партия рақибларидан бирига ташаккур билдириди» деган мавзууда мақола ёзиб, министрнинг адолатли, самимий эканлиги, омма маифаати учун хизмат қилиши, Шарорага қарши бўлиш ўрнига уни рағбатлантирганини қайд қилиб, министрни қўкларга қўтарди.

Устоз Аббос Фавзий айтишича, Шарора министр ҳузурида эканида у дўстимизни чақириб олиб, унга ташаккур билдирган ва:— Бундай чиройли услубда ёзишини қаерда ўргандинг?— деб сўраган. Шунда Шарора:— Саъд Зағулунинг унутилмас нутқларини ёд олганим илҳом берди,— деган ҳозиржавоблик билан.

Кўп ўтмай Шарора министрликда хўжалик ишлари бўйича мудир этиб тайинланиб, вафд партияси истеъфога чиқиш арафасида иккинчи даражага кўтарилиди. Вафдинг раҳбарликдан кетиши баъзи ҳасадгўйларни қаттиқ қувонтириб юборди. Улар «айиқ қулади» деб ўйлагандилар. Мана собиқ министр билан унинг ўринбосари қайтиб келишди. Энди Шарора ишдан ҳайдалса керак, деб ўйлашганди. Бироқ унинг биринчи даражага кўтарилиб, идорага бош директор этиб тайинланиши ҳаммамизни ажаблатирди.

- Бу қанақаси?
- Дунёда нималар бўляпти ўзи?

Күн ўтмай, вазият ойдинлашиб, масаланинг бизга қоронғи томонлари аён бўлди. Маълум бўлишича, вафд партияси ҳукмронлик қилган пайтда Шарора собиқ министр билан яширинича учрашиб, унинг баъзи илтимосларини бажариб келган. Шунингдек, барча маҳоратини ишга солиб, уни собиқ ўринбосар билан ҳам яратшириб қўйган. Уларнинг баравар ишга қайтишларини Шарора зўр қувонч билан қарши олди.

Сезгири Шарора саройда асосий ҳал қилувчи кучлар йигилганини, у ер узоқни мўлжаллаган одамлар учун энг муносиб жой эканлигини ҳис этди. У маълум мақсадда «Янги Миср бунёлкорлари» деган китоб ёзиб, ўша китобни Муҳаммад Али, Исмоил ва қирол Фуодларга бир нусхадан тортиқ этгач, саройга кириб борди. Қирол уни ташаккур билдири-ю, асар барча матбуот органларида эълон қилинди. Шу воқеадан кейин ўзини бироз хотиржам ҳис эта бошлаган Шарора ҳамкасби ва рақиби Адлий ал-Муаззинга қараб:— Мен ҳам сарой одами бўлиб қолдим. Энди менга ҳеч ким жазо беролмайди,— деди.

Шарора урушнинг охиригина йилларида нуфузли оиланинг қизига уйланди ва ўзи каби ниҳоятда чиройли бир ўғил ва қизли бўлди. Қизини ўз секретарининг ўғлига узатди. Ўғли эса армия офицери бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши тугар-тугамас, оқсоқоллар кенгашига сайловлар арафасида, у мени ҳузурига чақириб олиб:

— Оқсоқоллар сайлови катта аҳамиятга эга. Борди-ю, бу сайловда вафҷчилар ютиб чиққудек бўлсалар, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади,— дели.

Мақсадига тушунолмай, Шарорага савол назари билан қараган эдим, у давом этди:

— Сайлов комитетлари комиссиясининг номзодлар рўйхатига сизнинг ҳам исмингизни киритиб қўймокчиман.

Гапидан кулгим қистаб, индамай ўтирдим.

— Округларда партиямизнинг ишончли одамлари бор.

— Қайси партиянинг?— сўрадим айёрлик билан.

Унинг хушрўй чеҳрасига қон югуриб, қаттиқ кулди.

— Партиянинг номини билишингиз шарт эмас. Энг муҳими соҳиби аршга содиқлик.

— Менинг бу ишларда сира тажрибам йўқ.

У кўзини қисди-да:

— Бу ёғини маъмурларга қўйиб беринг. Сиздан ҳеч нарса талаб қилинмайди,— деди.

Қовоғимни солиб, бу ишга рози эмаслигимни билдиридим.

— Номзодингизни кўрсатишга асосий сабаб, сизнинг яхши хулқ-авторингиз эди. Борди-ю, рози бўлмасанги, мажбур этолмайман,— писандада қилди Шарора.

Ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим. Кўрқитиш, дўқ-пўписа ва кўзбўямачиликнинг ҳамма турлари ишга солинган бу сайлов қирқ тўрт округда кўпчилик овоз билан вафҷилар фойдасига ҳал бўлди. Бундай тарихий жиноятда иштирок этмаганимга шукр қилдим.

Шароранинг виждони тўғрисида ҳам ҳар хил гаплар юради. Баъзилар у кўп нуқсонга эга, аммо соғдил десалар, баъзилар жуда эҳтиёткор, эпчил ўғри дердилар. Унинг Ҳилвонда чорбоги ва Дўққида катта иморати борлиги ҳаммага маълум эди. Лекин унинг ўзи булар хотинимнинг пулига сотиб олинган,— дерди.

1952 йил июль революциясидан кейин унинг устидан жазолаш комитетига шикоятлар ёғилиб кетди. Лекин исбот қиласиган бирор далил бўлмагани учун Шарора ўз ишида қолдирилди. Айтишларича, офицер ўғлининг ҳимоясида тафтишдан осонгина қутилибди. Шундан кейин у министр ўринбосарилигига кўтарилиб, социалистик қонунлар жорий этилиши биланоқ, давлат муассасаларининг бирига бошлиқ этиб тайинланди.

Уни икки маротаба: биринчиси, ўғли Яман урушидан енгил ярадор бўлиб қайтганида, иккинчи сафар эса 1967 йил 5 июнь мағлубиятидан кейин талабалар бошлаган намойиш пайтида қаҳвахонада ўтирган куёви тўсатдан шабкўр бўлиб қолган вақтда кўрдим.

Министрликдан бўшаганидан кейин Шарора бутунлай кўринмай кетди. Дўстларимдан бири уни 1970 йили Маккада, ҳаж вошибини адо этаётганида кўрибди.

## ШАЪРОВИЙ ал-ФАҲХОМ

Эҳтимол Аббосиядаги энг хушчақчақ ўртоқларимдан бири шу бўлса керак. Шаъровий ўта содда ва бегам ҳам эди. Уни эсласам, доим кулимсираб турган чеҳраси кўз олдимга келади. Бирорта ножӯя сўз эшитиб қолса ҳам, сиёсат соҳасида кескин мунозаралашсак ҳам, футболчилар тўғрисида баҳс кетса ҳам барига бепарво кулиб тураверарди. Бирор танишимиизникуга таъзияга боргудек бўлсак, ўзининг ноўрин кулгиси билан атрофдагиларни ранжитиб қўймасин деб, Шаъровийга эътибор бермасликка ҳаракат қилардик. Бир куни Жаъфар Халилинг ёш қариндоши жанозасига бордик. Йигитнинг онаси соchlарини юлиб яланг оёқ, тобут кетидан дод солиб чиқди-да, эси оғиб қолиб, рақсга туша бошлади. Бу аянчли манзарадан ҳаммамиз қаттиқ таъсирланиб кўзимизга ёш олдик. Шу пайт назарим Шаъровийга тушиб қолди. У кулиб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди. Уни бағритош, бетамиз ёки телба деб бўлмасди. Шаъровий ўзига хос, ғалати табиатли йигит эди.

Гўдаклигидаёқ отадан етим қолган Шаъровий, Сайид Шаирларнинг ёнидаги ота мерос уйда онаси билан ёлғиз турарди. Она эрининг маоши билан бирга вақфдан оладиган ўн жунайҳни рўзгор ва бола тарбиясига сарфларди. Шаъровий вояга етгунча бу маблағ оила учун етиб турди.

Шаъровий Халил Закий, Сайид Шаирлар каби шўхлиги ва ўйинқароқлиги сабабли эмас, балки ўқишига қунти йўқлиги ва дангасалиги учун бошланғич мактабда яхши ўқий олмади. Дарсларни ўзлаштиргани, синфда қолаверганидан мактабдан ҳайдалди. Энди унинг бевош, қаҳвахонама-қаҳвахона тентираб юришдан бошқа иложи қолмаганди. Ўзини одобли ҳисоблагани учун Халил Закий билан дўстлашишни истамади. Бироқ қордан қутулиб, ёмғирга тутилди деганларидек, Сайид Шаир билан тил тошишиб, аста-секин ал-Хусайн кварталидаги қовоқхоналарга, сўнгра косиблар кварталидаги «ишрат» уйларига қатнайдиган бўлиб қолди. Шу тарзда уарақ ичиш ва наша чекишни ҳам ўрганди.

Бир куни ҳали бошланғич мактабда ўқиб юрган чоғларимизда Шаъровий менга:

— Ҳаммасини биламан,— деди.

— Нимани биласан?— сўрадим ҳайрон бўлиб.

У мұғомбирона жилмайиб, қулогимга аста:

— Ҳанонни яхши кўришингни,— дея жавоб қайтарди.

Ноқулай аҳволга тушиб, қизариб турган эдим, у мен ҳам Ҳанонни севаман, деб қолди. Жон-ионим чиқиб кетди.

Бу сұхбат Мустафо Ҳанонлар оиласи маҳалла миздан кўчиб кетмасдан бир неча кун илгари бўлиб ўтган эди. Кўп ўтмай Шаъровий билан орамиздаги низо ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Шундан сўнг унинг бирорта қизни севган-севмаганлигини билмайман. Аммо косиблар кварталидаги «ишрат» уйларига ўрганганидан кейин, ҳақиқий муҳаббатга ишончи қолмагани шубҳасиз.

Ўғлиниңг ўқиб одам бўлолмаслигига кўзи етган она, бекор юргандан кўра ишласин, деган ниятда уни бирор ишга жойлаб қўйиш пайига тушиди. Шу мақсадда у бадавлат, обрўли қариндоши Аҳмад пошо Надо ҳузурига ёрдам сўраб борди. Қариндоши Шаъровийни министрликка жойлаб қўйди. Лекин у ишга қунт қилиш ўрнига кўп вақтини Сайийд Шаир дўкони ёпилишини кутиш билан ўтказди. Охири ишдан ҳайдалди. Бироқ у хоҳ ўқувчилик, хоҳ хизмат даврида бўлсни, бирор марта ҳам ҳафталик йиғилишларимизни қанда қилмасди. Бориб-бориб, ҳар кечадиган одат чиқариб олди. Ичганда ҳам энг арzon ичимликларни топиб ичарди. Ўғли ёмон йўлга кириб кетаётганини кўрган онанинг нақадар ташвиш чекаётганини тасаввур этиш қийин эмасди.

Бир куни кечқурун Шаъровий билан Сайийд Шаирниңг Важҳ ал-Буркадаги қаҳвахонасида гаплашиб ўтирган эдик, у бизга:

— Онам бечоранинг ороми йўқолди. Мени бирор жойда ишлашимни истайди, лекин меҳнатга тоқатим йўқ. Уйлантириб қўймоқчи бўлди, бироқ нимамга уйланаман?— деди.

— Ойлигинг ўн жунайҳ, бу кам эмас. Агар камроқ ичиб, бемаъни юришингни ташлассанг, бирорта бой қизга уйланиб олишинг ҳеч гал эмас,— маслаҳат берди Йид Мансур.

Шаъровий одатдагидай кулди-да, тез орада омади юришиб кетажагини айти. Бунда у қирол девонбоши-

си даражасига күтарилигап қариндоши Аҳмад пошо Надони назарда тутаётган эди. Қимининг қанча бойлиги борлиги билан қизиқиб юраднган Ийд Мансур:

— Қариндошингнинг бойлиги кўпми?— деб сўраган эди, у қадаҳини конъяк билан тўлдпраётиб жавоб қайтарди:

— Фақат ерининг ўзи йигирма минг феддан<sup>1</sup>. Қолган бойликларининг ҳисоби ёлғиз худогагина аён.

— Сизлардан бошқа меросхўри ҳам борми?

— Ягона меросхўр онам.

Қизиги шуки, Шаъровийнинг Аҳмад пошо билан қариндошлигини биз яқинда билгандик. Унинг бошланғич мактабда ўқиб юрган чоғларимиздаёқ қиролга яқинлиги учун обрўси қолмай Саъд Загулунинг ашаддий душмани ҳисобланган ўша қариндошини биздан яшириб келганлиги маълум бўлди. Энди эса онаси у шахснинг ягона меросхўри эканлиги ва етмиси беш ёшли кекса қариндошига бирор гап бўлса, омади юришиб кетишини айтиб ўтирибди.

— Қариндошинг қолдирадиган бойликларни қандай сарф қиласан?— сўради Жаъфар Халил қизиқиб.

У мириқиб кулди-да:

— Оҳ, орзуларим амалга ошиди дегунча, қариндошим Аҳмад пошо каби Қоҳира ва Искандарияда қасрлар қураман. Омборхоналарни энг эски винолар билан тўлдириб ташлайман. Аёлларга келсак....— деди.

— Тўхта, тўхта,— унинг сўзини бўлди Сайид Шаир.— Биз ўртоқлар четда қолаверамизми?

— Кечаларингиз қасрим боғида ўтади. Лаззатли таомлар, антиқа ичимликлар, гўзал аёллар — барчаси сизларники бўлади. Галимга ишонаверинглар!

Ризо Ҳамода қулоғимга пичирлаб:

— Дўстимиз орзусига эришиб, катта меросга эга бўлган кун биз учун ҳам тарихий бўларкан-да,— деди.

Шаъровий мерос умидида ичавериб, охири эти бориб суякка ёпишди. Ёш бўлишига қарамай сочи оқариб кетди. Иттифоқо кекса қариндоши Австрияга қилган сафаридан йигирма ёшлардаги, шаҳло кўзли жонон билан қайтди. Айтишларича, чол ўша аёлга шариат бўйича уйланмоқчи эканлигини билдирибди.

<sup>1</sup> Феддан — 0,42 гек.

Бу ҳаммани ҳайратта солди. Дүстимиз жинни бўлишига оз қолди. У қариндошини савдойига чиқариб васийлик талаб қилди. Биз бу гашнинг кимдан чиққанлигини билолмай, ҳайрон бўлдик. Сурнштирсан, Халил Закий уни йўлдан урган экан. Лекин негадир чол у жувонга уйланмади. Аёл эса йигирма минг жунайҳ олгандан кейин ватанинга жўнаб кетишга рози бўлиди. Сарой талабига мувофиқ газеталар бу ҳақда ортиқча шовшув кўтармади. Шаъровийнинг даъвоси ҳам рад этилди. Аҳмад пошо эса ҳеч қаерга бормай, ҳеч кимни қабул қилмай, ўз қасридан ташқарига чиқмай қўйди. Сал ўтмай, у ер-мулки билан бойликларини масжидга вақф этганлиги ҳақида эълон қилди. Дўстимизнинг аҳволига қаттиқ ачиндик.

Бу воқеадан кейин у ал-Фийшовийдаги қаҳвахонага маст, кўзлари қизарган, паришон холда кириб келди. Бизга бирма-бир кўз югуртириб, телбанамо кула бошлади. Сўнгра оёқ кийими ечиб, ложада турган диванга сакраб чиқди-да:

*Бахтинг сендан юз ўғирса гар  
Эпчиллик ҳам етказар зарар —*

деб ашула айта бошлади ва яна кулишни давом эттириди. Биз ҳам унга қўшилишиб кулдик. Шу воқеадан кейин Шаъровий муккасидан ичкиликка берилиб кетди. Кечаю кундуз ичди. У татиб кўрмаган сифатсиз вино нави қолмади. Иштаҳаси бўғилиб, аёлларга қарамай қўйди. У сургунда яшаётганга ўхшарди. Ишора билан гапирар, ўзидан-ўзи кулар ёки рӯёбга чиқмаган орзуларини эслаб, ғамгин бош эгарди. Жаъфар Халил уни кино соҳасига қизиқтириб кўрди. Лекин бу фикр Шаъровийга ёқмай, узоқ кулди. Сайид Шаир уни ичмаслик шарти билан қаҳвахонада ишлашга таклиф қилди. Шаъровий бу гапга ҳам кулди. Унда на файрат, на иштиёқ ва на интилиш қолган эди. Иккинчи жаҳон уруши бошларида онаси ва-фот этди. Дўстимиз энди уйини ижарага қўйиб, ўзи болохонада яшай бошлаганди. Италия самолётлари Қоҳирани тонгга яқин бомбардимон қилганда, у болохонадаги юмшоқ, айланувчи ўриндиқда ширакайф ўтирган экан. Чамаси, ўриндиқдан бир қадам ҳам силжий олмай, бошига теккан снаряд парчасидан жон берган бўлса керақ. Унинг ўлими сафимиздаги биринчи оғир жудолик бўлди. Бу мотам маросимига кўпдан

кўришмай кетган дўстларимиз ҳам келишди. Ҳамма-  
миз бошимизни эгиб, мотамсаро ўтирарканмиз, Сай-  
йид Шаир ачиниб:

— Шаъровийни худо раҳмат қилсин. Донм ҳолим-  
дан хабар олиб турадиган ягона дўстим шу эди, —  
деди.

## СОДИҚ АБДУЛҲАМИД

— Доктор Содиқ Абдулҳамид, — деди Жодд абу  
ал-Уло Дуққидаги салонида уни менга танишираётib.

Бу номни эшитдим-у, ўстимдан муздек сув қуйиб  
юборилгандек сесканиб тушдим. Баданим титраб,  
Содиқ билан кўришарканман, дарҳол Дуррия хоним  
ва унинг ўз эри ҳақида айтган гаплари ёдимга тушиди.  
Балки булар шунчаки адаш, бошқа-бошқа одам-  
лардир, деб ўйладим ўзимча. Бироқ Жодд абу ал-Уло  
суҳбат мобайнинда унинг бир неча йил Англияда ўқиб,  
докторликни ҳам ўша ерда ёқлаганлиги, ҳозир бола-  
лар врачи бўлиб ишлаётгани, адабиёт, санъат, фалса-  
фа ва сиёsat билан қизиқишини айтгач, бу одам Дур-  
риянинг эри эканлигига заррача шубҳам қолмади.  
Демак бу ўша, маъшуқам Дуррия хонимнинг эри.

Қирқ ўшлар чамасидаги, кўринишидан салоҳиятли  
ва заковатли эканлиги сезилиб турган бу одам сиёsat  
ва санъат бобида сўз юритар экан, унинг билим дөири-  
сининг кенглиги, маънодор фикрлари ва мароқли  
суҳбати мени ўзига ром этди. Унда кишиларнинг меҳ-  
рини қозонадиган сирли бир хислат бор эди. Биз у  
билан тез орада дўстлашиб кетдик ва дўстлигимиз кун  
сайин мустаҳкамланиб борди. Шундан кейин гарчи  
мен учун жуда оғир бўлса-да, Содиқнинг хотини  
билан учрашмай қўйдим. Дўстлигимиз янада бегубор  
тие олди. Янги дўстимнинг илтимосига биноан док-  
тор Моҳир Абдулкарим, устоз Солим Жабр ва устоз  
Зуҳайр Комиллар салонидаги йигилишларимизга  
уни ҳам олиб бордим. Бу йигилишларимизга қат-  
нашишдан унинг асосий мақсади ижод сирларини  
ўрганиб, бирор нарса ёзишини машқ қилиш бўлса  
керак, деб ўйлагандим. Лекин унга олам-олам қувонч  
бағишилаётган суҳбатларимизни диққат билан тинг-  
лаб, мунозараларимизда иштирок этиб туришдан  
бошқа истаги йўқлиги маълум бўлди. Содиқ ҳеч қан-  
дай партияга мансуб эмасди. Бунинг устига, келиб

чиқиши ғирт камбагал оиласдан әди. Шунинг учун ҳам у июль революциясини бутун вужуди билан қувватлади. Бир куни Ризо Ҳамода ундан:

— Революциянинг сенга ёқмайдиган бирор томони борми? — деб сўраган әди, Содик кўтаринки руҳ билан:

— Йўқ, мен революциянинг партияларга, шу жумладан, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ва ҳатто коммунистларга бўлган муносабатини ҳам қўллаб-қувватлайман,— деб жавоб берди.

— «Ҳатто» деганинг нимаси?

— Мен коммунист эмасман, лекин коммунистлар билан революция орасидаги бирдамликни олқишилайман. Революция ва коммунистларнинг илдизи, мақсади бир. Ҳукуматнинг Сурия билан бирлашиш ва Яманга ҳарбий ёрдам бериш сиёсатини ҳам маъқуллайман.

— Бу билан сен социализм биз учун энг яхши тузум, демоқчимисан?

— Салбий томонлари ҳам бор. Лекин булар — ўтиш ва ривожланиш даврларига хос хусусиятдир. Сен айтайлик, куч ишлатиб мавжуд тузумни бир зарба билан ағдаришга муваффақ бўлдинг. Бироқ, инсон онгига ўзгариш ясаш учун вақт талаб қилинади.

Содик ўз фикрини тасдиқлаб, давом этди:

— Кооперация масаласида эҳтимол ҳақдирсизлар. Лекин бу — идеал иш ташкил қилиш услугидир. Вақти келиб фисқу фасодлар унтилади. Кооперация эса, ўз ишини бажаради. Давлат сектори хусусида ҳам шуни айтишим мумкин. Ер кредити банки ёдингиздами? Исмоил Сидқий бу банкдан ўз рақибларини жазолаш ва миллат бирлигини тарқатиб юбориш мақсадида фойдаланди. Лекин Исмоил Сидқий кетди, банк эса қолаверди.

1967 йил 5 июнь воқеасидан боши гангига Содик Абдулҳамид худди қиёмат қоим бўлгандек ваҳимага тушиб қолди. Бир куни мен билан телефон орқали гаплашаётуб:

— Наҳотки, биз шундай ажойиб тузумни тушимизда кўргандек бўлиб қолаверсак, — деди тушкун кайфиятда.

Шу суҳбатдан бир неча кун кейин уни Ризо Ҳамоданинг янги Мисрдаги уйида учратиб қолдим. У атрофдагиларга куйиниб мурожаат қиласди:

— Қаёққа қарасанг ичи қоралар, баҳиллар, масхабарабозлар. Ҳеч ким ақлдан озмади, ўзини ўлдирмади, юрак касалига мубтало бўлмади. Бас, шундай экан, нега энди мен жинни бўлишими ёки ўзимни ўлдиришим керак?

Вақт ўтиши билан Содиқда яна ишонч ва дадиллик пайдо бўла бошлади. Мағлубиятни ўзимнин кимлигимизни, нималарга қодир эканлигимизни аниқ билиб олишимиз учун синов, аччиқ тажриба тарзида изоҳлади. Душманларнинг «революция ҳалок бўлди» деган ўйдирмаларини эшитган сари унда революциянинг барҳаётлигига ишонч ортиб борди. Асосий кучни босиб олнигани ерларни қайтариб олишга сарфлагандан кўра, революцияни сақлаб қолиб, уни ҳимоя қилишга сарфлаш аҳамиятлироқ эканлигини аянглади. Революцияни бой бермаслик — қўлдан кетган ерларни эртами-кечми қайтариб олиш ва араб дунёсини тиклаш гарови эканлигини тан олди.

— Биз таъқиб остидамиз,—деди у.—Бизни қолоқлик маҳв этмоқда. Ашаддий душманимиз Истроил, эмас, балки қолоқлигимиз. Истроил бизнинг доим қолоқ бўлишимизни истайди ва бизни қолоқликдан чиқармасликка ҳарақат қиласди.

Бир куни кечқурун доктор Моҳир Абдулкарим салонидан бирга қайтдик. Ҳаворанг фарали «Наср» енгил машинаси қоронгиликни аста ёритиб борарди:

— Абду ал-Басюний менга қизиқ бир нарса айтди.

— Нима деди?

— Доктор Зуҳайр Комил Наяма хонимни севиб қолганниш.

— Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

— Ахир доктор олтмиш ёшда. Практикант қиз эса йигирмада.

— Севги ёш ташламайди.

— У шу қизга уйланмоқчимиш.

— Эҳ, азизим. Тўсатдан бирор уруш ёки зилзила бўлади-да, минглаб, миллионлаб одамлар ҳалок бўлиб, қанчадан-қанча шаҳарлар вайронага айланади. Доктор Зуҳайр Комил тўйидан эса яна бир икки бўла-жак қурбон дунёга келади холос.

Узоқ жимликдан кейин:

— Мен ҳам биттасини яхши кўриб қолганман,— деб қўшиб қўйди,

Охирги учрашувимизда Дуррия айтган гап эсимга түшди. Лекин ҳеч нареа билмагандек, сүрадим:

— Ростданми?

— Опера ва балет театрида ишлайдиган италиялик балерина.

— Ҳар ҳолда, бир боқишида туғилған муҳаббат дир?

— Үндай әмас, ўн йилдан бері учрашиб тұрамиз.

— О, ҳақиқий муҳаббат экан-ку!

— Менға бу муҳаббат ҳаддан ташқари чўзилиб кетгандек туюлади.

Униңг хотини ҳақида сўрашга тортиниб ўтирган әдим, Содиқ фикримни ўқигандек:

— Бир куни хотинимни ҳам шу хилда яхши кўриб қолгандим, — деб қалб сирини очди ва менға илгариги ўз севгиси — имтиёзли врачнинг оддий ҳамшира қизга бўлган муҳаббати ҳақида сўзлаб берди:

— У камбағал оиласан әди. Биз ҳам унчалик бой эмасдик. Лекин қариндошларим унга уйланишимга рози бўлишмади.

— Шундай бўлса ҳам, сиз унга уйланавердингиз. шундайми?

— Ҳа. Биз бир-биримизни жуда яхши кўрар, дийдоримизга ҳеч тўймасдик.

— Сўнгра муҳаббат булоғи қуриди, шундай әмасми?

Содиқ ўзини ҳимояга чоғлагандек, баланд овозда жавоб қайтарди:

— Она бўлди-ю, менға бўлган муҳаббати бутунлай ўзгарди.

— Ненга энди?

— Қайдам.

— Биласиз, дўстим Биласиз.

— Эҳтимол янаям кучлироқ муҳаббат истагандир. Лекин менда илк муҳаббат ҳисси сўнди. Натижада...

— Хўш, натижада нима бўлди?

— У бутунлай меъдамга тегди.

— Бечора аёл!

— Рўзгорини ҳар тарафлама бут қилиб қўйганман. Ҳеч нарсадан зориқмайди. Бироқ орамизда муҳаббат йўқ. Шунинг учун ҳам баъзан бирор эр-акни севиб қолса-ю, у билан баҳтиёр бўлса майлийди, дейман.

Шу суҳбатдан кейин умуман Дуррия хонимни шунтдим.

Куплардан бир кун мен ва Содиқ Абдулҳамидни доктор Зуҳайр ёш хотини Наима Ориф билан таништириб қўйди. Содиқ Зуҳайр билан хотинини Файюм, саёҳатига таклиф этди. Ўзи эса Дуррияни бу саёҳатга олиб бормади.

Шундан бир йил кейин Жодд абу ал-Уло ўз салонидаги сұхбат пайтида Кинг Маргатда Наима хоним билан доктор Содиқни бирга кўрганлигини айтиб қолди.

— Эҳтимол у...

Жодд масхараомуз сўзимни бўлиб, «Эҳтимол у...» ибораси бор қўйидаги байти ўқиди:

— Эй Жамил<sup>1</sup>, — дедилар, — ўзгармиш еринг,  
Уни айнитмишибир бўхточ, ифво.

— Эҳтимол у... — дедим бепарво.

Ўзимга-ўзим: «Доктор Содиқ Абдулҳамиднинг ҳиссиятга тез берилувчанлик хислатини дурустроқ ўрганиш им керак экан»—деб қўйдим. Содиқ сиёсат ва санъат борасидаги сұхбатларимизга қатнашиб юраверди. У ўзининг янги муҳаббатидан ҳеч кимининг хабари йўқ деб ўйларди. Зуҳайр Комилга ҳам ўзини дўст деб кўрсатарди. Айни пайтда унинг хотини билан учрашишни қўймасди. Содиқнинг бу қилиғи менга ёқмади. Худди ўша йили хотини Дурриянинг Жодд абу ал-Уло билан «Аҳром» томонга кетаётганини кўриб қолдим. Шундан сўнг Содиқдан умуман ҳафсалам пир бўлди.

Беихтиёр Ажлон Собитнинг Жодд абу ал-Уло виласи ва у ерда Абду ал-Басюнийнинг хотини билан Абу ал-Улонинг учрашиб турниши ҳақидаги гапи эсимга тушди. Мана, Дуррия хоним ҳам чапгалидан ҳали ҳеч аёл зоти соғ чиқмаган Жодд абу ал-Уло тузогида ўз бахтини яна бир бор синаб кўрмоқчи. Ахлоқий кечинмалар ҳақидаги мулоҳазаларим жонимга тегаркан, бундай ахлоқни жирканч ва нафрат билан «буржуйча ахлоқ» деб таърифлаганларини эслаб, чигал ҳамда фусункор ҳаётда озгина умрим қолганлигига шукр қилдим.

<sup>1</sup> Асл исми Жамил ибн Абдулла ибн Маъмар (тажм. 66-701). Умарийлар даври бадавий лирикасининг намояндаси. Афлотунича пок муҳаббат кўйчиси.

## САБРИЙ ЖОДД

Эндигина университетни тугатиб, лиценциат дипломини олган 22 ёшлардаги Сабрий Жодд маглубият йилининг охирларида маданият министрлигининг секретариатига ишга тайинланди. Биринчи учрашилдаёқ диққатимни тортган бу танишим асли қишлоқда туғилган бўлса ҳам, Қоҳирада ўсиб, шу ерда таълим олган, ўрта ҳол ота-онасининг узатилган учта қизидан кейинги ёлғиз ўғли эди.

— Сиз устоз Аббос Фавзий билан таниш эмасмисиз? — деб сўраб қолди бир куни Сабрий мендан.

— Ҳа. У нафақага чиққунга қадар бўлимимиз бошлиги эди.

— Ҳозир қаерда истиқомат қиласкин?

— Обидийнда. У билан учрашишингиз керакми?

— Ҳа. «Фан» журнали учун интервью олмоқчиман.

— Сиз бу журнал билан ҳамкорлик қилиб турасизми?

— Ҳозирча стажёрман.

— Бирга борсак нима дейсиз? Уни кўрмаганимга ҳам анча бўлиб қолди..

— Бемалол.

Аббос Фавзийнинг Обидийн кварталидаги ҳашматли вилласига бордик. У бизни одатдагидек очиқ чеҳра билан қарши олди. Сабрий ундан классик араб адабиёти устида олиб бораётган изланишлари ҳақида маълумот олди. Суҳбат тугаб, биз кетиш ниятида ўрнимиздан турган ҳам эдик-ки, Аббос Фавзий Сабрийга мурожаат қилди:

— Менинг ҳам сизга баъзи саволларим бор. Шуларга жавоб олмагунимча рухсат йўқ.

Сабрий савол қайси мавзуда экан, деган маънода Аббос Фавзийга қаради.

— Сизнинг маслакдошларингиз тўғрисида баъзи нарсаларни билмоқчиман. Лекин саволларимга аниқ жавоб бера олармиkinsиз?

— Ҳаракат қиласман,— деди Сабрий кулиб туриб.

— Фақат бир илтимос, очиқчасига, ҳақиқатни яширмай жавоб беринг. Биз ҳозир хизматда эмасмиз. Суҳбатимиз ҳам норасмий.

— Бош устига.

— Устозни шахсан сиз эмас, балки сиз каби ёш-

ларга оид бўлган нарсалар қизиқтироқда,— деб таъкидладим мен.

— Ҳа, балли, худди шундай демоқчи эдим,— маъқуллади устоз Фавзий.

Сабрий саволга жавоб беришга тайёр эканлигини билдиргач, устоз Аббос диванга ўрнашиб ўтириб олдида, савол бошлади:

— Динга бўлган муносабатингиз қандай?

— Дин билан ҳеч ким қизиқмайди.

— Ҳеч ким?!

— Умуман, кўпчилик.

— Нима учун?

— Сабабини аниқлашга уриниб кўрмадим. Эҳтимол, динда ҳаётга зид, ақл бовар қилмайдиган нарсаларнинг кўплиги бўлса керак .

— Маълумки, давлат мактабларда дин ўқитилишига катта аҳамият беради, уни пухта ўрганишни талаб ҳам қиласди.

— Биз динни яхши ўрганамиз ва ҳатто аъло баҳолар ҳам оламиз.

— Сизнингча динни эътиқод сифатида ўқитиш самарасизми?

— Ҳа.

— Оилада-чи? Ўйда дин хусусида таълим беришадими? Ота-онангиз мусулмонми?

— Алҳамду лилло. Аммо улар намоз ҳам ўқишмайди, рўза ҳам тутишмайди. Умуман дин тўғрисида гапиргандарини эслолмайман.

— Талабалар орасида «Мусулмон биродарлар» ташкилотидан ҳеч ким йўқми?

— Йўқ... Бўлса ҳам жуда кам.

— Динга ишонадиган талабалар ҳам йўқми?

— Менимча, улар жуда кам. Аммо мағлубиятдан кейинги йилларда динга яна мойиллик сезила бошлади. Баъзиларнинг айтишича мағлубиятимизнинг сабаби ҳам динимизни оёқ-ости қилаётганини эмиш.

— Демак, имонга майл бор?

— Ҳа.

Устоз Аббос кулиб туриб, суҳбатдошининг янада аниқроқ жавоб беришини илтимос қўлган эди. У:

— Ўрта мактаб ва университетда хотираамда қолган маълумотларим асосида шуларнигина айта оламан, холос,— деди.

— У ҳолда сизга күмаклашиб юборай. Сиз айтмоқчысизки, ёшлар орасида дин ўз аҳамиятини йўқотди, аммо мағлубиятдан кейин аҳвол бироз ўзгарди. Шундайми?

— Ҳа, тахминан шундай.

— Сизнингча, бу мойиллик қай даражада?

— Билмайман.

Устоз Аббос ўйланиб қолди. Мен уларни диққат билан кузатиб турдим.

— Сиз қайси бойликини муқаддас деб биласиз? — орага чўккан жимликни бузди устоз Аббос.

— Бойлик?! — деди Сабрий таажжубланган ҳолда.

— Илтимос, аниқроқ гапирсангиз, — устозга мурожаат қилдим мен.

— Мактабда ўқишдан кўзлаган мақсадингиз нима?

— Кўча-куйда беҳуда дайдиб юргандан кўра ўқиганимиз маъқул.

— Фақат беҳуда дайдиб юрмаслик учунми?

— Яхшироқ яшаши таъминлайдиган бирор мансабга эга бўлиш учун ҳам.

— «Яхши яшаш» деганда нимани назарда тутяпсиз?

— Яхши туарар-жой, ширин таом, яхши кийим ва бундан ташқари ҳаёт лаззатларидан...

— Наҳотки илмни астойдил ўрганишни истамасангиз? Унинг чўққиларига интилмасангиз? — гапга аралашдим уни ранжитиб қўйишни хаёлимга ҳам келтирмай.

— Ўрта мактаб шаҳодатномасидаги баҳолар йиғиндиси олий ўқув юртига етарли бўлган ҳар бир ўқувчи илм олишни истайди.

— Нима мақсадда?

— Чунки дипломи бор шахсларгина юқори мансабга эга бўладилар.

— Фанни чуқур ўзлаштириш ва унга янгиликлар киритиш ниятингиз йўқми?

— Менимча, аълочи талабалар бу ҳақда орзу қиласалар керак.

— Бўш вақтингизда бирор нарса ўқиб турасизми? — сўради устоз Фавзий.

— Бўш вақтимизни қўшиқ эшитиш, кинога бориш ва телевизор кўриш билан ўтказамиш. Қитобга қизиқувчилар кам.

— Орангизда классик адабиётта қизиқувчилар борми?

— Бўлмаса керак.

— Филолог сифатида классик адабиётта муносабатингиз?

— Аввало, бу — тили оғир, аҳамиятсиз, замон талабига жавоб бермайдиган адабиёт.

— Дилингизда заррача бўлса ҳам Ватанга муҳаббат учқуни борми? — деди устоз Аббос овози ўзгариб.

— Албатта.

— Истроилга қарши кураша оласизларми?

— Сизлар хонавайрон этган Ватанин ўз қонимиз билан озод этамиш.

— Сизлар хонавайрон этган?!?

— Ҳа, сизлар!

— Адашмасам, ҳозир ҳокимият тепасида биз эмас, сизлар турибсизлар.

Мен устозга суҳбатни бу хилда кескинлаштирилмасликни ишора этгандим, у ҳовридан тушиб, одатдаги оҳиста ва мулоийим овоз билан сўради:

— Сизлар қайси тузумни афзал кўрасизлар? Социализмими ёки капитализмими?

— Тузумнинг номи бизни қизиқтиргайди.

— Номи бизни қизиқтиргайди?!?

— Ҳа, барча номлар жонимизга теккан. Энмуҳими, биз ҳар бир шахс баҳтили бўлишини истаймиз.

— Демак, сиз социализмни маъқул кўраркаисизда, — луқма ташладим мен.

— Билмайман.

— Ёки сизларга капиталистик тузум кўпроқ маъқулми? — саволини давом эттириди устоз Фавзий.

— Йўқ.

— Ёки бирор янги тузум ўрнатмоқчимисиз?

— Йўқ. Буларнинг барчаси жонга тегди.

— Севгига бўлган муносабатингиз қандай? Ҳозир пок севгининг қадри борми ёки у фақат ҳирсни қондиришдан иборатми?

— Албатта биринчи ўринда ҳирсни қондириш туради. Камдан-кам одамларгина ҳамон севгини қадрлайдилар. Ҳатто муҳаббат асосида оила қурмоқчи ҳам бўладилар.

— Кўпчилик-чи?

- Күпчилик шаҳвоний нафслариниң қондириш билан банд.
- Кимлар билан?
- Ўқувчи қизлар... толибалар... умумаш аёллар билан!
- Жинсий алоқадан кейинги никоҳни қабул қиласизларми?
- Күпчилик қабул қилаверади. Лекин баъзилар ҳамон кекса авлод анъаналарига риоя қиладилар.
- Қизлар-чи? Қизларда оила қуриш хоҳиши борми?
- Ағесуски, бор. Бу уларнинг энг биринчи нуқсони.
- Сиз ҳам вақти келиб, уйланарсиз ахир?
- Уйланишга уйланаман-ку, лекин маошим етмайди. Келажагим эса йўқ.
- Сизни яшашга ундаётган нарса нима?
- Ўз-ўзини сақлаб қолиш кўникмаси.
- Ҳаётингиз хурсандчиликлардан ҳам холи бўлмаса керак?
- Ҳа. Ширин таом, яхши фильм ва аёллар билан бегараз ишрат...
- Бегараз ишрат деганда нимани назарда туласиз?
- Яъни, ишратимиз никоҳга бориб етмаслиги керак.
- Кекса авлодга нисбатан ўзингизни устун деб биласизми?
- Отам «Вафд» партияси тарафдори эди. Саъд Заглул ва Мустафо Наҳҷосни ҳурмат қиласарди. Бу эса мен учун кулгили ҳол.
- Нима учун?
- Ҳаёт уларнинг мажусийлар сифинувчи санамлардан фарқлари йўқ эканлигини исбот этди.
- Хўш, шундан кейин ёътиқодингиз ўзгардими?
- Ҳа. Лекин 5 июнь воқеаси ҳаммасини пучга чиқарди.
- Ҳозирги аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак?
- Ҳеч нарса фойда бермайди.
- Сизнинг таклифингиз?
- Дунёни шу аҳволга солиб қўйган барча бошлиqlарни қириб ташлаш.
- Ундан кейин нима бўлади?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими аҳвол яхшиланади.

— Азизим, классик меросимизни мутлақо қадрламай туриб, у ҳақда интервью олгани келибсиз.

— Мен ўргамчик журналистман.

— Маслагингиз оппортунистик.

— Бунинг нимаси ёмон? Бу ўткинчи дунёда юқорироқ мансабга кўтарадиган ҳар бир имкониятдан фойдаланиб қолиш керак.

— Сизга катта раҳмат.

— Арзимайди.

Устоз Аббос Фавзийнинг вилласидан қайтарканмиз, мён қарама-қарши фикрлар тўлқинида сузардим.

## САФО ал-ҚОТИБ

Бир трамвай бекатидан иккинчисигача бўлган ма-софа бўйлаб ястаниб ётган, атрофи сўлим боғ-роғлар билан ўралган, кварталнинг шарқий қисмига алоҳида ҳусн баҳш этиб турган Қотиблар уйи Аббосияда кўпчиликка маълум эди. Биз кўпинча унинг узундан-узоқ деворлари ёнидан ўтиб, Саҳро томонга футбол ўйнаш учун бораидик. Йўлимида ҳовлидаги дараҳт учлари-ю, шамолда ҳилпираб турган пардалардан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Бир куни Саҳро томонга бораётib, катта йўлга олиб чиқадиган шарқий кўчада кетаётган извошни кўриб қолдим. Унинг ичидаги чодрасини елкасига ташлаб, мудраб ўтирган кампир билан ҳуснда тенги йўқ бир ҳурилиқ бораарди. Унинг жозибали ҳуснига кўзим тушиши биланоқ алланечук бўлиб кетдим. Бирданига мени жўшқин ҳаёт сирлари қамраб олиб, самодан дилимга чексиз муҳаббат туйғулари ёғилгандек бўлди. Кварталнинг шарқий қисмини ҳаммамиздан кўра яхшироқ биладиган Шаъровий ал-Фаҳом извош ичидаги ўтирган фаришта шу қаср соҳибикининг қизи — Сафо эканлигини айтди.

Бу ердаги боғлардан манго ва узум ўғирлаб юрган Халил Закий:

— Унинг ёши йигнрмада,—деди.

Мендаги ўзгаришни сезган Жаъфар қулоғимга:

— Сен эса энди ўн бешга кирдинг,—дэя шивирлади.



Шуниси қизиқки, қанча уринмай бир күришдаәк оромимни ўғирлаган ўшал ҳури пайкарнинг қиёфасини кўз ўнгимга келтиролмасдим. Кўз-қошлари, қаддиқомати, соchlари қандай эди? Сираям эсимда йўқ. Бутунлай хотирамдан фаромуш бўлган. Бироқ қачон эсимга тушса димогимга атиргул ҳиди ўрилгандек ҳузур қиласман. Ўзимни ўша билангина тирикдек сезаман. Кўкдаги юлдузларнинг сирли жилоси билан ўша дилбарнинг мен эслолмаётган сиймоси орасида қандайдир ўхашашлик борга ўхшайди. Гўё юлдузлар ўз жилвалари билан ўша дилдорнинг хатти-ҳаракатларини менга эслатаётгандек бўлади. Ҳа, мен ўша сиймо рамзида табиатнинг сирли жозибасига мафтуқ бўлиб қолгандим. Бу сирли жозиба шу инсон ортида яширинганди. Бу кутилмаган севги мени ёқимли изтироблар оғушига олди. Ваҳоланки, у билан холи гаплашмаганман. Уни шу қадар севиб қолишимга мени нима мажбур этди? Билмайман. Ҳатто мен у билан учрашмаган ҳам бўлсам. Мен уни фақат бир лаҳзагина, извошда кўрдим. Кўрдим-у оромимни йўқотдим. Шу бир лаҳзанинг ўзи мени бутунлай бошқа куйга солиб қўйди. Ҳолбуки яқиндагина Ҳанон Мустафони севиб юргандим. Билсам, у севги эмас экан. Буни энди тушуниб турибман. Мен илк бор чинакам севиб қолгандим. Инсон ўз ихтиёрини йўқотиб, ишқ йўлида савдоига айланиши, одамови бўлиб қолиши сабабини энди тушундим.

Бир неча кун Қотиблар хонадони атрофини айланаб турдим. Лекин, бахтга қарши хаёлим ўғриси дийдорини кўролмадим. Лоақал пардалари ҳиллираб турган дераза ортидан ҳам хиёл қараб қўймасди. Баъзида дарвозабон, боғбон ёки хизматкорлардан биря бирор юмуш билан ташқарига чиқиб қолишарди. Бир куни қулоғимга дарвозабонни чақираётган ёқимли овоз эшитилди. Сафо бўлса керак, деб юрагим «шиғ» этиб кетди. Тахминим тўғри чиқди. Бироқ ўзи кўринмади.

Қизни иккинчи марта Саъд Зағулунинг дағн маросимида кўрдим. Деразаси Мұҳаммад Али кўчасига қараган қандайдир уйнинг балконида бир неча аёллар тўпланишган эди. Ногаҳон, улар орасида кўз ёшлигини артиб турган ўша қизга қўзим тушди. Кутилмаган қувончдан эсанкираб қолдим. Лекин қувоичим умумий қайғу олдида ўтмиш пардалари ортига бе-

кинди. Кўп ўтмай уни келинчак либосида, уйининг зинапоясидан куёвнинг манинаси томон тушиб келётганида кўриб қолдим. Ўшанда мен Сафолар қасрининг қархисида, бир гуруҳ одамлар орасида турардим. Бу воқеалар бир йил ичида бўлиб ўтди. Лекин бу бир йил мен учун умрбод илҳом манбаига айланди.

Аҳволим дўстларимга ошкор бўлиб, баъзилари мени «Сафо Мажнуни» десалар, бошқалари эса бу ўткинчи ва алдамчи ҳиссиятни унтиб, эс-ҳушимни йиғишини маслаҳат беришарди. Биз энди балогат ёшига қадам қўяётган ўсмирлар бўлиб, севги ҳақидаги тушунчаларимиз китобий таассуротлар натижаси эди.

— Ўзингни тут, йўқса Лайли ишқида ақлдан озган Қайс аҳволига тушиб қоласан,— деди Сурур Абдулбоқий.

Ўша севгим мени не куйларга солмади. Ҳам қувонтирди, ҳам куйдирди. Чинакам гўзаллик шайдосига айландим. Муҳаббат аталмиш бу бедаво дард, гарчи сабабчиси аллақачонлар эгалик бўлиб кетган бўлса ҳам, ўн йилдан ортиқ менга ором бермади. Ўнг нозик куй, нафис санъат асари каби бир умр қалбим тўридан ўрин олди.

Сафони эсладим дегунча ҳаётимдаги ўша тотли дамларни қўмсайман ва ўшанда мен чиндан ҳам ақлдан озган эдимми?— дея ўзимдан-ўзим сўрайман. Севгимнинг воқеликка айланиб, ҳаёт тажрибасидан ўтмаганига, севги имтиҳонида тобланмаганига, унинг аёвсиз ва шафқатсиз зарбаларига юзма-юз келиш насиб этмаганига афсусланаман.

Бир куни Ризо Ҳамода менга:

— Сафо сен учун ҳаёт рамзи бўлди,— деганида мутлақо ҳақ эди.

— Биз кўпинча бир-биримизнинг устимиздан кулишга ўрганиб қолганмиз. Лекин мен ўша кунларға ҳеч бефарқ қарай олмайман,— дедим мен.

— Бефарқ?! Инсон ҳеч қачон ҳаётидаги энг лаззатли дамларга бефарқ қарай оладими?— савол берди Ризо Ҳамода.

Олтмишинчи йилларда, бир вақтлар Котиблар оиласи истиқомат қилган иморат ёнидан ўтиб қолдим. Иморат бузилган, ишчилар унинг ўршини текислаб, турар-жой учун тўртта катта бинога пойdevor қуришарди. Бу аҳволни кўриб, кулгим қистади, ҳам хўр-

лигим келди .Беихтиёр кединчак либосида зинадан тушиб келаётган, ҳозиргача мен у ҳақда ҳеч нарса эшитмаган Сафо кўз ўнгимда гавдаланди. У ҳаётмикин? Бахтлимикин? Олтмиш ёшда қандай кўринар-кин? Бироқ Сафо қанақа ҳаёт кечирмасин, одамлар у ҳақда нималар демасин, ишқини қалбида умрбод пок сақлаган, унинг номи билан тирик, уни эслагин ҳамоно вужуди ларзага келадиган бир бечоранинг борлигини билармикин?

## САҚР ал-МАНУФИЙ

Тўлачадан келган, паст бўйли ва серғайрат Сақр ал-Мануфий секретариатимизда гап ташувчи эди, десам хато бўлмайди. Бироқ вақти келиб идорамиз «Сақр амакининг идораси» деб юритиладиган бўлди. Ҳақиқий изқувар, айни вақтда ўз манфаатини ҳам унутмовчи Сақр ал-Мануфий эрталаб хонама-хона қаҳва улаша туриб қўшни хонада ёки бошлиқ ҳузурида эшитган янгиликларини қулоғимизга шипшитиб кетарди. Шарора ан-Наҳҷолнинг оддий телефон диспетчери вазифасидан, то министр ўринбосари даражасига етишиш сирини ҳам ана шу дўстимиздан эшитган эдик. Аббос Фавзий, Адлий ал-Муаззин, Абдураҳмон Шаъбон, Абду Сулаймон ва оқ кўнгил Тантовий Исмоиллар тўғрисидаги миш-мишлар ҳам шу ҳазратнинг беминнат хизматлари туфайли кўпчиликка ошкор бўлганди. Бир куни, урушдан кейин нарх-навонинг ошиб кетганлиги ва ойликка қараб қолган хизматчиларнинг оғир аҳволи ҳақида Аббос Фавзий билан ҳасратлашиб ўтиргандик, у:

— Сақр амаки лаззатли таомларга ўч-да, яна нуқул сифатлисини танлайди,— деди.

— Лаззатли таомларга ўч бўлиш бошқа-ю, уни топа билиш бошқа,— эътиroz билдиридим мен.

Аббос Фавзий сўзида давом этди:

— У жуда ишбилармон. Қаерда тўй ёки аза бўлса, ўша ерда ҳозиру-нозир. Хизматчилар орасига билдирамай кириб олади-да, пайт пойлаб туриб, дастурхон атрофида пайдо бўлиб қоладди. Айниқса, мавлуди шариф ойларида унинг пичоги мой устида. Қоронги тушди дегунча, каттароқ масжид атрофидан нари кетмайди. Худойида мириқиб овқатлангач, тўй-

ган құзидек уйига жұнайди. Менимча, ҳеч қайси бой ҳам үз қорни тұғрисида бунчалик қайғурмаса керак.

Сақр худойима-худойи, зиёфатма-зиёфат турли-тұман лаззатли таомлар еб, үзини парвариш қилиб юрганлыги сабабли соғлом ва бардам күрінса-да, аслида оиласи билан ал-Хусайнія кварталида, Даъбас құчаси муюлишидаги уйнинг қоронғи ертұласыда ноchorгина яшарди.

Аммо у бойлик орттириш режасини қачон тузган? Бу менга номаълум. Эҳтимол 1934 йили министрлік дә иш бошлашимдан илгари ҳам унда шундай режа бұлған-у уни шошмай, аста-секин амалга ошириб боргандир.

Айтишларича, Сақр дастлаб онасидан қолган учтүртта мис тақинчоқларни сотиб, пулини ишхона-миздаги зориққан ўртоқларга судхұрлық әвазига қарз беріб турған. Шу йўл билан аста-секин бойиб борған.

Аслида, Сақр амаки каби мұмін-мусулмонлар учун ҳаром йўл билан күн кечириш гуноҳ ҳисобланса ҳам, дұстимиз бу соңага жон-жаҳди билан киришиб кетди ва күп ўтмай камбағал хизматчилар орасыда судхұр сифатида ном чиқарди. Қарз сўровчилар күн сайин кўпайиб бориб, Сақр амаки махфий банк марказига айланди. Сал ўтмай, ўзи ертұласыда истиқомат қилаётган уйни минг жунайхга сотиб олиб, унинг ўрнига тагида икки дўкони билан икки қаватли яшги иморат қурди.

Унинг икки ўғли ва бир қизи бўлиб, Сақр уларни жуда хасислик билан вояга етказған эди. Қишлоқ касалхонаасыда қоровуллик қилаётган тұнғиң ўғли отасидан ҳеч хабар олмасди. Қассобга шогирдликка тушған ўғли эса, ўртоқлари билан муштлашиб қолиб, пичноқ еб ўлғанди. Энди бўйи етган қизи қаёққадир ғойиб бўлди. Уни бирор ўғирлаб кетғанми ёки ўзи уйидан қочиб кетғанми, ҳеч ким билмасди.

Ушбу кулфатлардан чуқур қайғуга тушған Сақр амаки буларнинг ҳаммасини оллонинг жазоси деб билиб, судхұрлыкни тарқ этиб, ҳажга ҳам бориб келди.

Қизиги шуки, моддий ҳаёти қанчалик яхшиланмасын, Сақр амакининг ташқи күриниши ва одати сира ўзгармади. Бечораҳол хизматчилар ўртасыда ўзини молия министри ҳисобласа ҳам, гап ташиш ва төкін овқатта ўчлиги қолмади. Лекин ёлғиз қолди дегүича,

дом-дараксиз кетган қизи ва ўлдирилган ўғлини эслаб ўксинарди.

Жаъфар Халилнинг таъзинисига келган Адлий Муаззин мени кўриб, Сақр ал-Мануфий қамалганини айтди. Ҳайрон бўлиб, сабабини сўрадим.

— Бу одам жинни-пинни бўлиб қолганга ўҳшайди. Уйида ёлғиз ўтирган экан, ювилган кийимларни кутариб норасида дазмолчи қиз келиб қолибди. Сақр амаки эса унга тажовуз қилиб, номусига тегибди,— деди Адлий Муаззин.

Шу воқеадан кейин Сақр амакини анча вақтгача кўрмадим. Бир куни ал-Фийшовий қаҳвахонасида ўтирган эдим, ёнимга Сақр амаки келиб қолди. Бир-биримиз билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Маълум бўлишича, бир неча ой бурун қамоқдан чиқибди.

У қамоқдалигидаги хотини дунёдан ўтибди. Энди бутунлай ёлғиз эмиш. Тўнғич ўғлининг олдига борган экан, у ерга бир ҳафта ҳам сиғмабди.

Сақрга тасалли бериб, кўнглини кўтаргандим, у:

— Мен бошимга тушган барча кулфатларга розиман. Қилмишимга яраша жазо тордим. Лекин нечук Шарора ан-Наҳдол ёки Адлий ал-Муаззинларга ҳам худо жазо бермаганига ҳайронман,— деди.

## САБРИЯ ал-ХИШМА

Сабрия Ҳишма 1930 йилларда Дарб Тайёб маҳалласидаги кичкинагина «ишрат» уйининг соҳибаси эди. Уйинг қўл остида тўртта фоҳиша бор эди. Ўша пайтларда бу аёл Сайид Шаир билан таниш бўлгани учун биз ҳам дўстимиз баҳонасида гоҳо у ерга бориб турардик ва беканинг яқин кишилари қатори ичкаридаги «базми жамшид»ларда қўшиқлар тинглаб, рақс томоша қилар, баъзан тонггача қолиб кетардик. Қирқ ёшлардаги, дўмбоққина, салобатли Сабрияга ҳамма итоат қиласиди. Унга ҳеч ким: на фоҳишалар, на мижозлар, на қўшмачилар ва на ходимлар сўз қайтаришга журъят этиша оларди. Жаъфар Халил билан Шаъровий ал-Фаҳҳомларга бу аёл ёқиб қолди. Буни сезган Сайид Шаир уларни огоҳлантириб:

— «Уй» соҳибаси фойда олади, лекин ўзини сотмайди,— деди.

— Нима, у аёл эмасми?— сўради Шаъровий.

— У ҳам аёл. Лекин пулга сотилмайдиган аёл. Унинг винофуруш италиялик жазмани бор.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши биланоқ, Сабрия ўзи каби аёллар ичидаги янги, фавқулодда шароитга тезда мослашиб олганлардан бири бўлди. Шамполен кўчасида ижарага катта квартира олиб, уни маҳфий «ишрат» уйига айлантириди. Ал-Малика Нозли кўчасида эса майхона очиб, инглиз аскарларининг чўнтагини қоқлай бошлади.

Шундай кескин, ғала-ғовур вазиятда эс-ҳушини йўқотмай, ниҳоятда усталик билан иш кўраётган бу аёлга қойил қолган Сайид Шаир:

— Фаолиятининг бу қадар гуркираб кетишидан ёсанкираб қолса керак, деб ўйлаган эдим. Лекин у жуда пишиқ ва уддабурон аёл чиқди,— деди.

Сабрия билан тез-тез учрашиб турадиган Сайид Шаир орқали унинг барча сир-асоридан воқиф бўлиб турардик. Жумладан, унинг бозорда вино ва эскиуски сотиб, фойда орттираётганлигини ҳам бизларга Сайид Шаир айтган эди.

— Сабрия,— дерди Сайид Шаир,— ўзи оми аёл бўлса ҳам, ҳисоб-китобда баъзи министрларимиздан устароқ. У майшатхона, майхона ва савдо-сотиқ ишларида бир тийинга ҳам янгишмайди. Барча айғоқчиларини ном-баком билади. Уни ҳеч ким алдай олмайди. Қўл остидаги қўшмачи ва фоҳишаларга нисбатан эса жуда сахий. Шунинг учун ҳам ходимлари уни ҳурмат қилишади, яхши кўришади. Ҳар бир қадамларини ўйлаб босишади.

— Мен кунига беш вақт намозини канда қилмайдиган, риёкор Заҳрон Ҳассунадан кўра, майшатхона соҳибаси Сабрияни кўпроқ ҳурмат қиласман,— деди Ризо кулиб туриб.

— Унинг «фаолияти» ҳозир министрларимиз ва давлат арбобларимиз инглизлар билан биргалногда Ватан зарарига олиб бораётган ишдан минг чандон хайрли.

— Раҳматли дўстимиз Шаъровий ал-Фаҳлом,— деди ғамгин оҳангда Жаъфар Халил,— қисқа ҳаётida шу аёлдан бошқасига кўнгил қўймаганди.

Урушнинг охирги йилларида Сабрия Ҳишма жуда катта бойлик орттириб, пул жамғаришда ман-ман деганларни ярим йўлда қолдириб кетди. У эллик бешга тўлганида барча ҳаром ишларига чек қўйди. Жамғармасини банкка ўтказиб, Маодийда ўзига

шинамгина вилла қурдирди. Шу вақтга келиб, италиялік жазмани дунёдан ўтди. Сабрия ўзи ёлғиз қолди. **Унинг** на қариндоши ва на бирор меросхўри бор эли. У барча гуноҳлари учун тавба-тазарру қилиб, осо-йишта, фаровон ҳаёт кечира бошлади. Ҳатто ҳажга ҳам бориб келди. Одамларга иисбатан саҳовати ошиди. Хайрли ишларга катта-катта маблағлар ажратди.

1950 йили, олтмишга тўлганида топография идорасида ишлаётган ўттиз ёшлардаги бир йигитга турмушга чиқибди, деб эшигидим. Шундан сездимки, қариган чорида ҳам нафси ғолиблиқ қилиб, қолган умрида яна бироз яшаб қолишга қарор этибди. Ушандан бери у ҳақда ҳеч нарса эшигимадим. Чунки унинг эшиги энди Сайийд Шаир учун ҳам ёпиқ эди.

## ТАНТОВИЙ ИСМОИЛ

Назаримда, феълн-атвори ва муомаласи жиҳатдан бошқа амалдорларга сира ўхшамайдиган ягона бошлиқ шу эди. Мен ишга кирганимда Исмоил министрлик секретариатининг мудири бўлиб, эллик ёшга тўлди ҳамки, шу лавозимдан юқори кўтарилимади. Пенсияга ҳам 1944 йили шу мансабдан кетди.

Тантовий ҳужжатларимни кўздан кечираётib сўради:

— Доктор Иброҳим Ақлнинг шогирдиман, дени?

— Ҳа, доктор Моҳир Абдулкаримнинг ҳам,— дедим фахр билан.

— Доктор Моҳир Абдулкарим яхши одам, аммо Иброҳим Ақл ярамас, шаккок, гарб мутеси.

Менда доктор Иброҳим Ақлни ҳимоя қилиш нияти йўқ эди. Шунинг учун ҳам:

— У илм соҳасида ҳеч нарса яратмади. Профессорлигидан эса, фақат номи қолди холос,— дедим.

— Илгари у Ғарбнинг ювиндихўри эди, ҳозир ҳам шундайлигича қолди,— гапимни маъқуллади Тантовий.

Уни қачон бошлиқ ҳузурида кўрмай, доимо дадил, ўз иззатитни сақлаган ҳолда муомала қилишига қойил қолардим.

Кўпинча имзо чекиши учун келтирилган қофозлардаги луғавий ва ҳарфий хатоларни тузатиб ўтирганига кўзим тушарди. Табнатан ҳалол Тантовий қўл

өстидаги ходимларидан ҳар бир ишга астойдил киришишни, интизомли бўлиш, идорага умид билан келгандарни мумкин қадар ноумид қайтармасликни талаб қиласди. Шубҳасиз, унинг бу одатлари бошқа амалдорларга ёқмас ва устидан кулишарди.

Министрлар советининг «Ўнutilган хизматчилар» тўғрисидаги маҳсус қарорига мувофиқ унинг ҳам мансабини оширишгани эсимда. Шу муносабат билан уни табриклаган эдим, Тантовий ҳаммага эшигтириб:

— Асли ҳокимиятни шу «унutilганлар»га топширия қўя қолиша ҳам бўлаверарди. Чунки нафсиамрни айтганда, энг ҳалол одамлар шулар,— деди.

Енимизда турган Сақр амакига бу гап ёқмади:

— Эҳтимол, шундан кейин жаноблари вафд партиясига муносабатларини ўзгартирсалар керак-а?

Тантовий бу фикрга қўшилмади:

— Бу қарор илдиз отиб кетган ёмонликни яхшилик билан муросага келтириш, қийин аҳволдан қутилиш мақсадида зўрма-зўраки ўйлаб топилган тадбир. Сизлар вафд партиясининг пинҳоний нияти нимада эканлигини билмайсизлар. Ҳақ камол, ноҳақ завол топиши муқаррар. Ҳокимиятни ҳалол ва шу ишга мос одамларга топшириб, золимларнинг жазосини бериш савоб иш. «Ватан» партияси раҳбарларини худо раҳмат қилсан. Улар курашни ҳам, қурбон беришни ҳам ўрнига қўйдилар. Қуруқ сиёсат ва келишувчилик билан чиқишолмадилар.

Бир куни мансаблари оширилиб, мукофотга тақдим этилган хизматчилар рўйхатини кўздан кечираётган Тантовий:

— Худога ва унинг ақл ожизлик қиладиган ҳикматларига ишонмаганимда эди, жинни бўлиб қолишим ҳеч гап эмасди,— деди.

Бу гапни эшигтан таржимонимиз Абдураҳмон аш-Шаъбон қулогимга пицирлаб:

— У ҳозиргача ўзини соғ ҳисоблайди шекилли,— деди.

Ҳа, кўпчилик уни жиннига чиқариб қўйганидан; баъзи гапларига аҳамият ҳам беришмасди. Унинг ўтмиши ҳақида менга Аббос Фавзий ва Сақр амакилар гапириб беришганди. Айтишларича, Тантовий йигирма ёшларida савдо институти дипломи билан бизнинг министрликка ишга тайинланниб, беш йил мо-

байнида молия ишлари бўйича инспектор бўлиб ишлабди. У пора олмайдиган, бирорнинг ҳақини емайдиган, давлат мулкига хиёнат қилмайдиган, ҳалол одам бўлганлиги учун идора ходимларининг юрагига ваҳима тушибди. Чунки улар совға-салом ва пора олиб ишлашнинг пири бўлиб кетишган экан-да. Тантовий идора ходимларига уларни тириклик манбаидан маҳрум этиб қўядиган кучли бомба бўлиб кўринибди. Улар сал журъат этишса, уни ўлдириб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас экан. Лекин барибири Тантовийдан қутулишнинг чорасини ўйлаб топишибди. Яъни, қандайдир сохта ҳужжатга билдирамай, унинг номидан қўл қўйиб юборишибди. Натижада мутлақо айбсиз Тантовий суд қилиниб, ишдан бўшатилибди. Ҳалол одамнинг қаллобликда айбланиб ишдан ҳайдалишини бир тасавур қилинг-а! Мен айбдор эмасман, виждоним пок! Худо ўзи кўриб турибди,— деганича ишхонадан кетибди бечора. Шу кетганича беш йил мобайнида ўз ёғига ўзи қоврилиб, ярим очярим ялангоч юраверибди. Охири бутунлай ҳолдан тойибдида, асаблари чарчаб, жинни бўлиш даражасига етибди. Ҳатто амакиси уни Ҳилвондаги асаб қасалликлари шифохонасига ҳам олиб боришга мажбур бўлибди ва Тантовий у ерда бир йилча даволаниб чиқибди. Шу пайтларда молия ишлари вакили қаттиқ бетоб бўлиб, ажали яқинлашганини сезибди-да, маҳкама ишлари бўлим бошлигини чақиритирибди ва Тантовий Исмоилга нисбатан адолатсизлик қилинганини тан олибди. Кейин махфий текшириш ўтказилиб, натижада Тантовий қайта ишга қабул қилинибди. Лекин «баъзилар» хижолат чекмасин учун уни «номоявий»—«жавобгарлиги кам» ишга тайинлашибди.

У билан ўн йилга яқин бирга ишладим. Тантовий тақводор, ватанпарвар, ҳалол одам экан. У диний китобларни кўп мутолаа қилар, баъзиларини ёд ҳам биларди. Бир куни, ҳижрий янги йилни нишонлаш кечасида, ал-Ҳусайн масжиидида Тантовий билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Ушанда шайх Али Маҳмуд ҳозир бўлгањларни янги йил билан табриклаб, энди ваъз бошлаган ҳам эдики, Тантовий ёнидагилардан:

— Олижаноблик ҳозир ҳам маъқулланадими ёки хурофот ҳисобланадими?— деб сўраб қолди. Сўнгра қўрқоқлик, порахўрлик ва хўжасизликни қораларкан, фикрини давом эттириди:— Ҳозир янги тўфон керак

бўлиб қолди. Майли, барчамиз ғарқ бўлайлик, энг муҳими, кемада адолатли, янги замон қуриш учун олижаноб, ҳалол, солиҳ бир гуруҳ кишилар омон қошлища бас.

Тантовийнинг шахсий ҳаёти, ёшлиги, оиласи ва аёлларга муносабатини ўрганиб чиқиб, унинг текинхўр, нокаслар орасида қолган ниҳоятда ростгўй, вижданли одам эканлигига имоним комил бўлди. Тўғри, гоҳо Тантовийнинг талабчанлиги шафқатсизлик дараҷасига етар, юз-хотир қилиб ўтирмасди. Шунинг натижасида дўстлари ҳам аксари душманга айланишарди. Таржимон Абдураҳмон аш-Шаъбон уни тентак қаторида кўрса, Аббос Фавзий Тантовий «Бин ал-Ҳаттоб»<sup>1</sup> дея мазаҳ қиласди.

Тантовий ўзининг яқин одамларини Европа таъсиридан сақлаб қололмаганига қаттиқ ачинар эди. Бир куни, мен унда энди ишга олинган эдим, Тантовий ҳузурида ўтирган хушбичим, жозибали бир қизни менга ташитириб:

— Сурайё Раъфат, акамнинг қизи. Педагогика институтининг толибаси. Мен илм-зиё тарафдориман. Йекин аёлларнинг илм олиб, эркаклар билан ёнма-ён ишлашига мутлақо қаршиман. Бироқ на чора, акамга сўзим ўтмайди. Унинг ихтиёри ўзида. Менинг ишним фақат огоҳлантириб қўйиш,— деди норози оҳангда.

Тантовий тўғрисида хаёлимда қолган яна бир нарса 1942 йил, 4 февраль воқеасидир. Уша куни у иш столи ёнига ўтираётуб, менга мурожаат этди:

— Бу нимаси, сизларнинг раҳбарингиз инглиз танқида бош министр бўлиб кириб келди-ку!

Унинг қаттиқ изтироб чекаётганини кўриб индамай қўя қолдим.

— Шу йўл билан ҳокимиятга эришиш тарихда бўлмаган! Тўфон, тўфон! Янги тўфон керак!— дея хитоб қилди Тантовий.

## ТАҲО АНОН

Таҳо Анон ўрта мактабнинг тўртинчи синфидан бошлаб биз билан ўқий бошлади. Унинг отаси Ассют

<sup>1</sup> Умар бин ал-Ҳаттоб. Муҳаммад пайғамбардан кейинги тўрт саҳобаларнинг иккинчиси. У 650-660 (х.) йилларда халифалик қилган ва адолатли... «одил» халиф деб ёном олган.

шаҳри полиция бўлимларининг бирида бошлиқ бўлиб ишларди. Кейинчалик, у Қоҳиранинг ал-Вайли полиция бўлимига бошлиқ қилиб тайинланди ва улар Аббосияда яшай бошлашди. Таҳо кўп ўтмай Жаъфар Халил, Ризо Ҳамода ва Сурур Абдулбоқийлар билан танишиб олди. Йекин кўпроқ мен ва Ризо Ҳамода билан яқин дўст эди. Чунки уччаламиз ҳам вафл партиясига мойил бўлиб, дунё қарашларимиз ҳам яқин эди. Дўстимиз Бадр аз-Зиёдий ҳалок бўлган иш ташлашда Таҳо ҳам иштирок этди. Уша куни мактабни қуршаб олиб, уни оёқ ости қилган полициячилар орасида Таҳонинг отаси ҳам бор эди. Отасининг ўқувчиларга қарши куч ишлатганини қоралаган эдик, Таҳо қаттиқ хижолат чекди:

— Отам ҳам бизлар каби ватанпарвар. У бир вақтлар Саъд Зағулуга ишонгандек Мустафо Нахъосга ҳам ишонади. Лекин буйруққа итоат этишга мажбур бўлган.

— 1919 йили отангга ўхшаш кўп офицерлар революция томонига ўтишган,— деди Ризо Ҳамода.

— У вақтда революция бўлган эди, ҳозир эса шароит бутунлай бошқача,— эътиroz билдириди отаси ни ҳимоя қилиб.

Таҳо табиатан жиддий бўлгани учун Жаъфар Халилнинг ҳазилларини ёмон кўрарди.

Биз баъзан классик ва шунингдек янги ғояларни олға сурувчи замонавий ёзувчиларнинг асарларини бирга мутолаа қилар ва ўқиган асарларимиз устида қизғин баҳслашардик. Кўпинча фикрларимиз бирбирига мос келарди. Таҳо китобий гапларга астойдил ишонар, ҳаёт қийинчиликларига ўша китоблардан жавоб изларди. Менинг Сафо ал-Котибни яхши кўришимни эшитган Таҳо ҳайрон бўлиб:

— Бу ғайри табиий ҳол,— деди.

— Ғайри табиий бўлса ҳам, уни севиш им рост,— жавоб қайтардим унинг гапидан аччиғланиб.

— Мен ҳам амакимнинг қизини яхши кўраман, яқин орада унаштириб қўйишади,— деди Таҳо.

Ҳар бир масала бўйича китобга мурожаат этишга ўрганиб қолган Таҳо бир куни мени кутубхонага бошлиб борди. Биз инглиз қомусида «Муҳаббат»нинг турлари ҳақидаги мақолани ўқиганимиздан кейин у менга танбеҳ берган бўлди:

...— Мана, муҳаббатнинг ҳар хил кўринишлари:

жисмоний, руҳий ва ижтимоий. Кўриб турибсанки, сендағи ҳисснёт муҳаббат эмас, тентаклик холос.

Ушинг гапидан жаҳлим чиққанини кўргач, Таҳо кулиб туриб:

— Хафа бўлма, бу ҳақда яна бирор нарса ўқишимиз керак шекилли ҳали,— деб қўйди.

Лекин шундан кейин биз муҳаббат тўғрисида ҳеч нарса ўқимадик. Бироқ ёзги таътил кунлари бошқа нарсалар, айниқса турли янги ҳодисалар ҳақида қўп мутолаа қиллик. Ўқиган ҳар бир асаримиз ёш қалбимизда чуқур из қолдириб, биз учун янгидан янги дунё кашф этиб борди.

Кунларнинг бирида ал-Фийшовий қаҳвохонасида ўтирган эдик, Таҳо:

— Биз ҳамма нарсани янгидан бошлишимиз керак,— деди.

— Янгидан?

— Ҳа. Акс ҳолда, қийинчиликларга бардош беролмаймиз.

Гарчи нима демоқчи бўлаётганини англаб турган бўлсам-да, унга савол назари билан қарадим.

— Ҳа. Ҳаммасини бошидан бошлаймиз. Маданиятимизни ақл ва идрокка таянган ҳолда қайта тикилашимиз керак.

— Мураккаб муаммоларга дуч келиб қолсак-чи?

— Ақл билан иш тутсак ҳаммасини енгамиз.

Таҳо Анон билан университетнинг иккинчи курсинча бирга ўқидик. Кейин кутилмаган воқеа юз берди. Исмоил Сидқий 1923 йил конституциясини бекор қилди. Вафд партияси унга қарши чиқиб, халқни курашга чорлади. Вазият ниҳоятда кескинлашди. Ҳар бир чорраҳа полиция ва аскарлар билан лиқ тўлди. Шунинг учун катта намойиш ўтказишнинг имконияти бўлмади. Маҳаллаларда, муюлишларда, тор кўчаларда тўплланган турли тоифадаги одамлар ғавро кўтаришар, полициячиларни тошбўрон қилишарди. Лекин полициячилар ўқи остида тум-тарақай бўлиб кетардилар. Ризо Ҳамода, Таҳо Анон ва мен шу хилдаги намойишларда иштирок этиб турдик. Бир куни ёмғирдек ёfilaётган ўқлар остида юзлаб қурбон бўлгани, аскарлар зир югуриб ярадорларни машиналарга улоқтирганлари, асфальтдаги қон изларини тупроқ ва қум сепиб йўқотишига уринганларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Кечга бориб намойишчилар сафи сийрак-

лашди. Лекин узоқдан шовқин ва яккам-дуккам ўқ онозлари эшитилиб турарди. Уйга қайтишга қарор қилдик. Қаттиқ ҳориганимиз учун бир-биримизга суюниб, терлаб-пишиб, Ҳасан ал-Акбар күчасидан базур ўтиб борардик. Уртамизда кетаётган Таҳо Анон:

— Халқ бир неча ойдан бери қаршилик күрсатмоқда. Қурбонлар ҳисобсиз,— деди.

— Исломил Сидқий ашаддий қонхўр экан! — хитоб қилди Ризо Ҳамода.

— Ҳар ҳолда халқнинг кўзи очилиб, вазиятни тушуна олгани доктор Моҳир Аблулкарим салонида эшигтан сафсаларимиздан кўра фойдалироқ,— деди Таҳо ва бирданига гавдаси шалвираб қолди.

— Сенга нима бўлди, чарчадингми? — деб сўраган эдим, Таҳо чурқ этмай гавдасини баттар кифтимга осилтириди. Бундай қараб унинг оғзидан қон оқаётганини кўрдик.

— Яраланибди! — деб қичқирди Ризо Ҳамода.

Ўқ овозлари ҳамон тинмасди. Уйларнинг бирида «Тиш доктори» деб ёзилган лавҳага кўзимиз тушиб, шартта ўша уйга кирдик. Қабулхонада фельдшердан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фельдшер Таҳони диванга ётқизди-ла, тез ёрдамга қўнғироқ қила бошлади.

Лекин вақт ўтган эди. Тез ёрдам етиб келгунча, Таҳо қўлимизда жон берди.

## АБДУРАҲМОН ШАҶБОН

Секретариат идорасига қадам қўйишим биланоқ Абдураҳмон Шаҷбон диққатимни жалб этди. У Аққод каби узун бўйли, Зевар пошо каби гавдали, савлатли, башанг костюмда бўлиб, ташки кўриннишидан бирор министр ёки банк директорига ўхшарди.

— Жаноблари министрлигимиз таржимони, муҳтарам Абдураҳмон Шаҷбон,— дейишиди уни менга танишириётуб.

Биринчи куни Шаҷбон менга одамови, камгап, қайсардай бўлиб туюлди. Тақдир тақозоси билан бир хонада, ёнма-ён ўтириб ишлашимизга тўғри келган бу ҳамкасбимнинг дилига йўл топа олишим қийин бўлса керак, деб ўйладим. Аммо янгишган эканман. Абдураҳмон табиатан бир гапириб, ўн куладиган, очиқ кўнгил, ўқтам одам экан. Қулганда ҳам шундай са-

мимий, гүдаклардек бегубор кулардики, ҳатто юма-лоқ юзларигача анордек қизарыб кетарди. Сүхбат чоғида ўзи яхши билмаган нарсалар ҳақида кўп гапирав, ақли етмаган мавзуларга ҳам билар-билмас аралашиб кетаверарди.

Хуллас, кўп гапиришни яхши кўрарди. Оғзи-оғзиға тегмай машина, уй жиҳозлари, касалликлар, сиёсат-донлар, кинофильмлар, мамлакатлар, тарих, жуғрофия, илми фалак, қонун, чиқимлар, даромадлар, «ишрат» уйлари ҳақида гапиргани гапирган эди. Ёши ўттиз бешда-ю қилиқлари гўдакларникидек ёқимли, латифалари беозор, хушчақчақ эди. Аммо жаҳли чиқса (унинг сал нарсага жаҳли чиқиши мумкин эди), асти қўяберинг. «Ерлар ларзага келиб, вулқонлар отилиб, бўронлар увилларди»<sup>1</sup>. Борди-ю, унга ҳеч ким аҳамият бермаса, ўзидан-ўзи ҳовридан тушар, айтган сўзларидан хижолатланиб, кечирим сўрарли ва сигарета таклиф қиласиди ёки Сақр амакига айтиб, қаҳва олдириб келарди.

Бир куни ҳамкасларимиздан кимдир Абдураҳмон билан баҳслашиб қолди. Рақиби анча ўжар экан, ўз фикрини исботлаш мақсадида ислом дини тарихидан мисол келтириб:

— Бадавий бир куни Абдумалик бин Марвон ҳузурига кирибди-да, дебди...— дейиши ҳамоно, бу соҳада авом Абдураҳмон девдай қоматини ростлаб ўдайтай бошлади:

— Абдумалик бин Марвон! У ким ўзи? Менга қандайдир ҳайвон тўғрисида гапирасан. Сенинг ҳам Абдумалик бин Марвонингни ҳам падарига лаънат!

Бечора баҳсчи хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди. Лекин у Абдураҳмон устидан шикоят қилмади. Секретариатимиз бошлиги Тантовий Исмонл ҳам Абдураҳмоннинг бундай одатларига кўнишиб қолган эди.

— Шаъбон тентак бўлса ҳам, министрлигимизда ундан ҳалол одам йўқ,— дерди у доимо.

Мен бу таржимон билан айниқса, ўзинг яхши билган, лекин у билмаган мавзуларда баҳслашиш мутлақо хатарли эканлигини англадим. Абдураҳмоннинг феъли-авторини яхши ўрганганд Аббос Фавзийгина у билан муомала қилиш йўлини биларди. Абду-

<sup>1</sup> Куръон оятига ўхшатма — реминисценция.

раҳмон ҳам гарчи дилида уни ёмон кўрса-да, ҳурматини ўрнига қўярди.

Абдураҳмоннинг отаси ҳарбий министр бўлган экан. У ўғлини табобат илмини ўргансин деган ниятда Францияга ўқишга жўнатибди. Шаъbon бўлса ўн йилни Франциядан Англияга, Англиядан Францияга беҳуда бориб-келиш билан ўтказибди. Икки йил медицина факультетида, иккни йил табиёт факультетида, шунингдек, ҳуқуқшунослик ва адабиёт факультетларида ҳам бир-икки йилдан ўқибди. Лекин диплом ололмабди. Отаси вафотидан кейин Мисрга қайтганда, Абдураҳмон ўтиз ёшда эди. Унинг чет элдан олиб келган билими, агар инглиз ва француз тилларини яхши ўзлаштириб олганини ҳисобга олмагандан, аёллар, қимор, қовоқхона, кино-театр ва «ишрат» уйлари ҳақидағи чалакам-чатти маълумотлардан нари ўтмасди. Шаъbon чет элдан ўзи билан тенгқур ливанли аёлни ҳам олиб келганди. Абдураҳмонга отасидан ҳеч нарса мерос қолмаганди. Элчига турмушга чиққан опаси эса, чет элда яшарди.

Абдураҳмон аввал Франция элчихонасига таржимон бўлиб ишга кирган. Лекин у ерда бир йил ҳам ишлай олмаган. Матбуот вакилига мушт туширгани учун ишдан кетишга мажбур бўлган.

Радиода бироз ишлаган. Аммо биттаси билан қаттиқ жанжаллашиб қолиб, у ердан ҳам кетган. Кейин «ал-Муқаттам» газетасида бошлигини ҳақорат қилиб, маҳкамага тушишига сал қолган. Кейин у ердан ҳам кетишга мажбур бўлган. Ниҳоят министрликка ишга келди. Рўзгорда ҳамма нарса бекаму кўст бўлишига ўрганган Абдураҳмон Шаъbon биргина маоши билан қаноатланмади. Икки тил соҳасидаги билимини пул топишга— нашриётга материаллар тайёрлашга ишлатди. Жон-дилидан севадиган ёлғиз қизи деб ўлибирилиб меҳнат қилди.

— Баъзан,— деди у бир куни менга,— атрофимга қараб ҳайрон бўламан; ўзимни жоҳил, пасткаш, итоатгўй, риёкор хизматчилар орасида бегона ҳис қиламан. Эй, раҳматли отагинам, нега бор-шудингизни қиморга бой берганиккисиз-а?

Унинг мусулмонлиги туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида қайд этилган эди, холос. Динга алоқаси бўлган кишилардан фақат Муҳаммад пайғамбарнинг номини биларди. Руҳий ва моддий олам билан қизиқ-

масди. У кашанда, ичкиликбоз, қиморбоз, шу билан бирга, олиҳиммат ва ор-номусли эди. Барча танишларим ичиди энг эзмаси шу десам хато бўлмас. Ишдан сўнг бирга кетаётганимизда министрикдан то уйининг олдидаги трамвай бекатигача тинмай галириб борарди. Мен эса сабр-тоқат билан қулоқ солардим. Йўлида учраган ҳар бир нарсани танқид қилар ва уни Франция ёки Англияда кўрганлари билан таққосларди:

— Карагин, мана бу дўкон ва магазинчалар сенга ёқадими? Булар магазин эмас, отхона-ку!

— Шаҳар марказидаги кўчаларнинг ифлослигини қара. Ҳадемай у ер пашшалар маконига айланади.

— Сулаймон пошо кўчасидаги яланг оёқ болаларга нима дейсан?

— Мана бу антиқа манзарага қара. Арава, тужва енгил машина бир карвонда. Яна сизлар «Мустақиллик ёки ўлим!» деб аюҳаннос соласизлар.

— Али Маҳмуд қорининг овози сенга ёқадими? Кўзи кўр, башарасига қарасанг, кўнглинг айнийди. Жиннига ўхшаб бақиргани-бақирган. Буни христианларнинг музика садолари остида адо этиладиган пешинги ибодати билан солиштириб кўр-а...

— Менга ишонавер, сен қойил қолаётган Миср сиёсатдонлари чет эл элчиҳоналаридаи оддий хизматчиларга ҳам тенг келомайдилар.

— Миллион-миллион почор деҳқонларнинг яшашдан мақсади нима? Нега уларни замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминламайсизлар?

— Миср маданияти ихтиро этган энг муҳим янгилик — наша. У ҳам вискининг флдида ҳеч нарса эмас.

— Мана шу ёзувчи ва адиллар ҳақиқатда ҳам сенга ёқадими? Ишонтириб айтаманки, жаҳон миқёсида уларни ёзувчи эмас, оми деб биладилар.

— Мени кечирасан, аммо сен парвона бўлаётган арбоблар ва сиёсатдонларнинг барчасига тупураман.

— Бизга берилган энг «катта бахт» нима, билансми? Европанинг Мисрни босиб олиши. Келажак авлод буни мавлуди шарифдек нишонлайди.

— Ғазабимни қўзғатаётган нарса сизларнинг ўринлими, ўринсизми Умарнинг одиллиги, Муавия-

нинг айёрги, Холид бин Валиднинг ҳарбий маҳорати ҳақидаги сафсаларингиз; Умарми? Тиламчи. Муавия қаллоб, Холид эса уч пулга арзимайдиган саркарда. Унинг адабини берадиган киши бўлмаган.

— Миср аёли — ҳурматга лойиқ бирдан-бир жонзот. У ҳақиқий арслон. Унга озгина эрк берилса борми, қириб ташлашга лойиқ бу халққа баҳт келтириши мумкин.

— Европаликлар ер юзини әгаллаб олиб, ўзларидан бошқаларни қириб ташласалар, башарият учун яхши бўлмасмиди-а!?

Бу сўзлар унинг шу масала юзасидан юритадиган муйян мулоҳазаси эмас эди, уларни қалбидаги адоват ёки нафратдан ҳам айтмасди. Буларнинг ҳаммаси жон куйдириб, енгил истеҳзо билан айтилган сўзлар эди, холос. Агар шу пайтда Европанинг устунлигини исботловчи бирор мутаассиб чиқиб қолса, у шу ондаёқ Шарқнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланарди. У табиатан эътироzга мойил, сен «ширин» десанг, у «аччиқ» дейиши турган гап эди. Унинг учун баҳлашибга имкон бўлса бас.

Абдураҳмон қизини жуда яхши кўрарди. Унга сажда қилишга ҳам тайёр эди. Қизининг баъзи бир жиҳатларини достон қилинши, билар-билмас айтган баъзи гапларини ҳикматлар дурдонаси даражасига кўтаришни яхши кўрарди. Ҳар хил урушлар ва ҳодисалар натижасида ватан бошига тушган оғир кунлар ҳақида қизим ундоқ деди, қизим бундоқ деди, деб баъзан ўзидаи қўшиб-чатиб, ҳатто катта ёшдаги одамлар айтиши мумкин бўлган фикрларни ҳам унга тегишли қилиб кўрсатарди.

Мен Абдураҳмоннинг илоннинг ёғини ялаган Аллий ал-Муаззин ва Шарора ан-Наҳҷоллар билан тўқнашиб қолишидан чўчиб юрардим. Лекин Шаъбоннинг ташқи кўриниши, салобати, анча-мунча одамни, ҳатто баъзи амалдорларни ҳам у билан ҳурматда бўлишларини тақозо қиласди. Ўзи ҳам элчихона, радио ва газета редакцияларидаги кўнгилсиз воқеалардан кейин, обрўли кишилар мажлисидан анча четда юрадиган бўлиб қолганди.

Абдураҳмон кўпинча:

— Ярамас, муттаҳамларни ҳурмат қилишга ўрганган кунларимизга минг лаънат! — дерди менга.

Бир куни уни «ал-Фийшовий» қаҳвахонасига таклиф қилиб, Жаъфар Халил, Ризо Ҳамода, Шаъровий ал-Фаҳомлар билан таништириб қўйдим. Учрашиб турадиган жойимиз ҳам, дўстларим ҳам унга маъқул бўлди. Шаъровий ва Жаъфарларнинг дағн маросимида куюниб-куюниб йиглади.

Дўстлигимиз қанчалик самимий бўлмасин, мен ҳам унинг ғазабидан омон қолмадим. Бир куни газетада Салома ал-Хижозий хотирасига бағишланган мақолага кўзим тушиб қолди ва мақола муаллифининг фикрига қойил қолиб, Аббос Фавзийга мурожаат қилдим:

— Буни қарангки, Вердининг ўзи «Агар Салома Италияда туғилган бўлганда, мен бунчалик шуҳрат қозонмаган бўлардим», — деган экан, дейишим билан китоб ўқиб ўтирган Абдураҳмон Шаъбон қўлидаги китобни мен томон улоқтириди-да, момақалдироқдек гумбурлаган овоз билан бақира кетди:

— Бу ўзбошимчалар нима ёзишса ишонаверасанми? Салома Ҳижозий ким бўлибди? Франциядаги ҳар бир ахлат ташувчи сенинг Саломангдан кўра яхшироқ куйлади. Сиз, мисрликлар, шунақасизлар ўзи. Баландпарвоз гапларни яхши кўрасизлар: «Шарқ юлдизи!», «Қирол ва амирлар хонандаси!», «Қўшиқ маликаси!», «Саҳна офтоби!». «Мисрлик бўлмасам, мисрлик бўлишни орзу қилган бўлардим». Ундан кўра, эшак бўлган яхшироқ! Эшакдан фойда бор. Тупурдим бундай мамлакатга!

1950 йилда Абдураҳмоннинг қизи миллий банк амалдорларидан бирига турмушга чиқди. Тўй «Оберж»да ўтказилди. У курсандлигидан ўзини қаерга қўйишини билмасди. Биз ҳам қувончига шерик бўлдик. Уша тўйдан кейин икки йил ўтгач, 27 январь 1952 йилда министрлик хизматкорларидан бири хонамизга кириб:

— Бандалик-да, Абдураҳмон Шаъбон оламдан ўтди,— деди.

Бу мудҳиш хабардан ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб қолдик. Кеча у билан деярли уйигача бирга боргандим. Намойинчиларга лик тўла кўчалардан қийинчилик билан ўтиб бораётганимизда, ёнаётгән бинолар, магазин, ресторон ва кино-театр деразаларининг гоҳ у еридан, гоҳ бу еридан аланга чиқиб турғанини кўрган эдик.

Эртаси куни, жанозада маълум бўлишича, Абдураҳмон инглиз улфатлари билан қовоқхонада ўтирган экан; у ерга бостириб кирган памойишчилар қовоқхонадагиларниг ҳаммасини отиб ўлдиришибди.

## АБДУЛВАҲОБ ИСМОИЛ

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўрта мактабда араб тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган Абдулваҳоб Исмоил билан доктор Моҳир Абдулкаримниг уйида танишгандим. Ўшанда у ўттиз ёшларда эли. Бугун эса бамисоли эртак қаҳрамони. У ҳақдаги тафсилотлар ҳам эртаклардаги каби ранг-баранг.

Ал-Азҳарни битириб, баъзан адабий журнallарга таңқидий мақолалар ёки қасидалар ёзиб турадиган бу дўстимиз чет тилини мутлақо билмасди. Лекин шунга қарамай, билим доираси кенг ва чет тилидан анча хабардор Иброҳим Ақл, Солим Жабр, Зуҳайр Комиллар мунозарасида дангал қатнашиб, мантиқиянг кучлилиги билан уларни лол қолдиради. Абдулваҳоб тилининг равошлиги ва табиатининг вазминлиги билан ҳам бошқалардан ажралиб турарди. Унинг асабийлашгани, қўпол муомаласи ёки одоб доирасидан чиққанлигиги мутлақо билмайман. Доимо катта олимлар суҳбатида бўлар, илмда улардан қолишмасди. Farb адабиёти билан фақат таржима асарлари орқали танишган бўлса ҳам, бу соҳада йирик-йирик мутахассислар билан дадил баҳслаша оларди. Баъзи масалаларда Иброҳим Ақл, Солим Жабр ва Зуҳайр Комиллардан анча устунлиги сезилиб турарди. Ҳозирги замон араб адабиёти тўгрисидаги мулоҳазалари Лондон ва Париж дипломига эга бўлган таңқидчиларнидан чуқурроқ эди. Унинг фикрларида фақат тажрибали мутахассисларгагина хос аниқлик ва мукаммаллик бор эди.

— Бу йигит ажойиб истеъдод эгаси. Афсуски, чет элга ўқишига юборилмади,— деди бир куни менга доктор Моҳир Абдулкарим. Доктор ҳар кимга ҳам бундай баҳо беравермасди.

Абдулваҳоб Исмоил ҳар бир галини ўйлаб гапи-рувчилардан эди. У фикрлаш, юриш-туриш ва ҳоказоларда ўзини замонавий қилиб кўрсатишга уринарди. Аммо тақводорлиги, ҳаттоқи мутаассиблиги мен

учун сир эмасди. Бир куни ёш қибт ёзувчиси ўзининг танқидий-публистик мақолалар тўпламини унга ҳадя этган экан, ўша куниёқ Абдулваҳоб бу ҳақда ал-Фийшовий қаҳвахонасида менга:

— У ақлли, истеъдодли, нозик дид эгаси, ўзига хос фикрлаш услуби бор,— деди.

Мазкур ёзувчининг муҳлиси бўлганим учун ҳам холисона савол бердим:

— Қачон бу ёзувчи ҳақида бирор нарса ёзасиз?

— Кўп кутишингизга тўғри келади,— деди Абдулваҳоб маъноли кулиб.

— Нега?

— Чунки Ислом динига қарши чиқадиган истеъдодларни ҳеч қачон қувватламайман.

— Жаҳолат-ку ахир бу?!— дедим жаҳлим чиқиб.

— Менга баҳо беришга ошиқманг. Фойдаси йўқ.

— Эҳтимол, лекин фикрингизга қўшилмайман.

— Бу мавзуда вафдчи билан баҳслашиш бефойда. Ўзим ҳам бир вақтлар вафдчи бўлганман. Лекин сизга очигини айтсан, ғайридинларга ҳеч ҳушим йўқ.

У ҳақиқатда ҳам бир вақтлар вафдчи бўлган эди. Лекин ҳаддан зиёд ҳурмат қилган дўсти — доктор Аҳмад Моҳир ўлимидан кейин вафдан чиқсан. Саъдчи<sup>1</sup>лар ҳукумати даврида инспектор лавозимига кўтарилди. Аҳмад Моҳирни ҳалок этган ўқ Абдулваҳоб Исмоилнинг орзуласини ҳам барбод этганди.

— Ватан энг яхши фарзандларининг биридан жудо бўлди,— деди у чуқур қайғу билан.

Абдулваҳоб кўпинча саломатлигидан нолиб юради, шуни баҳона қилиб рўза тутмасди. Лекин қандай дарди борлигини очиқ айтмасди. Оилани муқаддас деб билар ва бузуқликни ёқтирамасди.

Бироқ ҳавас қилгули даражада ахлоқли Абдулваҳоб Исмоилда пора олишга мойиллик сездим. Бу ҳақда мен бошқа одамдан эшитганимда ишонмаган бўлардим.

Воқеа босмахона директори бўлмиш бир ёзувчи билан боғлиқ эди. Абдулваҳоб уни ўлгудек ёмон кўпарди ва:

— Агар у босмахона директори ва журналнинг бош мұхаррири бўлмаса мақолаларини ҳеч қайси

<sup>1</sup> Саъдчилар — мутаассиб буржуа пәмешчик Саъд партияси аъзолари.

газета ёки журнал қабул қилмаган бўларди,— дерди.

Бироқ «ар-Рисола» журналида Абдулваҳобнинг шу шахсни кўкларга кўтарувчи мақоласи чоп этилди. Бу мени жуда ҳайратга солди. То босмахона директори ўз китобини нашр этилишига ижобий тақриз ёзид беришини сўраб Абдулваҳобга мурожаат этгани ва эвазига катта пул ваъда қилгани ҳақида эшитиб қолмагунимча, бу жумбоқни ечолмай бошим қотди. Шунда унинг ёш қибт ёзувчисига нисбатан адолатсизлик қилганини эсладим. Қулай келган фурсатни қўлдан бой бермабди-да!

Шундан сўнг Абдулваҳобнинг ростгўй, ҳалоллигида ишонмай қўйдим.

У илгаригидек инспектор лавозимида қолаверди. 1950 йили ҳокимият вафд партияси қўлига ўтгунга қадар унинг номи матбуотда кўриниб турди. Шу йили, янги тайнинланган министрнинг қўпол муомала қилгани баҳонасида Абдулваҳоб инспекторликдан кетиб, бутунлай ижодий ишга берилди. Ислом дини хусусида китоблар ёза бошлади. Бу соҳада у анча шуҳрат қозонди. Абдулваҳоб Исмоил 1952 йил июль революцияси арафасида вафдга қарши кураш ва исломни ҳимоя қилишга қаттиқ берилган эди. Орадан иккى йилча вақт ўтди. Бир куни Солим Жабрни кўргани борган эдим, у:

— Абдулваҳоб Исмоилнинг юлдузи янада ёрқинроқ порлайдиганга ўхшайди,— деди.

— Бу билан нима демоқчисиз?— сўрадим мен қизикиб.

— У энди раҳбарларга яқин.

— Публицист сифатидами ёки тақводор ёзувчи сифатидами?

— «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг аъзоси сифатида.

— «Мусулмон биродарлар»?! Мен уни Саъднинг содиқ тарафдорларидан бири деб билардим-ку?!

— Ёлғиз олло таологина ҳеч ўзгармайди, аммо ўзи ҳамма нарсани ўзгартиришга қодир,— деди Солим Жабр истеҳзо билан.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас Абдулваҳоб Исмоилни «Инглизлар барин» яқинида учратиб қолдим. Қўл бериб кўришиб, бирга кетдик. Иўлда суҳбатлашиб бордик. Суҳбат революцияга келиб тақалди.

— Революцияни олқишлийман. Ривож топсин. Лекин революция раҳбарлари нима хоҳлаётганиклияри менга қоронғи,— деди у эҳтиёткорона.

Сўзларида қандайdir яширин алам борлигини сездим. Абдулваҳоб мисрликларда камдан-кам учрайдиган хусусият — ўз фикрини сир тутишга қодир эди.

— Эшишишмча, «Мусулмон биродарлар» ташкилотига аъзо бўлибсизми?— сўрадим мен ҳам эҳтиёткорона.

— Бу ҳар бир мусулмон учун бурч-ку!— деди Абдулваҳоб маъносиз кулиб.

— Адабий танқид билан шуғулланмай қўйганингиз ачинарли.

— Қандай жоҳилона тилак!

Биз хайрлашарканмиз, кейинги учрашувимиз фақат тасодифан бўлиши мумкинлигини ҳис этдим.

Революция билан «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ўртасида рўй берган биринчи тўқнашув<sup>1</sup>да Абдулваҳоб Исмоил бошқалар қатори ҳибсга олиниб, иши судга оширилди. У ўн йилга ҳукм қилиниб, 1966 йилда озодликка чиқди. Кўргани уйига бордим. Ташки кўриниши унча ўзгармабди. Фақат сочига оқ оралабди холос, 57—58 ёшлардаги эркак учун бу табиий қол. Бироз тўлишибди. Саломатлиги ҳам ёмон эмасди. Ўзини тутиши ҳам ўша-ўша вазмин, хотиржам. Салом-аликдан кейиноқ ижтимоий мавзудан гап очиб, виқор билан ўз нуқтаи назарини тушунтира кетди:

— Четдан келтирилган ҳамма қонунлар ўрнини қуръон, шариат эгаллаши, аёллар ичкарига қайтарилиши лозим. Маълумот олишсин, майли. Лекин ишлаш учун эмас, балки рўзғор учун керакли билимга эга бўлишса бас. Талоқ қилинган ёки тул аёлларга давлат нафақа тайинласа ёмон бўлмасди. Социализм, ватанпарварлик ва европача маданият — буларнинг ҳаммаси дилимиздан чиқарилиб ташланиши лозим бўлган бемаънилик.

У шундай ғазаб билан илмга ҳужум қилдики, паришон ҳолда сўрадим:

— Нима? Илмни ҳам ҳаётимиздан чиқариб ташлашимиз керакми?

<sup>1</sup> 1954 йили «Мусулмон биродарлар» ташкилоти президент Носирга сунҷасд уюштириди.

— Ҳа, бу соҳада биз ҳеч қачон мұваффақият қозо-  
полмаймыз. Бошқалар биэдан ўзиб кетишди. Экди  
қанча уринмайлик, барибир орқада судралыб қолаве-  
рамиз. Ҳозир фанга янгилик кири туви бирор рисо-  
ламиз йўқ. Биз фақат ислом рисоласи-ю, оллога ибо-  
дат қилишни билишимиз керак! «Капитал» ҳам, диа-  
лектик материализм ҳам бизга керак эмас.

Унинг гапларини анчагача ижирғаниб тинглагагач,  
хайрлаша туриб сўрадим:

— Нима билан шуғулланмоқчисиз? Фикримни  
тўғри тушунинг-ку, лекин адабий танқидга қайтга-  
нингиз маъқул.

— Мен чет элда ишлаш учун таклиф этилдим,—  
деди хотиржамлик билан Абдулваҳоб.

— Қандай қарорга келдингиз?

— Ҳозирча ўйланиб турибман.

Ниҳоят ташқари чиқдим. Шу суҳбатдан бир йил  
кейин газеталар «Мусулмон биродарлари»нинг янги  
сүнқасди ҳақида хабар беришди. Ўша пайтда Абдул-  
ваҳоб Исмоил хаёлимга ҳам келмади. Чунки уни чет  
элда деб юрардим. Лекин дўстим Қадрий Ризқнинг  
айтишича, Абдулваҳоб Исмоил ҳам шу сүнқасдда иш-  
тирок этибди ва ҳибсга олиниши чогида қаршилик  
кўрсатмоқчи бўлгани учун ўша ернинг ўзида отиб  
ташланибди.

## АБДА СУЛАЙМОН

Уни министрликка ишга олинган биринчи аёл де-  
сам, эҳтимол, хато қиласман, лекин секретариатимиз-  
да биринчилиги аниқ эди. Абда иккинчи жаҳон уруши  
йиллари, Аббос Фавзий эндигина секретариатимиз  
бошлиғи қилиб тайинланган ойда бизга ишга келди.  
Ўша вақтларда у дўмбоққина, буғдой ранг, ҳусни  
ўртача, йигирма беш ёшлардаги хушчақчақ қиз  
эди. Бакалавр дипломи борлигига қарамай, отаси-  
йинг оғир бетоблиги сабабли анча вақтгача ишга  
кирмай юриб, отаси вафотидан кейин бизга ишга та-  
йинланганди.

Абда хонамизда пайдо бўлиши билан Аббос Фав-  
зий бизни огоҳлантириб:

— Янги ҳамкасабанин қанотинглар остига олинг-  
лар,—деди.

— У сизнинг ҳаммаҳаллангиз, Саййида Зайнабда туради,— ахборот берди Сақр амаки менга қаҳва узатаётис.

— Саййида Зайнабда турса нима қилибди?— сўрадим мен.

— Саййида Зайнабда талабалар кўп. Шунинг учун ҳам у ерда ўсган қизлар аксари... Умуман, уларнинг кимлигини билиш қийин,— деди шубҳали оҳангда Сақр амаки.

Орамизда аёл пайдо бўлиши биланоқ хонамиздаги ходимларга жон кирди. Улар ўзларига оро бериб, бурчакда, Абдураҳмон Шаъбоннинг ўнг томонида ўтирадиган Абдага зимдан, мулоим назар ташлаб қўйишадиган бўлишди. Табиийки, аёл кишининг биз билан бирга ишлашига, унга ортиқча эътибор бермасликка одатланишимиз учун анча вақт керак бўлди. Бу орада унинг хулқ-атвори, енгилтаклиги ҳақидаги хабарлар қулогимизга етиб келди. Бир куни Сақр амаки менга:

— Шундай иффатли қизнинг эркаклар орасида ишлашига рози бўлганига ҳайрон бўласан,— деди.

— У одобли қиз. Зимдан кўпгина шилқимларнинг адабини бериб юрибди,— эътиroz билдиридим мен.

— Бу хилдаги қизларнинг макрини яхши биламиз. Ўзларини ор-номусли, ҳаёли қилиб кўрсатиб, бирор бўз йигитни тузоқса илинтириш ниятида юришади,— бўш келмали Сақр амаки.

Негадир кейинги пайтларда архивдаги ҳамкасбимиз секретариатдаги дўсти олдига серқатнов бўлиб қолди. Ў бошлангич маълумотли, кўпчиликка танилганди. Доим ўзига оро бериб юрадиган, ўттиз ёшлардаги бу келишган йигитнинг исми Муҳаммад Одил эди. У бадавлат амакисининг қизига уйланган бўлиб, амакисининг юқори табақага алоқадорлиги билан мағрурланарди. Муҳаммад, ўзи камбағал ва арзимаган маош олса-да, бадавлат хотини ҳисобига майшатдан боши чиқмас, башанг қийиниб юрарди. Абда илинжисида ўша Муҳаммад бўлар-бўлмас баҳона билан секретариатимизга бўзчининг мокисидай танда қўйиб қолди.

Амакисининг министр ўринбосари билан дўстлигиги ни яхши билган Аббос Фавзий ҳам унга ҳеч нарса демади. Лекин ҳеч кимни юз хотир қилмайдиган Аб-

џураҳмон Шаъбон бир куни Мұҳаммаднинг ёқасидан ушлаб, эшик олдига судраб борди-да:

— Иккиламчи яна қорангни шу ерда күрсам, нақ терингни шилиб оламан, билиб қўй,— деди.

Сақр амакининг айтишича, Мұҳаммад шунга қа-рамай, Абдага хушомад қилишиб давом эттиравери-ди. Ҳатто танишиш ниятида қизни Саййида Зайнаб-гача кузатиб борадиган бўлиб қолибди. Абда Мұҳам-мадга рад жавоб берадигани, қандай бўлмасин уйлаи-ган одамнинг унинг кетидан эргашавермаслигига ҳа-ракат қилаётгани маълум бўлди.

Бир куни шу мавзуда гаплашиб ўтирган эдик, Аб-бос Фавзий:

— Мұҳаммад Одил келишган йигит, Абдани ром этиб қўйиши мумкин,— деди.

— Мұҳаммад суйюқ, жоҳил одам-ку,— ҳайрон бўлди Абдураҳмон Шаъбон.

— Лескин аёл аёл, эркак эркак ҳар қалай,— деди Аббос Фавзий маъноли кулиб.

— Тўғрику-я,— гапга аралашдим мен,— лекин Абда ўйнаш орттироқчи эмас, эрга тегмоқчи бўлса керак.

— Тилингга шакар, аммо кўнгил ҳар доим ақлга бўйсунавермайди.

Зийраклик билан кузатиб юрдик. Абда Мұҳаммаднинг тузоғига илинмаётгани сезилиб турарди. Бирок бир куни Абда ишдан бир ҳафтага рухсат сўраб қол-ди. Агар Сақр амаки худди шу кунлари Мұҳаммад Одил ҳам бир ҳафтага жавоб сўраганини айтмагани-да ҳеч ким ҳеч нарса билмасди.

Бир ҳафтадан кейин Абда қайтиб келди. Кўз ўн-гимизда ўша хушчақчақ, тароватли қиз эмас, балки ёнг қимматбаҳо нарсасидан айрилган, дили вайрон Абда турарди. Биз қизнинг ўзи бирор нарса дейишини кутгандик, лекин Абда ҳозиргина қабристондан қайт-гандек мотамсаро қиёфада индамай ишини давом эттираверди. Абдураҳмон Шаъбон унга қайрилиб қааркан, ачиниб:

— Сизга нима бўлди, синглим?— дея кўнгил сў-ради. Абда бу меҳрибонликдан ҳўнграб юборди. Ҳам-мамиз унга қарадик. Аббос Фавзий ўрнидан туриб, Абданинг столига яқинлашди:

— Нима бўлди, қизим? Қандай ёрдам керак бўл-са айтавер. Ҳаммасига тайёрмиз.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ!  
— Майли, ихтиёрингиз. Ҳамкасларингиз сифатида сўрагандик холос.  
— Барибир ҳеч қандай фойдаси йўқ!— деди тушкун овозда Абда.  
— Ҳар қалай айтинг, нечук бунча хафасиз?  
— Мен турмушга чиқиш учун бир ҳафтага рухсат олган эдим,— деди Абда паришонлик билан.  
— Бунинг ҳеч хафа бўладиган жойи йўқ-ку.  
— Мен Муҳаммад Одил билан никоҳдан ўтдим.  
— Муҳаммад Одил билан?  
— Ҳа.  
— Ҳеч кимга билдирамасдан-а?!  
— Амакиси ёки хотини билиб қолишса, унга қийин бўлармиш.  
— Хотини борлигини билиб туриб нега рози бўлдингиз?— таъна қилди Аббос Фавзий.  
— Кўнгилнинг йўли бўлак дегандингиз-ку,— кесатди Абдураҳмон Шаъбон.  
— Кейин нима бўлди?— сўради Аббос Фавзий жаҳлидан тушиб.  
— Биз Искандарияга бориб, у ерда бир ҳафта турдик.  
— Кейинчи?  
— Кеча эса, у мени талоқ қилди.  
— Талоқ қилди?!  
— Ҳа.  
— Нима сабабдан?  
— Алоқаларимиз шу тарзда давом этаверса, оқибати ёмон бўлармиш.  
— Замонавий севги-да,— деди Сақр амаки қулоғимга пичирлаб.  
Биз Абдани койиган бўлсак ҳам унинг аҳволига қаттиқ ачиндик. Баъзилар шариат йўли билан унга фисабиллло ёрдам қилмоқчи бўлишди. Бу хабар Муҳаммаднинг хотини билан амакисининг қулоғига ҳам этиб борди. Министр ўринbosари Одилнинг амакиси билан тил бириттириб, Абдани ўз хонасига чақирирди ва уни яхшилаб койиркан, болаларча енгилтаклиқда айблади. Кейин анча-мунча пул ваъда этиб, ундан бу ишни босди босди ёлиб заборанини сўради. Лекин Абда ҳомиладор бўлганлиги учун ма-салла чигаллашиб кетди.

Абда қиз күрди. Үнга Мұхаммаднинг арзимаган мағианын ишдан нафақа тұлаш белгиланды. Қейинчалик Абданынг Одил билан яна учраша бошлагани маълум бўлиб қолди. Буни анча тажрибали Аббос Фавзий билан Абдураҳмон Шаъбонлардан яшириб бўлмасди. Улар ўртасидаги ғайри-қонуний алоқадан шу вақтгача ҳеч ким хабардор эмасди. Бир куни министр ўринбосари Мұхаммад Одил билан Абданни ўз ҳузурига чақириб:

— Агар учрашувларнингиз давом этаверадиган бўлса, иккалангизни ҳам бадарға қиласман,— деб дўққилди. Бу суҳбатда Мұхаммаднинг амакиси ҳам бор эди. Ичкаридаги дўқ-пўписалар бизга ҳам эшитилиб турганди. Сақр амаки оғзини кўпиртира бошлаганды. Абдураҳмон Шаъбон үнга ўзининг йўқолган қизи ҳақида эслатиб қўйди. Шундан кейингина пешонаси тиришган чол хонадан чиқиб кетди.

Кўп ўтмай Мұхаммад Одил қишлоқ хўжалик министрлигига ишга ўтди. Абда анча шартлар билан бир пудратчига турмушга чиқди.

1948 йили, биринчи Фаластин уруши давридаги бу тўйдан йигирма йил кейин, Абда Сулаймонни тасодифан «Майдон ат-Таҳрир» да учратиб қолдим. Қаршымда анчагина тўлишган, эллик ёшлардаги аёл турарди. Биз бироз гаплашиб бордик. У қадрдан ҳам-касларини сўраб-суриштирди. Мен үнга Абдураҳмон Шаъбоннинг ўлими, Сақр амаки бошига тушган баҳтсизлик ҳамда Аббос Фавзийлар ҳақида гапириб бердим. Абда ҳам эрининг икки йил бурун вафот этиб, ундан уч ўғли борлиги, бири медицина факультетида, иккинчиси қишлоқ хўжалик институтида, учинчиси иқтисод факультетида ўқиётгани, қизи эса офицерга турмушга чиққанлиги тўғрисида сўзлаб берди. Охири мендан:

— Қизимнинг отасига нима бўлганлигини биласизми?— деб сўраб қолди.

Буни қарангки, мен Мұхаммад Одилни бутунлай унуган эканман. Абданынг айтишича, ер ислоҳотидан икки йил кейин Мұхаммаднинг амакиси дунёдан ўтибди. Ундан арзимасгина мерос қолибди, холос. Шунинг учун ҳам хотини үнга пул бермай қўйибди. Хотинининг бойлиги билан гердайиб юрган Мұхаммад ишлатгани жойида камоматга йўл қўйгани учун у ердан хайдалибди. Ҳозир Искандарияда амал-тақал, тиламчилардай тирикчилик қилаётган эмиш.

Хайрлашув чогида Абда мендан сўради:  
— Айтингчи, энди бизни нима кутмоқда, урушми  
ёки тинчликми?  
— Худо билади,— дедим жавоб ўрнига, қўлим  
билан ишора қилиб.

## АЖЛОН СОБИТ

Тарбуш ўғирлашда айбланиб университетдан ке-  
тишга мажбур бўлган Ажлон Собит билан бир йилча  
бирга ўқигандик. Ушанда Адлий Муаззин у ҳақида  
ғапириб:

— Ажлон кекса онаси билан арзимаган нафа-  
қага кун кўради,— дегани ёдимда.

— Унга ёрдамлашолмаймиз, эсиз, анча истеъод-  
ли талаба эди,— дедим ачиниб.

— Ажлон ўта одобсиз. Доктор Иброҳим Ақлдек  
одам билан ҳаёсизларча баҳслашгани эсингиздами?

— Менимча, ўша баҳслашувда Ажлон ҳақ эди.

Дарҳақиқат Ажлон тил билишда қобилиятли эди.  
Талабалик чогидаёт Шелли<sup>1</sup>нинг бир неча шеърлари-  
ни инглизчадан араб тилига таржима қилиб, «ал-Маъ-  
рифат» журналида нашр этганди.

У кўпинча менга:

— Сиёсат билан қизиқмаган талабани ҳурмат  
қилма, сиёсатга қизиқса-ю ўзи вафдчи бўлмаса, юз  
ўгир ундан, вафдчи-ю камбағал бўлмаса ишонма  
унга,— дер эди.

— Саъд Заглул камбағал эмас эди-ку,— дея эъти-  
роз билдиридим унга бир куни.

— Мустафо Наҳҳос камбағаллардан чиқсан йўл-  
бошли!

— Сен Мустафо Наҳҳосни Саъд Заглулдан яхши  
деб ўйлайсанми?

— Саъд Заглул доҳий эди. Мустафо Наҳҳос эса пок  
ниятли, беғараз раҳбар.

Ажлон университетдан кетгац, узоқ вақт иш то-  
полнай юрди. Ошна-офайниларсиз бирор жойга ўрна-  
шиш маҳол эди. Кейинроқ вафд аъзоларидан бири уни  
газета редакциясига таржимон сифатида жойлаб қўй-  
ди. Гарчи маоши кам бўлса ҳам Ажлон шу соҳада иш-  
лаб юрди.

<sup>1</sup> Шелли Нерси Биш (1792-1822) — инглиз романтик шоҳи.

Биз қарийб ўн йил бир-биrimiz билан күришмай кетиб, ниҳоят ал-Фийшовий қаҳвахонасида тасодифан учрашиб қолдик. Бу учрашувдан иккаламиз ҳам ғоятда суюндик. Ишларини сұрагандим, у ҳамон илгаригидек таржимонлик қилаётгани, маоши ўша-ўша өз эканлигини айтди. Кейин хурсанд қиёфада:

— Суюнчи бер, мен уйландым! — деди.

— Оббо сен-еї, ҳеч кимга билдирмай-а!

— Мұхаббат, қурмагур мұхаббат сабабчи бўлди..

У мени Хон ал-Халилийдаги уйига таклиф этиб, хотини билан тапиштириди. Рафиқаси ўрта маълумотли, ажабтовургина, уйим-жойим дейдиган асл экан. Эрини ниҳоятда яхши кўради, ундан жонини ҳам аямайди. Суҳбатимиз уруш ва сиёsat мавзунда борди.

— Мен энди вафди эмасман,— деди Ажлон.

Тушунолмай, ҳайрон бўлиб турганимни кўргач, коммунистлар сафига қабул қилинганлиги, коммунизм барча дунёвий мушкилотларни, шу жумладан, унинг мушкилини ҳам осон қилишга қодир эканлигини айтди. Кейинги гапига хотини ҳам қўшилди-да, кулиб туриб:

— Биз учун энг муҳими шу,— деди.

Ажлон менга коммунизмнинг илмий назарияси ҳақида тушунтира кетди. Лекин суҳбатининг мазмунидан у ҳали дин билан коммунизм ўртасидағи фарқни яхши тушуниб етмаганлиги сезилиб турарди.

Урушнинг охирги йилларида вафд партияси ҳокимият тепасидан кетиб, мамлакат тақдирни қора гуруҳлар қўлига ўтгач, Ажлон ички ишлар министрининг кўрсатмасига биноан редакциядан четлатилди. Ишсиз шу қадар қийин аҳволда қолдикни, ҳатто ижара ҳақицини тўлашга қурби етмай, яшаб турган кичкинагина хонасидан ҳам айрилиш хавфи туғилди. Вақти-вақти билан унга қўлимдан келганча ёрдам қилиб турдим. Бироқ бора-бора унинг уйида ғалати ўзгаришлар юз бера бошлади. Чунончи, уйи уруш даврида бойиб олган корчалонлар қароргоҳига айланди. Бу уйга арақ, наша ва бегона эркаклар аралашди. Ажлон билан факат қаҳвахонадагина учрашадиган бўлиб қолдим. Ажлон уялиш, хижолат чекиши ўрнига, аксинча, уйидаги ярамасликларни уялмай-цетмай гапираверарди. Қизиги шуки, бу ўзгариш унинг сиёсий қарашларига заррача таъсир этмади. Ажлон бамисоли ахлат ичи-

даги зарга ўхшарди. 1950 йилда Ажлон эски жойига ишга олинди. Лекин бир томондан, ойлигининг ҳаддан ташқари камлиги ва иккинчи томондан тўғри йўлдан тойганлиги натижасида, у яшаш йўлини ўзгартиромади. Орадан анча вақт ўтгач, эр-хотинни тасодифан кўчада кўриб қолдим. Хотини шундай ясаниб олган әдик, асти қўяверинг. Унинг ўзини тутиши ашаддий фохишалардан қолишмасди. Бу ҳолни кўриб, қаттиқ ачиндим. Мендаги ўзгаришни сезган Ажлон:

— Бизни бутунлай тамом бўлган деб ўйлама. Худо хоҳласа кўп ишлар қиласиз ҳали,— деди.

1952 йили дўстлари Ажлонга дурустроқ иш топиб беришди. У ўзини бироз ўнглаб олгач, Жийза майдонидаги кўп қаватли бинога кўчиб ўтди. Натижада Ажлон анча ўзини тутиб олди. Лекин кўп ўтмаёқ сиёсий фаолияти учун қамоққа олинib, бир неча йилга ҳукм қилинди. Бу орада хотини эски мижозларидан бирининг ҳимоясига ўтди. Қамоқдан яримжон бўлиб чиққан Ажлон, ўз ишига қайтди. Яхшигина пул ишлаб турди. Лекин гиёҳванд бўлиб қолган хотинини ёмон йўлдан қайтаролмади.

— Мен уни ҳозир ҳам илгариgidек яхши кўраман, бироқ хотиним энди менга ҳақиқий севги баҳш этолмайди,— деди Ажлон. Сўнгра ғазаб билан қўшиб қўйди:— Мен умумаш бузуқликни ёмон кўраман, лекин кимдир устимдан кулишидан қўрқмайман.

Оилани муқаддас билган Ажлон хотинига содиқ ва олижаноб бўлишга ҳаракат қилди. Унинг кўнгилдагидек яшашига шароит яратиб берди. Хотинини олдида ҳам, орқаворотдан ҳам ёмонламади.

Ажлон барвақт қариди. Ҳаёт лаззатларидан унга фақат меҳнат қилиш, дўстлари билан учрашиб турини ҳамда хотинига чексиз мурувватли бўлишдан бошқа нарса қолмади. Бироқ айни шу вақтда барча ғамалам, ожизлиқ ва хотинининг суюқлигига қарамай, катта обрў қозонди. У худди шу давр ичida сиёсий ва ижтимоий мавзуларда сермазмун мақолалар ёзди. Ажлоннинг араб мутафаккирлари ҳақидаги китобини ҳозирги кунимиздаги энг муҳим асарлардан бири деб ҳисоблайман. Муаллифнинг келажакка ишончи бу асарга алоҳида рӯҳ баҳш этиб туради. Унинг қўйи табақадан чиқсанлиги, шахсий ҳаётининг зиддиятга тўлалиги, жисмоний ожизлиги билан зеҳнининг ўтиклиги ва тиниқлиги ўртасидаги мутаносибсизликка

қелсак, бу вайронагарчилик ва ободончилик, тарқоқлик ва бирдамлик, умидсизлик ва ишончни ўзида мұжассамлантирган ҳозирги асримизга хос белгилардир.

Устози Моҳир Абдулкарим Ажлонни ўз адабий мұхитига қабул қилишдан бosh тортди. Бундан мен қаттық ранжидим.

Устоз одатдаги хотиржамлик билан:

— Айтишларича, бу шахс ўша... — деди-да, қолған сўзларни айтишни лозим топмай, кулиб қўя қолди. Кейинчалик маълум бўлишича, Докторга Ажлон тўғрисида Жодд абу ал-Уло ҳар хил бўлмагур гапларни етказган экан.

## АДЛИЙ БАРАКОТ

Адлий Баракотни ўйлаганимда кўз ўнгимда қадимги Аббосия ва унинг сокин далаларини эслатувчи қадрдон манзара гавдаланади. Адлийнинг Аббосиядан мактабгача фойтунда савлат тўкиб бориши, қирролларга хос виқор билан фойтундан тushiб, бизга қайрилиб ҳам боқмай, ёнимиздан ўтиб кетаётганини кўрганимизда уни мазаҳ аралаш ҳасад билан кузатиб қолардик.

Баракотлар онласи Котиблар оиласи каби Аббосиянинг шарқий қисмида истиқомат қилувчи зода-гонлар табақасига мансуб эди. Адлийнинг онаси турк, отаси мисрлик бой деҳқон бўлиб, уларнинг икки нафар ўғиллари бор эди. КенжАдлий ўн икки ёшга тўлганда онаси вафот этди. Отаси орадан бир йил ўтгач, мисрлик аёлга уйланди. Айтишларича, онасининг вафоти Адлийга руҳан қаттиқ таъсир қилган эди. Оилада ўгай онанинг пайдо бўлиши эса уни бутунлай гангитиб қўйган. Шундан кейин Адлий тушкунликка тушиб, ҳаммага истеҳзо билан қарайдиган, ҳар бир нарса устидан куладиган бўлиб қолган. У бошқалар олдида марҳума онаси ҳақида сўзламас, ўзгаларнинг ҳам у ҳақда сўзлашларини истамас, онасини тилга олиш ҳам гуноҳ ҳисобланган муқаддас зот деб би-ларди.

Ешлигимиизда Адлийни мактаб ва боғ ҳовлисида тез-тез кўриб турсак-да, у биз билан, биз у билан дўст тутиниишни хоҳламасдик.

Бир куни Саҳро томондаги футбол майдонидан келаётиб, эшиги олдида турган Адлийга кўзим тушди.

Халил унинг жигига тегмоқчи бўлиб, масхараомуз сўради:

— Айтольмайсизми, ловиячи Фалқус амакининг дўконига қандай борса бўлади?

Адлий лом-мим демай уйига кириб кетди. Ўзимизни кулгидан аранг тўхтатиб, Халилни койиган бўлдик. Лекин ўз ишимиздан ўзимиз жуда хурсанд эдик. Халил йўл-йўлакай:— Аттанг, ҳиқилдоғидан оладиган пайти келган эди-да,— деб қўйди.

Адлий билан мен университетга баравар кирдик. У Ризо Ҳамода билан ҳуқуқшунослик факультетида таълим ола бошлади, Мисрнинг «Аҳлий» ва «Терма» футбол клублари ўртасидаги учрашувга борганимизда, Ризо мени Адлий билан таништириб қўйди.

— Бир маҳаллада катта бўлганимизга қарамай, өнди тапишаяпмиз-а?— дедим мен.

У кулди-да:

— Шуни айтмайсанми,— деб қўя қолди.

Мен Адлийга яхшилаб қарадим. У ниҳоятда сатанг бўлса ҳам, ташқи қиёфаси худди деҳқон отасига ўхшарди.

Адлий анча оғир, мулоҳазакор бўлгани учун у билан яқиндан танишиш, айниқса дўстлашишга юрагим бетламасди. У атрофдаги ҳамма нарсадан ҳазар қилар, икки гапнинг бирида «кулгили» сўзини ишларди. Адлийга суҳбатдошининг фикри мутлақо аҳамиятсиз эди. Унинг учун гражданлик ҳуқуқи ўқитувчisi — «кулгили доктор», Мустафо Наҳҳос — «кулгили йўлбошчи», вафднинг иш ташлаш тўғрисидаги қарори — «кулгили қарор», ислом динининг ақидалари — «кулгили ақидалар» эди.

Бир куни ундан:


— Сен кимларни ҳурмат қилишинг мумкин?— деб сўраган эдим, Адлий:

— Чиройли ҳашаротларни,— деб жавоб қайтарди. Сўнгра кулиб туриб қўшиб қўйди:— Исмоил Сидқий ҳам ёшлигига шу хилда ҳашарот бўлган экан.

— Лоақал отангни ҳурмат қиласан?

— Отамга ҳам, дунёдаги барча ҳашаротларга ҳам лаънат.

Шунда мен Адлий отасини ҳаддан ташқари ёмон кўришини тушундим. Ота-бала ўртасидаги бу галати муносабат тўғрисида сўзлаган Адлийларнинг машшоқ



қўшиниси Адлий отасини ошкора ёмон кўриши, отаси эса буни ҳеч кимга сездирмасликка уринниб, худонинг ўзи инсоф бериб қолар, деган умидда юришини гапириб берди. Бунинг сабабини сўраган эдим, у:

— Ҳеч ким аниқ бирор нарса билмайди. Бизнингча, онаси вафотидан кейин, отасининг бошқа аёлга уйланиши сабабчи бўлса керак,— деди.

Адлий билан ошна тутинганимдан кейин, отасини ёқтирмаслигини қоралаб, уни анча-мунча койидим. Адлийнинг жаҳли чиқиб:

— Кўринишим отамга ўхшаганидан ёмон хафаман,— деди.

— Нега энди. Кўринишинг чиройли. Қадди-қоматинг келишган, бипойидек дехқонсан.

— Агар яна бир марта шу гапни айтсанг, сени отамдан ҳам баттар ёмон кўриб қоламан.

Адлий отасидан йироқроқ юриш ва уни камроқ кўриш учун ҳовлиниң этагидаги илгари меҳмонхона саналган ҳужрада яшарди. Ота-бала бир-бирлари билан ҳаттоқи ойлаб кўришмай кетган вақтлар ҳам бўларди.

Адлий университетнинг охирги курсларида суюқ-оёқ талабалар билан дўстлашди. Шундан кейин у аста-секин кўнгил очар жойлар, «ишрат уйлари» ва ал-Фийшовий қаъваҳонасига боришга одатланди. Кўп ўтмай, унинг уйи кашандахона ва майхонага айланди. Отаси ўғлининг бу қылғиликларини сезиб юрар, лекин у кўпроқ ўз тинчлигини ўйлагани учун бирор чора кўрмасди.

Адлий университетнинг охирги курсларида суюқ-йин пулнинг зўри билан 1938 йили аранг тугатди. Отаси югуриб-елиб ўғлини давлат прократурасига жойламоқчи бўлди. Лекин бу ўринга мўлжалланган шахс номзоди ҳар томонлама текширувдан ўтиши керак эди. Номзодни ўрганила бошлагандаги Адлийнинг фосиқлиги маълум бўлиб, бу ҳақда отасига ҳабар берилди. Ота ўғлига насиҳат қила бошлаган экан, Адлий беписандлик билан:

— Давлат прократураси «ўта кулгилик» муассаса,— дея жавоб қайтарибди.

Натижада, ота-бала сен-менга боришди. Тўнғич ўғил ўртага тушиб Адлийни аранг отаси билан яраштириб қўйди. Шундан кейин отаси унинг уйини хусу-

сий ҳимоячи идорасига мослаб жиҳозлаб беришни бўйнига олди. Адлий эса бўш вақтларини бошқа жойда ўтказишга рози бўлди. Ҳаш-паш дегунча Адлийнинг ҳужраси юридик китоблар қўйилган қабулхона га айлантирилди, қасрга кираверишда янги ҳимоячи номи ёзилган лавҳа пайдо бўлди. Лекин келишув узоққа чўзилмади. Қадрдан улфатлар яна йиғилишди. Майшат авжига минди. Адлий ашаддий гиёҳвандга айланди. Бу билан қаноатланмаган дўстлар янги ҳимоячига иш юзасидан келган мижозлар ниқоби остида бузуқ хотинларни ҳам жалб эта бошлашди. Ҳуллас қабулхона ҳақиқий «ишрат» уйига айланди. Бир куни кечаси кайфи ошиб қолган фоҳиша ҳовлига чиқиб, ойнинг нурида яланғоч рақсга туша бошлабди. Газаби қайнааган ота ўғлини лаънатлай кетибди. Ўз навбатида ўғил ҳам бўш келмабди. Отаси уни бир шапалоқ урган экан, ўғли учга мушт кўтарибди. Шундан кейин отаси Адлийни оқ қилди.

Бу воқеа иккинчи жаҳон урушиниг бошларида содир бўлганди. Адлий дам у, дам бу ошнасиникида тунаб юрди. Дўстлари унга бекор сандироқлаб юргандан кўра, бирор ишга киришни таклиф этишди. Лекин Адлий дайдиликни афзал билди.

Ризо Ҳамода уни ўз идорасига ҳимоячи қилиб олмоқчи бўлганда ҳам Адлий қонунларни эсдан чиқарганлигини баҳона қилиб, кўнмади. Ризо бўш келмай идора котиблигини таклиф этганди, бу гап унга қаттиқ ботди.

Адлий ёши етмишдан ошиб қартайган отаси вафотидан сўнг тўлаш шарти билан қарз кўтариб, дайдилика юраверди. Қечаю-кундуз гиёҳвандликдан боши чиқмади. Кийим-боши йиртилиб, озиб-тўзиб кетса ҳам тавбасига таяцмасди. Бир куни биз ал-Фийшовий қаҳвахонасида ўтирган эдик, қаёқдандир пайдо бўлиб қолган Адлий столимизга яқин келди-да, жиннилардек кула бошлади.

— Нега куласан? — деб сўрадим ундан.

— Бирор ковакда қумирсқадай ўлиб кетаман шекилли.

— Бўлиши мумкин,— дедим мен.

— Худо тезроқ отамнинг жонини олса, тоат-ибодатга берилардим...

1947 ёки 1948 йил бўлса керак, Адлий ал-Фийшо-

вий қаҳвахонасида наша кайфини сурніб ўтирган эди, акасининг одамлари ёнига келиб отаси вафот этгани, дархол уйта бориши кераклигини айтишди. У дафъатан гап нимадалигини англамади. Бу хабар онгига етиб боргач, гандиралаб ўринидан турди-да, жимжимадор нақшлар чизилган деворга маъносиз қараб турди. Сўнгра ишдамай қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Уйда уни акаси билан маҳкама раиси кутиб олишиди. Акаси:

— Бандалик, ука,— деб Адлийни ичкарига бошлиди.— Ўтган ишга салавот. Бу ёғига гина-кудуратларни унутайлик.

Сўнгра у отаси ётган хонанинг эшигини очиб:

— Ичкари кир, отам билан видолаш. Олло унинг ҳам, сен билан менинг ҳам гуноҳимизни кечирсин,— деди.

Айтишларича Адлий хонага кириб, марҳумнинг бош томонида тўхтабди. Кафанни очиб, отасининг юзига узоқ тикилгач:

— Охиратинг куйсин, ифлос!— деб гўлдирабди. Сўнгра мамнун қиёфада.— Ўлганига ҳеч ишонгим келмайди, наҳотки ўлган бўлса, анчадан бери мурдаси устида кулишни орзу қилиб юардим,— дебди.

Бу гапга кўпчилигимиз ишонмадик. Айримларимиз Адлий бундан баттарини айтишга ҳам қодир эканлигини қайд қилдик. Лекин қарангки, унинг омади келди. Отаси унга катта мерос: ойига минг жўнайҳ соф фойда келтирадиган иккита иморат ва қирқ минг жунайҳ нақд пул қолдирганди. Баъзилар Адлийга:— Шунча саёқ юрганинг етар, эс-ҳушингни йиғиб ол энди. Бойлигинги ҳуда-бехуда совураверма,— деб насиҳат қилишди. Бошқалар эса дағнি маросимидан кейин унга ўзгача маслаҳат бера бошлашди:

— Эҳтиёжинг унча катта эмас. Бу бойлик билан умрингни охиригача шоҳона яшасанг бўлади.

— Ўзингга яхши уй қидириб топ. Дурустроқ врача га кўрсатиб даволан. Қиморвоз бўлиб кетмаганинг учун худога шукр қил. Аёлларга унча ўч эмассан. Наша бирортасини хароб қилганини ҳозиргача эшитганимиз йўқ. Қандингни уриб яшайвер!

— Маслаҳатларинг ўзларингга сийлов, лаънатилар,— деб ўшқирди Адлий уларга.

Үнинг маслағат ва маслағатчиларга тоқати йўқ эди. Бироқ омади келганидан ғоятда хурсандлиги сизилиб турарди. У дарҳол «Семирамис» меҳмонхонаси га кўчиб ўтди. Нил соҳилидаги уйлардан бирини ойига эллик жунайҳ тўлаб туриш шарти билан ижарага олиб, уни замонавий мебеллар билан жиҳозлади. Биз Адлийнинг йигирма минг жунайҳга уй жиҳозлари сотиб олганини эшишиб анграйиб қолдик. У ҳашаматли, америкача услубдаги «Шарқ» бари ташкил этди. «Қадиллак» енгил машинаси ҳам сотиб олди. Шуларнинг ҳаммасига, кийим-кечаги билан ўттиз минг жунайҳ сарфлади. Адлийнинг ўртоқлари буни оқлаб:— У анча вақт қийинчиликда яшади. Янги уйни жиҳозлаш доим қимматга тушади,— дедилар. «Семирамис»дан «Шарқий хона»га кўчиб ўтилгандан кейин, бу ерда ҳар хил текинхўрлар, кечки клуб мутрибалари, артист ва артисткалар иштирокида базми жамшиidlар бошлианди. Ичимлик дарё бўлиб оқди. Нашавандлик авжга минди. Энг олий ресторонлардан қимматбаҳо таомлар келтирилди. Адлий сахийлиги шаънига айтилган мақтовлардан маст бўлиб юраверди. Ҳадемай охирги ўн минг жунайҳ ҳам сарфлаб бўлинди. Энди икки уйдан келадиган даромад қолгаиди, холос. Баъзилар Адлий бўёғига ақлини йиғар, деб ўйлашиди. Лекин у исрофгарчиликка, «Минг бир кеча»даги каби ишратга муқкасидан кетганди. Қизиги шуки, ресторанлардан таклиф қилинган мутрибаларга аямай пул сарфласа-да, ўзи энг сийقا фоҳишалар ҳамда «ал-Фийшовий» қаҳвахонаси қаршисида ер ёнгоқ сотувчи аёл билан ишрат қиласди. Адлийни бетўхтон сарфдан ҳеч ким тия олмади. Натижада икки уйдан бирини сотиб юборишга мажбур бўлди. Биринчисининг кетидан иккинчиси ҳам сотилди. Уткинчи омаддан эсан-кираб қолган Адлий ҳеч нарса ҳақида: на ўтмиш ва на келажак ҳақида ўйлади. 1950 йили Нил бўйидаги уйини ҳам сотиб «Семирамис»га қайтиб келди. Машинасини ҳам пуллаганидан кейингина сал кўзи очилгандай бўлди.

Ниҳоят бор-йўгини совуриб бўлган Адлий «Семирамис»ни ҳам бўшатиб қўйди. Яна «эски ҳаммол, эски тос» аҳволига тушди. Илгари отасининг ўлимига умид қилиб юрган бўлса, энди ҳеч қандай нажот йўқ эди. Адлий бир куни икки шиша виски ичиб, бир дунё наша чекиб, боши оққан томонга йўл олибди. Эртаси куни унинг жасади Нил қирғозидан топилди.

## АЗМИЙ ШОКИР

У билан 1960 йили доктор Моҳир Абдулкаримнинг салонида танишдим.

Азмийнинг яқин ошнаси бўлмиш Солим Жабр у ҳақида менга шундай деди:

— Азмий мактабда ўқиб юрган чоғлари вафдчи эди. Улғайгач, ижтимоий масалалар билан қаттиқ қизиқа бошлади. Ўзининг айтишича, унинг бу йўлга киришида менинг мақолаларим ҳам катта роль йўнабди.

Бир куни Азмий менга юрагини очди:

— Менинг вафдчилигим сизларникига нисбатан кучсиз эди. Революция арафасидаёқ вафднинг сўл қаноти билан алоқа боғладим. Ўшандан бери коммунистман. 1952 йил июль революциясини хайриҳоҳлик билан кутиб олдим. Монархия тузумининг емирилиши ва инглиз аскарларининг олиб чиқиб кетилишини олқишиладим. Бироқ ер ислоҳотини узил-кесил тўғри деб бўлмайди. Тўғрисини айтганда, содир бўлган революцияни ҳақиқий революциянинг олдини олувчи, факат ер ислоҳотларини назарда тутувчи революция деб билдим.

Азмийнинг сиёсий қарашлари, аввало унинг университетдан ҳайдалишига, сўнгра бир неча йил қамалишига сабаб бўлди. Қамоқдан кейин Азмий матбуот соҳасида ишлай бошлади. Ўз фикрларини ифода этишга имконият берадиган мавзуларда ташки сиёсат ва тарих бўйича мақолалар ёзиб турди. 1961 йили социалистик қонунлар нашр этилгач, у ўз қарашларини тубдан ўзгартириб, Солим Жабр ва доктор Моҳир Абдулкарим салонларига тез-тез келадиган бўлиб қолди.

— Бу революция мамлакатимизнинг ҳозирги тарихий шароитига жуда мос ҳодиса эканлигини тушундим,— деб қолди бир куни у менга.

— Демак, революция ҳақидаги олдинги фикриниздан қайтибсиз-да?— сўрадим Азмийдан.

Ҳа, менимча биз сафсалаларимизни йиғиштириб қўйиб, бор кучимиз билан революцияни қувватлашимиз керак.

Унинг сидқидил гапларидан шубҳаланишга асос топмадим. Уша кундан бошлаб Азмий революцияни қувватлаб келмоқда. Унинг қарорини баъзи бир дўст-

ларимиз нотұғри талқин этишди. Ажлон Собит бу хусусда:

— Азмий үзини садоқатли қилиб күрсатишига уринаётган бұлса ҳам аслида ичи қора одам,— деганди.

— Мен унинг садоқатига ишонаман,— қүшилмадим мен.

Ажлон калака қилиб:

— Унинг сұзларига учгансан. Сенинг хатоинің ҳам шунда,— деди.

Азмий учун университеттегі қайтиш имконияти туғилди. Лекин у матбуот соқасыда қолиб, курашни дағом эттиришни афзал билди. У революцияға күр-күрона ишонмади, революция йўл қўйған хатолардан тегишли хулоса чиқара билди.

— Шуниси ачинарлики,— деганди Азмий,— революция ўз тарафдорларига суюниш ўрнига, уларга шубҳа билан қараб, дўстларини душманга айлантириб қўйиши ҳам ҳеч гал эмас экан.

Бир куни фифони чиқиб:

— Амалдорларнинг пораҳўрлиги вабо каби авж олмоқда. Ҳукумат эса бунга қарши курашишига ожизлик қиляпти,— деди.

Кейинчалик билсам, у озодликни ҳамма нарасадан устун қўйиб, унинг таҳлика остида қолғаилигидан қайтураётган коммунистлар билан ҳамфир экан. Лекин у мамлакатдаги ялпи тарихий жараёнларнинг аҳамиятини заррача камситмади. Ҳозирги қийинчиликлар эвазига келажакда баҳтли ҳаст кечиришимизга ишонди. Мен Азмийни Содиқ Абдулхамид билан таништириб қўйдим. Улар ҳамфир бўлғанлари учун тезда дўстлашиб кетишли. Коммунистларни қамоққа олиш бошланғанда Азмий қаттиқ қайғурди. Буни ўткинчи хато деб тушунди. Ҳаммаси тажрибасизлик, мутаасиблик ва воқеликни тўғри англамаслик оқибати деб изоҳлади.

Азмий коммунистларнинг озод этилишидан чексиз қувонди. Қамалғанлар орасидаги компартияга алоқасиз шахслар революция билан ҳамкорлик қилишга рози бўлғанларидан суюнди:

— Мана, кўрдингларми, бир вақтлар ўшалар менинг шу фикримни қоралашган эди, энді эса ўзлари коммунистларни қувватлашмоқчи.

— Сиз айтган вақт билан ҳозирги шаронт ўрта-

сіда катта фарқ бор,— деди Содиқ Абдулхамид бұнаға жавобан.

Содиқ Абдулхамид кабилар олий лавозимларға күтарилишди. Азмий Шокир еса панада қолиб кетді. Бу унга бироз алам қилди. Үшанды унинг:— Вақти келиб, ёзувчилар ҳам гоявий лўттибозлик таъсирига тушиб қолишмасайди деб қўрқаман,— дегани эсимда.

Азмий журналистика соҳасидаги ишларидан кўнгли совиб, университет ўқитувчилигига қабул қилишларин илтимос этди. Илтимоси қондирилди. Ҳаммамиз қатори у ҳам 1967 йил июнь воқеасидан ҳангумай бўлиб қолди. Лекин ҳар ҳафта сиёсий журналларда мақоласи чиқиб турганига қарамай, ўзгариши қувватламади. Аксинча ундан иккиланиш ўрнини эртаниги кунга ишонч эгаллади. Ӯша йилнинг октябрь ойида унинг мағлубият сабабларини таҳлил қилувчи ва уни сабоқ эканлигини таъкидовчи машҳур мақоласи пайдо бўлди. Бу мақолада Азмий халқни умидсизликка тушмаслик, бардам бўлишга даъват этди.

Кейинги йилларда у «Мағлубиятдан бошлаймиз» деган ажойиб китобини ёзиб тугатди. Мазкур рисола янги ҳаёт қуришга даъват этувчи қўлланма бўлиб қолди. Азмий «Араб социалистик иттифоқи» ташкилотида жонбозлик кўрсатди. Бир неча бор телевизорда оташин нутқ сўзлади. Унинг табнатида риёкорлик ва товламачилик мутлақо йўқ эди. Қаерда бўлмасин рост сўзларди. Азмий Шокирга қойил қолишим кучли зарбадан эсанкираган Ажлон Собит билан Солим Жабр кабиларга ёқмади.

— Мен Азмийни жиддий одам деб ҳурмат қилсам, аслида у шахсий манфаатларини қўзловчи худбин экан,— деди Солим Жабр тувақиб.

Ажлон Собит еса Азмийнинг «Мағлубиятдан бошлаймиз» деган китобини «Мослашувдан бошлаймиз» деб атаркан, киноя қилди:

— Яхшиямки, Жодд абу ал-Уло ва Азмий Шокирлар каби «атоқли» ёзувчиларимиз бор! О, бечора Миср! Бошқалар Ойга учганда, биз Муҳаммаднинг «тунги сафари»ю, меърожга чиқишини байрам қилиб юрсак-а!

Бошқалар нима дейишса дейишсин-у, лекин Азмий Шокир эътиқод, садоқат ва фаолиятда доимий событ қадамлигича қолди.

## АЗИЗА АБДУ

Азизани илк бор Зуҳайр Қомил салонида кўрдим. Бу номни илгари қаердадир эшитган эдим. Эҳтимол, газета ёки журналда ўқиган бўлсам керак. Буғдой ранг, нозик ва хушчақчақ бу аёл салонга эри билан кириб келди. Назаримда у ўттиз, ўттиз беш ёшларда эди. Лекин Жодд абу ал-Уло айтишича Азиза қирқдан ошган экан.

1960 йиллар эди. Нафис санъат намояндалари — Азиза билан унинг эллик ёшлардаги эри мени вақф шаҳарчасидаги уйларига таклиф этишди. Мен мусаввирлар асарлари кўргазмасини мароқ билан томоша қилдим ва мавҳум санъат урф бўлгани бир вақтда, улар ижодида акс этган воқеелик ва ғоявий мазмунни кўриб ҳайрон қолдим.

— «Қолоқ» руҳда чизилган санъатни ҳам кўришга муяссар бўларканмиз-а,— дедим ҳазиллашиб.

— Сиз кўриб турганинг бирдан-бир замонавий асар,— деб эътиroz билдириди Азиза мулойим кулиб туриб.

Шу тариқа орамизда танишлик бошланди. Азиза истеъоддли рассом бўлганлиги учунгина эмас, балки икки ўғилинг меҳрибон онаси сифатида ҳам менга ёқиб қолди. У майшатга хуши йўқ, хаёлпараст эрига нисбатан анча дилкаш эди. Сўл партия аъзолари бўлмиш бу эр-хотиннинг табиятлари бир-бирларига сира ўхшамасди. Эр ниҳоятда заиф иродали, Азиза бўлса анча-мунчага бўш келмайдиган аёл эди. Бир куни Азизанинг илтимосига биноан адабий журналлардан бирининг муҳаррири Юсуф Бадронни уларникига бошлаб бордим. Иккалалари негадир бир-бирларини руҳан тез тушуниб, дарҳол дўстлашиб кетишиди.

Шу воқеадан анча кейин Юсуф Бадронни кўриш учун унинг қаср ал-Айний кўчасидаги уйига бордим. Кўришаётib ундан ичимлик ҳиди келаётганини сездим. Шу вақт ичкаридан Бадроннинг пижамасини кийиб олган Азиза чиқиб келди. Мен бироз ноқулай аҳволга тушиб, нима қилишимни билмай қолдим. Кейин ўзимни тутиб олдим-да, гўё ҳеч нарса кўрмагандек, гапни бошқа ёққа бурдим. Азиза бир галириб, ўн кулар, у ҳам ширакайф эди. У ёқ-бу ёқдан чақ-чақлашиб ўтиридик. Мен учун Азизанинг бегона эркак

үйида, ғалати кийимда ўтириши табиий ҳолдек ахамият бермадим.

Кейинчалик Юсуф Бадрондан гап нимадалигини билиб олдим.

— Баногоҳ орамизда муҳаббат пайдо бўлиб қолди,— деди Юсуф.

— Аёлларни ром қилишга устасан-да.

— Мен эмас, у ташаббускор бўлди-ку!

Юсуфининг гапига ишонгим келмади. У эса давом этди:

— Менга ишопавер. Азиза гўзалгина эмас, мард аёл ҳам.

— Нин севасами?

— У мени севади, шунинг ўзи кифоя!

— Сен-чи?

— У мен учун топилмадек. Лекин барибир дидим-даги аёл эмас.

— Эри нима бўлади?

— Эрининг бу билан иши йўқ.

Шу суҳбатдан кейин Азизани Жодд абу ал-Уло салонида учратдим. Эри сафарга кетгани учун бир ўзи келганди. У мендан уйигача кузатиб қўйиншимни илтимос қилди.

— Сиз билан орамиздаги дўстликни ниҳоятда ардоқлайман,— деди Азиза йўлда кетаётганимизда.

— Мен ҳам.

— Дўстлар ўртасида ҳурмат ва ишонч бўлиши керак.

— Мен сизни ҳурмат қиласман ва ишонаман.

— Кўзингиздан ҳайрон бўлаётганингиз сезилиб турибди.

— Унчалик эмас.

— Ҳаёт ва эркинликка турлича қарайдиган эр-хотинларни ахлоқсиз деб билсангиз керак-а!

— Мутлақо.

— Мен эримни ҳурмат қилиб келдим, бундан кейин ҳам ҳурмат қиласман.

Шундан сўнг Азиза менга ўтмиши ҳақида сўзлаб берди. Чунончи у ўрта мактабни битиргани, бўй етган кезлари биринчи йигитнинг дил розига қаршилик қиломай қизлик иффатидан маҳрум бўлгани, йигит мақсадига етгаҳ унга уйланмагани ҳақида гапириб берди.

— Баъзан тақдиримга ачинаман, лекин ҳеч қачон афсусланмайман,— деб сўзида давом этди Азиза.— Қейинчалик анча кўзим очилди, ҳаётга теран қарай бошладим. Жаҳолат ва эрксизлик ашаддий душманим бўлиб қолди.

Хайрлашув чогида у қўлимки қаттиқ қисиб:

— Келажакни сиз-у менга ўхшаганлар қурамиз,— деди.

Азиза билан танишганимдан бир неча йил кейин бошқа коммунистлар қатори унинг эрини ҳам қамоқ-қа олишди. Азиза учун бу қаттиқ зарба бўлди. Рўзгор тебратиш бир ўзига қолди. Бундан ташқари, учинчи фарзанди ҳам дунёга келиш олдида эди. Азиза салонга ҳам, кўргазмага ҳам келмай қўйганди. Ундан онда-сонда, телефон орқалигина ҳол-аҳвол сўраб турдим. Бир куни Юсуф Бадрондан Азиза ҳақида сўраган эдим, у:

— Сен нима билсанг, мен ҳам шуни биламан холос,— деб жавоб қайтарди.

— Нима, учрашмай қўйдингларми?

— Эри қамалганидан кейин алоқамиз узилиб қолди.

— Ростданми?

— У ажойиб аёл. Лекин учрашмай қўйганимизга заррача афсусланмайман.

Шундан кейин Азиза тўғрисида деярли ҳеч нарса эшифтадим. Орадан бир неча йил ўтгач, эри озод этилди. Уларни табриклиш учун уйларига бордим. Икки ўғиллари университетда ўқишар, қизи эса олти ёшда эди. Азиза яна орамизга қайтди. У энди фаластинлик бир қизга уйланиб олган Юсуф Бадрон билан алоқани тикилашга ҳаракат ҳам қилмасди. Кунларнинг бирида Шарқий фронтга жўнаётган вакиллар сафига Юсуф Бадрон иккаламиз ҳам тушиб қолдик.

Иўлда Азизани эсладик.

— Унинг қизига кўзинг тушдими?— сўради Юсуф.

— Ҳа, жуда яхши қизча.

— У менинг қизим!

— Бўлиши мумкин эмас?

— Йўқ, шундай. Болани олдириб ташлашни айтганимда Азиза кўнмовди.

— Нега?

— Сени жондан ортиқ севиб қолганман. Шунинг учун ҳам муҳаббатимизнинг мевасини то абад кўз

қорасидек сақлайман,— деди. Лекин шунга қарамай, эри қамалиши биланоқ, мен билан мутлақо алоқаси-ни узди.

- Бу гап қачон бўлган эди?
  - Эри қамалмасдан сал олдин.
  - Эри билармиди буни?
  - Қайдам.
  - Менимча, Азиза эрига тўғрисини айтган бўлса керак.
  - Эҳтимол.
  - Қизча ҳақиқатда ҳам сенга ўхшайди,— дедим ўйланниб туриб.
  - Худди шунинг учун ҳам у билан учрашмасликка ҳаракат қиласман-да.
- 1970 йили Азиза санъат соҳасида катта муваффақият қозонди. Унинг кўргазмаси юксак баҳоланиб, унга Миср халқ рассоми унвони берилди.

## АШМОВИЙ ЖАЛОЛ

Унинг икки қаватли уйи кўчамизнинг Аббосияга туташ шарқий томонида жойлашган бўлиб, атрофини ўраб турган қаровсиз боғда ясмин, икки туп хурмо ва бир туп мангодан бошқа дараҳт қолмаганди. Ҳар сафар шу кўчадан ўтаётуб, барча қўни-қўшилар қатори, мен ҳам ўша уйга ҳам қизиқиш, ҳам нафрат билан қараб қўярдим. Бу ерга янги кўчиб келганимизда кўчага чиқиб, айланниб юрган' эдим, кимдир, эҳтимол Ризо Ҳамода бўлса керак, сўраб қолди.

- Бу ерда ким туришини биласанми?
- Иўқ,— жавоб қайтардим мен.
- Ашмовий бек Жалолнинг уйи шу бўлади.
- Кутилмаган бу гапдан ҳанг-манг бўлиб қолдим.
- Ашмовий Жалолнинг уйи?!
- Ҳа-да.
- Талабалар қотилику у!
- Худди ўша.
- Уни тез-тез кўриб турасизларми?
- Ўзининг ҳам, оиласининг ҳам қаердалигини ҳеч ким билмайди. Улар «Қора қўл» ташкилоти одамларидан яшириниб юришади. Лекин бу ўшанинг уйи эканлиги аниқ.
- Илгари шу ерда яшармиди?

— Ҳа.

— Қачондан бери күрінмай қўйди?

— Намойишчиларни жазолагани ҳаммага ошкор бўлгандан кейин.

Ёшлигимданоқ Ашмовий номи менда қандайдир даҳшат уйғотарди. У Миср армияси суворийлар бригадасида катта офицер бўлиб, 1919 йил революцияси ни қонга ботиришда фаол иштирок этганди. Ашмовий революцияни бостириши давомида қанчадан қанча одамларни шафқатсизларча қўйноққа согани, талабаларни отниг думида судраттирганини эшигандиди.

1924 йилда ҳокимият тепасига келган Саъд Загул уни истеъфога чиқарди. Ашмовий кўчамиздаги қаровсиз уйига қайтиб келиб, узлатда яшай бошлади. Хотини билан икки қизинга гоҳо кўзим тушиб қолар, лекин ўзини сира кўрмасдим. Ашмовий кўчага чиқиш у ёқда турсин, ҳатто деразадан мўралашга ҳам юраги бетламасди.

Унинг бир ўғли ва икки қизи бўлиб, ўғлини халқ итиқомидан қўрқиб, ўрта мактабдалигидаёқ Англияга жўнатиб юборганди. Эшишишимизча, бола бечора ўрта мактабни ўша ерда тугатиб, медицина факультетига ўқишига кирибди ва ўша ерда уйланиб, инглиз фуқаролигини қабул қилибди.

Ашмовийнинг қизлари ниҳоятда чиройли ва назо- катли эди. Мен қандай қилиб қотилдан шундай ажойиб фарзандлар бино бўлганига ҳайрон қолардим. Қизлар бўйлари етгач, умуман кўчага чиқмай қўйишиди. Улар ичкарила фортепъяно чалганилари чалган эди. Мен эса, шу бағритошнинг куй ва қўшиқ эшитишини ёқтиришидан янада ажабланардим. 1935 йили у иккала қизини ҳам кимларгадир турмушга берди. Кўп ўтмаай Ашмовий уйини тарқ этди. Хотинининг айтишича у ўлимидан кейин аза тутмасликлари, умуман маърака ўтказмасликларини васият қилиб, қабристонга, ўзи учун ажратилган хилхонанинг зиёратгоҳига кўчиб ўтибди ва ўша ерда яшай бошлабди.

Ашмовийнинг хотини эри кетгач гўшанишинликни тарқ этиб маҳалла-куйга аралаша бошлади.

Аббосиялик кексаларнинг айтишича, Ашмовий ўрта мактабда яхши ўқий олмагач, вақфлар бўйича масъул ходим бўлмиш отаси ўша вақтда мактаблар инспектори Хурбург пошонинг ёрдамида уни ҳарбий

ұқишига киритиб қўйган. Ҳарбий мактабни тугаттан Ашмовий Суданга йўлланма олган. Хизмат чоғида Судан халқидан бож тўпловчи инглизларга фаол ёрдамлашган. Охири у инглизларнинг ашаддий ювиндихўрига айланган.

1919 йили Миср армияси революцияни бостиришда инглиз аскарларига мадад беришига буйруқ олди. Лекин бу армия инглизлар ишончни оқламади. Унда революцияга хайриҳоҳлар кўп эди. Миср армияси Саъд Загулла га қарши уюштирилган фитнада ҳам қатнашди. Ашмовий эса, революцияга қарши тиш-тирноги билан курашди. Талабаларнинг раҳбарларини жазолашда бениҳоя хунрезлик қилди. Шундан кейин инглизлар Ашмовийга айниқса қаттиқ ишона бошлидилар. Мисрликлар уни кўргани кўзлари йўқ эди. Мачаллий ҳукумат ҳам уни ёқтирилмасди. Бир неча бор уни ўлдиришига қасд қилинди. Лекин бу ҳаракатлар муваффақиятсиз тугади. Ватанпарварлар ташлаган гранатадан унинг оёғи бироз лат еди, холос. Хотини таъкидлашича, бир куни отаси Ашмовийдан ҳарбий хизматдан истеъфога чиқишини талаб қилиби. У эса ҳар ким ўз аравасини ўзи тортсан, менинг ишимга тумшуғингизни тиқаверманг, деб қиблагоҳини жеркиб ташлабди.

Ашмовийнинг хотини иккинчи жаҳон урушидан сал кейин, юрак ўйноғи касали билан қазо қилди. Бир йил ўтмай ўзи ҳам жигар касалидан ўлди. Ашмовийнинг қилмишлари биз кекса авлоднинг хотирасидан ҳали ўчгани йўқ. Кўпчилик уни лаънатловчи қўшиқларни ҳамон ёд билади.

## АББОС ФАВЗИЙ

Хиэматимнинг биринчи куниданоқ Фавзий билан дўстлашиб қолдим. Секретариат идорасининг бир бурчагида мен, секретариат раисининг ўринбосари Аббос Фавзий ва министр таржимони Абдураҳмон Шаъбоннинг иш столлари жойлашган эди. Бошлиғимиз Тантовий Исмоил Фавзийни мен билан таништириди:

— Үша машҳур ёзувчи сиз бўласизми? — сўрадим мен ҳаяжонланиб.

Фавзий тасдиқ маъносида бош силкиб қўйди.

Мен у билан жуда самимий кўришгандим, бошқа хизматчилар бу илиқ кўришишдан ғашлари келиб, професионалари тиришди.

— Сизнинг араб классик адабиёти ҳақидаги китобларингиз биз талабаларга жуда катта ёрдам берди.

— Эътирофингиз учун катта раҳмат, аммо университетингизда фақат унвонли адиларнигина тан олишади.

— Сизнинг билимингиз ҳар қандай унвондан аъло. Сизникдай китобларни олимларгида ёза олиши мумкин.

— Афсуски, профессор Иброҳим Ақл бошқача фикрда.

Бутунлай янги шароитда Аббос Фавзийдек сиймо ёнимдалиги мен учун катта баҳт эди. Хизматим у билан доимо мулоқотда бўлишимни тақозо этарди. Фавзийни доктор Моҳир Абдулкарим салонида ҳам, Солим Жабр қабулхонасида ҳам, кейинчалик Жодд абу ал-Уло уйида ҳам учратиб турдим. Таажжубланарлиги шуки, ўттиз беш ёшдаёқ ҳаммага танилган бу машҳур адаб ҳамон олтинчи даражали амалдорлар поғонасидан юқорига кўтарилемаган эди. Кейинчалик ҳамкаслари уни «танаси бошқа дард билмас», «безиён тентак» деб камситишларини эшишиб қолдим. Уларнинг назаридаги ҳақиқий амалдорлик фақат буйруқ бериш, бошлиқларни ҳурмат қилишдан иборат бўлиб, китоб ёзиш эса таги пастларнинг иши эди.

Аббос Фавзийнинг қандай қилиб олтинчи даражали поғонага кўтарилганини қўйидагича ҳикоя қилиб беришди:

«У олий маълумотли бўлса ҳам архивда оддий контрабандист эди. Фавзий министр ўзгарган ҳамоно унга ўз шеърий тўпламини дастхат билан ҳадя этарди. Министр совғани қабул қилиб, раҳмат айтиб қўя қоларди. Ў эса яна архивга қайтарди. Бу ҳолат министр лавозимини адабиёт ва санъатдан хабардор шахс эгаллагунча давом этади. Аббос Фавзий навбатдаги янги министрга манзур бўлиб қолади ва у Фавзийни еттинчи даражага, икки йилдан кейин эса, секретариат бошлиғининг ўринбосари сифатида олтинчи поғонага кўтаради».

Фавзий рақибларининг у ҳақда нималар дейишларини биларди. Шунинг учун у ҳам уларнинг нафрати-

га нафрат билан жавоб қайтарарди. Гоҳо улар билан сан-манга ҳам бориб қоларди. Лекин ўртоқлари ўртага тушиб, жанжални тинчтишарди. Буйрӯқвозликка тоқати йўқ Фавзий амалпарамаст ва димоғдор мансабдорларни «заҳарли ҳашаротлар» деб атарди.

Ҳатто Тантовий И smoil ҳам бир куни менга:

— Бу одамдан ўзингизни узоқроқ тутинг. У ақлли, лекин одобсиз,— деди.

Моддий ночор Аббос Фавзий оиласи учун кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилди. Тили аччиқ бу санъаткорнинг мансабпарамаст, сохта олим ва ёзувчилар устидан кулиши асарларида ҳам акс этган эди. Ўзи амалдор бўлишига қарамай, барча амалдорларнинг устидан куларди.

Фавзийда ҳасадгўйлик ҳам йўқ эмасди. Атрофи-дагилар муваффақиятидан ғаши келган пайтлар ҳам бўлиб турарди.

Бироқ у классик араб адабиётини ҳавас қилгулик даражада чуқур эгаллаганди.

— Сизларни ғарб адабиёти шу қадар мафтун этганки, назарингларда гўё дунёда бошқа адабиёт йўқ-дек,— деди у бир куни менга.— Ўз адабиётингларни умуман билмайсизлар. Гаров ўйнаб айтишим мумкини, манман деган ғарб шоирлари ифодалаган фикрлар аллақачон араб шоирлари томонидан баён этилган.

Мен хаёлимга келган иккни шеър ва насрий асардан парча ўқидим. Фавзий шу заҳотиёқ қийналмай, шу маънодаги классик адабиётимиэдан айният келтирди.

Унинг суҳбат чогида суҳбатдошининг имло, талафуз хатосини топиб турадиган одати бор эди. Араб тилидаги адабиётларни албатта зер-забар билан нашр ётиш кераклигини қаттиқ талаб қиларди.

Фавзий буйраги қаттиқ шамоллаб ишга келолмай қолди. Таржимон Абдураҳмон Шаъбон иккаламиз уни кўргани бордик. Фавзий кўрпага ўралиб ётарди. Салом-аликдан сўнг ёнинг бориб:

— Буйрагингиз тузукми, устоз?— деб сўрадим.

Одатим бўйича буйрак сўзини адабий тилда эмас, ҳалқ тилида айтдим. Фавзий беҳол овоз билан буйрак сўзини зер-забарларини ўрнига қўйиб, адабий тилда талафуз қилди. Беморнинг олдидан чиққанимиздан кейин Абдураҳмон Шаъбон истеҳзо аралаш:

— Бу одам нариги дунёда фаришталарнинг ҳам талаффузини тўғрилаб юрмаса кўнгли ўрнига тушмаса керак,— деди.

Фавзий араб тили ва адабий меросдан бошқа нарсага қизиқмасди. Санъатга, ҳатто қўшиққа ҳам ҳуши йўқ эди. Ҳозирги замон маданияти тўғрисида тасаввурни ниҳоятда тор бўлиб, сиёсатга лоқайд қарар, партияларга фарқсиз эди. Фақат министримизнинг ишона ҳурмат қиласди, холос. Фавзий ҳеч қайси динга ишона масди. Ҳаётда ўзию оиласининг тинчлигини ўйларди. Унинг секретариатимиздаги хонаси катта-кичик ёшдаги шоирлар, ёзувчилар ва журналистлар учрашадиган жойга айланди. Уларнинг аксари Фавзийдан арзимаган ҳақ эвазига ўз асарларни тил ва грамматика жиҳатдан таҳрир қилдириб олишарди. Қаламкашларга нисбатан бениҳоя меҳмоннавоз устоз Аббос улар кетишлари ҳамоно:

— Ҳозир келиб кетган йигитни кўрдиғизми? Ута маданиятсиз. Үзини тутишни ҳам билмайди,— деб мазаҳ қиласди.

Лекин устоз Аббос давлат ва сарой арбобларни тўғрисида зинҳор ёмон гапирмас, сиёсий партиялар ўртасидаги мунозараларга сира қўшилмасди. Сарой аҳли, ҳатто сарой ошпази ҳақида ҳам сизлаб гапиради. Иккинчи жаҳон уруши даврида иттифоқчиларга хайриҳоҳ бўлди. Ҷонкердан кейин кўпчилик уруш немислар ғалабаси билан тугайди, деб ўйлаганда, у Башшар иби Бурд<sup>1</sup>нинг қўйидаги тўртлигини кўтариинки руҳ билан ўқиб юрди:

*Ажалдек ёпирилдик ёв устига,  
Майдон узра балқиди байроғимиз.  
Баъзиси бўлди асир, баъзиси тупроққа тенг,  
Баъзиси қочди қуёндек қувган чоғимиз.*

Ал-Аламиндаги жангда немислар мағлубиятга учрагач, мен ҳам ўз фикримни Башшар иби Бурд шеъри билан ифодалаган эдим, Аббос Фавзий киноямага тушиунди ва усталик билан:— «Худо Башшарни раҳмат қиласини, у фосиқ лўттибоз эди,— деб жавоб берди. .

<sup>1</sup> Башшар иби Бурд (714-783). — ўрта аср араб адабиётининг йиррик намояндаси, шоир.

Куиларнинг бирида **Фавзийнинг** ҳузурига Миерда муқим бўлиб қолган, кекеа бир инглиз келди. У араб тилида ўз она тилидан ҳам яхши гаплашарди. Мехмон кетганидан кейин устозимиз шикоятини бошлади:

—Мен инглизларга ва хусусан уларнинг урф одатларига қойил қоламан. Инглиз билан Миср чалишлари ўртасида катта фарқ бор. Инглиз чалиши қаерга бормасин ўз чалишлигини қўймайди. Аммо умрининг охиригача ўз империясига сидқидилдан хизмат қиласди. Миср чалиши бўлса учига чиқсан бетайин.

Аббос Фавзий бошқаларга раҳм-шафқат қилмаганидек, бошқалар ҳам уни аяб ўтиришмасди. Устознинг отаси инженер бўлганлигини ҳаммамиз билсак ҳам, рақиблари жўрттага: отаси гўрков, онаси гассол дейишарди. Ҳатто Фавзийни жинсий нопокликда ҳам айблашарди.

4 февраль воқеасидан кейин бошқа партияларга мансуб амалдорлар вафдни хиёнатда айблай бошладилар.

Ўз фикрини билдирамаслик, вафд фаолиятидан порози бўляпти, деган гап келиб чиқмаслиги учун Аббос Фавзий Тантовий Исмоил «тўфон, тўфон, тўфон» деб аюҳаниос солиб юрган бир пайтда:

— Утгаң кеча воқеаси тўғрисида нима десангиз деяверинглар. Лекин инсоф юзасидан айтганда Мустафо Наҳчос мамлакатни энг қийин аҳволдан эсономон олиб чиқди,— деди.

Устоз Аббоснинг омади келди. Вафд министри адабиётни қадрловчи шахс бўлиб чиқди ва унни бешинчи даражали амалдорлар погонасига кўтарди. Тантовий Исмоил пенсияга кетгач, ўрнига секретариат бошлиғи этиб Аббос Фавзий тайинланди. Бироқ унинг китоблари ўзи ўйлагандек муваффақият қозонолмади. Чунки университет профессорлари Фавзий билан жиддий рақобатда эдилар. Профессорлар янги илмий методга таянишар, бинобарин уларнинг тадқиқотлари чуқурроқ ва салмоқли эди.

Классик адабиётни Аббос Фавзий асарларидан ўрганган бир ёш олим қуръон ва пайғамбар ҳақида ёзилган рисолалар устида олиб борган илмий ишида у келтирган иловалардан фойдаланиб, анча пул ишлаб олганини эшитган устоз пича хафа бўлиб:— Бизнинг давримизда даҳрийлик расм бўлганди, ҳозир

эса аксинча,— деди ва афсусланиб туриб:— Шундай қулай фурсатни қўлдан берибман-а,— деб қўйди.

Бир куни у мендан:— Араб мамлакатлари нимаси билан бойлигини биласизми?— деб сўраб қолди. Кейин ўзи жавоб берди:— Нефти билан эмас, «қуръон» ва «ҳадис»и билан бой.

— Истасангиз, пайғамбарлар мадҳ этилган гарб китобларидан айримларини араб тилига биргаликда таржима қиласиз,— таклиф этди Абдураҳмон Шаъбон бир куни.

Аббос Фавзий рози бўлди. Икковлари бел бойлаб ишга киришишди. Натижада мўмайгина пул ишлаб олишди. Аббос Фавзий умрида биринчи марта бунча кўп пулга эга бўлганди. Кейинчалик у шунга ўхшаш бир неча китобларни таржима қилиб, бойлиги янайм ортди. Бу унинг урушдан кейинги қимматчиликдан өсон-омон чиқишида асқотди.

Фавзийнинг ўғиллари университетни тугатиб, хизматга тайинландилар. Устоз 1950 йили умрида биринчи марта отпуска олди. Шунга қадар у бирор марта ҳам дам олмаган эди. Менинг:— Нега ҳеч отпуска олмайсиз,— деган саволимга Фавзий қўйидагича жавоб қайтарди:

— Э, гумроҳ одам, сиз менинг ўрнимга қимлар кўз олайтириб турганини билмайсиз. Улар мен билан ҳар куни қучоқлашиб кўришадилар, лекин енгларида ханжар яшириғлик. Агар бир ой йўқ бўлсан қайтиб келмаслигим чорасини кўриб қўйишади. Биз мудроқ ўрмонда яшаймиз, ундаги одамлар эса ваҳший ҳайвондан баттар.

Ушанда унинг гапларига тушунолмай ҳайрон бўлиб қўя қолгандим. Ниҳоят устоз ўз ўрнининг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилгач, дам олишни лозим топди. Умрида биринчи марта хотини ва қизларини олиб Искандарияга жўнади. Бироқ у ерга боргач, бўш вақтини қандай ўтказишни билмай зерикиб қолди. Искандария хотинининг ҳам саломатлигига тўғри келмади. Шунинг учун қизларининг ялиниб-ёлворишиларига қарамай Фавзий бир ҳафта-даёқ қайтиб келди.

Йөль революцияси устоз Аббосда ҳеч қандай қизиқиш уйготмади. Мамлакатнинг бугунги ва эртаниги тақдирига бефарқ қаради. У фақат диний мавзуларда китоб ёзиб, пул орттира бошлади. 1959 йил-

да пенсияга чиқиб, олдингидан ҳам астойдил қалам тебратишга киришди. Обидийнда уй қуриб, юқори қаватини ижодхонага мослаб жиҳозлади. Бироқ феъли ўша-ўша ўзгармай қолаверди. Қачон уйига борсам шикоятини бошлайди:

— Мени шу вақтга қадар араб тили Академияси аъзолигига қабул этишмаганини тасаввур қилинг-а! Гүё бошқалар араб тилини мендан яхшироқ биладигандек! Ҳукумат тузган ёзувчилар рўйхатида ҳам номим зикр этилмабди. Кимга дод дейсан бу адолатсизликдан?

Аббос Фавзий июнь мағлубиятидан кейинги аҳволимни кўриб, устимдан кулди:

— Сочингизга оқ ораласа ҳам ақлингиз кирмабди-да! Биз учун мисрлик ҳукмронлик қилди нима-ю, инглиз ёки яҳудий ҳукмронлик қилди нима?!

## АДЛИЙ ал-МУАЗЗИН

Мен университетга кирган йилим Адлий ўша ерда қандайдир лавозимда ишларди. Уни баъзан университет кутубхонасида, баъзан биз билан француз файласуфи жаноб Кюренинг лекцияларига боргандা кўриб қолардим. Бу хилдаги лекцияларга қатниаши Адлий учун диссертациясига фойдали эди. Ташқи кўринишига қараб, Адлийни «Миср мирзаси» деб атаган эдик. У бўйдор, елкалари кенг бўлиб, боқишлидан зеҳни ўткирлиги сезилиб туарди. Бир куни факультетга кетаётib Адлий билан ал-Ўрмон богида учрашиб қолиб, йўл-йўлакай гаплашиб кетдик.

— Октябрь ойида магистрлик диссертациямни ёқлайман. Лекин ҳозирданоқ, кейинги режалар ҳақида ўйлајиб менга.

— Докторлик диссертациясига тайёрланмоқчимисан? — сўрайтим мен.

— Йўқ. Ҳозир қайси фалсафий китобларга талаб катта?

— Менинча, фалсафий китобларга ҳеч қачон талаб катта бўлмаган.

— Мамлакатимиз файласуфлари ҳақида рисолалар туркуми ёзмоқчиман.

— Хайрли ният.

Ҳақиқатда ҳам Адлий айтган вақтида диссертациясини ёқлади. Лекин кейинги режасини охиригача

етказмади. Фақат файласуфларнинг тушкунликка тушишига доир иккита мақола ёзиш билан чекланди холос.

Ажлон Собит Адлийнинг мен билмаган томонларини ёритиб, гапириб берди:

— У Биби Зайнаб маҳалласида, бизга яқин кўчада яшайди. Отаси трамвай ҳайдовчиси бўлган. Ҳозир Адлийнинг опаси ва опаси бор.

— Юриш-туришидан аслзодаларга ўхшайди-ку.

— Хизматга кирган вақтида бошланғич маълумоттагина эга эди. Иш жараёнида ўқиб юриб, олимликка эришди. Айтишларича, опаси бузук эмиш. Шунинг учун ҳам ҳанузгача турмушга чиқмаган.

Адлий ҳазил-мутойибани яхши кўрарди. Ўқув йили тугалланишига бағишланган кечаларнинг биринча у ўқитувчиларнинг юриш-туришларига тақлид қилиб, ҳаммани кулдирди. Айниқса Иброҳим Ақл юришига монанд, саҳнада у ёқ-бу ёққа юриб: «юксак идеаллар» дейиши биланоқ залдагилар гурра кулиб юборишиди. Адлийнинг доктор Иброҳим Ақл билан муносабати яхши бўлган. Доктор сарой ҳомийлиги остида юқори мансабга кўтарилгач, Адлийнинг иши юришиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан сал олдин доктор Иброҳим Ақл тавсияси билан Адлийни бир министр ишга қабул қилди. Шундан кейин омади кулиб боқди.

Адлий бизнинг ишхонамизга министрнинг яқин одами сифатида ишга келди. Мен янги мансаби билан табриклаб, ишларига муваффақият тилаб, фаолияти албатта, самарали бўлишига ишонч билдиридим. Бироқ қаршимда мен билган Адлий эмас, бутунлай бошқа, омади юришган амалдор турарди. Бир вақтлар фалсафий назарияларга қизиқиб, уларни тушуниб етишга ҳаракат қилиб, бу йўлда анча-мунча вақт сарф қилган зиёли одамдан асар ҳам кўрмадим. Унинг, айниқса, министр ва министрлик ишлари бўйича яширин истеъоди гуриллаб яшнаб кетди. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, у ақлли, идора ишларига қобилиятли, шулингдек ҳар қандай мисрликда ҳам учрайвермайдиган вазмин одам эди.

Шарора ан-Наҳҷол Адлий билан эҳтиёткорона муносабатда бўларди. Устоз Фавзий эса, министрликка адабиётни қадрловчи одам келди, деб ўйларди. Бора-бора улар дўстлашиб кетишиди. Бир куни устоз

Фавзий ўз китобини Адлийга тақдим эта туриб бундай деди:

Дуч келган одамга китобимни ҳадя этавермайман.  
Сизга ўхшаганларгина китобнинг қадрига етишади,— деди.

— Китобингизни ўқиб чиққанман,— совуққина жавоб қайтарди Адлий.

Аббос Фавзийнинг юзида мамнунлик аломати пайдо бўлди. Адлий эса сўзида давом этиб, деди:

— Тўғрисини айтсан, китоб юзаки, унда бирор янгилик йўқ.

Устозининг ранги оқариб кетса ҳам, лекин у ўзини тутиб:

— Бу китобни ўз билимингиз билан ўлчаманг. Мен оддий халқни кўзлаб ёзганман. Сиз ҳарқалай файласуфсиз,— деди мулойим оҳангда.

Аббос Фавзий мендан бу гапни ҳеч кимга айтмаслигимни илтимос қилди. Мен устозга «кўнглингиз тўқ бўлсин», дедим. Фавзий одатдагидек заҳарханда қилди:

— Фалсафа иби Рушд<sup>1</sup>дан бошланиб, иби калб<sup>2</sup>да тугабди-да.

Кенгаш ҳайъатида раҳбарликни қўлига олган Адлий сал фурсатдаёқ министрликдаги жами бўлимлар ва ундаги хизматчиларнинг миридан-сиригача ўрганиб чиқди. Лекин ўз обрўсига путур етказмаган ҳолда, ҳеч қандай партиявий можароларга аралашмади. Аслида, вафд партиясига мойил, унинг халқчи демократик ва озодлик гоялари тарафдори бўлса ҳам буни ҳеч кимга сездирмади.

Адлийнинг бирор одамга яхшилик қилганини билмайман. Аксинча, у рақибларигагина эмас, ҳатто дўстларига ҳам панд беришдан тоймасди. Узгаларда ҳурмат уйғотиш ўрнига, ўзига душман орттиришни яхши кўрарди. Адлий шу жиҳати билан кулиб туриб жонингизни оладиган, риёкорлик ва тилёгламалик билан раҳбарлар ишончини қозонувчи Шарора ан-Наҳдолдан фарқ қиласарди. Ишхонадаги аксари хизматчилар Адлийни ёқтиришмас, орқаворотдан зоти паст, опаси бузуқ деб иғбо қилишарди «Ҳануз уйланимай юриши-

<sup>1</sup> Иби Рушд (1126-1198) — машҳур араб файласуфи.

<sup>2</sup> Бу ўринда сўз ўзини ишлатилган. Иби калб — итвачча дегани.

да бирор сир бўлса керак. Келган куниданоқ қадам олиши шубҳали эди», ҳоказо ва ҳоказолар.

Мен унинг ҳар бир министр ва ҳар бир ҳукумат даврида ўз мансабинигина эмас, ҳатто обрў-эътибори-ни ҳам сақлаб қолишига ҳайрон қолардим. Кейинчалик аниқлашимга қараганда Адлий рақобатдаги партияларнинг айrim амалдорларига вақти-вақти билан ёрдам қилиб тураркан. Натижада, министрлик қайси партия тарафдори қўлига ўтса, ўша одам ўз навбатида министр ҳузурида Адлийга ваколат бераркан. Шундай қилиб у доим кўзга кўринган шахс бўлиб қолаверган. Шу усулда Адлий июль революциясига қадар департамент директорлигигача ўсади.

Биз бир-биримиз билан яқин дўст бўлишимизга қарамай, имкон туғилган заҳотиёқ менга хиёнат қилди. Воқеа бундай бўлган эди. Кадрлар бўйича комиссия мен ва архивда ишлайдиган бир ўртоқнинг шахсий ҳужжатлари билан ҳар томонлама танишиб чиққач, менинг номзодимни юқори даражадаги бўш ўринга тавсия этди. Комиссия қарор қабул қилди. Министр буйруққа имзо чекди. Ҳамкасларим мени янги лавозим билан табриклишди. Бироқ эрталаб ишга келиб ўрнимга бошқа одам тайинланганини билдим. Бошим қотди. Суриштириб билсан, ўша куни кечқурун қирол саройидан кимdir Адлийга қўнфироқ қилиб, бўш ўринга рақибимни тавсия этибди. Адлий шартта министр ҳузурига кирибди-да, бўлиб ўтган гапни унга тушунтирибди. Шундан кейин мен тўғримдаги буйруқ бекор қилиниб, бошқа буйруқ чиқарилибди. Мен норозилик билдириб, дарҳол Адлий ҳузурига кирдим. У гапларимга хотиржам қулоқ солиб ўтириди-да, кейин оҳиста:

— Матбуотга янги бюджет тўғрисида маълумот тайёрланг,— деди.

Колган гапларни Адлийнинг душмани, менинг дўстим, кадрлар бўлимининг ўрииbosаридан сўраб билдим.

— Бу очиқдан-очиқ қонунни бузиш,— деди дўстим. Қонун бўйича министрнинг ҳар қандай буйруғи, худди шунга ўхшаш иккинчи буйруқ билан бекор қилиниши керак. Сен ҳақингдаги буйруқни ўз кўзим билан кўрдим. Лекин уни бекор қилиш ҳақидаги буйруқни кўрмадим.

— Бу масалани расмий равишда кўтариб чиқа оласанми?

— Инглиз элчинидан бошқа ҳеч ким бу ишнинг уддасидан чиқолмайди.

— Хўш, рақибимнинг саройда қандай таниши бўлиши мумкин?

— Уни Лут пайғамбар ёрлақаган.

Ўша кундан бошлаб Адлий билан муносабатимиз расмий тус олди. Шунга қадар у билан эрталаблари Сулаймон пошо майдонида учрашиб туар, «Америкен» барига бирга нонушта қилиб, амалимизда катта фарқ бўлишига қарамай, министрликкача бирга кетардик. Йўлда у ҳар хил борди-келдилар, казо-казоларнинг оиласидаги латифаомуз ҳангомаларни гапириб, мени роса кулдиради. Баъзан мени маисаби кўтарилигаидан кейин кўчиб ўтган Маодийдаги уйига ҳам таклиф этарди. Лекин иш бошлангандан кейин ўн-үн беш дақиқа ўтар-ўтмас мени ҳузурига чақиранкан, қаршимда совуқ бир бюрократ ўтирганига кўзим тушарди.

Бир куни унинг қабулидан нохуш чиққач, дилимини Аббос Фавзийга очган эдим, устоз бунга жавобан:

— У риёкор одам. Министрликда нопок одамлар билан ишлаш пешонамизга битилган экан,— деди.

1952 йил революциясидан кейин министр ўринбосари лавозимини талашиша Адлий ал-Муаззин асосий рақиби Шарора ан-Наҳҳолдан устун келмоқчи бўлиб, «Тозалащ комиссияси»га Шарора устидан юмaloқ хат ёзишда иштирок этди. Бироқ, қандайдир мўъжиза билан епгиб чиққан Шарора министр ўринбосарлигига тайинланди. Бу Адлий учун кутилмаган зарба бўлди. Кўп ўтмай у янги ходимлар орасида ўзини бегона ҳис эта бошлади. «Тозалаш» жараёнида унга хайриҳоҳ бўлган ходимлар секин-аста ишдан бўшатилди. Яккаланиб қолган Адлий шароитга мослашини йўлига ўтди. У мен билан илгариги дўстона муносабатини тиклашга ҳаракат қила бошлади. Биз яна Сулаймон пошо майдонида учрашадиган бўлиб қолдик. Гоҳо Адлий ишхонамиздан шикоят қилиб: «Министрлик бир гурӯҳ думбиллар қўлига ўтди», «Қонун, йўл-йўриқларга ҳожат қолмади», «Ҳозир ҳар ким революция ниқоби остида кўнгли тусаган ишни қилмоқда», — қабилида зорланарди.

**Мен янги ҳаёт ғолиб келаётганига ишона бошладим.**

Адлий ал-Муаззин янги раҳбарлар орасидан ўрин олишга анча уриниб кўрди-ю, лекин бунинг фойдаси бўлмади. У кўп ўтмай оқ қон касалига мубтало бўлиб, уйдан эшикка чиқолмай қолди ва 1955 йили, эллик ёшида вафот этди. Министрикда унинг ўлими ҳақидаги хабар тарқалганда деярли ҳамма хурсанд бўлди.

Адлийнинг жанозаси мен қатнашган жанозаларнинг энг файзсизи бўлди. Дағн маросимида ўнтача таниш-билиш, университетдаги маслакдошлари билан битта узоқ қариндоши қатнашди, холос. Бу маросимда эътиборли одамлардан ўша пайтларда икки ўғлидан айрилиб, руҳан эзилиб юрган Иброҳим Ақлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Адлий вафотининг эртаси куни унинг турмушга чиқолмай юрган опаси ўзини ўзи ўлдирди.

## **ИСОМ ал-ҲАМЛОВИЙ**

Маҳаллада энг катта, атрофи боғ-роғ, баланд деъорлари ортидан хурмо, маңго дарахтларининг учлари кўриниб турувчи Ҳамловийларнинг ҳовлиси «Байн ал-Жаноин»га яқин эди. Уч қизи бор Исомбек таниқли аъёнлардан бири бўлиб, нуфузли савдо муассасида ишларди. Унинг ишга кетаётган ёки ишдан келаётганини атрофдагиларга қўнғироқли извошининг овозидан маълум бўларди. Исомбекнинг оиласи ҳаммадан ажralган ҳолда яшарди. Улар ўзларини қўни-қўшнилардан катта тутишар, ҳалқимиз урф-одатларини назар-писанд қилишмасди. Исомбекнинг хотини билан қизлари баъзи-баъзидагина кўчаға чиқишарди холос.

Бир куни Исомбек иттифоқо машҳур актрисалардан бирини олиб келди. Шундан кейин актриса уникига тана қўйиб қолди. Тез орада аёл Исомбекнинг ўйнаши эканлиги ошкор бўлди. «Санъат» журнали эса Исомбек ўша актрисага ўн минг жунайҳлик дур ҳадия қилганини ёзди.

Биз, маҳалланинг ёш ўспириналари ҳар сафар актрисанинг келиши ва унинг қандай кутиб олинишини зўр қизиқиши билан кузатиб турардик.

— Биз-ку уни бепул томоша қиляпмиз-а, лекин бу ташрифларнинг охири шима билан тугаркин?— деди бир куни Жаъфар Халил.

— Бўй етган қизлари олдида шундай бемаънилик қилишга Исомбекининг қандай юзи чидаркин? — ҳайрон бўлди Халил Закий.

— Қизлари оталари олдида ўзларини қандай тутишаётган бўлишса, у ҳам қизлари олдида ўзини шундай тутмоқда,— деди Сайид Шаир.

Ҳамловийларга яқин турадиган Сайид Шаир уларнинг ҳовлисида бўлаётган ҳангомаларнинг барчасидан хабардор эди.

— Ҳаммаси маълум бўлди,— деди у бир куни бизга.

Биз ҳаммамиз Шаирни ўраб олдик. У сирли қиёфада:— Исомбекнинг хотини дазмолчи Муҳаммад билан дон олишиб юаркан,— деди.

Ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб қолдик.

Еш, бақувват, бир кўзи ғилай ва уришқоқ дазмолчи Муҳаммадни биз яхши билардик. У кўчамиздагиларнинг кийим-кечакларини дазмоллаб юарди. Ниҳоят гўзал, қадди-қомати келишган хонимнинг ғилай Муҳаммадни ёқтириб қолиши бизга қизиқ тујуди.

— Хоним унинг олдига чодрага ўраниб борадилар,— деди Сайид Шаир.— Буни бир неча бор ўз кўзим билан кўрдим.

Тез орада хоним чодрага ҳам ўралмай қўйди. Дазмолчи кийим-кечакларни ўзи олиб келар ва ичкарида анча вақт қолиб кетарди. Исомбек актриса билан чет элга жўнагач, Муҳаммад ҳеч кимдан тап тортмай, кўп вақтини хоним ҳузурида ўтказадиган, баъзан эса ётиб қоладиган одат чиқарди. Исомбекнинг қизлари ҳам ота-оналаридан қолишишмади. Улар Аббосиянинг шарқий томонида ўз жазманлари билан учрашиб туришар, баъзан уларни уйларига ҳам таклиф қилишарди. Ийд Мансур, Шаъровий ал-Фаҳом, менинг қариндошим Аҳмад Қадрий, Вайли полиция бўлимининг офицери, тиш доктори ва франциз тили ўқитувчиши уларнинг доимий хушторлари эди.

Бу оила аъзолари ва ташрифчиларнинг қилиқлари ғазабимизни қўзитарди. Қитмирлик қилиб Ҳамловийлар деразасига тош отадиган одат чиқардик. Бироқ, хуштор офицернинг ташаббуси билан бўлса керак, Ҳамловийларнинг уйини қўриқлаб туриш учун полиция қўйилди.

Уша пайтларда мен Сафонинг ишқида куйиб юр-

ган вақтим эди. Исомбекнинг қизлари энг олий туйғумни таҳқирилашаётгандай туюларди.

Бироқ, 1930 йили маҳалла аҳли учун кўнгилли воқеалар юз берди. Шу йили Исомбекнинг уччала қизи ҳам уйли-жойли бўлишди. Тўнғич қизи муҳандисга, ўрганчаси министр котибига, кенжаси эса энди мартабаси ошиб келаётган ҳимоячига турмушга чиқди. Таажжубланадиган жойи шуки, қизлар уйларидағи бемаъниликларга чек қўйишиб, янгича, ҳалол ҳаёт кечира бошлишди. Оилалари ҳам ҳавас қилгули тотув оиласа айланди. 1950 йиллари мен баъзан уларнинг ўқимишли, илфор фикрли ўғиллари билан учрашиб қолардим. Исомбек иккинчи жаҳон уруши даврида тахминан Шаъровий ал-Фаҳом билан бир вақтда вагфот этди. Унинг тул хстининг катта мерос қолди. Аёл элликларда бўлса ҳам ёшига нисбатан анча хушрўй кўринарди. У бутунлай сўққабош бўлиб қолганди. Онда-сонда қизларидан бирортасининг уйига бирровогина келиб кетарди холос. Қизлари ёқтирмай қўйишларининг сабаби унинг ҳамон дазмолчи билан алоқаенини узмаганлигида эди. Бироқ энди дазмолчи ҳам бу аёлдан қутилиш пайига тушиб қолганди. Бир куни дазмолхона олдидағи кўча юзида Мұҳаммад аёлнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Эҳтимол бирор нарсадан жанжаллашиб қолишган бўлишса керак. Шу воқеадан бир-икки ҳафта кейин хоним бир қассобни жазман қилиб олди.

— Қампир аслзода бўлса ҳам кўнгли авомпарастку,— деди Жаъфар Халил кесатиб.

Аёл кейинчалик уйини сотиб маҳалламиздан кўчиб кетди. Мен уни назардан қочирмай юрдим. Аёл шаҳар марказидаги ал-Ливо, Журубий ёки ал-Аргентин қовоқхоналарида пайдо бўлар, бироз вино ичиб ўтиради-да, бирортасини тузоққа илинтириб, у ердан чиқиб кетарди. Уни шу алфозда Искандариядаги Осниюс қовоқхонасида ҳам кўрдим. Баъзан дом-дараксиз кетар, кейин яна ўзи ўргангандан жойларда пайдо бўлиб, ўша эски қилигини давом эттиради. Бироқ ёши ўтган сари ҳусни ҳам кундан-кунга сўлий бошлади. Энди унинг буришиқ кампирдан фарқи қолмаганди, ишонган меросини совуриб бўлганди.

У энди имтиёзли ресторонларга яқин келмас, тўғрироғи у ерга кириш учун сариқ чақаси ҳам қолмаганди. Баъзан уни кўчаларда исқирт, узун кўйлак ва

еғоч ковушда кўриб қолардим. Хуллас, хоним бориб-бориб тиламчилик қила бошлади. Мен унинг кимгандир қўл чўзиб, хайр сўраётганини шахсан кўрганим йўқ. Аммо баъзи ошхона хўжайнинлари унга садақа бериб туришларидан хабарим бор эди.

Бир вақтлардаги осуда, файзли дарвозалар тепасига фонуслар осилган кўчамизни кўз олдимга келти-рарканман, ўйланиб қоламан. Исомбекнинг гўзал, танноз хотини ким эди-ю, ким бўлди? Ўқимишли, туппа-тузук набиралари парво қилмай бувиларининг ён-тинасидан ўтиб кетаверадилар. Балои нафс, фосиқлик адо қилган бу аёлнинг аянчли қисматига қаттиқ ачинаман.

## ИЙД МАНСУР

Иифилишларимиз бизларни бир-биrimизга чамбарчас боғлаб қўйганди. Суҳбат кечаларимизнинг доимий қатнашчиларидан бири Ийд Мансур билан дўстлашиб ҳам олдик. Аммо унинг дўстлиги самимий, садоқатли эмас эди. Умуман у вафо, дилкашлик, одамгарчилик кўчасидан ўтмаганди.

Онадан барвақт етим қолган Ийд Мансур Аббосияда отаси ва кекса хизматкори билан яшарди. Отаси яхудийлар орасида кўп ишлаган бўлиб, иморат олди-соттиси билан шуғулланарди. Ийд дунёга келганда отаси эллик ёшда бўлиб, у хотини вафотидан кейин уйланмади. Хасис, қўпол ва раҳмсиз чол ёлғиз фарзандига жуда қаттиқўл бўлди. Гўдаклигидан она меҳри ва унинг эркалашларини ҳис этмаган Ийд гўё террористлар лагерида тарбия олгандек, меҳр-муҳаббат ва инсоний ҳис туйғулардан маҳрум эди. Катта бўлганда ким бўлиши ўшандаёқ маълум эди. Ийд тадбиркор, бешафқат, худбин бўлиб ўси. Пул деганда у ҳамма нарсадан воз кечарди.

Ийд қўшнимиз, бир кўчада катта бўлганимиз учунгина у билан шунчаки салом-алик қилиб юраман. У инсон бошига тушган мусибатдан худди латифадан кулгандек кулади. Ҳатто дўстларимиз Шаъровий ал-Фаҳом ва Бадр аз-Зиёдий ҳалокати ҳам унга заррача таъсир қилмади. Аксинча, Бадр аз-Зиёдий ҳалокати ҳақидаги машъум хабарни эшитганда футбол командасидаги рақибидан қутулганига хурсанд бўлди.

У тарбияси ва табиатига кўра анъана, эътиқод ва атрофидагилар билан ҳисоблашмай, ўз хоҳишича яшашга ўрганиб қолган. Ийд бузуқ ҳам, Халил Закий ёки Сайид Шаирлар каби текинхўр ҳам эмас. У бор кучини фақат меҳнат қилиш, пул тўплашга сарфлайди. Меҳнат билан пулдан бўлак нарса уни қизиқтири майди. Роҳатланиш, улфатчилик, чақчақлашишга умуман тоби йўқ.

Ийд 1930 йили етуклик шаҳодатномаси олар олмас отаси уни савдо ишига жалб қилди ва шу соҳада ўғлига умрининг охиригача йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Ийд Исом ал-Ҳамловийнинг қизлари билан учрашиб турган бўлса ҳам аслида Сурайё Раъфатдан бошқа аёлга астойдил кўнгил қўйганини билмайман. У отасининг ёнида иш ўрганиб юрган кезларида Сурайё билан танишиб қолганди...

— Мен анча вақтгача унинг кетидан юрдим,— деди бир куни менга Ийд.— Агар хушомадларимга тоб беролмай, ийиб кетмагандага эди... У ҳолда...

— У ҳолда уйланган бўлардинг, шундайми?

— Ҳар қалай шу ҳақда ўйлаб юргандим.

— Уни алдаб кетганлигиндан виждонинг қийнал майдими?

— Бу ҳақда ўйлаганим ҳам йўқ,— деди Ийд иш шайиб.

У умрининг охиригача севги нима эканлигини билмади, уйланиш ва ота бўлиш баҳтига мусассар бўлмади. Ақлини танибдики, пул, бойлнк тўплаш билан овора. Ҳолбуки ҳозир ёши олтмишга бориб қолган.

Саъд Зағлул вафоти куни ҳам Ийд на куйди, на кўзидан бир томчи ёш келди. Ватанимиз фахри бўлган Зағлул унинг учун ҳеч ким эмасди. Унга Ватан, миллий ифтихор туйгулари мутлақо бегона эди.

Ийд икки гапнинг бирида:

— Агар инглизлар билан яҳудийлар бўлмагандаги мисрликлар аллақачон йўқ бўлиб кетишарди,— дегани деганди.

Шу сўзларини у то инглизлар армияси Мисрдан олиб чиқиб кетилгунга қадар такрорлаб юрди.

Ийд отаси каби қизғанчик, хасис бўлишига қарамай ўзини яхши парвариш қилас, еб-ичиш, кийинишда қисинмасди.

Ийд Мансур никоҳни ожизлиқ ва аҳмоқлик деб ҳисобларди. Бўйдоқлигидан афсусланиш ўрнига, аксинча, ёши улғайган сари сўққабошлиқдан лаззат олаётганга ўхшарди. 1936 йили уйини сотди-да, рўзгор ташвишларидан ўзини бутунлай халос этиб, «Мийно хаус» меҳмонхонасида яшай бошлади.

Ийд ҳеч қайси аёл билан узоқ мулоқотда бўлмас, уларни тез-тез алмаштириб турарди. У айниқса кечки клубдаги келгинди мутрибалар билан қаймоқлашишни яхши кўрарди. Жононлар билан машшатда қўли очиқ, аммо ўзи меъёридан ортиқ ичмас, чекишини ёқтиирмасди. Бизнинг ҳафталиқ учрашувларимиздач ташқари ҳамтовоқлари билан ҳам кечқурунлари гурунглашарди. Ўзини доктор Сурур Абдулбоқий ва Ризо Ҳамодалар билан қиёслашни яхши кўрарди, улардан бадавлат бўлсан бадавлатманки, аммо кам эмасман, деб мақтаниб ҳам қўярди.

— Халил Закий сендан омадлироқ, пули ҳам сени-кидан кўпайиб кетяпти,— дедим бир куни унинг ғашига тегиб.

— Халил Закий ифлос ва жирканч одам,— орнати келди Ийднинг.

— Сен ўзингни ҳалол йўл билан пул топаман деб ўйлайсанми?

— Ҳар ким ўзича ҳалол. Эҳтимол менинг топарман-тутарманлигимни юлғичлик деб ўйларсан. Ахир бу уддабуронлик-ку! Лекин мен Халилнинг бойиш йўлидан ҳазар қиласман. Унинг иши пасткашликдан иборат.

Ийд Мансурнинг қиёфаси 1948 йили Миср билан Исроил ўртасидаги уруш кезлари янада яққол намоён бўлди. Мен унинг хиёнаткорлигини айнан шудаврда сездим. Ийд бойлик, пул орттириш йўлида ҳеч қандай жиноятдан тоймади.

1951 йили инглиз-миср битими бекор этилиб, канал зонасида партизанлик ҳаракати тўхтатилганда ҳам у ноқулай аҳволга тушиб қолди. Сиёсатга аралашмаса-да, вафд партиясига қарши чиқди.

Умуман олганда 1952 йилгача Ийднинг ҳаёти осоишишта ўтди. Революциядан кейин эса, гарчи моддий зарар кўрмаган бўлса ҳам тинчлиги бузилди. Монархиянинг емирилиши, ер ислоҳоти, канал зонасидан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши каби воқеалардан талвасага тушиб қолди. Чунки у бугун

бұлмаса әртага бор-йұғидан ажралишига күзі етарди.

1956 йилги учлар тажовузи Ийдни руҳлантириб юборді. Лекин бу узоққа чўзилмади. Яҳудий дўстларининг бирданига ғойиб бўлиб қолганликларини сезгач, менга мурожаат этиб:

— Пулларимни чет эл банкларига ўтказиб, ўзим ҳам бу ердан кетгаким маъқул,— деди.

Бироқ менинг жаҳлим чиққани учун:

— Мисрда ақлли одамлар учун жой қолмади,— деб ўзини оқламоқчи бўлди.

Лекин Ийд ҳеч қаёққа кетмай, ўз соҳасида ишлаб юраверди. 1967 йили яна омади юришгандай бўлдию, аммо мағлубият сабоқлари натижасида мамлакатда рўй берга бошлаган ўзгаришлар барibir оромини бузди.

— Бундай тузум ҳалокатга маҳкум! Бу ўлим олдиндаги сўнгги тўлғаниш!— деди у бадҳоҳлик билан.

Ойлар, йиллар ўтди. Мамлакат ўзини тиклай бошлади, ҳалқ иродаси мустаҳкамланди. Кураш истиқболи яққол кўринди. Бу Ийдга ёқмасди, албатта. Аммо у келажакка ишониб юраверди. Унга душман ташвиқотлари умид бағишлаб турди.

Ризо Ҳамода иккаламиз унга ватанпарварлик туйғуси йўқлигини таъна қилгандик, Ийд Мансур пинағини бузмай бизга танбеҳ берган бўлди:

— Ҳозир Ватан деган нарсанинг ўзи йўқ. Манфаатдорлик бор холос. Қаердан кўпроқ манфаатдор бўлсанг, ўша ер ватанинг. Эндиликда ё америка ёки совет тарафдори бўлишинг керак. Ватан, миллат, мамлакат деган гаплар қуруқ сафсата, холос.

Ийд Мансур инглизларга бўлган ишончи пучга чиққаچ, Американинг яқин Шарқда ҳукмронлик қилишини орзу эта бошлади. АҚШ Яқин Шарқини рињовжланиш йўлини белгилаб бериши, бунда араблар билан яҳудийлар бир ёқадаи бош чиқаришларини истаб қолди.

У ўз фойдасини кўзлаб иш тутиши оқибатида сиёсатни ана шундай изоҳларди. Ҳозир ҳам Ийд ўша ўз соҳасида ишляяпти. «Мийно хаус» меҳмонхонасида яшамоқда. Баъзи-баъзида гурунгимизга келиб турди. Орамизда ҳеч қандай самимият, дўстлик йўқ. Биз Ийдни одам ўрнида кўрмаганимиздек, у ҳам бизни ношуд, нодону гумроҳ ҳисоблайди.

## ҒОНИМ ҲОФИЗ

Ғоним Ҳофиз ўрта мактабда ҳисобдан дарс берар эди. Ўша пайтларда у анча ёш, аммо салобатли, одобрили ва ёқимтой эди. Ўқувчилар Ғоним билан муомалада одоб доирасидан чиқишишас, ҳатто ўзбошимча Балрат-Зиёдий, Жаъфар Халил ва Ийд Мансурлар ҳам у билан ҳисоблашишга мажбур эдилар.

Бир куни Ийд Мансур ундан хүсусий дарс беришини илтимос қилибди ва отасини ҳам бир синифда иккйил ўқигандан кўра, ўқутувчи ёллаш арzon тушшигага ўшонтирибди. Ийднинг отаси Ғоним афанди билан учрашганда ундан ўқитиш ҳақини сўрабди. «Соатига бир реал»— деб жавоб берибди Ғоним афанди. Бундан чўчиб кетган Ийднинг отаси бир шиллингдан ортиқ тўламаслигини айтибди. Шунда Ғоним афанди кулиб, текинга дарс беришга ҳам тайёр эканлигини билдирибди:

Шундан кейин Ийд Мансур Ғоним афанди қўлида икки ой мобайнода текинга ўқиди.

Бадр аз-Зиёдий вафот этганда Ғоним афанди худди яқин қариндошидан айрилгандек қаттиқ қайғурди. Биз ўқувчилар уни янада ҳурмат қиласидиган бўлдик.

Университетга киргач, бу ўқитувчи билан янада яқинроқ танишдим. Шу-шу биз маҳалламиздаги қаҳвахонада тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қолдик. Қейинчалик орамиздаги яқинлик дўстликка айланди. Ғоним афанди мулойим, вазмин табнати ва доим озода кийиниб юриши билан бошқалардан ажralиб турарди. У бизнинг ҳафталик учрашувларимизга айниқса ёз кунлари келиб турар, суҳбатимизга қулоқ солиб, индамайгина чилим чекиб ўтиради. Ўз навбатида истаган мавзуда мулоҳаза юритарди. Ҳар қандай кескин масалалар ҳам унинг мулойим, тушунарли иборалари орқали енгил ҳал қилинарди. Ғоним ҳар қандай вазиятда ҳам вазминлик қилас, ҳеч кимга қўпол муомалада бўлмасди. Унинг севимли вафд партияси аъзоларига кимдир ҳужум қилгудек бўлса, уларни ҳимоя этиб: «Улар ҳақиқий инсон» ёки «Мустафо Наҳҳос ажойиб одам»,— деб қўярди холос. Борди-ю ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлса «олло сени кечирсин» дейишдан нари ўтмасди. Унинг сиёсатдаги фоалияти очиқ сайлов пайтлари сайлов участкасига бориб, вафд аъзосига овоз бериш билангина чега-

раланарди. Шу тариқа у 1919 йил революциясида сиртдан иштирок этди. Фоним ўта камтарынлигидан ўзининг паст табақадан эканлигини яширмасди. Бир куни ўз насл-насаби ҳақида менга ҳам сўзлаб берди:

— Отам полицияда ишлаётганлиги учун мени ҳам ўша ерга жалб этмоқчи бўлди. Бироқ қўшнимиз ўқишимни давом эттиришимни маслаҳат берди. Ўрта мактабни муваффақиятли тутатиб, педагогика институтига ўқишига кирдим.

— Хотиним,— деди ўбошқа куни ғамгин ва таъсирчан оҳангда,— менга нисбатан юқорироқ оиланинг фарзанди бўлганлиги учун орамизда тез-тез жанжал бўлиб туради. Лекин учта ўғлимнинг келажагини ўйлаб, бу можароларга чидаб келаман.

Кейинги йиллар тарихий воқеаларга бой бўлди. Бутун диққат-эътибори болаларнинг таълим-тарбиясига қаратилган Фоним афанди бу воқеаларга заррача қизиқмади. У рўй берадиган ўзгаришларга ўзига хос камсуханлик ва хотиржамлик билан баҳо бериб юраверди. Тўнгич ўғли суворий, ўртанчаси муҳандис, кейинчалик, у ҳам суворий, кенжаси эса мол доктори бўлиб етишишди. 1956 йилги урушга сафарбарликдан унинг ўғиллари тасодифан қутулиб қолиши. 1960 йили Фоним афанди пенсияга чиқди. Унинг соғлиги яхши, ота сифатида ҳавас қилгулик даражада фарзандларига меҳрибон эди.

1967 йили қўшинларимиз Синай ярим оролида тўплана бошлаганда Фоним афанди ташвишга тушиб ураган одамдан:

— Уруш бўлармикин-а?— деб сўраб юрди.

Иттифоқо мамлакат осмонини булутлар қоплади. Уруш ўзи билан қанчадан-қанча кўнгилсизликлар олиб келди. Ўртанча ўғли ярадор бўлди. Тўнгичи эса дом-дараксиз йўқолди. Фоним афанди бундан қаттиқ изтироб чекди. У севимли тўнгич ўғлининг дом-дараксиз йўқолганлигига асло ишонмасди. Ота боёқиши анча вақтгача бирор мўъжиза рўй бериб ўғлининг эшикдан эсон-омон кириб келишига умид боғлаб юрди. Ўртанча ўғли госпиталда тузалиб, сафга қайтди. Фоним афандини йўқолган ва урушдаги ўғилларининг дарди барвақт қаритиб қўйди.

У ҳар соат фронтдаги янгиликларга қулоқ солиб, тўп отишмалари ва ҳаво ҳужумларидан ваҳимага ту-

шарди. Иродаси мустаҳкамлигига қарамай баъзан фарзанд ташвиши чолни ёнғиб қўярди.

Сочи оқариб, мункайиб қолган устозимни қаҳвахонада хаёл суринг ўтирганини кўрганимда раҳмим келиб кетади. Уни койишни ҳам, кўнглига далда беришини ҳам билмай, ёнига бораман-да, изтиробли хаёл суриншдан чалғитаман. Кейин иккаламиз келажак ҳақида узоқ суҳбатлашиб ўтирамиз.

## ФОИЗА НАССОР

Чеҳраси оддий деҳқон қизларини эслатиб турадиган Фоиза Нассор ва унинг эри билан 1960 йили Ажлон Собитниң Жийзадаги уйидаги танишган эдим. Юзаки қараганда унчалик чиройли кўринмаган Фоиза аслида истараликкина, нигоҳи жозибали аёл эди. Эллик ёшлар чамасидаги семиз, лапашанг эри Абду Иброҳим гаражлар хўжайнини бўлиб ишларди. У кўпинча суҳбатларимизда овсар одамдек иршайиб, жим ўтираверарди.

— Фоиза қўшнимиз, хотинимнинг энг яқин дугонаси,— деди менга Ажлон Собит.

— Эри ғалатироқми?— сўрадим мен.

— Лекин кўп пул топади. Икки фарзандлари бор. Фоиза гарчи ўқимаган бўлса ҳам яхши она.

— Шунақага ўҳшайди.

— Фоиза жуда сезгир аёл. Радио, телевизор ва дугоналарининг ёрдамида ҳозирги замон маданиятини яхши ўзлаштириб олган.

Кейинги сафар Ажлонлар уйига борганимда у ерда Фоиза билан қирқ ёшлардаги, бақувват, соғлом ва ўткир кўзли бир одам ўтиради. Уни мен «ал-Аҳром» казиносининг хўжайнини Жалол Мурсий эканлигини дарҳол танидим.

— Ўтган сафар сен Фоизанинг эри билан танишган эдинг, бу сафар эса унинг хуштори билан таниш,— деди Ажлон дангал.

Хонадагилар кулиб юборишли. Жалол Мурсий эса:

— Унинг гапига ишонманг, устоз,— деди кулги аралаш.

— Ҳали сен мендан тоняпсанми?— истиғноли ўпкаланди Фоиза.

— Ажлон рост айтди, устоз,— деди Жалол итоаткорона бош эгиб.

— Жалол Фонзанинг эри билан ҳам яқин дўст,— гап қўшди Ажлон.

Фоиза мени ўз уйига таклиф қилди. Шу баҳонада эри билан яқиндан танишиб олдим. Биз бир неча маротаба «ал-Водий» казиносига бирга бордик. Ёнимизда Жалол ҳам бўлди. Мурсийнинг Фоиза ва Абду Иброҳим билан азалдан танишликларини билиб олдим. Бироқ Абду хотинининг Жалол Мурсий билан алоқаси борлигини билиш-билмаслигини пайқай олмадим. Ажлон ҳам бу ҳақда мендан ортиқ нарса билмасди.

— Сен бойвачча, шу хилдаги муносабатларга ҳам кўнишинг керак,— танбеҳ берди менга Ажлон.

Бир куни Ажлонлар уйида тўпланишдик. Ажлоннинг хотини овқат тайёрлаш билан банд эди. Тўсатдан Ажлон мени Фоизага кўрсатиб:

— Дўстим сенга ошику-бекарор бўлиб қолибди,— деса бўладими!

Фоиза ёнимга ўтирди-да, мулойим, буғдойранг қўлларини бўйнимга ташлаб, пичирлади:

— Ростданми, менга қаранг-чи!

— Секинроқ, Фоиза, тагин уни чўчитиб юборма,— ҳазиллашди Ажлон.

— Битта шартим бор,— деди Фоиза.

— Қандай шарт экан? — сўради Ажлон.

— Фақат бир кечага... — деди Фоиза кўзимга қараб жилмаянкан, — номусли аёл учун бир эр ва бир жазман кифоя.

Фоиза шу хилда ҳазил қиласди. Лекин Жалолни ҳақиқатда ҳам яхши кўрарди. Айни вақтда эрининг ҳурматини ва болаларининг тарбиясини ҳам ўз ўрнига кўярди.

— Ўнинг табиатида бироз шуҳратпастлик бор,— деди Ажлон. — Ўқимаган бўлса ҳам иом қозонмоқчи. Фоизанинг бир нарсага жуда штиёқи баланд.

— Нима экан у?!

— Янглишимасам — санъат. Айтгандек, у сени уйига таклиф этяпти. Муҳим масала бўйича маслаҳатлашмоқчи. Нималигини борганда биламиз.

Айтилган вақтда Фоизаларнига бордик. Эри билан хуштори ҳам ўтиришган экан. Чеҳраларидан асабийлашаётганларини сездим.

Дастурхон устида Фоиза бизга мурожаат қилди:

— Гап шундаки, бир режиссёр мени ўз фильмида иштироқ этишга таклиф этяпти. Нима маслаҳат берасизлар?

Аёл кўпроқ менга қараётганини билиб:

— Бу масалани устоз Абду билан ҳал қилганингиз маъқул, — дедим.

Абду нима дейишини билмай, бошини кўтариб, бақбақасини бироз силаб турди да, сўнгра:

— Кейинги пайтларда эри бор аёллар ҳам фильмларда иштироқ этадиган бўлишган,— дея гап қўшди.

— Сизни ўша режиссёр қачон ва қаерда учратганди ўзи? — сўради Жалол Мурсий.

— У бизни яқинда сенинг казинонингда кўрган эди, — жавоб қайтарди Фоиззанинг ўрнига эри.

— Қизиқ, ўша режиссёр Фоиззани бир кўришдаёқ истеъододлилигини қандай сездийкин? — ҳайрон бўлди Жалол.

— Бу унинг иши, — деди Абду.

— Дўст сифатида Фоиззага рози бўлмаслигини маслаҳат бераман.

— Нима учун? — сўради Фоиза.

— Илгари санъатга қизиқмасдингиз-ку ахир.

— Фурсат бўлмаганди.

— Санъатга муҳаббат бирданига, бирорта режиссёр тақлинидан кейин пайдо бўлиб қолмайди, — эътиroz билдириди Жалол.

— Балки шундай пайдо бўлар? — деди Фоиза.

— Мен ҳам Фоиззанинг фикрига қўшиламан, — маъқуллади эри.

— Режиссёrlар ҳеч қачон бекордан-бекорга роль таклиф этишмайди, — ғаши келиб деди Жалол Мурсий.

— Санъат учун зарур бўлса таклиф этишади, — деди Ажлон Собит.

— Санъат учунгина эмас... — қаршилик кўрсатди Жалол Мурсий.

— Ёш бола эмасман-ку ахир, — ранжиди Фоиза.

— Мен Фоиззага ишонаман, — деди Абду.

— Барибир дўст сифатида маслаҳат бермайман, — гапида туриб олди Жалол.

— Бундай фурсат бошқа бўлмайди, — деди Фоиззанинг эри.

Худди келишиб олгандек Ажлон билан мен унинг фикрига қўшилдик.

— Менимча, Абду Иброҳим хотинининг хиёнатидан хабардор бўлса керак, — дедим мен кўчага чиққанимида.

— Шубҳасиз. Рақибига ўрнида, боплаб зарба берди да ўзиям! — хохолаб кулди Ажлон.

— Сен нима дейсан, Фонза қандай қарорга келаркин? — сўрадим мен.

— Янглишмасам, унда шуҳратпастлик муҳабатдан кучлироқ, — жавоб қайтарди Ажлон ўйланиб туриб.

У ҳақ бўлиб чиқди. Фоиза фильмларнинг бирида асосий ролни ижро этиб, яхшигина мувваффақият қозонди. Шундан кейин у яна иккита фильмга таклиф қилинди.

Жалол, Фоизадан юз ўғирди. Аёл бунга парво ҳам қилмади.

Кўп ўтмай Абду ҳам арзимаган баҳонада Фоизадан ажрашди. Бу билан у бепарволиги юзаки, ғазабини ичига ютиб юрганинн исботлади. Фоиза Замолик маҳалласидан кичкинагина, лекин шинам бир уй сотиб олиб, ўша ерга кўчиб ўтди. Бир куни Ажлон билан бирга уни кўргани бордик. Фоиза одатдагидек хушчақчақ ва бахтли кўринарди. Биз уникидан қайтаётганимида Ажлон Собит бундай деди:

— Эҳтимол, Фоиза эрида қолган болаларини соғинаётгандир. Лекин бу соғинч ҳам уни ҳозирча шуҳрат йўлидан тўхтатолмайди. Сенга шуни айтишим керакки, дехқондан чиқсан ҳар бир одамнинг, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин — ҳар қандай мувваффақияти мени тоятда хурсанд қиласди.

## ФАТҲИЙ АНИС

Кўриниши катта бошлиқ ёки зодагонларга ўхшаб кетадиган Фатҳий секретариатда ишга тушган биринчи кунимданоқ диққатимни тортди. Бироқ унинг бу ерда фақат оддий котиб бўлиб ишлаши мени ажаблантирди. Уттиз ёшлардаги, барваста, беш фарзанднинг отаси, ўрта маълумоти ҳам йўқ. Фатҳий саккиз жунайҳ маошга аранг оила тебратаркан.

— Тақдир ўйинини қара, — деганди Аббос Фавзий Фатҳий тўғрисида, — унга ташқи ишлар министрлиги қабул бўлимининг бошлиғига муносиб бўй-баст, сав-

лат ато этибди-ю, лекин бошқа томондан қисиб қўйибди. Бечора, аранг тирикчилигини ўтказиб туради.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Фатҳийнинг қарамоғида онаси, бешта фарзанди ва хотинидан ташқари, эрларидан ажрашган икки синглиси ҳам бор эди. У кўпинча Аббос Фавзий ёки Абдураҳмон Шаъбонга мурожаат қилиб:

— Сизлардан қайси бирингиз лўяли бутерброд олишим учун бир пиастр бериб турсангиз, олло сизларга у дунёда юз ҳисса қилиб қайтаради, деяётганини эшишиб қолардим.

Фатҳий идорага бирор юмуш билан бегона одам кириб келаётганини кўрган заҳоти дарҳол унинг олдига югуриб бориб:— Хизматлари борми?— дерди ва уялмай сигарета сўради.

Бир куни Абдураҳмон Шаъбон унга раҳми келиб, Аббос Фавзийга:

— Фатҳийни бирор даромадлироқ ишга ўтказмаса бўлмайди,— деди.

— Кўриб турибман. Лекин илож қаңча. Осмон узоқ, ер қаттиқ,— жавоб қайтарди Фавзий.

— Барибир бирор чора топиш керак.

— Даромадли иш молия идоралари билан омборхоналардагина бўлади. Фатҳийнинг эса бунга малакаси йўқ.

Бошлангич маълумот билан департамент директори лавозимида ишлаётганлар ҳам бор-ку!— хуноби ошди Шаъбоннинг.

— Малака деганда мен «таниш»ни назарда тутяпман. Менимча, Фатҳийнинг энг обрўли таниши дастёр Сақр амаки бўлса керак.

Фатҳий ташқи кўринишидан фойдаланиб, нажот йўлини ўзи ўйлаб топди. У қизи бор оилаларга навбат билан кириб, уларга куёв бўлиш истаги борлиги ни билдиради. Фатҳий насл-насаби суриштирилгунча хонадон эгаларининг «куёв» боп дастурхонларидан фойдаланиб қоларди. У мўлжалидаги уйга атайлаб, тушки ёки кечки овқат пайтида кириб келар ва овқатга таклиф этилиши ҳамоно шартта ўзини таомга уради. Фатҳий шу тариқа анча вақтгача қорнини тўйғазиб юрди. Унинг бу қилмиши охири ишхонадагилар қулоғига ҳам келиб етди. Бир куни Фатҳий идорага исқирт жулбобда кириб келди. Секретариат бошлиғи

Тантовий Исмоил уни ўз ҳузурига чақириб, қаттиқ койиб берди.

— Костюмим кийишга яроқсиз бўлиб қолди,— зорланди Фатҳий,— бирорта бутун тұгмаси йўқ. Янги костюм харид қилишга қурбим етмайди.

Шу-шу Фатҳий ишхонага жулбобда қатнаб юрди. Бир куни вафдчи министр тафтишга келиб қолиб, унинг нөчор аҳволидан ҳайрон бўлди. Министр Фатҳийни оддий югурдак деб ўйлагани учун уни сўроққа тутди:

— Нима, сизга иш кийими берилмаганми?

— Мен хизматчиман, жаноб министр, лекин янги костюм сотиб олишга пулим йўқ,— деди Фатҳий бечораҳоллик билан

Министр унинг маълумоти, маоши, оила аъзолари (бу вақтга келиб Фатҳийнинг фарзандлари тўққизтага етган эди) билан қизиқди ва пировардида кулиб туриб:

— Болаларни кўпайтиришдан бошқа ишингиз йўқми?— дели.

— Мен вафдчилар тарафлориман, жаноб министр, вафд партияси давлат тепасида экан, болаларим ҳеч қачон кўчада қолмайди,— деди Фатҳий ҳозиржавоблик билан.

Министр истисно равишида унга бир йўла икки баравар қўшимча ҳақ тўлашни буюрди. Бундан ташқари моддий ёрдам кўрсатишида.

Шундан сўнг Фатҳий янги костюм сотиб олди. Лекин барибир унинг аҳволи нөчорлигича қолаверди.

Бир куни Сақр амаки менга қаҳва узатаётисб:

— Ниҳоят бечоранинг омади келди,— деб қолди.

— Қимнинг? Фатҳийними?

— Ҳа. У бадавлат бир тул хотинга уйланди.

— Ростданми? Ёшли у хотин?

— Энди олтмишга кирибди. Кўриниши мўмиё дейсиз,— деди Сақр амаки кулиб.

Сақр амакининг гапи тўғри бўлиб чиқди. Фатҳий бадавлат бир кампирга уйланган экан. Айтишларича, у хотин, бола-чақасининг розилиги билан никоҳдан ўтибди. Шундан сўнг Фатҳий анча ўзини тутиб олиб, кийим-бошига сон кирди. Оч-наҳор юрмайдиган бўлди. Бир куни Аббос Фавзий уни мазаҳ қилиб сўради:

— Хўш, мўмиё билан қалай яшаяпсиз?

Фатҳий шартта тўғрисини айтиб қўя қолди:

— Бир ўтиришда учтўрт хия янги қовурилган гўшт еб, беш қадаҳ виски ичиб юборганингдан кейин мўмиё у ёқда турсин, жодуғарнинг ўзи билан ҳам яшайвераркансан.

1948 йили Фаластин урушидан кейин кампир унга катта мол мулк мерос қолдириб дунёдан ўтди. Фатҳий кўп ўтмаёқ ишдан бўшаб, Тавфиқияда катта қаҳвахона очди. Бир-икки йил фойда ўрнига зиён кўриб юрди. Йўл-йўриқни ўрганиб олгандан кейин иши ривожланиб кетди.

Сақр амаки қамоқдан чиқиб, бизга янти хабар олиб келмагунча, Фатҳий ҳақида ҳеч нарса эшитмадик. Сақр амаки айтишича, Фатҳий ҳаддан ташқари бўйиб кетибди, ўн иккитага етган фарзандлари мактаб ва институтларда ўқишаётганниш. Италиялик бир раққоса билан ҳам топишиб олибди.

— У ҳозир олтминш беш ёшда,— деди Сақр амаки,— лекин кўриниши бинойидай. Қаерга бўлмасин италиялик раққоса билан бирга боради. Эртакларда айтилгандай Фатҳий тўрт мучали соғ, мурод мақсадига етиб юрибди.

## ҚАДРИЙ РИЗҚ

Мен у билан 1948 йилнинг бошларида Адлий Баракотнинг ҳашаматли меҳмонхонасида танишгандим. Ушанда Қадрий ўттиз ёшларда эди. Йигилишларимизга суворийлар кийимида келар ва ўз ҳазилкашлиги ва қувноқлиги билан кечамизга алоҳида руҳ баҳш этарди. Сиёсат ва ижтимоий масалалар билан деярли қизиқмасди. Агар Мустафо Наҳҳосга уюштирилган сунқасд бўлмаганида, унинг вафд партиясига хайриҳоҳ эканлигини билмас эдим. Отаси вафд партияси ҳайъатининг аъзоси бўлган экан. Бу партияга мойиллик отасидан мерос қолган.

Қадрий келишган, буғдоиранг, очиқ чехра йигит бўлиб, доим ороиш бериб юрадиган мўйлови ўзига ярашиб турарди. Баракотнинг уйидаги базмларимизда иштирок этувчи аёллар унга ҳавас билан қарашарди.

Қадрий бир қанча вақт қўринмай кетди. 1948 йил урушидан кейин яна Баракотлар уйида пайдо бўлди. Лекин унинг чеҳрасида илгариги хушчақчақликдан асар ҳам қолмаган, аксинча, ҳар нарсага жаҳли чиқа-

верарди. Ризо Ҳамода иккаламиз Қадрийдан бундай ўзгариб қолиши сабабини сурештирилди.

Ү гапни чўзиб ўтирмай, қисқагина жавоб қайтарди:

— Армиямизни разилона ҳароб этишди. Натижада ишончли таянчимиздан маҳрум бўлдик. Бунга лоқайд қараб бўлмайди.

— Фалужия урушида биз енгилмадик. Аксинча, ғалаба қозондик-ку,— дедим мен.

— Йўқ, биз енгилдик. Енгилганда ҳам икки тарафлама: ташқи ва ички душманлар томонидан енгилдик,— чўрт кесди Қадрий.

— Бу мағлубият қирол зулмига шароит яратиб берган озчилик партияларнинг қилмиши натижасидир,— деди Ризо Ҳамода ғазаб билан.

— Халқ истагини амалга ошироимаган вафд партиясининг ожизлиги ҳам енгилишинизда катта роль ўйнади,— қўшимча қилди Қадрий Ризқ.

— Вафд ҳамма вақт халқнинг революционлигига таяниб иш кўриб келган. Эндиликда халқ ўз революционлигини йўқотди,— деб эътиroz билдириди Ризо Ҳамода.

Бу гапдан Қадрий Ризқ феълига хилоф равишда тутикашиб кетди:

— Халқ революционлигининг йўқ бўлиб кетишига аввало вафд партияси айборд.

Уша кунлари биз Қадрий билан Адлийлар уйида тез-тез учрашиб турдик. У ҳам биз каби Адлийни ўз-ўзини ўлдиришга олиб келганди руҳий тушкунлиги нинг шоҳиди бўлди. Адлий вафотидан кейин ҳам Қадрий Ризо Ҳамода уйидаги ёки ал-Фийшовий қаҳваконасидаги учрашувларимизни канда этмади. У 1952 йил июль революциясида «Озод офицерлар» ташкилотининг аъзоси эканлиги маълум бўлди. Биз Қадрийнинг шу қадар сир сақлай олишига қойил қолдик. Революцияга ўтар кечқурун у биз билан «ал-Фийшовий» қаҳваконасида эди. Одатдагидек ҳамма билан ҳазиллашиб, шод-хуррам ўтирди. Ярим кечада Қадрий билан Аббосияга пиёда қайтдик. Мен Аббосиянинг ғарбиға, у эса, назаримда Аҳмад Моҳир кўчасидаги уйига йўл олди. Аслида Қадрий ўша кеча уйига эмас, балки чорраҳаларни эгаллаб олиш тайинланган бўлинмага командирлик қилиш учун Мансият ал-Бикрога боргак экан. У қиролнинг афдарилиши пайтида биз билан уч-

рашиш имкониятига эга бўлмай, бир мунча вақтдан кейингина яна орамизда пайдо бўлди. Қадрийнинг ҳарбий унвони оширилган эди. Бирин-кетин ер ислоҳоти, инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши каби ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Бу орада биз у билан Ризо Ҳамода (қамоққа олингунга қадар) уйида ёки бизнида ё ал-Фийшовий қаҳвахонасида учрашиб турдик. Суҳбатларимиз фақат сиёсат тўғрисида борради, чунки бошқа мавзуда баҳслашишнинг қизиги ҳам йўқ эди. Баҳслашувлар мобайнида ҳеч Қандай ихтилофга бормадик. Революция дилимизда баҳтли, порлоқ келажакка ишонч уйғотганди.

Халқ тараққиётiga тўсқинлик қилаётган қирол, инглизлар ва сотқин ҳукумат маҳв этилди. Ҳокимияг халқнинг ҳақиқий вакиллари қўлига ўтди. Разолат, фисқу-фасод йўқ қилиниб, ислоҳот ва тараққиёт даври бошланди.

Ниҳоят озодлик, тараққиёт ва адолат тантана қилиб, асрлар мобайнида фақирлик, истибодд ва зулматда яшаган халқ ўз орзу-умидларига эришди, деб ўйладик. Лекин янги ҳукуматнинг вафд партиясига хуружи бизни ажаблантирди. Ризо Ҳамода қамоққа олинмасдан бир неча кун илгари Қадрий Ризқдан: «Вафд партиясидан таянч сифатида фойдаланиш оқи-лона иш бўлмасми?»— деб сўрагзним ёдимда.

Бундан ташқари Америка ҳам бизга кўз олайтириб, яқин Шарқда Англиянинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қўлмоқда эди. Янги тузумнинг АҚШ томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши ташвишимизни янада оширди.

— Америкадан хавфсирашимиз беҳуда. Ундан ҳеч қачон зиён кўрмаганмиз. Раҳбарларимизнинг ватанпарварлик туйғулари энг ишончли гаровдир,— деди Қадрий Ризқ бизга далда бериб.

Барча сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ва коммунистлар мағлубиятга учради. Қадрий ҳукуматнинг бу тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этди.

— Ҳеч тушиунолмай қолдим. Сизлар кимсиз, мақсадингиз нима?— сўрадим бир куни ундан.

Қадрий кулди-да, бироз ўйланиб туриб:

— Биз ватанпарварлармиз, араб бирлиги ва революция тарафдорларимиз, шунингдек, разолат, тассус ва шаккоклар душманимиз,— деб жавоб қай-

тарли. Сўнгра ўша кўстаринки руҳ билан давом этди:— Мақсадимиз халқни ҳар қандай зулмдан озод қилиб, уни очлик, камбағаллик ва касалликдан холос этиш, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаб олишга ёрдам бериш.

Ризо Ҳамоданинг қамалиши, хотини ва боласи-нинг бевақт ўлими ҳаммамизни чуқур қайғуга солди. Метин иродали, сабр тоқатли дўстимиз тақдирнинг бу зарбаларига мардона чидашига заррача шубҳа қилмадик. Қадрий Ризқ ҳам унинг мардлигига қойил-қолиб, Зуҳайр Комил каби шахслар Ризо Ҳамода билан ёнма-ён яшаб, бирга нафас олаётганларига тааж-жубланди.

Шарқий блокдаги мамлакатлардан қурол-яроғ со-тиб олиш, Сувайш капалини миллийлаштириш каби муҳим тадбирлар амалга оширила бошланди. Бу да-дил қадамдан Қадрий Ризқ ҳам, биз ҳам ғоятда хур-санд эдик.

— Кўрдингизми?— деди Қадрий,— биз руслар ҳам, америкаликлар ҳам эмас, аввало мисрликлармиз.

Қадрий Ризқ келиб-келиб йирик феодалнинг қи-зига уйланди. Унинг ушбу қадами гарчи икки ёшнинг ўзаро ҳиссиётлари нуқтаи-назаридан унчалик аҳами-ятга эга бўлмаса-да, тушунтиришни талаб қиласарди. Қадрий революция ишига қанчалик содиқ бўлмасин, ўша оила билан қариндошлигидан фахрланаётгани сезилиб қолди.

— Янги синф эскисининг ўрнини эгаллашга тайёр-гарлик кўрмоқда,— деди Ризо Ҳамода бу ҳолатни ўзича талқин қилиб.

Учлар тажовузи вақтида Қадрий оёғидан яраланиб, чап кўзидан ажралди. Шу сабабли ҳарбий хизматни тарк этишга мажбур бўлди. У миллий планлаштириш министрлиги қошидаги маданият бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Қадрий умрида биринчи марта ма-даният ишлари билан қизиқа бошлади. Қундузи ишлаб кечалари ўқиди.

Социалистик қонунлар эълон қилинганда, мадани-ятга қандай қизиққан бўлса, социализмни ҳам шундай иштиёқ билан ўргана бошлади. У революцияга содиқ қолиб, барча революцион топшириқларни астойдил бажариб юрди.

Қадрийнинг фаолиятида буржуйча тойишлар ҳам бор эди, албатта. Бу унинг риёкорлиги ёки қўрқоқли-

ги оқибати әмас асло. Қадрий революцияга, унинг ишларига охиригача солиқ қолди. Мен уни энг җалол, оқкүнгил одамлардан бири деб биламан.

Қадрий революция хиёнаткорларига қарши аёвсиз кураш олиб борди.

1967 йил, 5 июнь мағлубияти биз қатори уни ҳам эсанкиратиб қўйди.

— Наҳотки шонли тарихимиз, шунча меҳнатимиз барбод бўлса?! Наҳотки биз реакция ва империалистлар олдида яна тиз чўксак?!— деб ташвишга туша бошлади.

Қадрий бор кучи билан пучга чиқаётган умидини тиклаш ва мағлубиятни сабоқ ўрнида қабул қилишга уринди. Урушнинг аччиқ оқибатидан тўғри холоса чиқариш учун мағлубият сабабларини ўргана бошлади. Енгилиш вақтинча эканлигини англаб етди. Бу жиҳатдан у доктор Азмий Шокир ва доктор Содиқ Абдулҳамилларга ўхшарди.

— Арабларнинг ҳозирги мағлубияти,— деганди Қадрий,— империализм ва реакцияга қарши курашдаги вақтинчалик чекиниш, холос. Қуёш бир умр булат остида қолиб кетмайди. Мўгуллар ҳам салбчилар ҳам, инглизлар ҳам келди-ю, кетди. Араб миллати эса қолди.

Зарурий уйғониш даври ўз йўлида қоқилмаслиги учун революциянинг яшани ва узил-кесил ғалаба қозонишини истади. Фронтдаги умумий ҳолатни диққат билан кузатиб бораркан, армиядаги жанговар тайёргарлик замонавий даражага етажаги, албатта, интиқом вақти етиб келишига қаттиқ ишонди.

Қадрий Ризқ июль революциясининг ҳурматга сазовор фидоийсидир. Эҳтимол уни том маънодаги революционер деб бўлмас. Лекин Қадрийнинг босиб ўтган йўли, эътиқоди революцияга хизмат қилди. У хусусий мулк ва уни вужудга келтирадиган омилларга ишонган каби ижтимоий адолатга ҳам ишонди. Бир томондан динга ишонса, иккинчи томондан илмий социализм ва араб бирлигини олқишилади. Ватан, илм, классик мерос ва мутлоқ ҳукмни тан олиш билан бирга халқ қонун-қоидаларини ҳурматлади.

Қадрий Ризқ ҳар сафар оқсоқланниб ёнимга келганида ва соғ кўзи билан менга термулиб турганида, уни катта эҳтиром билан қарши оламан.

## КОМИЛ РАМЗИЙ

Доктор Комил билан 1965 йили доктор Азмий Шокирнинг уйида танишдим. У беш йил қамоқ муддатини ўтаб, эндигина озодликка чиққан экан. Баланд бўйли, қотма, ярғоқ, боши катта, митти кўз, эллик ёшлар чамасидаги Комил Рамзий қамоққа олинмасдан илгарироқ иқтисод фанлари доктори даражасига сазовор бўлиб, савдо факультетида дарс берар экан.

— Сизнинг «Иқтисодий назариялар» китобингизни зўр қизиқиш билан ўқидим. Уидан анча баҳраманд бўлдим,— дедим унга.

— Университет муҳити менга жуда мос эди-ю, лекин қўйишмади,— афсуслангандай бўлди Комил.

— У қандайдир сиёсий хатоға йўл қўйганликда айбланди,— деди Азмий Шокир.— Аслида Комил ижоди илмий изланишлар донрасидан ҳеч қачон четга чиқмаганди.

Биз бир-биримиз билан танишган ҳафтанинг ўзидаёт Комил Рамзий юқори лавозимга ишга тайинләнди. Мен уни Ризо Ҳамода, Содиқ Абдулҳамид ва Қадрий Ризқ каби ўртоқларим билан таништириб қўйдим. Улар Докторни яхши қабул қилишди. Аммо Доктор ошналаримнинг бирортаси билан ҳам яқиндан дўстлашмади:

Урта маълумотни Англияда олган Комил Рамзий билимдонлиги, фикри тиниқ ва тўғри сўзлиги билан катта эътибор қозонганди. У ижтимоий ва сиёсий масалаларни ҳаётдан мисоллар келтириб аниқ ва равshan баён этарди. Мунозара пайтида Комилга тенг келадиган киши деярли топилмасди. Баҳслашув чоғида ҳеч иккиланмай ўзига шундай қатъий ишонч билан гапирадики, унча-мунча одам унинг фикрига қарши чиқишига ботинолмасди. Борди-ю, кимда-ким унинг фикрига эътиroz билдиrsa, шўри қуриди деяверинг. Доктор дарҳол мунозарадошига қарши салмоқли далиллар келтириб, уни мантиқан мот қилиб қўярди.

Бу ўринда Комил кўп жиҳатдан Абдулваҳоб Исмоилга ўхшаб кетарди. Шуннинг учун ҳам бир куни доктор Азмий Шокирга қараб:

— Комил ҳақиқий олим. Лекин мутаассиб тақвадорларча ғикр юритиши менга ёқмайди,— дедим.

— Ҳа, ҳақиқатда ҳам у мутаассиб, баҳслашувда

ўта қизиққон,— фикримни маъқуллади Азмий.— Қизиққонлигининг асосий сабаби қамоқдалигига асаби нинг бўшашиб қолганлигига.

Рамзий иккаламиз дўстлашиб кетганимиздан кейин унинг хотини билан ҳам танишдим. Бу аёл иқтисод фанлари доктори бўлиб, савдо факультетидаги ўқитувчилик қиларкан. Ҳақиқий мисрлик аёлнинг ажойиб намунасини ўзида акс эттирган бу олимга, оқила ва маданиятлилиги билан бошқалардан ажралиб турарди

Ўта содда феълли Доктор одмигина кийинар, таом танламас, ичиш-чекишга иштиёқи йўқ эди. Кўп гапир масди ҳам. Узининг айтишича, уйланганига қадар бирор аёл билан танишмаган. Англияда ўқиб юрган чоғларida ҳам йўлдан урувчи аёлларга чап бера олган экан.

Диалектик материализмга тамомила ишонган Комилнинг рўза тутиши мени ажаблантирарди. Шу бонас бир куни ундан:— Буни қандай тушунса бўлади, Доктор?— деб сўрасам, Рамзийнинг жавоби қўйидагича бўлди:

— Отам ишчи, ўта тақводор эди. У бизни ёшлиқданоқ диний руҳда тарбиялагани учун итоаткор бўлиб ўсдик. Менга келсак, исломнинг эътиқодимга зид бўлмаган қонун-қоидаларига риоя қилиб келаман. Қалимий одат — рўза тутишнинг ҳеч қандай заарли томони бўлмаса керак. Урф-одатларни буткул динга боғлаш тўғри эмас.

Мен Комилни Заҳрон Ҳассуна билан хаёлан таққослаб, иккалалари ўртасида катта тафовут борлигидан ажабландим. Уларнинг бири фаришта, бири шайтонга ўхшарди.

— Ҳаётимиз асли қарама-қаршиликларга тўла экан,— дедим таажжубланиб.

— Энг муҳими — келажак учун хизмат қилиш.

— Сиз коммунизмга ишонасизми?

— Ҳа.

— Сиз ҳақиқий вазифасини бажараётган революцияга ўзингиизни содиқ деб ҳисоблайсизми?

— Мен меҳнат учун яратилганман, бинобарин ўзимни меҳнатсиз тасаввур этолмайман,— жавоб қайтарди Комил Рамзий.

— Мени сизнинг революцияга садоқатингиз қизиқтиради.

Рамзий чуқур нафас олгаң:

— Риёкорлик менга ёт, модомики революция муасасасида ишлаётган эканман, унга хиёнат қилмайман,— деди.

— Фоят мамнунман, лекин ниманидир охиригача гапирмаётганга ўхшайсиз.

— Баракалла, сезисиз. Мен революцияга содиқман. Лекин унга узил-кесил ишонмайман. Менимча, бу революция ҳақиқий революция учун йўл очиб беряпти.

— Сизнинг нуқтаи-назарингиз бир вақтлар мана шу одам тутган нуқтаи-назарни эслатади,— дедим дўстимиз Азмий Шокир томонга ишора қилиб.

Гарчи доктор Рамзий гапимдан кулиб юборган бўлса-да, кескин жавоб қайтарди:

— Азмийлар жанг бошланмасдан туриб таслим бўлишди. Биз эса, кураш беҳуда эканлигини англатанимиздан кейингина ҳозирги вазият билан келишишга мажбур бўлдик.

— Борди-ю Азмий келажакни олдиндан кўра олган бўлса-чи?

— У ҳолда маъзур тутасиз, бу хилдаги келажакни кўра билишга минг лаънат!

Азмий Шокир ҳам, Ризо Ҳамода ҳам ўрталарида ғоявий ихтилоф бўлишига қарамай Комил Рамзийга қойил қолишарди.

Рамзий шахсиятини чуқурроқ англаб, унга тўғри баҳо беришни истардик.

— Мен бир хизматчининг мансабини оширишни илтимос қилгандим, у «Ўртага тушиш номаъқул иш», деб илтимосимни рад этди. Ушанда гарчи аввал ранжиган бўлсан ҳам, барибир кейинчалик Комилга нисбатан ҳурматим янада ошди,— деди бир куни Ризо Ҳамода.

Азмий Шокир ҳам шунга ўхашаш бир воқеани айтиб берди:

— Министр бир танишини ишга олишни таклиф этган экан, «бу адолатсизлик бўлади», деб унинг илтимосини бажармабди.

— Ўз министрининг илтимосини-я?!

— У бамисоли метин одам. Бироқ шу феъли билан ўз ўрнида узоқ ишлаб кетишига мутлақо ишонмайман.

— Наҳотки ҳалол одамни келишувчилик қилма-

гани учун ишдан ҳайдашса?— деб сўради ишонқира-  
май Ризо Ҳамода.

— Келишувчан одами ишдан ҳайдашга қара-  
ганда ҳалол одами ҳайдаш минг чандон осон.

Ҳақиқатан ҳам идорада уни оддий фаррошдан тор-  
тиб, министргача ҳеч ким ҳурмат қилмаслигини Рам-  
зийнинг ўзи тан олди:

— Бир вақтнинг ўзида ҳам шахсий, ҳам жамият  
манфаатини кўзлаб ишлолмайман. Ҳар иккаласини  
бирга олиб бориш учун менинг ўрнимга ишончли хиз-  
матчи эмас, балки бирор лўттибоз ишлаши керак.  
Ошина-офайнигарчилик, риёкорлик, муросасозлик қони-  
мизда бор. Бир вақтлар биз Мустафо Наҳкосни ҳа-  
лол ва кучли ирода эгаси бўлганлиги учун ҳурмат қи-  
лардик. Ваҳоланки, бу икки хислат ҳар бир инсонда  
бўлиши шарт.

— Сиз Мустафо Наҳкосни чиндан ҳам ҳурмат қи-  
лармидингиз?— деб сўрадим Комилдан.

— Мен вафдчи эдим, гарчи бу партияга нисбатан  
ишончим йўқолган бўлса ҳам, анча вақтгача ҳурмати  
дилимда сақланиб қолди,— деб жавоб қайтарди у  
одатдаги тўғри сўзлик билан. Сўнгра жиддий қиёфада  
қўшиб қўйди:

— Вафд тўғрисида ҳар нарса дейишингиз мумкин.  
Лекин шуни унутмаслик керакки, у ҳақиқатан ҳалқ  
партияси эди. Вафд ўз сиёсатини баъзан ўрта мактаб  
ўқувчиларининг хоҳишлирига қараб ҳам ўзгартира-  
ди.

Кейин Рамзий менга 1935 йил воқеалари, Мустафо  
Наҳкоснинг талабалар делегациясини ёқлаб, қандай  
қизғин мунозаралар олиб боргани, вафд партияси Тав-  
фиқ Насим ҳукуматини тан олмай, Макрам Убайд  
макри натижасида ҳалқни курашга чорлагани, ора-  
дан бир соат ўтар-ўтмас кўчаларда қонли тўқнашув-  
лар бўлганлиги ҳақида гапириб берди.

Азмий Шокир айтганидек, Комил Рамзий ўз ман-  
сабида узоқ ишлай олмади. Бир йил ичидан унинг  
қаттиққўллиги, талабчанлиги ва ҳалоллигидан нолув-  
чилар кўпайиб кетди. Хуллас, Комилни журналистика  
соҳасига ишга ўтказиш йўли билан ундан қутулишди.

Бундан душманлар шод, дўстлар хафа бўлишиди.  
Мен секретариатимизнинг собиқ бошлиги Тантовий  
Исмоил ва доктор Сурур Абдулбоқийлар тақдирини  
эслаб, бу янгиликдан заррача ажабланмадим. Чунки

Қомил Рамзийга ўхшаш ҳалол одамлар мансабпаст, порахёр ва риёкорлар кўзига тушган зирапча эканлиги мен учун янгилик эмас эди. Бундай ҳалол, пок одамлар иродаси бўш, нафси бузуқларни фош этиб душманларини ўчакиширадилар. Шунинг учун ҳам Рамзийнинг ишдан бўшатилишига унинг дўстларидан ташқари ҳеч ким ачинмади. Қомилнинг ўзи эса ниҳоятда норози бўлиб, ишдан бўшатилиши ҳақидаги қарорни «соғлом фикр доирасига сифмайдиган, ҳаётнинг ҳеч бир қонунига тўғри келмайдиган бемаъни қарор», деб баҳолади. Аммо зарба унинг иродасини бу колмади. Аксинча, ижод учун қулай имконият туғилди. Имкониятдан фойдаланиб Рамзий сиёсий лугат тузишга бел боғлади. У зулмат ичра нур бўлиб қолди.

## ҚОМИЛИЯ ЗАҲРОН

Қомилия Заҳрон хушбичим кўйлакда, чиройли қирқилган қора соchlарини силкиллатиб секретариатимизга кириб келди. Мен беихтиёр Абда Сулаймонни эсладим... 1944 йил билан 1965 йил ўртасида кўп вақт ўтди. Тантовий Исмоил, Аббос Фавзий, Адлий ал-Муаззин, Абдураҳмон Шаъбон ва Сақр амаки кабилар бугун орамизда йўқ. Секретарнатимизда анчагина ёшлар пайдо бўлишди. Аксарияти қизлар. Уларни бир гулдастага ўхшатсак, шу гулдаста ичиде энг тароватлиси, энг жозибадори яқиндагина келган Қомилия Заҳрон эди. Қизлар бирин-сирин турмушга чиқишли. Лекин ўзимиздаги йигитларга эмас. Улардан фақат биттасигина ҳуқуқшунослик бўлимидаги ҳамкасбига турмушга чиқди. Аммо қизларнинг бирортаси ҳам ишини ташлаб кетгани йўқ.

Ҳуқуқшунослик маълумотига эга, йигирма уч ёшли Қомилия Заҳрон бизга оддий котибликка қабул қилинганидан норози бўлиб юрарди. Чунки университетда олган билими зое кетиши мумкин эди.

Унинг очиқ чеҳра билан дадил боқишлиарни кузатиш менга ҳузур бағишиларди. Бу қарашлар итоаткор, лоқайд аёллар нигоҳидан катта фарқ қилиб, ҳаётий тажрибадан далолат берарди. Қомилия баъзи соҳаларни ёнидаги ҳамкасб эркаклардан кам билмасди.

Кўп ўтмай эркаклар билан аёллар ўртасидаги тортиниш ва ётсираш йўқолди. Лекин муомала одоб доирасидан четга чиқмади. Чунки ҳар ким ҳам эртасини

ўйлар, ота-боболаримиз удумига қаттиқ риоя қиларди.

— Езги дам олиш мавсуми тугаши биланоқ, ҳамкасларимдан бири:

— Сиз, эҳтимол, Комиля Захрон ажойиб раққоса эканлигини билмассиз-а? — деб сүради,

— Раққоса?! — ҳайрон бўлдим мен.

— Уни Хонувилда бир йигит билэн рақс тушаётганини кўрдим.

— Бир вақтлар айб ҳисобланган нарсалар ҳозир одат тусига кирган,— дедим Комиляни ҳимоя қилиб.

— Бу хўлдаги қизларга кимлар уйланиши мумкинлигини тасаввур этяпман.

— Замонамиизда кўпхотинликлар йўқолиб бораётгандек, қўйди-чиқдилар ҳам камайиб кетмоқда.

— Қекса бўлсангиз ҳам, замонавий эканлигиниз кўриниб турибди,— деди кулиб ҳамкасбим.

— Мен мана шу ёшлардек ҳаёт кечиришни истардим. Уларга яшаш осон бўлганлиги учун эмас, балки илгариги кўр-кўrona хурофотлардан холи бўлганликлари сабабли.

Бу фикримни эски қадрдонларим ичидаги энг мутассиби ҳисобланган Ризо Ҳамодага ҳам айтган эдим, у:

— Сен нимани назарда тутяпсан? — деб сўради.

— Ҳар икки тарафнинг ўзаро розилиги билан амалга ошириладиган «улфатчилик» нафсини тишиш ёки бузуқлар қўйнида ётишдан минг марта афзал.

— Менимча, пок севги ҳам худди демократия сингари ўз даврини ўтаб бўлган комедияга ўхшайди,— деди Ризо ишончсизлик билан.

Бўлнимиздаги ёшларнинг гапларига қулоқ солиб юриб, бошқаларга нисбатан замонавийроқ ҳисобланган Комиля тўғрисида кўп нарса билиб олдим. У ўртаҳол оиласда тарбия топган экан. Беш опа-сингил ичидаги биринчи бўлиб ишлашга жазм этибди. Қизлари ишлайдиган оиласларда юз берувчи муаммолар, шунингдек, ҳаётга мустақил қадам қўйиб, ўзи ва оила учун жавобгарликни бўйнига олган ёш қизлар йўлидаги тўсиқлар, янгича ҳаёт сарф-харажатлари ва муносиб жуфт топишда ҳал қилиниши зарур бўлган қийинчиликларни тасаввур этиш қийин эмас. Шу нуқтадан назардан Комиля ҳаётга юзаки қарайди. Воқеликни қандай бўлса шундайлигича қабул қиласди. Дин ва

революциянинг фойдаю зарари билан иши йўқ. Унинг энг олий мақсади — шахсий ҳаётини тўғри йўлга қўйиш. Шахсий ҳаёт эса севги, турмушга чиқиш ва замонавий маданиятдан баҳраманд бўлишдир.

Дин, фалсафа ёки сиёсатга астойдил қизиқадиган аёллар секретариатимизда кам. Бунга, эҳтимол, искеъдодли аёлларининг кўпчилиги университет ва жамоат ишларида олиб қолиниб, бизнинг министрликка жайдарилари келишгани сабабчи бўлса керак. Бу борада доктор Зуҳайр Қомилнинг ўз нуқтаи назари бор.

— Аёллар фалсафа ва назариялар билан қизиқмайдилар. Зоро назария билан фалсафа уларниң кундалик ҳаётига тўскенилик қизлади. Аёл аввало яратиш ва шунга боғлиқ ишлар билан банд бўлади. Аёл — мөҳир бунёдкор. Бунёд этиши — аёл ҳаётининг маъносини ташкил этади. Бунёд этишдан ўзга фаолият устунилника интилувчи эркак зиммасига тушади. Демак, биз эркаклар фақат мавжуд ҳаётимиз ҳақида бош қотириш учун яратилганмиз. Бундан бошқаси бекорчи гап. Абадийлик дорилбақода бўлиши керак. Агар динлар илоҳни аёл қиёфасида тасвирлаганда эди, бизни ҳақиқий баҳтии англаш ҳикмати билан бойитган бўларди.

Эҳтимол, бу фикрларни Зуҳайр Қомил назариясига эмас, унинг шахсий ҳаётига татбиқ этганимиз тўғри бўлар. Чунки Зуҳайр чет элга кетиб қолган хотини ва қизини соғиниш билан бирга Наима хонимга ҳам муҳаббат қўйган эди.

Июнь мағлубиятидан кейин мамлакат бошига оғир қунлар тушган бир пайтда ҳамкасларимдан бири келиб:

— Уруш воқеаларига алоқаси бўлмаган муҳим янгилик бор,— деди.

— Нима гап? — сўрадим мен.

— Комилия Заҳрон бошлиғимиз билан «улфатчилик» қилаётганмиш.

Бошлиғимиз қирқ ёшларга кирган бўлиб, болачали ҳамда дурустгина ота эди. Унинг оиласига ғамхўрлиги ҳаммамизга ёқарди.

— Фийбат бўлса керак! — дедим ишонмай.

— Шамол бўлмаса дарахтнинг барги қимиirlамайди.

— Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Ҳайронман. Бир-бирларини севиб қолган бўлишса ҳам ажаб эмас. Агар шу рост бўлса, туппа-тузук бир оила бузилиб кетиши турган гап.

— Наҳотки кексаларимиздаги «фурсатдан фойдаланиш» касали ёшларимизга мерос бўлиб қолаётган бўлса!?

— Йўлдан оздирувчи аёллар эндиликда ниҳоятда талабчан бўлиб кетишган.

Бу орада Комиля билан бошлиғимиз ўртасидаги мишишлар янам зўрайиб кетди. Комиля ҳуқуқшунослик бўлимига кўчирилганда гина узун-қулоқ гапларнинг ростлиги тасдиқланди. Бироқ бошлиқнинг оиласи бузилмади, янгиси вужудга келмади.

Секретариатимизга бошлиқ этиб тайинланган Сабрий Жодд билан Комиля ўртасида ҳақиқий муҳаббат пайдо бўлди. Дастреб Комиля енгил табиатлироқ кўринган бўлса ҳам, Сабрий уни астойдил яхши кўриб қолди. Комиля ҳам унга кўнгил қўйди. Кўп ўтмай улар никоҳдан ўтишди.

Шахсан мен ҳар иккала ёшни жиддий масъулиятига даъват этувчи, инсон хулқини қайта тикловчи, уларнинг ҳақиқий ҳаёт карвонига қўшиб юборувчи ушбу хайрли ишдан ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Инсоннинг ахлоқий поклиги унинг ўзига қанчалик боғлиқ бўлса, уни ўраб турган муҳитга ҳам шунчалик боғлиқ эканлигига кундан-кунга ишончим комил бўлиб бормоқда. Агар биз гул ўстиromoқчи бўлсак, аввали уни нур ва тоза ҳаво билан таъминламоғимиз керак экан.

## МОҲИР АБДУЛҚАРИМ

Мен 1930 йили университетга кирганимда ўттиз ёшидаёқ илм соҳасида катта муваффақиятларга эришган ҳамда ўқитувчилар орасида обрў қозонган Моҳир Абдулкарим факультетда профессор ёрдамчиси бўлиб ишларди. Хушфеъл, софдил ва адолатлилиги билан талабалар орасида бу қадар катта ҳурматга сазовор бўлган бирорта ўқитувчини билмайман. У бадавлат ва «Ватан» партиясиiga садоқатли оилада тарбияланган бўлиб, ўзи ҳам оила анъанаси бўйича шу партияга мойил эди. Буни билсак ҳам Моҳирга нисбатан заррача довратимиз йўқ эди. Уни ўша-ўша ҳурмат қилишни қўймасдик. Бироқ доктор Моҳирнинг ўзи қайси партия тарафдори, қайсисиига бетарафу, қай бирита душманлигини сездирмасди. Умуман бутун фаолияти илм билан хайрли ишларга қаратилганди.

Бир куни Иброҳим Ақл бизга ёрилиб қолди:

— Агар ҳамма бойлар ҳам Мөҳир Абдулкарим қаби олижаноб бўлишса, фақат бойларнигина намунали инсонлар ҳисоблардим.

Қўли очиқликда у бамисоли Хотамтой. Мұхтоҗларга ёрдам қилганини ҳеч қачон, ҳеч кимга билдири майди. Мөҳирнинг бирор нарсадан жаҳли чиққани, қизишганини кўрмаганман ёки овозини кўтарганини эшиитмаганман. У ҳамма вақт — илмий, сиёсий ва адабий тортишувларда ҳам — совуққои ва хотиржам. Кулги аrimас чеҳраси фақат чиройли сўзлаш ва хушмуомалаликни ифодалаш учун яратилгандек.

Доктор Мөҳир Абдулкаримнинг ал-Мунирадаги қадимги салони олимлар, ёзувчилар ва танқидчиларнинг доимий учрашиб турадиган жойи бўлиб, бу учрашувларда ҳатто талабалар ҳам иштирок этишарди. У талабаларни йирик олимлар билан таништириб қўйир ва шогирдларини ўз тенгқўрлариdek кўрарди. Докторнинг уйида қанчадан-қанча аҳли-илм, санъаткор ва ёзувчилар билан танишишга мусассар бўлганман. Бу салондаги суҳбатларда одатда санъат, адабиёт ва маданият мавзуларидан четга чиқилмас, айрим ҳоллардагина сиёsat тўғрисида гапириларди. Шундай бўлса ҳам устоз Солим Жабр 1931 йилги учрашувларимизнинг бирида — у Франциядан энди қайтиб келган пайт эди — синфий тафовутлар ҳақида гапиришдан ўзини тийиб туролмади:

— Баъзи француزلар ҳалқимизнинг оғир аҳволга тушиб қолишида ўзимизни айбламоқдалар.

Шунда Доктор оҳиста кулди-да:

— Менимча, бу жуда ачинарли ҳол,— деди мулоҳим оҳангда.

— Сиз у ерда, эҳтимол, Франциянинг ўзи ҳам ёқмайдиган радикал тоифадаги одамлар билан учрашгандирсиз. Инсоннинг маданияти унинг моддий бойлиги билан эмас, балки маънавий, руҳий бойлиги билан ўлчанади. Шахсан мен Форд ёки Рокфеллердан кўра, камбағал ҳиндини олиҳиммат деб биламан,— деди Иброҳим Ақл Солим Жабрга жавобан.

Солим Жабр қизишиб кетиб, Иброҳим Ақлни муттаассиблик ва унинг фикрича, шарқнинг қолоқлигига асосий сабабчи бўлган суфийликда айблади.

Мөҳир Абдулкарим эса Солим Жабрнинг фикрига қўшилмади. У ислом дини инсониятни ижтимоий адо-

латга эриштиради, ривожланаётган фан ҳам худди шу мақсадни ўзгача йўл билан амалга оширади, қабилида гап қилди.

Бир куни Доктор лекциядан кейин мен ва Жаъфар Халилни ал-Мунирадаги салонига таклиф этди. Биз у ерга борганимизда устоз ёлғиз ўтиради.

— Ҳозир бу ерга мен билан учрашиш учун бир америкалик қиз келади,— деди устоз биз билан саломлашиб бўлгач.— Мен сизлардан тилмочлик қилишингизни сўрайман.

Доктор инглиз тилини билмасди. Шунинг учун ҳам бошка ҳамкасларини таклиф этишдан истиҳола қилиб бизни чақирган бўлиши керак. Чунки у кутилмаган ташриф мақсадидан бехабар эди. Кечга томон йигирма ёшлардаги оқ танли, малла соч, истараси иссиқ бир қиз кириб келди. Меҳмон ҳамма билан кўришиб бўлгач, bemavrid bezovta этганлиги учун устоздан кечирим сўради. Шириналлик ва чой келтирилди. Қиз Мисрга бир гурӯҳ ёшлар билан саёҳатга келганлиги ва онаси унга иккинчи жаҳон урушидан кейин Сарбонна университетида ўқиган қоҳиралиқ Моҳир Абдулкаримни топиб, унга салом етказишни топширғанигини айтди. Қиз тўхтаган меҳмонхона мудири унга доктор Моҳир Абдулкарим уйининг адресини бериб, ўзи Доктор билан телефонда гаплашибди. Суҳбат асносида Моҳир Абдулкарим қизнинг онаси билан Сарбоннада бирга ўқиганлиги ва уларнинг дўст бўлганлиги маълум бўлди.

Доктор ҳузуридан чиқаётib, Жаъфар Халилга ҳазиломуз луқма ташладим:

— Устозимиз одамларни ром этишга туғилган-да ўзи.

— Лекин аёлларни мафтун этишининг ўзгача завқи бор,— деди Жаъфар Халил мугомбirona кулиб.— Шу ҳусн билан фильмларда энг чиройли йигит ролини ўйнаши мумкин эди.

Шу онда ал-Фараздақ<sup>1</sup>нинг доим кулиб турган устозимиз чеҳрасини эслатувчи бир байти ёдимга тушди:

Тик қаролмас ҳаё билан, тик қаролмас маҳобатидан,  
Табассум аримас тақаллум айласа малоҳатидан.

Доктор Моҳир Абдулкаримни фақат улуғвор қиёфада тасаввур этиб ўрганиб қолганман. Баъзилар ли-

<sup>1</sup> Ал-Фараздақ (641—732) — ўрта аср араб шопри.

бос билангина улугвор кўринса, устозимиз бутун борлиғи билан улугвор эди.

Моҳир Абдулкарим умр бўйи ўз шаънинг асло доғ туширмади. Бу ўринда мен иккинчи жаҳон урушидан кейинги сиёсий бекарорликлар пайти у ҳақида тарқалган баъзи миш-мишларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Айтишларнча, Моҳир қирол Фаруққа махфий нома йўллаб, ёшлар орасида кучайиб бораётган норозиликлар оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиэликлардан уни огоҳлантириб, бу норозиликларнинг сабабларини ва хавфнинг олдини олиш йўлларини кўрсатиб ўтганиниш.

Бу миш-миш устозга нисбатан бўхтон ва мамлакат сиёсий тангликини бошдан кечираётган кезлар, қаҳвахоналарда тўқиб чиқарилган асоссиз сафсата эди. Вафдчилар ҳам доктор Моҳир Абдулкарим қиролга нома ёзиб, барча партияларни тарқатиб юбориш, ёшларни диний руҳда тарбияловчи диктатура ўринатишига даъват этган, деб гап тарқатдилар. Солим Жабрнинг экстремист шогирдлари эса бу ёлғон гапларга ишониб устозни революция душманига чиқариб қўйишиди. Бундай гаплар менга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Узим шахсан ўқимаган ўша номани конституция ва халқни таҳқирлаш деб билдим. Устоздан кўнглим совиб, дилимни қарама-қарши кайфият кемира бошлади. Бироқ бу тўғрида Докторга гапиришга журъат этолмадим.

Мендан кўра Жаъфар Халил дадилроқ чиқди.

У АҚШ сафари олдидан устоз билан хайрлашишга бориб тарқалган миш-мишларни бирма-бир айтиб берди. Доктор унинг гапларига совуққонлик билан қулоқ солиб ўтирди-да, сўнгра:

— Хўш, ўзингижчи, ўзингиз ишонасизми ўша миш-мишларга?— деб сўради.

— Йў-ўқ,—деди Жаъфар «ҳа» дейишга ботинолмай.

Шу билан бу савол-жавобга чек қўйилди.

Мен Моҳир Абдулкарим тўғрисида унинг қадрдон дўсти Солим Жабр ва шогирди Аббос Фавзийлар фикрини эслайман. Солим Жабр Докторни яхши кўриб-гина қолмай, унга ҳавас қиласар, лекин уни очлик ни-малигини билмайдиган, халқни назарига илмайдиган зодагонлар табақасидан деб биларди.

— Унинг гоялари қанчалик самимий ва жозибали бўлмасин, барнибир биз учун бегона,— деганди у.

Аммо аччиқ истеҳзолар устаси Аббос Фавзий Мо-

**Ҳир Абдулкарим тўғрисида жуда эҳтиёткорлик билан гапиради.**

— У таниқли зодагон. Асли мамлуклар зотидан! — хитоб қилди бир куни Фавзий Доктор ҳақида.

Аббос Фавзийнинг муғомбирлигини билганим учун бу иблис нимани назарда туваётган экан, деб узоқ ўйладим.

Яна бир куни устозни мақтагандим, Фавзий фикримга қўшилмай деди:

— Буларнинг ҳаммаси оқсуяк зодагонларга хос одат. Миср оқсуяклари айниқса ўзларини оқилу до-нишманд қилиб кўрсатишни ёқтиришади. Аслида улар оддий ҳалқ ақл-заковати ҳисобига кун кўрадилар. Авом мисқоллаб тўплаган фикр дурданаларини тафт тортмай ўзлаштириб олаверадилар.

Биз Моҳир Абдулкаримнинг ақл-заковати ва фикр доираси кенглигини яхши билардик. Унинг бошига кўп қийинчиликлар тушган ва устоз бу қийинчиликларни мардонавор енганди. Мамлакатда сиёсий қарашлар учун қамоқقا олиш кучайиши, Қоҳира ён-ғини, июль революцияси, социалистик қонунлар жорий этилиши унга қаттиқ таъсир қилди. Лекин Доктор буни ҳеч кимга сездирамади.

У ал-Мунирадаги жойини сотиб, ўрнига «Миср ал-Жадида»да янги вилла олди. У ерда ҳозир ҳам олимлар, ёзувчилар учрашиб туришади. Доктор 1954 йили нафақага чиққунга қадар университетда ишлаб юрди. Кейин штатсиз ўқитувчилик қила бошлади. Ниҳоят адабий ишлар бўйича Олий кенгаш аъзоси этиб таънилланди. Ижтимоий фанлар соҳасидаги хизматларни учун давлат мукофоти ҳамда биринчи даражали «Хизмат кўрсатгани учун» ишонига сазовор бўлди. Моҳир Абдулкаримнинг фанга қўшган ҳиссаси, ҳалоллиги революция томонидан шундай тақдирланди. Доктор ҳеч қаерда революцияга содиқлиги ва ўз шахснити тўғрисида баландпарвоз сўзлар айтмади Яқни дўстлари орасидаги сұҳбатларда эса, революцияга хайри-хоҳлигини яширмади.

— Ишончим комилки,— деди у бир куни,— амалга оширилётган барча ишлар мамлакатни ҳаётга, ҳаётни эса мамлакатга мослаш учун қилинаётган ҳаракатларнинг муқаддимасидир.

Устознинг бирор нарсада аламзадалиги сезилмади. Бинобарин унга тавқи лаънат тамғаси босишга

интилиш адолатдан эмас. Узи мансуб синфи емиришни мақсад қилиб қўйган революциянинг тарихий муқаррарлигига ишониб, уни оқилона, хотиржамлик билан қарши олган Моҳир Абдулкарим ҳар жиҳатдан ҳурматга лойиқ.

1969 йили Доктор ўзининг етмиш йиллигини нишонлади. Қекса дўстлари, университетдаги қадрдонла-ри ва Солим Жабр, Ризо Ҳамода, Азмий Шокир, Комил Рамзий, Қадрий Ризқ, Жодд абу ал-Уло, Аббос Фавзий, Содиқ Абдулҳамид ва Наима хонимлар тўпланишди. Бу ерга ёшлар ҳам келишганди. Улар орасида Сабрий Жодд ва унинг рафиқаси Комилия Заҳронни ҳам кўрдим. Салонда кўпчиликни соchlари оқарган, пешоналарига ажин тушган, асо тутган кексалар ташкил этишарди. Шу куни вақтнинг қанчалар тез ўтишини, ҳаётнинг бебақолигини чуқур ҳис этдим. Ўзимни гўё поездга чиқиб кўзим илинганду, уйғонганимда ҳости Жабраил бекатида тургандай сездим. Лекин Моҳир Абдулкаримнинг тиниқ, мовий кўзлари, сеҳрли табассуми ва беғубор улуғворлиги ҳамон ўша-ӯша.

— Ҳеч қандай тантанага ўрин йўқ,— деди устоз.— Ҳозир уруш пайти. Йиғилишлар ман этилган. Бу ерга дўстлар бир қур дийдор кўришиш учун тўпланишган, холос.

Суҳбат бир мавзудан иккинчисига ўтар, лекин пи-ровардида бир нуқтага — Яқин Шарқ можаросига бориб тақаларди. Сиёсий, иқтисодий, фалсафий ва диний муаммолар, илмий кашфиётлар, бани башар ма-салалари, Farb ва Шарқдаги жиддий аҳвол, қадимги маънавий бойликларнинг оёқ ости қилиниши муҳока-ма қилинди.

Суҳбатни диққат билан тинглаб ўтирган Моҳир Абдулкарим пи-ровардида:

— Афсус, орамизда Иброҳим Ақл йўқ,— деб қўй-ди.

Устознинг марҳум Иброҳим Ақлни эслали табиий эди. Чунки улар қадрдон дўст эдилар.

— Имон унинг учун қуёш ва ўлим каби ҳақиқат эди,— сўзида давом этди Моҳир Абдулкарим.— Дунё тўғрисида нима десангиз деяверинглар. Тушкунлик, умидсизлик ҳамиша бўлган. Бироқ ҳаёт доимо инсон фаровонлиги сари ўзгариб боради. Инсон келажак билангина тирик.

## МАҲМУД ДАРВЕШ

Маҳмуд Дарвеш талабалар орасида баланд бўй ва қотмалиги билан ажралиб туради. У ўткир зеҳни, тиришқоқлиги сабабли на фақат маҳаллий, ҳатто ажнабий ўқитувчиларнинг ҳам ҳурматига сазовор бўлган, камсухан, истараси иссиқ йигит эди. Шу вақтга қадар у бирор дўст ортиргаган, кўпчиликка қўшила-вермас ва муттасил китоб мутолаа қилгани қилганди. Жийза масжидида имомлик қилувчи отаси доим болачасининг кўплиги, даромади камлигидан нолиб юради. Маҳмуднинг моддий жиҳатдан қийналиб ўқиётгандигини билардик.

Маҳмуд ўқишнинг биринчи куниёқ Ажлон Собит билан учрашиб қолди. У отасининг масжидда имомлик қилишини айтганда, Ажлон галати кулганди, Маҳмуднинг ғаши келди. Охири ўртада муштлашиш чиқиб кетишига сал қолди. Уларни амал-тақал келишириб қўйган бўлсак ҳам анча вақтгача тескари бўлиб юришиди.

Талабалардан кимдир бош кийимини йўқотиб қўйганда, баъзилар Ажлондан кўришди. Маҳмуд ҳам шу тахминни қувватлади. Натижада Ажлон факультетдан ҳайдалди. Биз бундан норози бўлиб, Маҳмудни койигандик, у:

— Жамиятда ўғри олим бўлмагани маъқул,— деди серрайиб.

Маҳмуднинг қизларга назари тушса ўзини тутолмай қолиш одати бор эди. Унинг шу феълини сезиб юрган Суод Ваҳбо атайлаб Маҳмуднинг ғашига тегар, асқия қиласиди. Ҳаммасини кўнглига тугиб юрган Маҳмуд бир куни: «Соуд дарсга калта кўйлакда, сийнапўшсиз келади, аудиториядаги йигитларнинг хаёлини бўляпти», қабилида деканга арз қилди.

Ўғлиниң феълини яхши тушунган ота уни тезроқ уйлантириб қўйиш пайига тушиб қолди. Маҳмуд кейинги ўқув йилининг бошларида, қишлоқи, саводсиз бир қизга уйланди. Шундан сўнг у қизларни кўрса тиپирчилаб қолиш одатини ташлаб, астойдил ўқишига берилди.

Маҳмуд аслида ўткир зеҳни бўлиб, кўп китоб ўқиганлиги учун ишоларни ҳам қанчадан-қанча мисоллар келтириб саводли ёзарди. Қўпинча бизнинг

сиёсий мунозараларимизни писандесиз, энсаси қотиб тингларди-да, охири:

— Бундай сафсата сотгандан кўра дарс тайёрла-санглар бўлмайдими? — дерди.

— Гўё инглизлар Ватанингни босиб олмагандек, қирол халқингга зулм қилмаётгандек гапирасан-а! — жеркиб ташлади уни қайсиdir талаба бир куни.

Маҳмуд Мустафо Наҳҳос киму, И smoil Сидқий кимлигини билмас, кўпинча Мустафо Наҳҳоснинг исмини унутиб қўярди.

Университетда энди норозилик кучаяётган пайтда у ўзини четга олиб, кутубхонада эртаю кеч китоб ўқиш билан банд бўлди. Бир куни китоб ўқиш билан банд Маҳмуд талабаларнинг оташин нутқидан кейин кутилмаганда минбарга отилиб чиқди-да, бизнинг асосий вазифамиз ўқиш эканлигини таъкидларкан, тартибни сақлаш ва аудиторияларга тарқалишимизни айтди.

Талабалар уни шу заҳотиёқ минбардан тушириб юбормоқчи бўлишди. Лекин аълочилиги ва ҳожат-барорлигини пазарга олиб, ўзларини тийишиди. Кўп ўтмай, университет бир ойга беркитилиб, талабаларнинг бошлиқлари бирин-кетин ҳисбга олина бошлади. Ўқиши яна бошланиб, биз факультетга қайтганимиздан кейин Маҳмуд тўғрисида турли миш-миш тарқалди.

— Эшитдингми? Маҳмуд Дарвешнинг хавфсизлик маҳкамаси билан алоқаси бор экан,— деди менга Жаъфар Халил.

— Маҳмуд бундай пасткашлик қилмайди,— эътиroz билдиридим мен.

— Отаси хавфсизлик маҳкамаси билан боғлиқ экан, ўғлини ҳам шу йўлга бошлабди.

— Бўлмаган гап.

Миш-минилар давом этаверди. Лекин уларни тасдиқловчи далил йўқ эди.

Баъзи талабалар Маҳмудлан нафратланиб, унинг адабини берниб қўймоқчи бўлишди. Бироқ бу гапдан хабар тоғлан доктор Иброҳим Ақл уларни ўз ҳузурига чақириб:

— Мободо Маҳмудга қўл теккизсангиз ҳаммангизни университетдан ҳайдаттираман,— деб дўқ қилди.

Миш-минилар таъсирида мен ҳам Маҳмудни ёмон

кўриб қолдим. Университетни битирганимиздан кейин Маҳмуд чет элга ўқишга жўнатилганини эшишиб қолдим. Ҳолбуки кейинги пайтларда хорижий ўқишга жўнатиш кескин чегаралаб қўйилганди. Бу нарса Маҳмудга бўлган шубҳамни янада кучайтириди.

Шундан кейин Маҳмуд тўғрисида узоқ вақт ҳеч изрса эшифтадим. Кунларнинг бирида уни тасодифан министрлигимида Адлий-ал Муаззин ҳузурида кўриб қолдим. Маҳмуд жудаям ўзгариб кетганди. Ўзини эркин тутар, кайфияти кўтаринки эди. У чеҳрасига олимлик туси бериб турувчи қимматбаҳо кўзойнағи остидан қараб:

— Факультетда ўқитувчилик қиляпман,— деди.

— Суфизм фалсафаси бўйича бир нечта китоб нашр этди,— гапга аралашди Адлий ал-Муаззин.

— Уруш бошланганда Францияда эдим. У ерда ишлаш имконияти бўлмагани учун докторлик диссертациямни Швейцарияда ёқладим,— изоҳ берди Маҳмуд.

У чиқиб кетгач, Адлий ал-Муаззин истеҳзоли кулди:

— Бутунлай европалик бўлиб қайтибди. Хотини эса ўша-ўша, фирт саводсиз.

Мен Адлийдан у университетда ишлаб юрган чоғлари Маҳмуднинг хавфсизлик маҳкамаси билан алоқаси борлигини билиш-бilmаслигини сўрагандим, Адлий «бўлмаган гап», дея қисқа жавоб қайтарди.

Адлий ал-Муаззин билан бўлиб ўтган ушбу суҳбатни Аббос Файзийга айтсам, у хахолаб куларкан:

— Соддасиз, ука, соддасиз! Ўша пайтларда Адлийнинг ўзи хавфсизлик маҳкамасида хизмат қилишидан хабарингиз йўқмиди?— деди.

Орадан бир неча йил ўтгач, доктор Маҳмуд Дарвешни устоз Моҳир Абдукаримнинг ал-Мунирадаги салонида учратиб қолдим. Бу орада ў ҳозирги замон суфизмига доир яна учта катта-катта китоб ёзив ултурганди. Доктор Моҳир Абдулкарим бу китобларга юқори баҳо берди.

— Фарзандлардан нечта?— сўрадим Маҳмуддан.

— Тўрт ўғилу бир қиз. Тўнгичим савдо институтида таҳсил кўрояти, иккинчиси инженер бўлмоқчи, учинчи ўғлим билан кенжам ҳуқуқшунослик ва адабиёт факультетларида таълим олишяти. Қизим учувчига турмушга чиқди,— жавоб қайтарди у

— Суфиэм ҳақида яна бирор нарса ёзяпсанми?

— Ҳозирча йўқ. Бу ёғига яна кўрарман. Менга қара, Иброҳим Ақл бошига тушган мусибатни эшитдингми?

— Ҳа, эшитдим. Балоғатга етган ўғиллардан ажраб қолиш осон эмас. Жанозага нега бормадинг?

— Ӯшанда Қоҳирада йўқ эдим. Факультетни битирганимиздан бери Иброҳим Ақл билан учрашиб турасанми?

— Йўқ,

— Афсуски у шогирдсиз устозлигича қолди.

Шундан кейин Маҳмудни араб мамлакатлари университетларидан бирига кетиши олдидан ал-Мунирадаги салонда икки марта учратдим.

## МАЖИДА АБДУРАЗЗОҚ

1950 йилнинг қайсиидир куни Солим Жабрни кўриб ўтиш ниятида «ал-Мисрий» газетасининг редакцияси га кирдим. Унинг ҳузурида ўттиз ёшлардаги, қарашларни ўткир, истарали, хушбичим бир аёл ўтирган эди.

— Мажида Абдураззоқ, газетамизнинг аёллар бўлими муҳаррири,— дея таништириди Солим Жабр аёлни менга.

Иккинчи бор Мажидани Зуҳайр Комил ўз номзодини кўрсатиш муносабати билан ўтказгани кечада учратдим.

— Янглишмасам, вафдчи бўлсангиз керак-а?— сўрадим мен ундан.

— Унчалик эмас,— ним жилмайиб жавоб қайтарди аёл.

— Филология факультетини тугатганимисиз?

— Журналистикани.

Учинчى марта Мажидани Зуҳайр Комил салонида кўрдим. Энди биз эски танишлардек эдик.

Мажида кетгач, доктор Зуҳайр Комил менга юзланди:

— Оқила, иродаси мустаҳкам аёл.

— Шунақага ўхшайди.

— Коммунист ҳам.

— Коммунист?!  
— «Утиш» даврида азият чеккан аёллардан.

Секин-аста Мажида билан ўртамизда ўзаро ҳурмат лайдо бўлди. Биз Журубий қаҳваҳонасида дўст-

ларимиз даврасида тез-тез учрашиб туралынан бўлдик. Мажида ўртоқларимнинг хушомадларига бефарқ қарап ва бирортасини хоҳлаб қолишини хаёлига ҳам келтирмасди. Бу билан Мажида ҳис-туйғудан маҳрум эди, демончимасман. Шунчаки, унинг оқсусякларга ҳуший йўқ эди холос.

— Тошбағир аёл деб ўйламанг-а мени,— иттифоқо гап очиб қолди Мажиданинг ўзи бир куни.

— Нега ундаи деяпсиз?— сўрадим дарҳол.

— Мен ҳам пок муҳаббатни улуғлайман,— деди у. Сўнгра хатосини тузатгандек қўшиб қўйди:

— Пок муҳаббат ва тафаккурни улуғлайман.

Биз анча сирдош бўлиб қолганимиздан кейин Мажида ўз кечмишини сўзлаб берди.

— Майда буржуа оиласида дунёга келим. Отам ҳамон нуфузли амалдор.. Тўрт ўғил ичида ўсдим.

— Демак, оиласининг эркаторий экансиз-да?— дедим ҳазиллашиб.

— Бутунлай акси. Менга ҳаммалари зулм қилишарди. Айниқса, улғайган сарим менни чиқиштиромай қўйиншиди. Мактабда яхши ўқиганим учунгина улар мен билан ноилож, тил учида гаплашишта мажбур бўлишарди. Ўрта мактабни тугатишим биланоқ бир жаноб совчи қўйди. Гарчи ота-онам розилик билдиришган бўлишса ҳам, мен олий маълумотли бўлнишм зарурлигини айтдим. Бу гапим куёв бўлмишга ёқмади. Ота-онам унинг ёнини олишиди. Аммо мен сўзимда қатъий туриб олдим. Натижада ўша жаноб мендан воз кечди. Охири университетга киришга муваффақ бўлдим.

Ўша ерда кўнглимдаги одам билан танишдим. Ўқитувчи Муҳаммад ал-Орифни танисангиз керак?

— Ҳа, албатта.

— У киши менга илмдан ташқари ҳам кўп нарсаларни ўргатди.

— Коммунизм ғоялариними?

— Ҳа. Пировардида биз бир-биримизга кўнгил қўйдик. Университетни тугатиб, унга турмушга чиқдим. Аввалига эрим билан жуда иноқ яшадик. Эгизак: бир ўғил ва бир қиз кўрдик. Рўзгор ишлари қайноманинг зиммасида эди. Ҳамма вафот этгач, хизмат, рўзгор ишларидан бўшамай қолдим. Ҳамма нарсада тартиб бўлишини ёқтирадиган эрим унга кимдир ғамхўрлик қилиб туришига ҳам ўрганиб қолган эди.

Бунга менда имкон қайда дейсиз? Охири эрим ишдан бұшашимни талаб қила бошлади.

— Бир томондан түғри ҳам қылган.

— Сираям-да. Менинг ҳам ўз режаларім бор эди ахир. Шунинг учун ишдан бұшашга рози бўлмадим. Эрим ҳолатимни тушунмади. Аксинча, ҳукмронлик, худбинлигини ўтказмоқчи бўлаверди. Оилада тотувлик йўқолди. Ширин ҳаёт ўрнини жанжаллар эгаллади. Охири ажрашишга мажбур бўлдик.

— Қачон ажрашгандинглар?

— Вабо тарқалган кезларда.

— Ҳозир қийналмаяпсизми?—сўрадим унга ачиниб.

— Йўқ, асабларим ҳам жойида,— деди Мажида.—

Болалар тарбиясига бир яхши аёл топганман. Эрим нафақа тўлаб туради.

Июль революцияси натижасида ўртамиизда ихтилоф чиқди. Мажида бу революцияни реакцион, фашизмнинг янги кўриниши ёки майдада буржуйлар манфаатини кўзловчи тўнтариш, деб баҳолади. Революция Шарқий блокдаги давлатлар билан дўстона алоқалар ўрнатгандан кейин эса, фикрини ўзгартириб, революцияга хайриҳоҳлик билан қарай бошлади.

Бир куни Мажида иккинчи марта алданганидан шикоят қилиб қолди.

— Ишонмайман,— дедим ҳайрон бўлиб.

— Болаларимни даволаб юрган врач мени алдаб кетди.

— Қанақасига?

— Унинг ўз оиласи бор эди.

— Унда нега ахир...?!

— Пешона экан-да. Уни яхши кўриб қолгандим. Менга алоқасиз сабабларга кўра хотини билан ажрашмоқчилигини айтувди...

— Лаққа тушибисиз-да гапларига?

— Айтдим-ку, пешона экан.

Бу аччиқ сабоқ Мажида қалбида эркакларга ишбатан ишонч туйгусини умуман сўндириди. Аёл боёқишига ҳақиқий муҳаббат, баҳтли уй бекаси бўлиш насиб этмаганди чоғи.

Ийлар ёшликтин олиб кетди. Мана, Мажида ҳозир эллик ёшда. Қизи турмушга чиққан. Ўғли Қувайт радиосида ишламоқда. Ўзи эса ҳамон-ёлғиз. Буви бўлишига қарамай, ёшликтаги гўзаллик аломатлари сезилиб туради. Биринчи кўрган одам ҳеч қачон эллик

ёшда демайди. Буни Мажида телевизор орқали сўз-лаган пайтлари кўп одамлардан эшишиб тураман.

Мен у билан ёлғиз қолган чоғларимда, дил изти-робларини ҳис этаётгандек бўламан. Мажида илгаригидек устози доктор Зуҳайр Комилни зиёрат қилиб туради. Ҳатто унинг ёш хотини Наима Ориф билан ҳам дўстлашиб олган. Гарчи, Наима хонимнинг доктор Содиқ Абдулҳамид билан алоқасини яхши билса ҳам, ўзини билмаганга олади ва устозининг бу сирдан воқиф бўлишини истамайди.

Яқинда Мажида Ўрта Ер денгизи мамлакатлари бўйлаб туристик сафарга отланганини эшишиб хурсанд бўлдим. Бу саёҳат унинг дил фуссаларини тарқатса ажаб эмас.

## НОЖИЙ МАРҚУС

Гарчи мен Ножий Марқус билан ўрта мактабда фақат уч йил (1925—1928) бирга ўқиган бўлсам ҳам уни умрбод унутмайман. Ножий дилимдан абадий ўрин олган.

Бир неча йил Суданда хизмат қилиб, 1925 йилда Мисрга қайтиб келган Ножийнинг отаси ўз оиласи билан Аббосияда яшай бошлади. Ножий биз ўқиётган мактабга ўқишга кирди.

— Биз тўрт оға-ини эдик,— деди у бир куни менга.— Учтамиз вафот этиб, ёлғиз ўзим қолдим. Бечора онам ака-укаларим доғида куйиб кул бўлдилар.

Баланд бўйли, нозик, хушрўй, хушмуомала ва ёшига нисбатан анча жиддий кўринган Ножий синфимиз бўйича узун шим кийиб юрадиган ягона ўқувчи эди. Назаримда мен билган мактабдош ўртоқларим ичida зеҳнининг ўтқирлиги жиҳатидан унга тенг келадигани топилмасди. Биз кўпи билан бир ёки икки фанга меҳр қўйган бўлсан, у араб, инглиз ва француз тилларини, шунингдек, алгебра, геометрия, табиатшунослик, кимё, тарих ҳамда жуғрофия фанларини аўр қизиқиш билан ўрганиб бораради. Барча ўқитувчилар: мисрликлар ҳам, ажнабийлар ҳам уни ҳурматлашарди. Ножий билан катта ёшдаги одамлар билан гаплашгандек муомала қилишарди. Бадр аз-Зиёдий унинг ўтқир зеҳнини машҳур мисрлик полвон Абдухалилиниң жисмоний бақувватлиги билан таққослаб:

— Сен Абдухалил ал-Мисрийсан,— дерди.

— Қандай қилиб бу фанларни шунчалик тез ўзлаштириб оласан? — деб сўрадим бир куни ундан.

— Синфда ўқитувчининг гапларига диққат билан қулоқ солиб ўтираман. Дарсларни эса ўқув йилининг бошиданоқ қайтариб бораман,— камтарона жавоб қайтарди Ножий.

— Пайшанба кунлари кинога бормайсанми? — деб сўради Жаъфар Халил.

— Фақат байрам ва таътил кунлари,— деди у.

— Футбол ҳам ўйнамайсанми? — қизиқди Ийд Мансур.

— Йўқ.

— Нимага қизиқасан ўзинг? — ҳайрон бўлди Ризо Ҳамода.

— Бўш вақтларимда пианинода машқ қиламан.

— Намойишларда ҳам қатнашмайсанми? Наҳотки мамлакатинг тақдири ҳам қизиқтирмаса сени? — баттар хуцоби ошиб сўради Ризо Ҳамода.

— Акамни худди ўша намойишлар ҳалок этди. Унинг нимасига қизиқаман?

Ножий имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, мамлакат бўйича энг яхши ўқувчилик рўйхатининг биринчи ўнлигидан ўрин олди. Аммо янги ўқув йили бошлиғандан у мактабда кўринмай қолди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб, сабабини суриштирдик. Лекин ҳеч ким аниқ жавоб беролмади. Кейин аниқласак Ножий биздан анча узоқда, Аббосиянинг Маншиат ал-Бикрога тулашган жойида экан. Йиғилишиб, унинг уйига бордик. Уйидагиларнинг айтишларича, Ножий таътил вақтида қаттиқ касал бўлиб қолибди ва уни даволаш учун юқори Мисрда яшайдиган бувисининг олдига юборишибди. Муолажа камида бир йилча давом этаркан. Бу хабардан биз ҳам, ўқитувчиларимиз ҳам қаттиқ афсусландик. Ҳаммамиз унинг соғайиб кетишни тилаб хат ёздик.

Худди шу пайтларда Сайфуддин иши бўйича судга берилган Мустафо Наҳҳос Олий суд томонидан оқланди. Уни табриклиш учун парламентга келаётган кишинларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ножийнинг ҳарбий министрликда ишловчи отаси ҳам эл қатори парламентга борди. Тез кунда табрикловчилар сурати газета саҳифаларида нашр қилинди. Суратга Ножийнинг отаси ҳам тушиб қолган экан. Бундан хабардор бўлиб қолган ҳарбий министрликдаги раҳбарлар уни

ишдан бўшатиши. Бу зарбага бардош беролмаган Марқус шол бўлиб қолиб, кўп ўтмай вафот этди.

Бу орада Ножий соғайиб қайтди, лекин ўқишини давом эттириш учун қурби етмади. Вафд партиясининг ҳокимиятга қайтишидан фойдаланган яхши нијатли кишилар уни ҳарбий министрликка ишга киритиб қўйдилар. Ножийга кичикроқ, штатсиз вазифа топширилди. Шундай қилиб, шароит истеъодли ўқувчими билим олиш имкониятидан маҳрум этди.

Мен уни тез-тез эслаб тураман. Синфдошимнинг тақдирни мени доим таассуфлантиради. Бирор муввафақиятга эришдимми, дарҳол Ножий Марқус кўз ўнгимда гавдаланади. Пешонаси шўр бўлмаганда, бу ажойиб истеъодд әгаси илм соҳасида қанчадан-қанча янгиликлар яратса олиши мумкин эди.

Ножий билан кўп йиллар мобайнида кўришмай кетдик. У ҳақида ҳеч хабар ҳам эшитмадим. Тасодиғи Ножийни 1960 йили «Ўзбекия» боғидаги казинода учратиб қолдим. Дафъатан уни танимай, ёнидан ўтиб кетибман. Оқ оралаган соқолига қараб, бирорта рассом бўлса керак деб ўйлабман чоғи. Бироқ Ножий мени ўзи чақирди. Мен томон кулиб келётган дўстимни кўришим биланоқ танидим. Биз қучоқлашиб кўришдик. У мутлақо ўзгармабди. Қиёфасида ҳамон ўша хотиржамлик, улуғворлик ва олимлик акс этиб турарди. Ўқувчилик давримизни, дўстларни: Бадр аз-Зиёдий ва Жаъфар Халилларнинг омади юришиб, яхши жойларда ишлаетгани, Ризо Ҳамода ва Сурур Абдулбоқийларни эсладик. Ниҳоят гапириш навбати унга келди.

— Ўша-ўша ҳарбий министрликда ишлаяпман. Учинчи даражали хизматчилар мартабасига кўтарилдим. Ўйландим. Бир қизим бор. Ҳозир у толиба. Ўзим ҳса анчадан бери инсон руҳини ўрганиш билан шуғулланяпман. Масалани назарий жиҳатдан ўрганибгина қолмай, амалий ҳаётда ҳам синааб кўрмоқчиман. Руҳий олам — ажойиб олам, моддий оламдан ҳам мароқли. Руҳий оламда инсониятнинг чин ҳақиқат йўлидаги орзу-умидлари акс этган. Руҳий олам инсониятга унинг ҳақиқий нажот топишига умид бағишлади, ҳақиқий нажот излашга ва ниҳоят унга эришишга унрайди.

— Ҳа, инсон ҳақиқатда ҳам нажотга муҳтоҷ,— дедим унга писбатан ҳурматим янада ошиб.

Ножий сўзларимдан руҳланиб давом этди:

— Маданиятимиз моддий. Илм-фан туфайли у кундан-кунга ажойиб муваффақиятларга эришмоқда ва инсоннинг моддий олам устидан бутунлай ҳукмронлик қилишига шароит яратмоқда. Аммо моддий оламга ҳукмрон бўлиб, инсонийликдан ажрашимизнинг нима фойдаси бор?

— Инсон моддий дунёни эгаллаш билан бирга инсонийлигини ҳам сақлаши зарур,— деган фикр билдирип эҳтиёткорлик билан.

— Эҳтимол сен сўзимга ишонмаётгандурсан,— деди мулойим табассум билан Ножий.— Аммо шунга инонгинки, руҳ олами, моддий олам каби ўта жозибали, ўта сирли, уни тадқиқ этиш инсонга фазони забт этишадигидек зафар ва кашфиётлар келтиради. Фақат биз руҳий тадқиқотларга ҳам моддий тадқиқотларга ишонганимиз каби ишонишимиш шарт. Чинакам ҳақиқатга ҳеч қачон бир йўл билан бориб бўлмайди. Чин ҳақиқат моддий олам билан руҳий олам туташган ерда.

— Доно фикр.

Ножий менга мулойим, қора кўзлари билан қараб туриб (кўзининг қайси рангдалигига энди аҳамият берибман), афсуслангандай бўлди:

— Ҳақиқат овозини машиналар шовқини бўғиб юбормоқда. Аммо инсоният айниқса ҳозир нажотга муҳтождир.

— Бу нажоткорни сен қандай тасаввур этасан?— сўрадим меш қизиқиб.

— Олий даражадаги доно шахс, олий даражадаги ғоя ёки ер юзини остун-устун қилиб юборадиган сабоқ халоскорлик вазифасини ўташи мумкин.

— Масалан, атом урушими?

— Эҳтимол. Сезиб турибманки, орамизда тўсиқ пайдо бўлди. Лекин бу тўсиқ омонат. Сенда ҳақиқатга интилиш кучли. Бу кўриниб турибди. Биласанми, мен уйда руҳлар билан учрашув кўринишлари ўтказиб тураман. Вақтинг бўлса, кел.

У менга номи, вазифаси ва адреси кўрсатилган визит карточкасини берди. Мен унинг мулоҳазаларидан қониқмаган бўлсанм ҳам сўзларига меҳр билан қулоқ солдим.

Ўша куни кечқурун редакцияга, Солим Жабр ҳузурига бориб, Ножий Марқус ва унинг таклифи ҳақида унга гапириб бердим. Солимдан Ножий Марқус-

винг уйига мен билан бирга боришини илтимос қилдим. Лекин Солим Жабр Ножийнинг фикрига мутлақо қўшилмади. Хонада у ёқ-бу ёққа юриб туриб, руҳ ва моддалар олами ўртасида ҳеч қандай тўсиқ йўқлиги, модда оламига кириб бориш айни бир вақтда, руҳ оламига ҳам кириб боришнинг ўзи эканлигини айтди. Ножий Марқус тажрибаларини эса космос давридаги сеҳргарлик деб баҳолади.

Ножийни бошқа кўрмадим. Бироқ у вақти-вақти билан кўз ўнгимдан ўтиб туради. Кўнглимнинг тўрйдан ўрин олганлиги шубҳасиз.

## НОДИР БУРҲОН

Биздан бир неча ёш катта, баланд бўйли, серғайрат бу йигит бошланғич мактабда ўқиб юрган чоғларимизда (1921—1925) сиёсий йўлбошчимиз эди десам хато бўлмайди. Биз кўпинча мактаб ҳовлисида Нодирнинг атрофида тўпланиб олиб, унинг сўзларини диққат билан тинглардик.

Энг муҳими, ўзингизни ёш бола ҳисобламанглар,— деб уқтирар эди у бизга.— Сизлар Саъд Зағулл аскарларисиз, яъни Ватан посбонлари. Биз Ватанимиз озодлиги учун ҳар қандай қийинчиликларни, азоб-уқубатларни енгишга тайёр бўлишимиз шарт. Агар зарур бўлса, бу йўлда жонимизни ҳам аямаслигимиз ва шунга тайёр туришимиз лозим. Тиз чўкиб, хўрлиқда яшаш—яшаш эмас. Озодликдан улуғ нарса ўйқ. Лекин унга осонликча эришиб бўлмайди. Худонинг марҳамати билан Саъд Зағулл бизга раҳбарлик қилмоқда. Биз ўз раҳбаримизга муносиб аскарлар бўлишимиз керак.

Мен ҳам, Ризо Ҳамода ҳам Нодирга қойил қолиб, уни ҳурмат қиласардик. Ҳатто Ҳалил Закийдек ғаламис ўқувчи ҳам унинг жигига тегишга ботинолмасди. Нодир Миллатлар уйига боргани ва Саъд Зағулл билан учрашганини айтганда ҳаммамиз ҳайратланиб, унга қараб қолардик.

Мен Саъд Зағулни кўришни жуда орзу қиласардим. Бир куни сабрим чидамай Нодирдан сўрадим:

— Саъд Зағулни бир марта бўлса ҳам ўз кўзим билан кўрсам эди. Сиз бизни Миллатлар уйига олиб боролмайсизми?

У менга ҳамдардлик билан қаради ва:

— Сен ҳали ёшсан. Миллатлар уйнга бориш сайр қилиш эмас, жуда хатарли,— деди.

Агар иш ташлаш ёки намойиш ўтказиш тўғрисида кўрсатма олинса, Нодир Бурҳон ўқувчиларнинг саф тортишларини кутиб туар, сўнгра сафдан бир қадам олдинга чиқиб, кафтига уриб қарсак чала бошларди. Ўқувчилар ҳам унга қарсак билан жавоб беришарди. Шундан кейин мактаб нозирлари бошланғич синф ўқувчиларини синфларига олиб кириб кетишарди. Биз уларнинг кетидан: «Яшасин Саъд!» — дея хитоб қилиб борардик. Катталар Нодир бошчилигида намойишга йўл олишарди. Уларга йўлда бошқа мактаб ўқувчилари ҳам қўшилишарди. Нодир намойишларнинг бирида обёидан яраланди ва икки ой шифохонада даволанди. Шундан кейин у озгина оқсаб юрадиган бўлиб қолди. 1924 йилда мен Нодир Бурҳон бошчилигида илк бор намойишда қатнашдим. У «Қирол Фоуд Конституцияни оддий, кераксиз қоғозга айлантирмоқчи, Саъд Зағлул халқ ҳуқуқини қаттиқ ҳимоя қилмоқда. Биз Обидийн майдонига бориб, раҳбаримизни қўллаб-қувватлашимиз керак», — деб бизни намойишга бошлади. Тарихда биринчи марта халқ ҳукумати бўлганлиги, қолаверса, бош министр ички ишларни ҳам ўзи бошқараётганлиги сабабли бизга тинч намойишга чиқишга рухсат берилганди. Ўқувчи, студент ва шаҳар аҳолисидан иборат намойишчилар Обидийн майдонига йиғилди. Биз қирол қасри эшикларини муштлаб: «Саъд ёки қўзғолон», — деб қичқира бошладик.

Узоқдан Саъднинг қирол билан учрашувга келаетганини билдирувчи хитоблар эшитила бошлади. Полициячилар қатор тизилиб, намойишчиларни четга сура-сура машинага йўл очишиди. Лекин бу йўл Саъд Зағлулни кўришга ошиқаётган одамлар сиқувида торая бошлади.

— Ҳозир Саъд Зағлулни ўз кўзимиз билан кўрамиз, — дедим Ризо Ҳамодага қувонч билан.

— Ҳа, ҳа. Бир лаҳза бўлса ҳам, — деди Ризо Ҳамода тўлқинланиб.

Тирсакларимиз билан одамларни туртиб-суртиб, полициячиларга яқинлашдик ва одамлар қуршаб олган тор йўлакдан оҳиста юриб келаётган машина-га кўзимиз тушди. Гўё бутун вужудимиз кўз бўлган-

дек машинаға қараб турдик, бироқ одамлар құршо-видә машинада ўтиб кеттеган раҳбарни күришга мұяс-сар бўлолмадик. Аламимдан йиғлаб юборишимга сал қолди.

1925 йилда ўрта мактабга ўтганимдан кейин Нодир Бурҳон ҳақида 1965 йилгача ҳеч қандай хабар эшифтадим. 1965 йилнинг қишида, Омоний хоним билан бўлган куидузги учрашувимииздан қайтиб келәтиб, йўл-йўлакай Астра қаҳвахонасиға кириб ўтдим. Тасодифан, ёнидаги стул суюнчиғига пальтосини ташлаб, бир ўзи ўтирган барваста Нодирга кўзим тушди. Орадан қирқ йил ўтганилигига қарамай, уни дарҳол танидим. Унчалик ўзгармабди. Фақат чаккасидаги соchlарига бироз оқ оралабди холос. Кулиб туриб, у билан саломлашдим. Гарчи мени танимаган бўлса ҳам, қўл бериб кўришди. Мен унга мактабдаги фаолияти ҳақида эслатган эдим, юзига табассум югуриб, ёнидан жой кўрсатди.

— Кўз тегмасин, сира ўзгармабсиз,— дедим унга.

— Бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олмаганда, умуман, уруғимиздагилар узоқ умр кўришади,— деди хурсанд ҳолда Нодир.

Мактабдош дўстларимизни эсладик. Мен унга баъзиларнинг тақдири ҳақида сўзлаб бердим. Маълум бўлишича, Нодир фақат Ризо Ҳамода тўғрисида одамлардан айрим нарсаларни эшигтан экан. Ўзи ҳақида ганириб беришини илтимос қилгандим, худди шуни кутиб тургандек бажонидил рози бўлди.

— Мен бошланғич мактабни битиргач, отам Ас-сютга ишга ўтганликлари сабабли, ўрта мактабни ўша ерда давом эттиридим. Мұҳаммад Маҳмуд ҳукумати даврида мени мактабдан ҳайдашди. Мустафо Наҳҳос даврида қайта қабул қилиндим. Йесмоил Сидқий даврида яна ҳайдалдим. Кейин унга қарши уюштирилган суиқасдда қўли бор деб гумон қилишиб, қамоққа олишди ва ўн йил муддат билан озодликдан маҳрум этишди. Бироқ Наҳҳос даврида эълон қилинган умумий афвга биноан қамоқдан муддатидан олдинроқ озод этилдим. Шунда энди ўрта мактабни тамомлай олмаслигимга кўзим етди. Бафд партияси мени Искандариядаги «ал-Жиҳод» газетасининг муҳаррири этиб тайинлади.

Нодир ниманидир ўйлаб, бир оз жим турғач, яна давом этди:

— Мустафо Наҳҳос ва Нақроший ўртасида рўй берган ихтилоф мени қаттиқ ранжитди... Ҳаётимда ҳали ҳеч нарсадан бу қадар хафа бўлмаганман. Наҳҳос раҳбарим, Нақроший эса тутинган отам. Улар ўртасида адоват бошланганда дунё кўзимга тор кўришиб кетди. Воқеалар ривожини ўзинг яхши биласан. Буларнинг ҳаммасига томошибин бўлиш жонимга тёгди. Ниҳоят, 1935 йил битими 1919 йил революциясига охириги нуқта қўйиб, кечикиб бўлса ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин, сиёсатга аралашмасликка қарор қилдим. Бу орада отам қазо қилди ва менга анча-мунча мерос қолдириб кетди. Сайид Ҷобир маҳалласида балиқ ошхонаси очдим. Шундан сўнг ишларим юришиб кетди.

— Демак, сиёсатдан узоқлашибсиз-да?

— Ҳа. 1937 йилдан бери.

Кейин Нодир қоматини ростлаб сўзида давом этди:

— Лекин сиёсатни диққат билан кузатиб бораман. Эҳтимол, ошхонасини очишдан аввал газетага югурадиган бирдан-бир балиқфуруш мен бўлсан керак. Қачон вафд сал сустлик қиласа ёки ёшлар партиядан чиқа бошласа кўнглим гашланадиган бўлиб қолган.

— Ёшликтан кейин ўз-ўзидаң кексалик бошланади. Ҳаёт қонуни бу,— дедим.

— Лекин вафд ҳаётимизда ёшлик ва уйғониш рамзи бўлди. Қани айтчи, милоддан аввалги даврдан бошлаб, то шу дамгача тарихнинг қайси босқичларида халқ вафд давридаги каби нафас олган?

Кейин кулиб туриб, яна сўзида давом этди:

— Июль революцияси содир бўлганда ўз ихтиёrim билан сиёсатдан узоқлашганим учун тангрига минг бор шукр қилдим.

— Революция амалга ошираётган шарафли ишлардан хабарингиз бўлса керак?

— Ҳақиқатни эътироф этиш марднинг иши. Лекин мен Саъд Зағул шахсиятини қоралашга уринишларини ҳеч кечиромайман.

— Сиёсатнинг ўзига хос талаблари бўлади. Менимча, Мустафо Қомилнинг Аҳмад Аробийга нисбатан муносабатини унутмагандирисиз?

— Мустафо Наҳҳоснинг дағи маросимини кўрдингми? Бу Саъд Зағул, вафд партияси ва улуғ ре-

волюцияга нисбатан халқ - муҳаббатининг самимий ифодаси бўлди.

Нодир вақти-вақти билан Қоҳирага келиб-кетиб туриши, бу ерда унинг турмушга чиққан қизи яшашини айтди. Кейин у қизидан ташқари учта ўғли борлиги, тўнғичи отаси каби балиқ ошхонасининг хўжайини эканлиги, ўртанчаси инженер ва кенжаси авиацияда хизмат қилаётганлиги ҳақида мароқ билан сўзлади:

Шундан бери қачон Йскандарияга борсам, собиқ сиёсий йўлбошчимиз ошхонасига кириб ўтишни канда қилмайман.

1969 йили Нодирни жуда маюс ҳолда кўрдим. Сабабини сўраган эдим, у:

— Утган йилнинг охирларида инженер ўғлим Канадага кетиб қолди. Шу йил қишида эса учувчи ўғлим Ватан учун олиб борилган жангда ҳалок бўлди,— деди овози титраб

## ҲИЖОР ал-МИНЁВИЙ

Асли Юқори мисрлик, талаффузида шева таъсири сезилиб турадиган, баланд бўйли, қотма, қора танли шайх Ҳижор ал-Минёвий бизга бошланғич ва ўртамактабларда араб тилидан дарс берганди. У ташқи қиёфасига сира эътибор бермас, саллани ҳам пала-партиш ўрап, устидаги чакмони эса жуббасининг рангига мос келмасди. Лекин устоз Ҳижор ўз фанини пухта билиши ва ғоят довюраклиги билан ҳурматимизни қозонганди. У ўзини катта тутмас, ҳар хил латифа ва шеърлар айтиб, дарҳол кўпчиликка аралашиб кетаверарди. Бир куни шайх Ҳижор мактаб ҳовлисида жисмоний тарбия ўқитувчиси билан «Калтакбозлик»<sup>1</sup>да куч синашиб қолди. У ўта маҳорат билан калтак ўйнатиб, ҳаммамизни қойил қолдири ва қарсаклар остида рақиби устидан ғалаба қозонди. Бир сафар Жаъфар Халил дарсга кечикиб келди ва одати бўйича ўқитувчи талаффузини калака қилиб:

— Хайрли тонг! — деди.

Ўқувчилар бараварига кулиб юборниши. Жаъфар эса ўз қилиғидан ўзи мамиун бўлди. Шайх Ҳижор

<sup>1</sup> Калтакбозлик — Юқори Мисрда миллий спорт ўйни.

унга синфга кириб, ўз жойига бориб ўтиришга рухсат бергач, доска олдига чиқариб, «хайрли тонг» иборасини тил қоидасига биноан таҳлил қилишни буюрди. Ўз-ўзидан маълумки, бу иш Жаъфарнинг қўлидан келмади. Шунда Шайх синф журналини олиб, унга «ёмон» баҳо қўйди.

— Таҳлил қилиш қийин-да,— деб аччиғланди Жаъфар.

— У ҳолда нима учун ўзинг билмаган иборани ишлатасан?— деди хотиржамлик билан устоз Ҳижор.

Ҳақиқатан ҳам у жуда ажойиб одам эди. Бошлиғи мактабда бизда фақат араб тилига муҳаббат уйғотибгина қолмай, ватанпарварлик гояларини ҳам сингдириб борди. Шайх Ҳижор қулай фурсат топди дегунича Ватан ва революция ҳақида гапирар, тарихнинг шонли саҳифаларини эслар, қаҳрамонлар тўғрисида сўзлаб берарди. Биз эса қўзларимизга ёш олиб, унинг сўзларини диққат билан эшишиб ўтирадик. Ҳижор Саъд Зағлулни авлиё, мўъжизакор сиймо деб таърифларди. Бизга унинг ажойиб ҳикояларидан Саъднинг кучли ҳимоячи бўлганлиги, маориф ва адлия министрлигидаги мавқеи, инглизларга қарши курашга даъвати, нотиқлиги ва мамлакат унга умид боғлаб турганлиги маълум бўлди.

— Саъднинг оташин нутқларидан руҳланган халқ қўлига қурол олди ва унинг номи билан революция бўлди,— дерди у.

Устоз яхши ўқийдиган ва босқинчиларга қарши курашувчи ўқувчиларнинг намунали ўқувчи деб биларди.

Биз уни яхши кўрар ва жуда ҳурмат қиласарди. Ҳижордан ватанпарварлик ва Қатъийликни ўргандик. Ана шу одам туфайли ўз тилимиз, миллатимиз ва шеъриятимизнинг қадрига етадиган бўлдик.

Ўрта мактабда ўқиб юрган кунларимизда вазият ўзгариб, инглизлар енгилишгач, улар ички душманларин қувлай бошлашди. Натижада мамлакатдаги кураш аввало партиялараро курашга айланди. Шайх Ҳижор бурунгидай сабот ва матонат билан янги курашга киришди.

— Майдонга тушдингми, ғафлатда қолма!— дерди у.— Душманлар кўпайишди, шунинг учун ҳам биз илгаригига нисбатан икки баравар ҳушёр бўлишимиз керак!

**Мұҳаммад Маҳмуд ҳукуматига қарши үтказилған**  
ва Бадр аз-Зиёдий ҳалок бўйған намойишда мактаб  
нозири шайх Ҳижорга буйруқ бериб, уни ўқувчилар  
олдида сўзга чиқишига, уларни тартибга чақириб,  
синфларга тарқалишларини сўрашга мажбур этди.  
Бу зўравонликдан ғазаби қўзиган шайх Ҳижор мин-  
барга чиқди-да, баланд овоз билан:

— Мактаб маъмурияти сизни интизомга чақир-  
моқда. Ватан эса курашга чорлайди. Бу ёғи виждо-  
нингизга ҳавола! — деди.

Нозир маориф министрига Шайх устидан шикоят  
әзиз берди. Уни ишдан ҳайдадилар. Бу гапдан хабар  
топган ўқувчилар нозир хонасига ҳужум-қилган эди-  
лар, у қочишига аранг улгурди. Нозирниң ҳаётини  
сақлаш мақсадида министрлик уни бошқа мактабга  
кўчирди.

Шайх Ҳижор вафд партияси даврида мактабни-  
мизга қайтиб келди. Лекин ҳокимият тепасига Исмоил  
Сидқий келганда яна ишдан ҳайдалди. Шундан ке-  
йин у бир қанча вақт вафднинг таниқли арбоблари-  
дан бирининг шахсий мактабида ўқитувчилик қилиб  
юрди. 1936 йили вафд партияси ҳукуматни ўз қўлига  
олганда, шайх маориф министрлигига ишга тайин-  
ланди. Унинг ишлари юришиб кетди. 1942 йилги сай-  
ловда шайх Ҳижор вафд партияси номидан ўз ном-  
зодини кўрсатди ва парламентга сайланди. 1950 йил-  
ги сайловда ҳам муваффақият қозонди.

Баъзан устозни Ризо Ҳамода уйида кўринб қолар-  
дим. Унинг ўғиллари билан ҳам ўша срда танишдим.  
Июль революциясидан кейин барча партиялар тарқа-  
тиб юборилгач, Шайх Юқори Мирсардаги ўз қишлоғига  
кетиб қолганича қайтиб кўринмади. У ҳозир ҳаётми,  
йўқми билмайман.

1952 ёки 1953 йилнинг сентябрларида Шотибий-  
даги собиқ офицерлар уйининг ёнидан ўтиб кетаётib,  
ҳовлида аскарлар ўраб турган бир гуруҳ вафдчилар-  
ни кўрдим. Ўткинчилардан кимдир улар ҳисбга оли-  
ниб, Қоҳирага жўнатилаётган вафдчилар эканлигини  
айтиди. Уларни қўриқлаб турган офицерларнинг ора-  
сида шайх Ҳижорниң ўғли Мұҳаммад Ҳижорни та-  
ниб қолдим. Үнга диққат билан қараб туриб, отасини  
эсларканман; қулогимга ўз қарама-қаршиликлари би-  
лан мавжланиб оқаётган замон оқимининг шовқини  
эштилгандек бўлди

## ВИДОД РУШДИЙ

Видод Рушдийни биринчи марта 1965 йили секретариатимизга Комиля Заҳрон олдига келганида кўрдим. У гавдали бўлса ҳам, жуда келишган, ҳусндор аёл эди. Тиниқ қўй кўзлари билан дадил боқиши яшинрин эҳтирос ва ғайри-табиий жасоратдан дарак берарди. Видод бир неча бор мен томон нигоҳ ташлаб қўйди. Чамамда, у ўттиз ёшларда эди. Чап қўлидаги никоҳ узугига қараб, оиласи эканлигини англадим. Унинг қарашлари менга тинчлик бермади, нима сабабдан менга кўп қараётганлигига қизиқдим. Амоний хоним билан алоқамиз авжиди эди. Мен қарашларининг сабабини тушунгандек бўлдим. Ниҳоят Видод билан Комиля бирга столим ёнига келишиди.

— Кечирасиз, устоз, бир масала бўйича фикрингизни билмоқчи эдик,— деди Комиля.

— Хизматингизга тайёрман.

— Дугонам Видод Рушдийнинг сизда бир-икки оғиз гапи бор экан.

Видод ўзининг салобатли гавдасига муносиб, лекин ёқимли овоз билан гап бошлади:

— Бундан беш йил муқаддам ҳуқуқшунослик факультетини тамомлагандим. Турмушга чиқдим-у, бирор ишга ўрнашолмай қолдим. Яқинда эрим бир йил муддатга Қувайтга командировкага кетди. Шунинг учун ҳам мен бекор ўтиргандан кўра ишга кирншга қарор қилдим. Сиз нима дейсиз, «Йшга жойлаш бўйича масъул муассаса»да менга ёрдам кўрсатилармикин?

— Кўрсатилмаса керак. Ўзингиз уриниб кўриниг ёки иш бўйича эълон қилинадиган конкурсларда қатнашинг.

— Бунга ишонч кам...

— Тўғри, лекин уриниб кўриш керак.

— Видод икки фарзанднинг онаси. Шунга қарамай ишламоқчи,— деб гапга аралашди Комиля.

— Турмушга чиққан барча дугоналарим ишлашибти.

— Болалар қаровсиз қолишмасмикин?

— Бу ёги бехавотир.

— Эрингиз нима дейдӣ?

— У... рози бўлади.

— Агар қўлингиздан келса, унга ёрдам берсангиз,— деди Комилия.

— Биз ахир эски қўшнилармиз-ку,— деди Видод менга маъноли боқиб.

— Ростданми?— ҳайрон бўлдим мен.

— Сиз мени эслай олмайсиз. Унда ўн ёшларда эдим. Сизларнинг маҳаллангиздан кўчиб кетаётганимизда эса ўн бешга тўлгандим. Аммо мен сизни, шунингдек, Ризо Ҳамода, Суур Абдулбоқий ва Жаъфар Халилларни яхши биламан. Суур Абдулбоқий ҳозир районимизда энг эътиборли врач ҳисобланади. Жаъфар Халилнинг ғалати ўлимини ҳамон эслайман.

— Қандай ажойиб хотиралар-а!— дедим кўнглим бўшашиб.

— Мана кўрдингизми?!— деди Комилия Видодга маъноли қараб.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Видод судбатимизнинг натижасини билиш мақсадида менга қўнғироқ қилди. Бироқ қўнғироқ фақат баҳона эканлигини сезиб, онлали бу аёл мендан нима истаркин, деб ўйланиб қолдим. Мен уни Амоний хоним ва Дуррия билан хаёлан таққослаб, ҳаяжонга тушдим. Ҳанон Мустафо ва Сафо ал-Қотиблар кўз ўнгимдан ўтди.

— Комилиянинг олдига яна келасизми?— сўрадим мен ундан.

— Сиз мени кўришни истайсизми?— деди саволимга савол билан.

— Фоятда хурсанд бўламан,— дедим ноилож.

— Нимадан?

— Сизни кўришдан.

— Идорангизда одам жуда кўп. Атрофдан фақат қоғоз ҳиди келади,— деди Видод кулиб.

Оқибатини ўйламай, ўз ихтиёrim билан тузоқ сари қадам қўйдим.

— Ундей бўлса, бошқа жойда учрашайлик.

— Майли.Faқат шарт билан.

— Қанақа шарт?

— Ёмон ниятда келмайсиз.

— Хўп бўлади.

— Шу қулоғингизда турсин!

— Сўзим сўз.

— Сизнингча энг хилват жой қаер?

— Балиқ борги.

Видод мени ҳеч кимдан тортишмай, худди эри ёки

Ўғлини кутиб олаётгандек қарши олди. Биз ки са-  
сиз йўлкалар бўйлаб айланиб юриб, бир тепалик ён-  
бағрига ўтиридик.

— Сиз, эҳтимол, шарму ҳаёни йигиштириб қўйиб,  
бегона эркак билан учрашувга келганимдан ҳайроя  
бўлаётгандирсиз-а?— сўради Видод.

— Мен ўзимни баҳти ҳис этяпман. Ҳадиксираш-  
га ўрин йўқ,— дедим эҳтиросим жўш уриб.

— Шартим эсингиздами?— табассум қилди Ви-  
дод.

— Эсимда, албатта эсимда.

— Эрига вафодор, пок аёл эканлигимни унутманг  
ва ўзингизни шунга ишонтиринг.

— Бунга заррача шубҳа йўқ. Кўриб турибман.  
Бундан ташқари сиз маҳалламиздан кетмасингиздан  
илгарироқ, енгилтаклик давридан ўтганман,— дедим  
ўзимни бир оз ноқулай сезиб.

— Уша даврларни ҳурмат билан эслашингизнн  
сўрайман.

— У даврларни ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан  
ёд оламан.

— Мен сиз билан шунчаки учрашганим йўқ,—  
деди Видод дадил кулиб.

— Шунақа денг?

— Комилия ўз ҳамкаслари ҳақида менга сўзлаб  
берган эди, номингизни эшидим-у, сиз билан ал-  
батта учрашишга қарор қилдим.

— Мақсадингиз ишга жойлашиши?

— Бунинг аҳамияти йўқ.

— Сабаб?

— Мен сизни йигирма йилдан бери биламан,—  
деди у хурсандлигини яширолмай.— Биз кенг дэв  
даражатли ҳовлида яшардик, эсингиздами?

— Ҳа, катта йўлга чиқаверишдаги кўча оғзида.

— Ўн ёшимда менга аҳамият бермасдингиз.

— Уша ўй олдидан беларво ўтарканмиз-да, аттанг...  
Ундан ташқари ўн ёш...

— Ўн ёш ҳали ҳеч нарса эмас. Лекин ўн уч, ўн  
тўрт, ўн бешга тўлдим ҳамки, сиз ҳамон беларво қо-  
лавердингиз,— деди Видод ўпкаланган оҳангда.

— Омадим келмаган экан-да.

— Ушанда менинг омадим йўқ деб ўйлагандим.

Мен аёлга бир оз ўнгайсизланиб қарадим, у эса  
менга ўйноқи кўзлари билан дадил боқиб туриб:

— Ихтиёргизни тортишга роса уриндим, лекин улдасидаң чиқолмадим,— деди.

— Буларнинг ҳаммаси худди эртакка ўхшайди.

— Эртак эмас, ҳақиқат. Ўша дамлар бедаво дард бўлиб қолди.

— Жудаям ошириб юборяпсиз,— дедим ўзимни баттар ноқулагай сезиб.

— Сираям-да. Дунёда ўша ҳақиқатга тенг кела-диган бирорта сўз топилмайди.

Бир томондан чўчиб, иккинчи томондан мафтун бўлиб, ортиқча ҳис-туйгусиз жим ўтиргандим:

— «Ёшликлда берган кўнгил айрилмас бало бўлур» деганлари рост экан-а?— деб сўраб қолди у мендан.

— Шу онда мен Ҳанон ва Сафоларни эслаб, энди бир меъёрда ураётган қалбимга қулоқ солдим ва:

— Ҳақ гапни айтдингиз,— дедим.

— Бундай нозик туйғуни мутлақо упутиб бўлмайли,— деди Видод гул-гул очилиб.

— Ҳозир бундан нима фойда?

— Ҳеч нима.

— Турмушингиздан хурсандмисиз?

— Ҳа, нонкўрлик қилмайман. Лекин менга нимадир етишмаётганга ўхшайди. Эрим яхши одам. Ҳар бир аёл орзу қиласа арзиди. Лекин, баъзан менинг ширин орзуларимга ҳамдард бўлолмайди. Шунда ўзимни ёлғиз ҳис этаман ва қалбимдаги эски дардим қўзгалади.

— Эрингиз неча ёшда?

— Қирқда.

— Айни нашъу намо пайтинглар экан-ку, нечук кўнглини ўзгани тусайди?

— Қариб қолибсиз. Имоним комилки, сиз ҳақиқий севги нималигини билмас экансиз,— деди Видод ранжиб.

«Қизиқ, ҳозир Сафо қаерда экан-а? Ҳаётмикин? Бизлар тўсатдан учрашиб қолсак, орамизда шу хилдаги суҳбат бўлармиди?!»— деган фикр хаёлимдан кечди.

— Кечирасиз, тўғри сўзлигим ёқмади шекилли. Бироқ мени ҳам тушунишингиз, туйғуларимни ҳурмат қилишингиз керак,— деди Видод хатосини тўғриламоқчи бўлиб.

— Аксинча, түйғуларингизни чин дилдан ҳурмат қиласман.

— Илтифотингиз учун ташаккур. Аранг тикланган алоқаларимиз узилиб қолмаслигини истайман, сизга малол келмайдими?

— Бу таклифни бажонидил қабул қиласман.

— Беҳуда маломатга қолмаслик учун, келинг, ҳозирча фақат телефон орқали гаплашиб турайлик.

— Ихтиёрингиз.

— Сизни жуда ҳам кўргим келиб қолса бирор жойда маҳфий учрашармиз.

— Майли.

Ана шу учрашувдан сўнг гўё онадан қайта туғилгандай бўлдим. Видод — ҳаётимдаги ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким кўрмаган ва кўролмайдиган бир хилқат, борлиғимнинг ажралмас бўлиб қолди.

## ЯСРИЯ БАШИР

Бу ном мени болалик йилларим, Байт ал-Қози майдони, шохларига чумчуклар ин қуриб ташлаган ҳурмо дарахтлари сари чорлайди. Ӯшанда мен етти ёки саккиз ёшларда бўлиб, Қирмиз маҳалласидаги нишаб, тор асфальт йўлга ён деразамиздан қараб ўтиришни яхши кўрардим. Шу йўлнинг муюлишида Баширлар оиласи истиқомат қиласди. Кечқурунлари шайх Башпр эшник ёнида тасбеҳ ўгириб ўтиради. Унинг нуроний чехраси, оппоқ салласи, қимматбаҳо жубба ва яктаги худли атрофга нур сочиб тургандек тюларди. Шайх Байт ал-Қози майдонидан Миср клуби томон йўл олди дегунча уйинини деразаси олдида Ясрия пайдо бўларди. Ӯшанда у ўн олти ёшда бўлиб, чиройли, қувноқ, ойдай юзига тим қора соchlари жуда ярашиб турарди. У мени майни овоз билан чақирап, узоқ туриб, имо-ишоралар билан ҳазиллашар, мен эса ошиқ каби курсанд ва мамнун бўлиб унга қараб турардим. Ясриянинг мулойим боқишлири ва тўлин ойдек юзига маҳлиё бўлиб қолишим илк, беғубор муҳаббатдан далолат бўлса керак. Ясрия қариндошим ҳам тенгдошим ҳам эмасди. Менга у на ўйинчоқ ва на ширинлик ҳадя этгани эди. Фақат сулув чехрасидаги табассумини тортиқ қиласди холос. Кўпинча Ясрия мени ўйига олиб киришга ҳаракат қиласди. Кўчага чиқишим биланоқ қаердан-

дир хизматкор қиз пайдо булади-да, йиглашим, оёқларимни типирчилатиб қаршилик күрсгешимга қарамай, мени даст күтариб, Ясрияниң олдига олиб киради.

Бир куни қаттиқ ёмғир ёға бошлади. Мен дераза ёнида күчадаги ариқча-ариқча ёмғир суви эски үрага бориб қуюлишини томоша қилиб турардим. Тезда ер сатҳи сув билан қопланиб, Қирмиз күчасида пиёда ўтиб бўлмайдиган катта ариқ пайдо бўлди. Шовуллаб ёғаётган ёмғир пардаси ортидан мени имлаётган Ясрияга кўзим тушди. Хаёлимга бир фикр келди-да, ҳеч кимга билдирамай томга чиқдим. У ердан кир ювадиган мис тогора ва дастаси узун супургини олиб, кўчага югурдим. Тогорани сувга қўйиб, ичига тушдим ва супургини эшкак қилиб, Баширлар уйи томон йўналдим. Мени қарши олишга тайёр турган хизматкор қиз сувга тушишга қўрқди. Мен Баширларниң тимсоҳ тулуми қоқилган эшиги олдида тогорадан тушиб, ичкари кирдим. Ясрия мени зинапояда кутиб олиб, хонасига бошлаб кирди. Қейин мени қаршисига, туркий диванга ўтқазиб қўйди-да, ипакдек мулойим қўллари билан сочимни оҳиста силай бошлади. Мен унинг юзидан кўз узолмасдим. Шубҳасиз, кийимларим шалаббо бўлиб кетган бўлса ҳам унинг момиқ қўллари орасида ором олардим.

Ясрия мени зериктирмаслик учун қўлини қўлига олди-да, кафтигма қараб туриб:

— Ҳозир толеингдан фол очаман,—дели ва кафтимниң чизиқларига қараб туриб, келажагимни айтиб бера бошлади. Мен эса унинг ёқимли чеҳрасига қараб тўймасдим.

## МУНДАРИЖА

Кириш сўзи . . . . .	3	Таҳо Анон . . . . .	144
Иброҳим Ақл . . . . .	7	Абдураҳмон Шаъбон . . . . .	147
Аҳмад Қадрий . . . . .	17	Абдулваҳоб Исмоил . . . . .	153
Амоний хоним . . . . .	25	Абда Сулаймон . . . . .	157
Анвар ал-Ҳилвоний . . . . .	33	Ажлон Собит . . . . .	162
Бадр аз-Зиёдий . . . . .	35	Адлий Баракот . . . . .	165
Билол Абду Басюний . . . . .	37	Азмий Шокир . . . . .	172
Сурайё Раъфат . . . . .	42	Азиза Абду . . . . .	175
Жодд Абу ал-Уло . . . . .	47	Ашмовий Жалол . . . . .	178
Жаъфар Ҳалил . . . . .	51	Аббос Фавзий . . . . .	180
Ҳанон Мустафо . . . . .	56	Адлий ал-Муаззин . . . . .	186
Ҳалил Закий . . . . .	62	Исом ал-Ҳамловий . . . . .	191
Заҳрон Ҳассуна . . . . .	81	Ийд Мансур . . . . .	194
Дуррия Солим . . . . .	66	Ғоним Ҳофиз . . . . .	198
Ризо Ҳамода . . . . .	71	Фоиза Нассор . . . . .	200
Сабо Рамзий . . . . .	89	Фатҳий Анис . . . . .	203
Солим Жабр . . . . .	91	Қадрий Ризқ . . . . .	206
Сурур Абдулбоқий . . . . .	98	Комил Рамзий . . . . .	211
Суод Вахбо . . . . .	102	Комилия Заҳрон . . . . .	215
Сайид Шаир . . . . .	106	Моҳир Абдулкарим . . . . .	218
Шарора ан-Наҳҷол . . . . .	112	Маҳмуд Дарвеш . . . . .	224
Шаъровий ал-Фаҳҳом . . . . .	119	Мажида Абдураззоқ . . . . .	227
Содиқ Абдулҳамид . . . . .	123	Нодир Нурҳон . . . . .	234
Сафо ал-Қотиб . . . . .	133	Ножий Маркус . . . . .	230
Сакр ал-Мануфий . . . . .	137	Ҳижор ал-Минёвий . . . . .	238
Сабрия ал-Ҳищма . . . . .	139	Видод Рушдий . . . . .	241
Сабрий Жодд . . . . .	128	Ясрия Башир . . . . .	245
Тантовий Исмоил . . . . .	141		

НАЖИБ МАХФУЗ

**ЗЕРКАЛА**

Роман

*На узбекском языке*

Перевод сделан с арабского языка  
Нажиб Махфуз, «Зеркала», Каир, 1972 г.

Перевод с арабского языка М. ХОДЖАЕВА

Редакторы М. ТАШКУЗИЕВА, Х. ИРГАШЕВ

Художник Т. САЛЬДУЛЛАЕВ

Худ. редактор Л. ЛИГАЙ

Техн. редактор С. МАНСУРОВ

Корректор Д. ХОДЖИЕВА

ИБ № 12048.

Босмахонага берилди 22.04.82. Босишига руҳсат этилди 12.08.82.  
Формати 84x108/33. Босмахона көғози №1. Адабий гарнитура.  
Юқори босма. Шартли босма л. 13,02. Нашр. л. 13,62 Тиражи  
30000. Заказ 4090. Баҳоси й.с. 50 т. Нашр. № 30111.

«Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими. Тошкент, 700129,  
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлиб  
чиқариш бирлашмасининг Полиграфия комбинати. Тошкент, 700129  
Навоний кўчаси, 30.